



# Ёшларнинг адабий, ижтимоий жўрнали



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг  
иккинчи котиби Муқимжон Қирғизбоев.

Бош муҳаррир:

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Гаффор ҲОТАМ

Абдулла ОРИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Жамоатчилик кенгаши:

Одил ЕҲУБОВ  
ШУКРУЛЛО  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Абдул Ғани ЖУМА  
Алишер ИБОДИНОВ  
Абдусайд КҲЧИМОВ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Тўра МИРЗО  
Носир МУҲАММАД —  
бош муҳаррир ўринбосари  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Тўхтамурод РУСТАМ —  
масъул котиб  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Собир ҲНАР —  
бош муҳаррир ўринбосари  
Усмон ҚҲЧҚОР  
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Жамол ҚАМОЛ  
Темур ХИДИРОВ  
Беғижон РАҲМОНОВ  
Акмал САИДОВ  
Адҳамжон ОРЗИМАТОВ  
Файзуллохон АКРАМОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Ҳамроқул АСҚАР  
Тошпўлат АҲМЕДОВ  
Келдиёр ИСРОИЛОВ  
Эркин ЙҲЛДОШЕВ  
Темурхон МУХТОРОВ  
Эркин НАЗАР  
Убайдулло ОМОНОВ  
Тождин РАЗЗОҚ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Рустам ХУДОЙҚҲЛ  
Абдуқодир ЭРҒАШЕВ  
Тоҳир ҚАХҲОР  
Ҳабибулло САИД ҒАНИ

# Мундарижа

## Наср

Тоғай МУРОД. Отамдан қолган далалар. Роман . . . . .	17
Саид АХМАД. «Қилмаган ишим қолмаган». Жажжи дарслик . . . . .	6

## Назм

Абдул ЖАЛИЛ. Еруғ тушлар кўрдим. Шеърлар . . . . .	4
Асқар МАҲКАМ. Ишқ бу фано мақомидур. Шеър . . . . .	14
Ҳабибулло САИД ҒАНИ. Алишер Навоий газалига мухаммаслар . . . . .	15
Вафо ФАЙЗУЛЛО. Яшил байроқлар. Шеърлар . . . . .	52
Ҳилола ИСМАТОВА. Гоҳ дейсан мухаббат, гоҳида ҳижрон . . . . .	61
Хорижда ўзбек адабиёти. БУЛОҚБОШИ . . . . .	16

## Мақоланавислик

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ. Баҳор сеникидир, яйрагил, эй жон . . . . .	2
Собир СУЛАЙМОН УҒЛИ. Нақадар бешафқат бу ҳаёт . . . . .	12
Тоҳира ШЕРМАТОВА. Ишсиз қолдим . . . . .	13
«Қалбимда ишқ эмас, илон бор эмиш...» . . . . .	54
Маннон НАБИЕВ. Одамхўр дарахтлар . . . . .	57
Искандар ҚАРОМОВ. Яра кетса, доғи қолади . . . . .	58
Олимжон ЖАЛИЛОВ. Тенгини топиш имтиҳони . . . . .	58
Исомиддин ОЛТИНОВ. Маъсумадан талабага . . . . .	59
Бектемир ПИРНАФАСОВ. Очиқроқ айтолганимда . . . . .	60
Маҳкам МАХМУД. «Жодугар» қасоси . . . . .	62
Маҳфуза ЗАЙНИДДИНОВА. Дунёлардан рашк қилдим сени . . . . .	64

## Қақнус

Уктам МУҲАММАД МУРОД. Чимилдиқ сирлари . . . . .	66
Тибет марҳумлар китоби . . . . .	68
Гиннеснинг рекордлар китоби . . . . .	70
Мюллер Штирлицни доғда қолдирган . . . . .	72
Келаётган ой қандай кечади? Буржий мучал . . . . .	74
«Сенсиз, сенинг севгингиз...» . . . . .	76
Тўхтамурод РУСТАМ. Рембо урушдан қайтди . . . . .	77

## Муассислар:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси  
Марказий Кенгаши,  
Ёшлар Иттифоқи  
Марказий Қўмитаси,  
Ёзувчилар уюшмаси

Мусаввир: А. Калонов  
Мусаҳҳих: М. Турсунова

Манзилимиз: 700017, Тошкент,  
Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 33-06-63  
Масъул котиб — 33-39-79  
Наср ва назм бўлими — 32-27-56

Босмахонага 13.01.93 й. да топширилди.  
Босишга 1.03.93 й. да рухсат берилди.  
Қоғоз формати 60×84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>.  
Шартли босма табоқ — 8,4  
Наширёт ҳисоб босма табоғи — 12,1  
44377 нусхада чоп этилади.  
Буюртма № 1550

Жўрналдан кўчириб босилганда  
«Ёшлик»дан олинди, деб  
изоҳланиши шарт.  
Баҳоси 40 сўм.

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси  
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик  
консернининг босмахонаси.

128/129 феврал — март  
1982 йилдан чиқа бошлаган

© «Ёшлик» № 2—3, 1993



Муқимжон Қирғизбоев

## БАҲОР СЕНИКИДИР, ЯЙРАГИЛ, ЭЙ ЖОН...

Инсон боласи яралганидан буён хайрли бир из қолдириш истагида ёнади. Агар сиз тарих қатларига назар солсангиз, миллатини шарафга буркаган ёрқин сиймолар билан бир қаторда милён-милён кишиларнинг умрини поймол этган зобитлар исму шарифи ҳам қайд этиб қўйилганлигига шохид бўласиз.

Одамзод яшаб ўтар экан, ҳеч бўлмаса, ўзидан бир зурриёд қолдиришни, чироғи тоабод ёниб туришини истади, агар бу саодат унга насиб этмаса, ниҳол экади у, боғ яратади, аммо муҳими, умид билан суқилган шу таёқнинг бир кун келиб япроқ ёзиши, ҳосил беришидадир.

Моддий оламга шу нуқтаи назардан қаралса агар, асрга татигули мўъжизалар тўқсонинчи йилларда содир бўлди, не бахтки, унга сизу биз шохид бўлиб турибмиз. Жиллақурса, яқин ўтмишга бир назар ташланг, ер юзида турли инқилобий ўзгаришлар туфайли яқин-яқингача қанча одамларнинг ёстиғи қуриди, қанча қурбонлар берилди. Улар ҳам ҳаётни чин дилдан севган, миллат ва Ватанни жонидан азиз билган кишилар эди. Зеро, инсоният тарихида ўз истиқболига интилган бирон-бир халқ йўқки, курашчан, азиз дилбандларидан жудо бўлмаган бўлса!

Толғин ва ёлғиз қолган оғларда гоҳо ўйга толасан киши: агар Қодирий шу кунларга етиб келганида қувончдан не кўйга тушар эди? Фитрат-чи? Абдулхамид Чўлпон-чи?!

Биз қисматнинг беаёв тўфонларига дучор бўлиб, кўнлаб талофатларга гирифтор бўлган, бироқ тарихнинг энг қаро кунларида ҳам ўзини, ўзлигини, умидини йўқотмаган халқмиз. Шунинг учун ҳам унинг шоирлари ички бир гурур билан айтиб кетганки:

Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,  
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...

Мен гоҳо ҳар кун, ҳар лаҳза дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган манфаатлар тўқнашуви, шунинг оқибатида хазон бўлаётган умрлар ҳақида ўйга толаман, майли, қон тўкилаётган ўша манзиллардаги битмас жароҳатлар ҳақида баҳс этмай қўя қолайлик, аммо қилич ялонғочлаб кириб келаётган қорли-қировли кунларда шўрлик халқнинг аҳволи не кечади энди?

Шундай пайтлар экин-тикинни ризқ-рўзи деб биладиган, бола-чақамга энгил-бош, дастурхонимга бир неъмат бўлади шу, деб кечаю кундуз риёзат чекадиган, шоир айтгани каби, кетмоннинг дастасини ерга қадаб қўйиб, шуни ўстиришга қодир бўлган оддий ва заҳматкаш кишиларни бошга кўтаргим келади. Халқи шундай заҳматкаш мамлакат ҳеч қачон хор бўлмайди.

Агар биз ўтмишга назар солсак, энг эзгу ва теран режалар ҳам ўз-ўзидан барбод бўлиб кетганлигига, аксар ҳолларда эса бу катта талофат келтирганлигига гувоҳ бўламиз. Бунга сабаб ўша таълимот соҳибининг ижрочилик маҳорати такомил топмаганлигидир. Истиқлолга эришиш умидида ҳеч ким аввал бошдан фирқа ёки халқ ҳаракати тuzгани йўқ эди, ҳеч ким яширин ҳаракат қилган ҳам эмас. Ахир, ҳақиқатни рўй-рост айтиш керакку: бу неъмат даврининг ва шахснинг уйғун ҳаракати ҳосиласидир.

Яқинда мен Ўрусия фуқаросидан шундай мазмунда бир мактуб олдим: агар низомга хилоф бўлмаса, фирқа аъзолигига қабул этсангизлар. Бунга сабаб — узоқ йиллар юртингизда истиқомат қил-

ганман, бу элни севаман, тақдир тақозосига кўра киндик қоним тўкилган заминга қайтиб келгач, инсоний муносабатларни кўриб, Ўзбекистонга меҳрим янада ошиб кетди. Майли, менинг аъзолик бадалим шу юртда тинч-тотув яшаётган, бир-бирига елкадош туриб, ёруғ манзил сари бораётган некбин ниятли кишилар эҳтиёжига сарф бўлсин!..

Биз ўша хорижий фуқаро эҳтиромига сазовор бўлайлик, дея атай бир ҳаракат қилганимиз йўқ. Аммо сир эмас, ўзгалар дилида муҳаббат уйғотиш учун озмунча нарса талаб этилмайди.

Ҳар қандай таълимот эзгулик уруғини сочсагина абадий яшайди. Тарихнинг бурилиш нуқталарида пўртана нималарни юзага чиқармайди дейсиз, муҳими — миллатнинг ёруғ манзиллар сари қилажак сафарларида унинг оғирини енгил қилиш, халққа доимий йўлдош бўлишдир. Бизнинг ҳар биримиз, хусусан, ёшлар шу мақсад теварагида жипслашиши ҳам фарз, ҳам қарз. Ёшлиқ шуни си билан жозибалики, унинг келажаги бор ҳали. Ёшларимизнинг эртанги куни — орзу-умиди, муҳаббати, интилиши, маънавияти ва тафаккур тарзи она Ватаннинг қиёфасини белгилаб беради.

Ҳаёт бу гулга бурканган чаман эмаски, риёзат чекилмаса. Хаёлдагина инсон имкондан ташқаридаги нарсаларга эришиши мумкин, амалда эса бунинг барчаси фақат заҳмат чекиб, яқдил, ҳамжихат, елкадош бўлиб, минг машаққат билан босқич-ма-босқич қўлга киритилади. Яшамок — мақсад сари интилмоқ, демакдир. Ҳаётнинг файзи ва борки шукуҳи шунда мужжасам.

Биз бундан бир неча йил илгари, дейлик, истиқлол арафасида ҳам туман чўккан дарада кетаётган йўловчи аҳволида эдик, бугун йўлимиз ойдинлашди, юртимиз осойиши, кўнгиллар осойиши шундан далолат эмасми!

Рост, қийинчилик туғилиб турибди: кимлардир ишсиз қолмоқда, пулнинг қадри кун сайин тушаётир, камдаромад оилалар, болалар давлат муҳофазасига эҳтиёж сезмоқда. Турмуш ташвишларига ҳеч биримиз беътибор қараб турганимиз йўқ. Дейлик, Андижон шаҳар фирқа кенгаши юзлаб камхарж оилаларга беш юз кило чойни, минг кило гўштни, тўрт минг кило гуручни текин тарқатди.

шу тарздаги амалий ишлар бўлак вилоятларда ҳам қилинаётир. Марказий Кенгаш бозор иқтисодиётига ўтиш даврида болаларни муҳофаза қилиш ҳамда камдаромад оилаларни давлат ҳимоясига олиш ҳақида қонунлар лойиҳасини тайёрлади ва уни кўриб чиқиш учун Республика Олий Кенгашига ҳавола этди. Зеро, Президентимиз таъкидлагани каби: «Ўз камолотининг шу қадар оғир, масъулиятли даврида ўз аҳолисини ҳимоя қила олмайдиган давлатни инсонпарвар давлат деб бўлмайди».

Оталардан мана шу Ватан бизга мерос қолди, унинг яралари оз эмас, муаммолари оз эмас, аммо қувонч шундаки, илк қадам хайрли бўлди. Навбатдаги вазифа — уни танимоқдан, демакки, ўзликни англамоқдан иборат. Биз она Ватанни нечоғлик буюк муҳаббат билан севсақ, уни шунчалик меҳр билан оқ ювиб, оқ тараймиз. Болаларимизга, уни жаннатий чирой билан топшириш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг, у бош бўлган партиянинг мақсади ҳам, вазифаси ҳам шундан иборат.

---

Муқимжон Қирғизбоев 1948 йилда туғилган. Андижон педагогика институтининг тарих куллийетини битирган. Сўнгра шу институтда ўқитувчи, тарих кафедраси мудири бўлиб ишлаган. Тарих фанлари номзоди, дотсент.

1991-92 йилларда Халқ демократик партияси Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби лавозимида хизмат қилган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котибидир.

*Ҳар тунинг қадр йлубон,*

*Ҳар кунинг ўлсин наврўз.*

**АЛИШЕР НАВОИЙ**

Абдул Жалил



## ЁРУҒ ТУШЛАР

### КЎРДИМ...

«Мангулик муҳри бор...» туркумидан

Абдул Жалил. 1960 йил Самарқанд вилояти, Тайлоқ туманида туғилган. ТошДД журналистика факултетини битирган. «Ҳоргин водий» (1989); «Ғам чўгининг япроғи» (1992) китобларининг муаллифи. Унинг шеърлари ўзгача бир самимият, янгича нозик кузатишлар ва айни чоқда, тоза анъанавий бўёқларга бойлиги билан эътиборингизни тортади.



#### Муаллиф дейдики:

Мангулик муҳри бор мўъжизаларда... Одам боласи ҳар қадамда ўзи билган, билмаган мўъжизаларга дуч келади. Қолаверса, ҳар бир инсон — алоҳида бир такрорланмас мўъжиза. Бизни ўраб турган мўъжизалар моҳиятини тўғри англашга уринган, улардан покиза дил билан ҳайратлана билганлар нақадар бахтиёр одамлардир. Ушбу манзумалар эса Исломининг илк даврларида Муҳаммад Алайҳиссалом кўрсатган мўъжизалар мавзусида битилди. Буларни ёзишда Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадий» китоби мутолааси каминага катта илҳом бағишлади. Ул буюк устозга Оллоҳдан ғойибона раҳматлар тилайман.

### Ясрибга сафар

*Ун икки кун йўл юрдик,  
Синадик дил сабрини.  
Тавоф этдик Абдуллоҳ  
Отамизнинг қабрини.*

*Хайр энди, онамга  
Қабилдош оғалар!  
Биз Маккага қайтурмиз,  
Омон қолинг, тоғалар!*

*Умму Айман, қани, йўл  
Бошла, кўрсат фидолик.  
Абво остонасида  
Кутар қайғу — жудолик...*

*Қазо бўлмиш бизга сир,  
Қисматданму тонамиз?  
Жаннат пойингиздадир  
Оминажон онамиз!*

*Чўқар тоғлар, тўзир қум,  
Тақдир — манғу чигал ип.  
Ассалому алайкум,  
Ҳазрат Абдул Муталлиб...*

*Қуёш юзли бобом-эй,  
Шошилдингиз қаёна?  
(Отам, онам, ортидан  
Бўлдингизму равона?)*

*Тузибсиз катта карвон  
Абу Толиб амаки!  
Бунда менга меҳрибон  
(издан ўзга яна ким?)*

*— Ажаб, чўзибсан-ку бўй  
Мисли кўклам лоласи!  
Юрагимни эзма, қўй,  
Ў, оғамнинг боласи...*

Кўзёш тўкиб икковлон  
Оқ туяга мингашиди:  
Бошларига соябон —  
Оппоқ булут энгашиди...

## Шомга сафар

Ҳазрати Хадича ният қилдилар —  
Карвонга бош бўлсин Аминус-содиқ.  
Абу Бакр Сиддиқ бирга жилдилар,  
Дедилар: Кўрғаймиз не бўлса ёзиқ...

Йилларким, йўлга кўз тикмиш роҳиб ҳам  
Боқди — яқинлашар карвон қораси.  
У, бунчалар яқин, бунча мустақкам  
Замонлар, инсонлар, динлар ораси!

Карвон келмаганди асли юк ортиб,  
У кўчган тош эрди — илоҳий издан.  
Роҳиб Майсарани бир четга тортиб  
Кўп сирлар сўйлади Расулумиздан.

Карвон туриб қолди. Бўлмас, начора,  
Юраклари қора қавм кутгани —  
Оллоҳ амри ила иккинчи бора  
Шомга кирмай қайтди четлаб фитнани.

Ҳазрати Хадича кузатди томдан.  
Йўл устида бўлмиш аҳли Макка жим.  
Оққушлар қаноти остиди Шомдан  
Қайтиб келар эди Расули акрам.

Бу фаришта аёл худди шу кун  
Қисмати танаб олмишди аён.  
Асли мен ожизга йўл бўлсин бун  
Майсара қул каби этмоғлик баён...

## Тушлар

Ёруғ тушлар кўрдим. Фалакда  
Балққан офтоб мисоли ёруғ.  
Недур? Билмай жоним ҳалакда,  
Кимдур? Бунча висоли ёруғ?

Ғойибданму келар муждалар,  
Қанотида асрлар чанги.  
Тинмай маънос кўнглимни чалар  
Қувонч ранги — қайғу жаранги.

Олти ойким, нури ҳидоят  
Тўқилмоғин кутдим хилватда.  
Иноятли Раббим ниҳоят  
Огоҳ этди олис хилқатдан.

Ибтидою қиёмат қоим  
Аро елаверди тушларим.  
Ва Оллоҳга шукр, ҳар доим  
Унгдан келаверди тушларим...

## Ирзо қурти

Қурайш раислари бир аҳд туздилар.  
Емонликда тенги топилмас бир аҳд.  
Тасдиқлашиб,

ҳеч ким бузоғмасин деб  
Байтуллоҳ ичига осидилар шаҳд.

Уч йил Бани Ҳошим, Бани Муталлиб  
Қолди оғир азоб, ҳақоратларга.  
Яратганининг йўли шунақа экан —

Бой экан синовга, синоватларга.

Абу Толиб жилғасида ёнди мушфиқлар,  
Бағритош касларнинг завқи қонмайди,  
Лекин имон топган, шаҳодат айтган  
Ҳеч мўмин ҳақиқат, Ҳақдан толмади.

Қурайш раислари бир аҳд буздилар,  
Емонликда тенги топилмас бир аҳд.  
Сирлашиб,

бирлашиб қилдилар бекор,  
Фақат Абу Жаҳл кўнмади, бадбахт.

Тўсқин турди, ғавғо қилишга мойил,  
Шунда хабар берди Ҳазрат Жаброил,  
Пайгамбар ҳам аста билдириб қўйди:  
«Аҳдногани Ирзо қурти еб қўйди...»

Байтуллоҳ қопқасин очдилар шошиб,  
Кўрдию кўп ҳайрон қотди-ку барча:  
Бутун аҳдномадан қолмишдир фақат  
«Висмикаллоҳумма...» ёзилган парчи.

## Шоир Аъшо воқеаси

Тухфа олиб чиққан эрдинг Ямомадин,  
Макка сари чекиб сафар даромадин.

Аҳли Қурайш қолди нечун таҳликада?  
Қулоқ тутмас ҳатто назм шавқига-да...

Ғулғулага солиб ишрат талабларни,  
Шунча қаттиқ кўзғармидинг арабларни?

Йўлингда то туриб олди Абу Суфён,  
Дилингда от суриб қолди қабиҳ исён.

Абу Суфён дағдагага устаку-я,  
Бироқ сенга ҳадя қилди юзта туя.

Юзта туя — ўйноқлаган, қизил туклик,  
Карвон туздинг, ў, бунчалар оғир юклик...

Юзта туя сени чоҳдан қутқарарму —  
Қиёматнинг кўпригидан ўтқарарму?

Гарчи битган эдинг ашъор — Расул васфин.  
Лекин, эвоҳ, истамадинг анинг васлин.

## Ракона

Елкиси ер кўрмаганди Рақонанинг,  
Топилмасди наҳлавонлар ичра тенги.  
Ҳасратидан чўкди охир майдон анинг —  
Иқди уни мўминларнинг бағрикенги.

Икковлон куч синашганда иккинчи бор  
Енгилдию боқди титраб у ён, бу ён.  
Ҳеч кимни тан олмас полвон қолди ночор  
Мисли арслон қаршисида ҳуркак қуён.

Худодан қўрқ, сўзимга кир, деди Расул.  
Бул не ажаб ишдур, дея қолди қарат.  
Бир оғочни аста чорлаб эди Расул,  
Ерни ёриб келди, таъзим қилди дарат.

Ракона, сен буларни зўр сеҳр билдинг,  
Юрак боғлаб эдингми базму айшларга?  
На тафаккур ва на андак меҳр қилдинг —  
Ҳақиқатни сўзламадинг қурайшларга.

Наҳлавонлар ичра гарчи яғонасан,  
Фақат имон қудратидан бегонасан...

## ЖАЖЖИ ДАРСЛИК

САИД  
АҲМАДАдиб ҳақида  
қисқача маълумот

1920 йилнинг 10 июнида Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида таҳсил олган.

«Еш ленинчи» газетасида адабий котиб, республика радиосида муҳаррир, «Қизил Ўзбекистон»да фельетончи, «Муштум», «Шарқ юлдузи» журналларида бўлим мудир, Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи бўлиб ишлаган.

«Тортиқ» деб номланган дастлабки тўплами 1940 йили чоп этилган. Шундан буён адибнинг элликдан зиёд китоби нашрдан чиқди:

- «Эр юрак» — 1942;
- «Фаргона ҳикоялари — 1948;
- «Қадрдон далалар» — 1949;
- «Хукм» — 1959;
- «Чўл бургути» — 1960;
- «Ойдин кечалар» — 1961;
- «Онажонлар» — 1962;
- «Хазина» — 1963;
- «Уфқ» — 1964;
- «Қирқ беш кун» — 1975;
- «Назм чорраҳасида» — 1982;
- «Жимжитлик» — 1989;
- «Собиқ ўғри» — 1992 йил.

У драматург сифатида ҳам машҳур. Асарлари қатор хорижий тилларга таржима қилинган.

1978 йил «Уфқ» трилогияси учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлган.

У Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

## ҚИЛМАГАН ИШИМ ҚОЛМАГАН...

Мен Тошкентнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида 1920 йилнинг 10 июнь куни туғилганман.

Дадамнинг дадаси Дадахўжабой Тошкентнинг энг катта бойларидан бўлган. У бойлигининг кўччилик қисмини юрт ободонлигига, ўзбек ёшларини ўқитишга сарфлаган.

Онам Зулфияхон саводли, хусни хати чиройли аёл эдилар. Фузулий, Хувайдо, Машраб ғазалларидан ўқирдилар. У кишига негадир Хувайдо ғазаллари кўпроқ ёқарди. Хувайдо бу ғазалларини худонинг жамолига ошиқ бўлиб битган, деб айтардилар.

Бу китобларнинг ҳаммасини 1950 йилнинг 10 май куни мени қамоққа олганларида Мансуров деган МГБ полковниги йиғиштириб кетганди. Онам йиғлаб-йиғлаб, болам, Қаломи Оллога тегманг, унда дадамнинг муҳрлари бор, деб ёлборганларидан кейин Қуръонни ташлаб кетганди.

Дадам Хусанхўжа Дадахўжа ўғли рус тилини мукамал биларди. Русча хатни мутлақо бехато ёзарди. Ҳатто ўрислар ҳам хат ёзсалар дадамга бир кўрсатиб олардилар.

Дадам машҳур педагог олим Исмоилбек Гаспринский билан яқин дўст бўлган экан. Дадахўжабой рус-тузем мактабларини очганда, у билан кўп маслаҳатлашган экан.

Дадам инқилобдан кейин турли Шўро идораларида ишлади. Жумхурият озиқ-овқат комитети раисига ўринбосар бўлди. Марказ Самарқандга кўчганда бир этак болани кимга ташлаб кетаман, деб Тошкентда қолди. Тошкентдаги паровоз-вагон ремонт заводи директорига муовин бўлиб ишлади. Муовиннинг вазифаси маҳаллий ишчилар билан ўрис инженер-техниклар ўртасида таржимонлик қилиш, уларга рус тилида аризалар ёзиб бериш: директор, бож инженер билан маҳаллий ишчилар ўртасида воситачилик қилиш эди.

Ташқари ҳовлимиздаги меҳмонхонада Бўстонлик томондан кўчиб келган Мирмашриқ Юнусов деган киши турарди. Элбек деган машҳур шоир шу киши эди. Жума кунлари унинг олдига Абдулла Қодирий, Ғулум Зафарий, Ғози Юнус, Ғафур Ғулум, Ойбек, Хуршид, Комил Алиев, Тавалло, Хислат, Маннон Уйгур, Наби Ғани деган ижодкорлар, расом Исқандар Икромлар келиб туришарди. Адабиёт, дунё ишлари тўғрисида узоқ-узоқ гаплашишарди. Мен уларга чой таширдим. Бизниқидан граммафон ошчиқиб Ҳамроқул қори, Ҳожи Абдул Азиз, Тўйчи хофизларнинг пластинкаларини кўйиб эшитиларди. Уша пайтда Тошкентда фақат икки кишининг уйда граммафон бўлган. Бирини Илҳом самоварчи деган кишиникида, бири бизникида.

Дадам овга қизикарди. Жуда яхши овчи эди. Уйимизда икки-учта қўш оғиз милтиқ бўларди. Ҳозирги Чилонзор Оқтепасидан сал нари юрилса, Қангли деган мавзе бўларди. Атрофи тўқайзор эди. Дадам куз пайтларида эрталаб милтигини елкага ташлаб чиқиб кетиб, кечкурун бир қоп қирғовул, ўрдақ уриб келарди.

Дадам йигирманчи йилларнинг охирида Чорсу кўприги тепасидаги овчилар дўқонига мудир бўлганди. Уттизинчи йилда Тошкентда сув тошқини бўлган. Дўқонни сув босмасин, деб кечаси милтиқларни, тўппонча, ўқ дорилари бир теналикка ташиб чиқаришган. Ушанда тўрт-бешта милтиқ, билмадим, нечтаям тўппонча йўқолган. Бунинг учун дадамини қамаб, тўрт ойдан кейин кўйиб юборишган.

1938 йилнинг эрта баҳорида дадамини НКВД қамоққа олиб кетди. Мен ўшанда унинг кўрпа-тўшагини кўча бошигача кўтаришиб чиққандим. Ана шундан кейин дадамини кўрмадим. Унинг тергов пайтида қафо қилганини йигирма икки йил ўтгандан кейингина билдим.

Бутун умрим халқ душманининг ўғли, деган таъна билан ўтди. Мени пионерликка ҳам, комсомолликка ҳам, партиёга ҳам олишмади.

Катта акам Имомхон Хусанхўжаев олтиш йил олий мактабларда педагогикадан дарс берди. Уттиздан ортиқ дарслик ва қўлланма китоблари босилиб чиқди. «Навойнинг педагогик қарашлари» мавзуида кандидатлик диссертациясини ёқлади. У 1926 йилда ўзбек стенография ёзувини ижод қилди. Махсус курс очиб, стенографлар тайёрлади. Шу курсни битириб чиққан ўртанча Зухриддин акам билан Аҳмад Шораҳмедов («Ота» романининг авторларидан бири) то уруш бошлангунга қадар бўлган жами қурултой ва кенгашлардаги докладларни, нутқларни ёзиб олишган. Ўзбекистоннинг ўн беш йиллик ҳужжатли йилномасини шу икки киши яратган, десам хато бўлмайди.

Зухриддин акам эллик йилдан ортиқ Тошкент ирригация институтида сув иншоатлари қурилишидан дарс берди. Унинг йигирмага яқин дарсликлари ҳозир ҳам олий мактабларда ўқитилади.



Дўстлар даврасида.

Яхши ёзувчиларимиздан Саид Аҳмаднинг «Уфқ» китоби тенгқурлари орасида ярқираб турибди. Бу китобни китобхон бошдан-оёқ шавқ билан, ҳеч қаерда туртинмасдан, диққати сўсаймасдан, иштаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади.

...Саид Аҳмад бундан кўп йиллар муқаддам қўлига адабиёт танбурини олиб чертганда қўли келишганини кўриб, яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилган эдик. Шу орзумиз ушалиб келаёттибди. «Уфқ» унинг илҳом ва маҳорат билан чалган машқидир. Созанда баъзи пардаларда ортиқчароқ нолиш бериб юборган бўлса, буни ҳаяжон натижаси дейиш керак.

Абдулла Қаҳҳор.



Санъаткор Ғани Аъзамов билан бир пиёла чой устида.



Адиб Худойберди Тўхтабоев билан мулоқотда.



Мен дурустгина таълим ололмадим. Қаерга борсам, Дадахўжа дўма билан Гуломхон қозининг невараси, ҳалқ душманининг ўғли, деб кўкрагимдан итаришди. Қилмаган ишим қолмади. Рассомлик қилдим, сураткашлик қилдим, артистликка уриниб кўрдим, биронтасидан кўнглим тўлмади. Дилимга ёзувчилик ишқи тушди. Таржимаи ҳолимини яшириб, газета-жўрналларда ишладим. Мақолалар, очерклар, фелъетонлар ёздим. Ҳикояларим оғизга тушиб қолди. Ғафур Гулом, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорлар ёзганларимга эътибор бера бошладилар. Тўртта китобим чиқди. Шоира Саида Зуннуновага уйландим. Тўйимизга олти ой бўлганда мени қамоққа олишди. Беш йил сарсон-саргардон бўлиб, Жезқозгон деган қонда тош қазиб, силлам қуриб қайтиб келдим. Сталин ўлган бўлса ҳам, Берия отилган бўлса ҳам, ҳадеганда ишим ўнгланавермади. Мени ҳеч қаерга сайлашмасди. Орденлардан, унвонлардан ўчиришарди.

Саидахонни ҳалқ душманининг хотини деб хор-зор қилганларини айтишга тилим айланмайди. Уни Ёзувчилар союздан ўчиришди. Икки олий ўқув юртини битирган бўлса ҳам (Саидахон Андижон пединститутини ва Урта Осие Давлат университетини тугатган эди) уни ҳеч қаерга ишга олишмади. Ёзган шеър-ҳикояларини редакциялар, нашриётлар қайтариб беришарди. Олдига битта шарт қўйишарди. Эрингдан кечасан, шеъринг ҳам, китобинг ҳам чиқади.

Саидахон бу шартларни рад қилди. Уйда ўтириб машинисткалик қилди. Иккөөмиз учун фақат битта йўл бор эди, бу — ёзиш. Яхши ёзиш. Китобхон далдасига таяниш.

Редакциялардан қайтгулик бўлмасин, деб ёздим, ўчирдим, ёздим. Танқидчиларнинг, муҳаррирларнинг ғазабига учрамаслик учун ёздим, ўчирдим, ўқидим.

Худога минг марта шукрим, бирон жойдан ҳикоям қайтмади. Нимайки ёзган бўлсам ҳаммаси босилди. Аммо... аммо жуда кечикиб босилди. Муҳаррирларнинг қаерларгадир телефон қилиб, боссак майлими, деб сўрашаётганларини билардим.

Хрущевнинг отасига минг раҳмат, кофир бўлса ҳам бир мусулмоннинг ишини қилиб кетди. Неча-неча миллионлаб кишининг оёғидан кишани олиб ташлади. Менга ўхшаганларнинг кўкрагига шамол теғди.


«Халқ душмани»лигим ҳуқуматнинг эсидан чиқди. Қатор-қатор китобларим босилди. Ўқувчилардан, адабиётшунослардан яхши гаплар эшитадиган бўлдим. «Жимжитлик» деган романимни жуда катта (150000) нусхада босиб чиқаришди. «Келинлар кўзголови» комедиям кўп республикаларда, ҳатто чет элларда ҳам намойиш қилиняпти. «Кўёв» комедиям, худога шукр, ўйналиб турибди. Учта кинога сценарий ёздим.

Ленин ордени, Халқлар дўстлиги орденлари билан мукофотландим. Халқ ёзувчиси деган унвонга сазовор бўлдим. «Уфқ» учун лауреат бўлдим.

Афсус! Минг афсус, Саидахон бу кунларни кўролмади оламдан ўтиб кетди. У менинг юрагимда бир армон бўлиб қолди.

Эҳ, бу мукофоту унвонлар менга жуда қимматга тушган.

1992 йил, 26 ноябрь.



Адиб турмуш ўртоғи шоира Саида Зуннунова ва қизи билан.



Адиб мухлислари даврасида.

## «Чўл бургути» (1960 йил)

Минг тўққиз юз эллик еттинчи йилнинг эрта кўкламида Фарғонага боргандим. Қадрдоним, ёзувчи Адҳам Ҳамдам менга Марказий Фарғона чўлларини кўрсатмоқчи бўлди.

Ўша кезларда водий ўртасида пўстакдек бўлиб, мингминглаб гектар ерни эгаллаб ётган чўлни ўзлаштириш авж олиб кетган эди.

Бир вақтлар қамишлар орасида пайдо бўлган Эшон тўпи қишлоғи томон борардик. Сарижўга аригидан отини суғориб чиқаётган бир кишига рўпара келдик. Унинг оти ҳам, кийган тўни ҳам, ўзи ҳам қоп-қора эди. Худди чўяндан қуйилганга ўхшарди. Фақат бошидаги дўпписининг каштасигина оқ эди, холос.

У қамчисини кўксига қўйиб, сал эгилганча салом бериб ўтиб кетди. Мен Адҳамдан, бу киши ким, деб сўрадим.

— Уни чўл бўриси дейишади. Бу тўқайларда кечалари ҳам милтиқсиз бир ўзи юраверади. Жуда доворак одам. Уч марта бўри билан олишиб бўғиб ўлдирган. «Қора қишлоқ»нинг этагидаги тўқайдан ер очган. Икки йилдан бери шоли экарди. Бу йил пахта экмоччи...

Адҳам билан тўрт кун чўл кездик. Қаерга бормай, нима қилмай чўл бўриси кўзимдан кетмайди. Шу одамни биронта ҳикояга қаҳрамон қилиб олсаммикан, деган

нийат туғилиб қолди. Номи жуда хунук-ку, дейман ўзимга ўзим. Одамни бўри деб ёзиш қанақа бўларкин? Бирдан миямга лоп этиб, уни бўри эмас, бургут деб қўяқолсам бўлмасмикан, деган фикр келиб қолди.

Ана шундан кейин уни бургут қиёфасида тасаввур қила бошладим. Ўзидан ўзи воқеалар, деталлар туғилаверди.

Тошкентга келиб, ҳикояни ёздим. «Ўзбекистон маданияти»га бердим. Газетада чиққанда кўрсам, ҳикояга менинг номимни ёзишни унутишипти.

Редакциядагилар, келинг, тузатиш бериб ўтирмайлик, давомини ёзиб берақолсангиз, боши ўтган сонда босилган, деб чиқазамиз, дейишди. Тўлиб турган эканман, ўша кун кечасиёқ давомини ёздим. Эртасига яна битта, индинига яна битта ҳикоя ёздим.

Ҳикоялар кетма-кет босилаверди. Ким билади, газета хато қилмаганда ўша битта ҳикоядан кейин бошқалари ёзилмай қолиб кетармиди.

Чўл мавзуи мени жуда қизиқтириб қолди. «Саодат» жўрналининг илтимоси билан «Лочин» деган ҳикоя ёзиб бердим.

Адҳам Ҳамдам Фарғонада мени бир олим билан таништирган эди. У киши Фарғона пединститутинида биологиядан дарс беради, ўрик ҳақида кандидатлик диссертаци-

циясини ёклаган экан. Энди калламда ўрик, ўрик, деган гап айланаверди. Уша одам тўғрисида нимадир ёзгим келаверди. Охири «Ўрик домла» туғилди-ю, бўлгуси ҳикоя ялт этиб кўзимга кўриниб кетди.

Ўриқнинг турли навлари, қандай пайванд қилиш, найча пайванд, куртак пайвандлар тўғрисида сўраб-суриштириб анча нарсаларни билиб олдим. Ниятим — бир фидойи боғбон образини яратиш эди. Шу боғбоннинг фаолияти бевосита Езёвон чўлларига алоқадор бўлиши керак.

Ҳикоя, менимча, ёмон чиқмади. Ҳам қулгили, ҳам одамни ўйлатади. Уни кўтариб «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газета редакциясига олиб бордим. Ўқиб, теъда чиқаришга ваъда бериб, олиб қолишди. Лекин орадан қанча вақт ўтса ҳам чиқаравермади. Нега бундай бўлаётганини билиш учун редакцияга бордим. Ҳикояни қайтиб беришди. Босиша олмасмиш. Партия матбуотига бунақа қулгили нарсалар тўғри келмасмиш. Улар билан сен-менга бориб ўтирмай, ҳикояни қайтариб олиб кетдим. Уша кунёқ уни «Ўзбекистон маданияти» газетаси редакциясига обориб бердим. Ўқиб, роса қулишди. Редактор ҳикоянинг биринчи саҳифаси тепасига навбатдаги сонда босилсин деб ёзиб имзо чекди. Мен шунда «Совет Ўзбекистони» дагилар ҳикояни тушунмай қайтиб берганини айтиб қолдим. Редакторнинг ранги ўзгарди. Нега, деб сўради. Билмадим, деб жавоб қилдим.

• — Бўлмасам, мундай қилайлик. Мен улардан нимага босишмаганликларини сўрай.

— Сўраб нима қиласан? — дедим ажабланиб.

Редактор билан бирга катта бўлган ўртоқ эдик. Бир-биримиз билан сенлашиб гаплашардик.

— Сўраган яхши-да, ҳар қалай, отахон газета. Тажрибаси ҳам катта. Балки бирон сиёсий томонини кўзда тутиб босишмагандир?..

Қўрқиб кетдим. Сиёсий, сиёсий хато деган сўзлардан юрак олдириб қолган одамман.

— Ундай бўлса қайтариб берақол, — дедиму қулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмай ҳикояни қайтариб олиб кетдим.

Орадан икки-уч ой ўтиб бахтсиз муҳаббат тўғрисида бир ҳикоя ёздим. Биттагина ҳикояни обораманми, деб ёнига «Ўрик домла» ни қўшиб «Шарқ юлдузи» га олиб бордим. Асқад Мухтор редактор эди. У иккала ҳикояни ҳам ўқиб, маъқул топди. Албатта босамиз, деди.

Мен унга «Ўрик домла» иккита газетадан қайтганини қўрқиб-пусиб айтдим. Агар Асқад ҳам ланжлик қилса, ҳикояни йиртиб ташламоқчи эдим. Йўқ, Асқадга ёқди.

— Уларга ёқмагани бизга фойда бўлди, — деди у жиддий.

Орадан бир ярим ой ўтиб журналда «Икки ҳикоя» умумий сарлавҳаси остида «Пойқадам» ва «Ўрик домла» босилиб чиқди. Ҳикоя кўнчилиқка маъқул бўлди. «Совет Ўзбекистони» нинг адабиёт бўлими мудирини Рамз Бобожон телефон қилиб қолди:

— Ҳў, мен ўқиган ҳикоянг бор эди-ку, ошкел босамиз.

— Нега бирдан ўзгарди қолдинглар? — дедим ажабланиб.

— Кечирасан огайни, ашипка бўпти. Редакция катталаридан бирининг лақаби «Ўрик» деб эшитгандим. Балого қолмай, деб сенга шунақа муомала қилгандим. Кейин билсам лақаби ўрик эмас «Луччак» экан. Ошкел ҳикояни.

Мен ҳикоя журналда босилганини айтдим.

— Э, аттанг, яхши ҳикоя эди-я...

Ҳикоя тез орада турли тилларга таржима қилинди. Аммо тожик тилидагиси босилмай қолиб кетди. Душанбадаги энг катта тожик ёзувчиларидан бирининг лақаби «Зардолу» (Ўрик) экан.

Шундай қилиб, «Чўл бургути» нинг сўнгги ҳикояси шу тариқа дунё юзини кўрган эди.

Езёвон чўллари тўғрисида ҳикояларни хўп ёздим. Энди ёзадиган жойи қолмади, деб ўйлардим. Олтмиш биринчи йилнинг эрта баҳорида Миртемир домла билан Фарғонага бордик. Дўстим Адҳам Ҳамдам, баҳорда чўл жуда чиroyли бўлади, деб бизни яна Марказий Фарғонага олиб борди. Айтганича бор экан. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Толларнинг чўгдек қизил наваларида хандон пистанинг магзидек оч яшил куртаклар ана ёриламани, мана ёриламани, деб турипти. Тўрғайлар бошингиз тепасида муаллақ туриб чуддирашади. Ялонғочланиб қолган сап-сарик тўқайларда ўрдаклар гагиллайди. Бақа қурилламай туриб келиб қолган лайлақлар хувуллаб қолган шолу поялар тепасида айланиб емак излашади.

Езувчи ва журналист Йўлдош Шамшаров билан «Янги ҳаёт» колхозида учрашиб қолдик. У туғилган қишлоғи Олмосга олиб бораман, деб туриб олди. Олмосни парилар юрти деб эшитардик. Бу ерликлар бошқа томонга қиз беришмасди. Езувчилик экан, париларни кўргимиз келиб қолди. Олмос бутунлай тескари томонда, Чустнинг тоғли қишлоғи.

Адҳам билан шу ерда хайрлашиб, йўлга тушдик. Боришимиз билан Миртемир домланинг инжиқлиги тутиб қолди. Қарасам, иситмаси баланд. Доктор чақирайлик, десам кўнмайди. Кетаман, Тошкентга кетаман, деб икки оёғини бир этикка тикиб туриб олди. Бир пиёла чой ичиб-ичмай орқага қайтдик. Попдан ўтиб, Сирдарё кўпригига яқин қолганимизда бўрон бошланди. Қўқоннинг машҳур тўнка кўчирар шамоли авжига чиқди. Машинанинг орқа эшиги қулфланмас экан. Ҳадеганда очилиб кетаверди. Бир кўлим билан тортиб ушлаб келяшман. Кўприқдан ўтишимиз билан қум бўрони бошланди. Чала ёпилган эшикдан штир-штир қилиб ичкарига қум қиради. Ташқарида бўрон қумларни шопириб гувиллайди. Қоронғи тушган, учаетган қумлар қуюнидан йўл кўринмайди. Мақсадимиз — тезроқ Қўқонга етиб олину домлани Андижон-Тошкент поезидига ўтқазиб юбориш. Машина эмакляётгандек имиллайди. Бу имиллашда поезидга илинмай қолиб кетишимиз мумкин. Моторнинг шовқинига бўроннинг гувиллаши қўшилиб бўридек увиллайди.

Домла иситма аралаш ичкиллайди. Дангара гузаридан тахминан беш километрларча ўтганимиздан кейин қум ҳамласидан қутилдик.

Қўқон станциясига минг азоб билан етиб келдик. Хайрият. Андижон поезди хати кетмаган экан. Йўлдош ака билан Миртемир домлани поезидга ўтқазиб, ўзим Қўқонда қолдим.

Қўқон театрида менинг «Ҳасан билан Ҳусан» деган комедиям қўйилаётган эди. Премьерага чақирилганда келолмаган эдим. Шунини кўриб кетмоқчи бўлдим. Меҳмонхонадан театрга телефон қилган эдим, эртага уни Ганжиравон қишлоғининг маданият саройида кўрсатишларини айтишди.

Ганжиравон. Шу сўзни эшитганимда болалигим эсимга тушди. Ён қўшнимиз қўқонлик эди. Хотини — ёшгина келинчак, бостирма йўлакка шолча тўшаб, тиззасида кашта тикиб ўтирарди. У жуда шикаста овозда, галати бир қўшиқ хиргойи қиларди.

Қўшни хотинларнинг гапига қараганда, у қишлоқи бир йигитни яхши кўриб қолган экан. Отаси бошқа бир кишига эрга берган, эри уни Тошкентга кўчириб олиб келган экан.

Мен унинг қўшиқларига қулоқ солиб, хайрон бўлиб ўтирардим.

Мен сени кўрдим бугун  
Ганжиравон кўчасида...

Театр эртага Ганжиравонда томоша кўрсатишини билганимдан кейин келинчак ошиқ бўлган йигитнинг юртини кўргим келди. Бироқ меҳмонхонада етиб ётолмадим, туриб туролмадим. Езёвон тўғрисида ҳамма нар-

сани ёзиб бўлдим, деб ўйлаганим бекор экан. Эрталаб-гача у ёнбошимдан бу ёнбошимга ағдарилиб бугун чўлларда кўрган кишиларни, манзараларни ўйлаб кетдим.

Бояги кум бўрони қаттиқ таъсир қилган экан, сира кўз олдидан кетмади. Шу бўрон тўғрисида бир нима ёзсам бўлмасмикин, деб ўйладим.

Шоима, дедим ўзимга ўзим, инсон ва стихия деган мавзуни олсам қандай бўларкин. Ахир, Ёзёвон чўлларида дўл-селлар кўп бўлади. Бўрон турганда кўчма қумлар ҳар куни неча марталаб жойдан-жойга кўчиб юради. Чўлнинг ҳали у ерида, ҳали бу ерида қум тепалар пайдо бўлади. Ҳозиргина дўмпайиб турган қумтепа бирпасда қайгадир ғойиб бўлади.

Бўлгуси ҳикоянинг мавзуи топилгандек бўлди. «Одам ва бўрон». Қахрамоннинг номини Қўзивой қўяман, деб мўлжалладим.

Чўл ўртасида қурилган янги уйлардан бири яқинда армиядан қайтиб келган Омонтой деган йигитга берилади. У ҳомиладор хотини, яқинда йўлга кирган ўғли билан шу уйга келади. У хотини билан боласини шу ерда қолдириб, юкларини олиб келгани Чустнинг Симсор қишлоғига кетади.

Колхоз раиси Қўзивой қоқ ярим кечада бўроннинг гувиллашидан уйғониб кетади. Симсорга кетган Омонтой келдимикин? Хотини кимсасиз чўлда ёш боласи билан не ахволга тушаётганикин, деб хавотир олади.

У шошиб кийинади. Оғни эгарлайди. Хотини Кокила уни ёлғиз юборгиси келмай отга мингашиб олади...

Ҳикоянинг бу ёғида эр-хотин икковининг қум бўронида бўриларга йўлиқиб, минг хил азоблар билан чўлдаги янги уйга келиши тасвирланади.

Эрталабгача ўйлаб, ҳикояни калламда пиширдим. Нонуштадан кейин ёзишга ўтирдим. Ўйлашдан ёзиш қийин. Езаман, ўчираман. Езаман, ўчираман. Кечгача овора бўлиб, охири ҳикояга нуқта қўйдим. Қолган қингир-қийшиқ жойларини Тошкентда таҳрир қиламан, деб ҳикояни чамадонга ташладим.

Театр Ганжиравонга кетиб бўпти. Э, аттанг. Неча йиллардан бери орзу қилиб, хаёлимда эртаққа айланган бу гўшани кўролмайдиган бўлдим. Бир томондан бундан севиндим ҳам. Чунки, хаёлимда ўзим яратган Ганжиравоним бор эди-да. Ундаги адирларда чинакам яшил бахмал ёпилган, сойларидаги тошлари садафдан, қизлари, оддий қизлари тулпор миниб, учиб юрарди.

Агар борсаму ҳозиргина тасвишлаб берган манзараларни тополмасам, тасаввурим яратган оламдан айрилиб қоламан, деб кўрқдим.

Кечки поездага ўтириб Тошкентга қайтдим. «Одам ва бўрон»дан кейин ҳикоя сандиғим очилиб кетди. Қўзивой, Омонтой, Кокилалар тўғрисида анча ҳикоялар ёздим. Бирининг номи «Бўстон», бирининг номи «Ер уйғонди» бўлди. «Тўйбоши» ҳам шулар жумласидан.

## «Уфқ» трилогияси (1961—1975)

«Уфқ»ни ёзишдан олдин «Чўл ҳикоялари»ни яна бир марта ҳафсала билан, синчиқлаб ўқиб чиқдим. Адабий асар талабларига жавоб бера оладиган дуруст асар бўпти.

Бирданига хаёлимга, ахир бу ҳикояларда инсон дарди, изтироблари йўқ-ку, деган ўй келди.

Биз ҳаммамиз, жами ижодкорлар офтобда куйиб, кечалари чивинга таланиб, қум бўронларида юз-кўзини дока билан ўраб ишлаётган юнун одамларни юрак амри билан, ватанпарварлик бурчини адо этгани келган, чинакам фидойи, онгли, илғор совет граждандари, азамат чўлқуварлар, деб таърифладик.

Аслида шундаймикин? Дўшпини олиб қўйиб, бир ўйлаб кўрсак, уларни бу худо қарғаган чўлларга эҳтиёж, муҳтожлик бошлаб келганлиги маълум бўлмайдами? Ким бекордан-бекорга иссиқ ўрнини совутади? Ҳа, улар ўзим емасам ҳам, болаларим нон есин, усти бут бўлсин, велосипед минган болаларга қараб ўксинмасин, бу ҳам «морозний» есин, магнитофони бўлсин, телевизор кўрсин... деган илинжда бунда ишламоқда-ку!

Бу тўғрида бирон дақиқа бўлсин ўйлаб кўрмадик. Қайтага уларни бахтиёр, тўкин совет оиласи, деб таърифладик. Ҳатто чўл шамолларидан қорайиб сополга ўхшаб кетган юзларини гўзаллик тимсоли деб тасвирладик. Кетмондан қадоқ бўлиб кетган қўлларини олтин қўллар, дедик.

Ичингда шунча гап бор экан, нега миқ этмай юрибсан, деб ҳеч ким сўрамади.

Бизга Гоголлар керак, Шедринлар керак дейишди. Ўша Гогол бўладиган, ўша Шедрин бўладиганларни бешигидаёқ гумдон қилишарди.

Ижоднинг онаси изтироб. Ижод изтироб фарзанди. Биз бунни жуда яхши билардик. Билиб туриб куймай, ёнмай ёзардик. Чунки пролетар адабиётига шеър эмас, широк керак эди. Социалистик реализм методи қўл оёғимизни, ҳатто тилимизни ҳам боғлаб қўйганди. Бида очлар йўқ, очлар чет элда, деса ишонганмиз. Бида камбағал йўқ, камбағал инқилобнинг нариёғида қолиб кетган, деса чиппа-чин ишонганмиз. Ўғрилиқка, талончиликка муҳтожлик сабаб эканини очик айтишга тилимиз боғлиқ эди.

Етмиш йил мобайнида қайси валломат ёзувчи халқ дардини, изтиробини ёзипти. Ўққа учганлар, ертўлалардаги яккахоналарда офтоб кўрмай оламдан ўтганлар, Сибир қаҳратонларида умрини поёнига етказганлар тўғрисида ёзган ҳақгўй ижодкор эканини жуда яхши билардик.

Ҳурматли ўқувчиларимиз бизни кечирингиз. Биз ана шунақа забун ижодкорлар эдик.

Энди мен бўлгуси «Уфқ»ни бошқача ёзишим керак. Одамларнинг ичидаги дардини, юрагини ўртаётган армонларнинг рўй-рост кўрсатишим керак.

Ёзаётганимда автомат кишанлар суяк-суякларигача эзиб ташлаган қўлларим қалтирамасмикин? Ёзаётганимда беш йил бошдан оёқ кийимларимнинг беш жойига эзиб қўйилган «СЯ-928» рақами кўзларимга кўриниб турмасмикин? Сут ичиб оғзи куйган қатиқни ҳам пуф-лаб ичади қабилидан бўлмасмикин! — деб кўп ўйладим.

Биринчи саҳифанинг бошига, бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм деб ёздиму, негадир атрофга бир аланглаб олдим...

Романда нималар ёзилганини, азият ўқувчим, ўзингиз яхши биласиз. Дунёга фақат азоб чекиш учун келган Икромжоннинг ҳаёти сизни жиндақ ўйлантириб қўйдими, йўқми, шуни билмоқчиман. Оғир меҳнатдан ўзининг бутун аёллик хислатларини йўқотиб қўйган, эркакка айланиб кетган, Иноят оқсоқол «от қиз» деб атаган Асрора, ёлғиз фарзандининг доғида куйиб, ёниб, ўрта-ниб, фарёд уриб жон берган Жаннат хола, халқ ризқидан юлиб йиққан бойликлари алангасида ўзи ёниб жизгақак бўлиб ўлган Иноят оқсоқол, севгилисини тортиб олган сурбет акасида безган, туғилган уйдан мосуво бўлган, ота қарғиши бир умр қулоғида қолган Низомжон, балоғат ёшига етиб, бутун вужудидан муҳаббат ҳиди анқиб турган ва лекин севгиси саробга йўлиққан Дилдор, йигитлик умрининг сўнги тўқайларда бир ваҳшийдек яқунланган, бу ҳам етмагандек шон-шарафсиз кўмиладан гўри ловиллаб ёнган Турсунбой...

Кимсасиз сокин кечада ана шуларни ёзаётганимда гўё елкамдан КГБ вакили қараб турганга ўхшарди. Гўё у:

— Икромжон коммунист, ўғлининг хоин бўлиши мумкин эмас. Коммунистни ҳақорат қилма. Она деганда Ватан тушунилади. Жаннат холада ватанпарварлик туйғуси йўқ. Хоин боласидан юз ўгирсин. Шу жойларини қайтадан ёзасан. Асрорани Ленин комсомоли тарбия қилган. У Ленин, партия ғояларига содиқ комсомол. Сен уни ҳақорат қилиясан. Нега китобингда улуғ рус оғамизнинг вакиллари кўринмайди? Фронгда жанг қилиб келган Аъзамжонни нега бетайин одам қилиб тасвирляясан, уни ҳаммага намуна қилиб кўрсат. Низомжон «Пўлат қандай тоблани» китобидаги қаҳрамонлардек бўлиши керак. Тушдир бўл, келган жойингга яна обориб қўймайлик... — деяётгандек бўларди.

Шундай пайтларда бир вақтларда кишан сиққан

билакларимнинг суюклари зирқираб оғриб кетади.

Кўпинча роман ва қиссаларнинг воқеалари боғларда, шарқираб оқадиган сой бўйларида, гулзорларда ўтади. Роман қаҳрамонлари гуллар ҳидидан маст бўладилар, булбуллар хонишидан жаёлларга толадилар.

Мен тасвирлаётган жой тақрир чўл. Бунда эчкимарлар вишиллади, чиябўрилар увиллади. Инсон кўзини яшнатадиган бирон нарса йўқ.

Бунда фақат осмону сап-сарик ер.

Гулсиз, булбулсиз романимда гўзалликни одамлар юрагидан топишим керак эди. Кучим борича шундай қилмоқчи бўлдим. Қандоқки детал топсам, Икромжоннинг руҳий изтиробларини кучайтиришга сарфладим. Романда бир детал бор. Бир одам Икромжоннинг дево-рига оҳак билан «хоиннинг уйи» деб ёзиб кетади. Икромжон аввал кўрса ҳам сезмайди. Ҳўл оҳак аста-секин қуригандан кейин ёзув оппоқ бўлиб кўриниб қолади. Икромжон ўзини тутати. Аммо ичида унсиз йиғлайди. Военком тумонат одамлар олдида орден топираётганда кимдир уни, хоиннинг отаси, деб овоз беради. Икромжон бир қалқиб кетади. Кейин машаққат билан ўзини ўнглаб олади. У қамишлар орасида ваҳшийга айланган ўғли билан учрашган пайтидаги ҳолатини ёзаётганимда ўзим ҳам титраб кетгандим. Ҳар жумлани ёзганимда ўрнидан туриб кетардим.

Турсунбойнинг гўри ёнаётган тўқай тасвирини роман битганда бошқатдан ёзганман. Ростини айтсам, аввал қамишзорларнинг ёнишини сира кўрмагандим. Шу бўлимни тахминан ёзгандим. Жўрнал романни боса бошлаганда Мирзачўлдаги Крупская номли колхозга бориб тўқайга ўт кўйганман. Қайтиб келиб, ўша бобни қайтадан ёзиб чиққандим.

Уқувчилар нега романинг биринчи китобини кейин ёздингиз, деб сўрашади.

Катта Фарғона канали қурилиши худди плакатга ўхшаш тантанали бир ҳодиса эди. Унда инсон изтиробларини, алам-андуҳларини топиб бўлмасди. Гўё қирқ беш кун давомида Фарғона водийсида Ленин айтган коммунизм қурилган эди. Ҳамма нарса бор. Ҳеч ким ҳеч кимга ишла, деб айтмайди. Ҳар ким ўз хоҳиши билан ишлади. Ишлаганда ҳам қотириб, қойил қилиб ишлайди. Ҳатто кечалари ҳам машғал ёқиб ишлашади. Бу ерда пул ҳеч кимга керак бўлмайди. Ҳамма нарса текин. Одамларга зўрлаб овқат едиришаётганга ўхшаб кетарди. Водийликлар араваларда қўй, қопда гуруч, сабзи-пиёз, сават-сават нон олиб келиб трасса бўйларига ўчоқ қуриб, дастурхон ёзардилар. Озиқ-овқат ортиб келаётганларнинг кети узилмасди. Чоллар ўғилларини, невараларини эргаштириб келиб, одамларга аралашиб кетмон чопаверардилар. Чанг-тўзонлар орасида раққосалар ўйинга тушардилар. Кечалари минг-минглаб машғаллар ёруғида Ҳалимахонимлар, Жўраҳону Маъмуржонлар патнис ашула қилардилар. Бир томонда аския, бир томонда кўшиқ.

Шу воқеалардан роман чиқазиб бўладими? Ҳа, деб ер қази, ҳа, деб план бажарди, деб ёзган билан роман бўлмайди-ку. Бунда инсон тақдири, изтироблари бўлиши керак. Ҳатто фожеалар содир бўлиши керак.

Ана шунинг учун ҳам трилогиянинг икки китобини ёзиб озроқ тажриба орттиргандан кейин бунисини ёзмоқчи бўлдим.

Роман воқеасидан қандайдир кўринмас чизиқ ўтиши керак эди. Шунини кўп ўйладим. Норин дарёси жуда асов дарё. Далаларга сув бермай пастликларда оқади. Бир жини кўзиганда тошиб далаларни пайхон қилади.

Ана шу дарё инсон ҳукмига бўйсунуши керак. Роман учун бу етарлимас. Ўйлаб-ўйлаб, худди шу дарёдай ўжар бир қаҳрамон яратишим керак, деган фикрга келдим. Бу — Азизхон.

Унда энгиб бўлмас бир ёввойи куч бор. У ўтганнинг ўроғини, кетганинг кетмонини оладиган бежилов дулдул.

Мен уни Норин билан параллел тасвирламоқчи бўлдим. Норин инсон иродасига бўйсунуши керак. Азизхон фойдали меҳнат оқимида тушиши керак.

Фожиасиз роман роман бўладими? Албатта, уни сунъий равишда яратиб бўлмайди. Каналда биронта ҳам одам ўлмаган, биронта ҳам одам қамалмаган, биронта ҳам маст тўполон қилмаганми?

Ҳужжатлар билан танишганимда, канал иштирокчилари билан гаплашганимда Тошкент театрларининг биридан келган артистканинг эри рашкдан сўйиб қўйгани маълум бўлди.

Мен уни артистка деб тасвирламадим. Азизхоннинг севгилиси, қишлоқдаги тўйдан олиб қочиб келган Лутфиниса деган келинчак, деб тасвирладим. Азизхон билан икковлари ўртасидаги ишқ можароларини бутун роман оқимида ёйиб чиқдим. Лутфинисадан ажралиб қолган кўёвнинг каналга келиши, уни ҳалок қилиш манзараларини жиндақ детективнамо сюжет билан қориштирдим.

Кўп чиройли воқеалар топгандим. Ёзгани кўрқдим. У пайтларда КГБнинг қони совуманган, нафас олиб турган пайтлари эди. Яна қамаб қўяди, деб кўрқдим.

Ниҳоят, ўн беш йиллик меҳнатим поёнига етди. Китоб ҳам ўқувчи қўлига етди. Яхши-ёмон гаплар эшитдим.

Бироқ роман қаҳрамонлари ҳалигача тушларимга киради. Телбага ўхшаб кечалари улар билан гаплашиб чиқаман. Ўн беш йил туққан фарзандларимни унутишим осонми?

Биласизми, романга сўнгги нуқтани қўйганимда кўнглим бирдан бўм-бўш бўлиб қолган. Ҳозир ўйлаб қарасам, ўша пайт қизини узатган отанинг кўча остонасида мунғайиб, қараб қолишига ўхшаркан...

«Қирқ беш кун» романини адабиётимизга қўшилган муносиб ҳисса, десак бўлади... Саид Аҳмад бу асари билан адабиётимизга янги одамлар, янги ҳаётий бўёқлар, тиниқ тасвирлар олиб кирди.

Пирмат Шермухамедов

Ўзбек халқи ҳаёти катта бир даврининг бадиий солномаси дейишга арзигулик Саид Аҳмаднинг «Уфқ» монументал эпик полотноси тўла ҳолда босилиб чиқиши ҳам адабиётимизда қувончли воқеа бўлди.

Раҳматулла Иноғомов



Хаёл...

### НАҚАДАР БЕШАФҚАТ БУ ХАЁТ!..

Шоиргина бир дўстим бор. Ўзи менга ўхшаб қишлоқи бўлса-да, шаҳарнинг нонини еб юради. Бир неча қизчаларни ўстиряпти. Ўғилталаб эди. Ичди зорикса керак эди-ю, иродаси мустаҳкамлигидан кўкайига чиқармас эди. Фазилатлари Худога маъқул келди чоғимда, яқиндагина армони ушалди — кўчқордай ўғил кўрди, отини минг орзу билан Темур қўйди. Ёр-жўраларини чақириб тўй берди. Ҳамма қишлоқилардек қийин-заҳматли ҳаётини бошидан ўтказгани туфайли бўлса керак, борини аямади. Қиш бошланиб, бир ёқимсиз иссиқ бўлаётган кунлари чақалоқ шамоллаб қолди десангиз. Дўстим учрамаган дўхтир, бошини урмаган эшик қолмади. Шамоллашнинг бошқачароқ, тушунисиз тури экан — иситмаси йўғ-у, бола ҳолсизланади, энг ёмони, тили танглайга ёпишиб, нафаси бўғилади. Дўхтирларнинг ҳаммаси елка қисиб тураверади. Ўзининг танишлари тугул менинг ҳам бирор таниш-билишим қолмади, чақалоқни шу аҳволда кўтариб югуравердик. Қаерга борсак, диагноз қўёлмайди-да. Охири, жумҳурият диагностика марказига бордик. У ерда ёш болаларни кўрадиган бир жухудбашара киши экан, «Ҳозир соат ронна-роса беш бўлди, эртароқ опкемайсиларми?» деди. Ялиниб-ёлворишимизга қарамай: «Йўқ, менинг саккиз соатлик иш куним тугади, қаерга борсаларинг боравринглар», деб юборди. Дўстим унинг чўнтагига анча пул тиккан эди, чиқариб олди. Боз устига тагин ўшқириб сўка кетди. Болани эса бу аҳволда қолдириб бўлмасди. Шоир дўстим пиқиллаганча дам дўхтирни сўқади, дам пешонасига муштлайди: «Шу биргина ўғил манглаймга сизмас-я!»

Кўпчиликнинг маслаҳати билан Юнусободдаги болалар шифохонасига олиб бордик. У ерда касаллар шунақа кўп эканки, палаталарга ўтадиган йўлакчаларга беморлар сизмай кетган. Шифокорлар, қабул қилолмаймиз, деб туриб олишди. Дўстим кириб гаплашиб чиқди. Йўлакка ётқизишга рози бўлишибди.

Бир неча кун чақалоқнинг аҳволи ўзгармади. Кейинги борганимизда ғалати воқеанинг шохиди бўлдим. Энди чақалоқ йўлакчада эмас, ичкарида — махсус, ҳар томонлама шароити бор, ҳатто ташқарига кунда бир марта чиқишининг ҳожати бўлмаган хонада, онаси ва яна ёнида дўстимнинг қайнонаси — қаровчиси билан ётар, энди Темурбек ҳам анча соғайган, ўйинчоқ шилдиратиб ўтирарди. Хангу манг бўлиб қолдим. Дўстим билан боя ўтириб озроқ ичган, ширакайф эдик. Хайрон қолмай бўладими — энди биз дўстимнинг ўғилчасини мана бу касал болалар сизмай ётган йўлакчада эмас, махсус... Ахир, у йўлакчага ҳам зўрга жойлашган эди-да. Бу сафар... оёғимиз остида келинчаклар эмизикли болалари билан ётган йўлакчадан... зўрга йўл топиб... Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолган эди. Хаяжондан: «Иш-е, ҳақиқат бор экан-ку!» деб юборибман. Энг ёмони...

Энг ёмони... Темурбекни кўриб, хурсанд чиқаётганимизда ҳамшира қизлардан бири биз эшитадиган қилиб бидиллади: «На уят, на андеша бор бўларди. Ярим тунида келиб хотин халаяк, чақалоқ борми демай гўдаиб ўтишларини қаранг! Яна ичиб олганига ўлайми. Ёш жувонларга тегажонлик қилишданам қайтмайди булар! Ҳе, падарингга...»

Менга бу сўзлар жуда айил ботди. Дўстим эса индамади. Шундан сўнг бунинг бирор тил қисик жойи бордир-да, лом-мим демайди, деб ўйладим. Ташқарида шеригимиз машинада кутиб турарди. Машинага ўтиргач, дўстимга гап қотдим:

— Шу-у, махсус хонани бекор қипсан-да. Яхшиси... — Сўзимни тугатмаёқ дўстим пиқиллаб йиғлаб юборди. Кўзи-бурнини артиб, боя очилган конякдан икки пиёлага тўлдириб қуйди. Газаксиз ичиб юбордик. Кейин ўшқаси тўлиб кетди.

— Шу балнисага учала қизимнинг ҳар бири беш мартадан тушган,— деди у йиғи аралаш,— ҳар сафар коридорда ётишган. Бу ер-

нинг совуғига дош беролмай аввалгидан беш баттар бўлиб қайтиб чиқишган. Биттасининг ҳалигача юрагида пороги бор. Ўша кун Темурни коридорга жойлаштириш учун беш минг сўм бердим врачга. Эртаси кун келиб тагин қўлига йигирма минг бердим-да, мана шу шекарний хонани сўрадим. У ерда ётган касалларни коридорга чиқариб юбориб, менинг болларимни опкирди ўзи. Худога шукр, ўғил берди менга. Мен уни асраш учун жонимниям бераман, дўстим. Кўриб турибсан, ҳаёт нақадар шафқатсиз. Менинг қўлимда ҳозир пул бор. Шейр ёзишни йиғиштирдим, фирманнинг ишлари яхши кетяпти. Олди-бердидан даромад тушяпти. Ҳозир профессорнинг қўлига ўн етти минг бердим. Бир ҳафтадан кейин болларим балнисадан чиққач, профессорнинг ўзи уйимга қатнаб Темурни даволайдиган бўлди, мана, керак бўлса. Менинг қўлимдан келди — пул бор экан, шу ишни қилдим. Менга бояги медсестранинг гапи бир тийин. Тўғри, ачинаман оёғимнинг остида ётган чақалоқларга, нима, мен ёлғиз ўғлимни имкониятим бор пайтда, ерга топширишим керакми, а, ерга топширишим керакми? Менга алам қилганидан, мажбур бўлганимдан шундай қилдим, дўстим.

Мен индаёлмадим. Ростданам, у пул топяпти. Ҳозир қаерга борманг, очиги, қўлингга қарайдиган бўлиб қолишди. Бундай ҳаловатсиз замонда кимга қийин — маошга кун кўраётганларга қийин. Ахир, ҳаммадам қўлига қараганининг оғзини ёпадиган пул борми? Албатта, бундай имкониятга юзтадан ёки мингтадан битта одам эга. Қишлоқдаги деҳқон энди бирор кор-хол бўлиб қолиб шаҳарга тушай деса йўл пулининг ўзиёқ қақиб кетяпти. У ўғли ёки қизини Олий билимгоҳга жойлаштириш учун энди минг заҳмат чекиши керак. Бир вақтлар турли имтиёзлар бўларди. Энди улارнинг кўпи қоғоздагина қолди. Нима қилмоқ керак? Бари бир ҳукуматдан мадад кутамиз. Ахир, бу қийин-қистовли кунлар халқ, хусусан, ўзбеклар айби билан кё-

чаётгани йўқ-ку! Ҳа, халқнинг гуноҳи йўқ! У яхши яшаш, яхши ўқиш, кўнгилдагидай даволаниш, дам олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқни ўзимизнинг Олий Қонуниimiz бериб қўйибди.

Президент декабрнинг ўрталарида Мисрдан қайтаётиб айтди: «Ишонтириб айтаманки, оғир кунлар орқада қолди. Биз ҳар бир воқеадан сабоқ чиқаришни ўрганишимиз лозим. Ўзбекистонда давлат сиёсати бор экан, у ҳамиша халқ учун жавобгардир, ў халқнинг ҳимоячисидир. Биз бу масъулиятни оқлаш учун қўлдан келганча ҳарakat қиляпмиз, қилаверамиз».

Хулласи калом, меҳнатимиз, номимиз ҳалол бўлса, кам бўлмасмиз. Умид қилинг!

Собир Сулаймон ўгли.

## ИШСИЗ ҚОЛДИМ...

Дунёда ҳақ ва ҳалол яшашдан мушқули йўқ экан. Айниқса, бугунги кунда эркаклар билан ёнма-ён ишлаб, покиза шарм-ҳаё йўлидан бориши аёлни иш жойида ортиқча қилиб қўяркан чоғи. Бунга менинг сўнги икки йиллик кўргиликларим ва алал-оқибат ишсиз кўчада қолганим мисол бўла олади, деб ўйлайман.

Мен 1987 йида ўрта мактабни тугаллаб, Тошкент социал-таъминот техникаўмига ўқишга кирдим ва 1989 йилда билим юртининг ҳуқуқшунослик бўлимини битириб, ишга йўлланма олдим. Ўшандаги шодлигим ичига сиғмас, орзу хавасларим бир олам эди. Ўз кучим билан пул тошиб, қария, нафақахўр ота-онамга ёрдамлашман, ўзимнинг ҳам бировга оғирлигим тушмайди, дея ўйлар, қисқаси, олдинда турган ширин ҳаёт мени орзиқтирарди.

Бошда озроқ бир жойда ишлаб турдим. Ва ниҳоят, ихтисосимга мос иш тоилди. 1990 йилнинг 27 июлидан бошлаб Чуст шаҳар ижроқўмига қарашли Меҳнат билан таъминлаш идорасига ишга жойлашдим. Иш мен кутгандан-да қизиқарли ва масъулиятли қиёб қолди. Шу боис имкон қадар идорамизга мурожаат қилганларнинг оғирини енгил қилишга, берилган топшириқларни вақтида бажаришга уринардим.

Бироқ вақт ўтган сари идора бошлиғи Расулов билан орамиз ёмонлашиб борди. У негадир тирноқ остидан кир қидиргандек, ҳар бир ишимни икки-уч кўздан кечи-

рар, сал ишқал топиб қолса, аямасдан уришиб берарди. Бунинг бир сабабини аниқ-тиниқ ҳис қилиб турардим. У ишхонада ходимларнинг бари «гаҳ» деса, қўлига қўнғудек ҳолатда бўлишини истар, кўнгли нима тиласа биз ўша кўчада туришимизни ҳаёл қиларди... Аммо менинг ўзимни тутишим, хатти-ҳаракатларим бунга мос тушмаётгани иш борасидагина унга бўйсинишим гашига тегарди.

1992 йил апрел ойидан Чуст шаҳар ва Чуст тумани ишга жойлаштириш идоралари бирлашиб, бир-жага айлантирилди. Шундан кейин, Расулов мени янада сиқувга олди. Ҳар хил ўринсиз ваъдалар билан қўлимни ишдан совутишга тушди. Май ойида навбатдаги синовларни топширишга кетарканман (мен Тошкент ҳуқуқшунослик олийгоҳида сиртдан ўқийман, ҳозирда олийгоҳнинг II босқич талабасман). Расулов ишхонада бўш ўринлар бўлишига, янги ходимлар олинаётганига қарамай, сизнинг штатингиз қисқартирилади, деб жўнатди. Бундай пайтда одам тинчлигини йўқотиб қўйиши, синовларга ҳам ярим калла билан кириб, ўзида йўқ бўлиши турган гап. Мен эса бу гапларга парво қилмадим. Мени ялантириш, ўзига бўйсундириш қасдидаги навбатдаги «маш-маша» эканлигини билардим-да.

Билганимдай ўқув семестридан қайтсам, «соқрашение» — штатимни қисқартириш галваси Расуловнинг эсидан кўтарилиб, мени иш билмасга чиқариб, навбатдаги зугумни тайёрлаб қўйибди: аттестациядан ўтасан, дейишди. Ўтдим ҳам.

Бироқ... ишим устига машинисткаликни қўшишди. Маошга келганда эса фақат ёзув машинисткаси сифатида 850 сўмгина тўлай бошладим. Республика Президенти И. Каримовнинг энг кам маош 1000 сўм қилиб белгилансин, деган фармони кучга киргандан кейин ҳам менинг ойлигим 850 сўм бўлиб қолаверди.

Шундан кейин мен машинисткалик қилиш билан бирга ташкилотларга ҳам бориб келиш талабини рад этдим. Боиси, мен бир машинистка сифатида ҳам маош олаётганим йўқ, Расулов эса менга икки ишни қилдирмоқчи бўларди. Бош тортганимдан кейин унинг баттар жазаваси тутди. Беш дақиқага бир ёққа чиқсам ҳам тушунтириш хати ёздириб олар, ишламайсан, дангасасан, дейишдан ҳеч бўшамасди. Охири, янги гапни «қўшиқ» қилиб олди:

— Яхшиликча, ўз қўлинг билан аризангни ёзиб бер, бўлмаса статия билан ҳайдайман.

Мен эса ҳаммасига чидаб, ишимни қилиб юравердим. Бироқ, иссиқ жоннинг иситмаси бор, деганлари-

дек хаста бўлиб бир неча кун ишга боролмай қолдим. Албатта, қасаллигимни идорага билдирдим. Тинини қайраб юрган Расулов эса шундан ҳам фойдаланмоқчи бўлди. Келсин, масаласини кўрамиз, деб айттириб юборди. Мен боролмадим, чунки ҳали тўла тузалмагандим.

Кейинроқ касалдан ҳалос бўлгач, ишга чиқдим. Албатта, қолдирилган кунларга справка ҳамда касаллик варақаси бор эди қўлимда. Расулов уларга зарра эътибор бермай, устига-устак гўё касаллик варақасини сохтага чиқариб, ўдағайлаб кетди. Сенинг ишдан кетишинг ҳақида аллақачон буйруқ чиққан, аризангни ёзиб бер, деб дағдага қилишга тушди. Унинг дағдағасига идора касоба уюшмаси раиси Парпиев ҳам қўшилди. Лекин ҳеч бир нарса чиқавермагач, Парпиев гўё ҳамдарддек бошқа хонага бошлади ва мени аврашга уринди: — Расуловнинг таниш-билишлари кўп, кучли, ҳар йўл билан сизни ишдан ҳайдаса-да додингизни ҳеч кимга айтолмаймиз, яхшиси, тинчгина ариза ёзиб, бўшаб кетганингиз маъқул, деди.

Мен бу зугумлардан роса қолдан тойган, ҳозирги қистовдан эса эсанкираб қолгандим. Бир қарорга келишни билмасдим. У эса яхшилаб ўйлаб олишимга имкон бермай қороз тутқазди. Парпиев менга айтиб туриб, ариза ёздирди.

Кўп ўтмай мен шошганимни англаб, аризани қайтиб беришларини, ўзимга бирон-бир иш топгунимча шу ерда ишлаб туришни илтимос қилдим. Бироқ Расулов устимдан қулганича ниятига етган кишидек эшикни кўрсатди.

Мана шундан буён 4 ой ўтса-да мен бирон-бир жойда иш тополмай овораю сарсонман. Бугунги иқтисодий қийинчилик даврида 4 ой ишлолмай, тортган ҳўрликларимнинг эса чеки-адоғи йўқ. Наҳотки мен тўлиқсиз олий маълумотли бўла туриб, ўзимга муносиб бир иш билан таъминланишим мумкин эмас? Бунинг устига, кишиларни иш билан таъминлаш бурчи, вазифаси бўлган бир ташкилотдан айбсиз, зугум билан ҳайдалгандек кетдим. Наҳотки тазйиқ билан ёздириб олишган аризалари инobatга ўтади-ю, бунда ноҳақлик қилинганлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди. Адолатли жамиятда бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир ўзбек меҳнаткашларининг меҳнат қилиш ва инсондек яшаш ҳуқуқини муҳофаза қилувчи Бош қонунимиз — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган экан, менинг кўргулигимда ҳам адолат қарор топишидан умидворман. Бунга ҳаққим бор-ку, ахир!

Тоҳира Шерматова,  
Наманган вилояти,  
Чуст туманидаги Энгельс  
номли жамоа хўжалиги.



Асқар Мақкам

## ИШҚ БУ ФАНО МАҚОМИДУР

### Муаллиф дейдики:

Одам қалби кунлардан бир кун кўз очади ва жами мавжудотни биз кўриб ҳис қилиб турган шакл-шамойилда яратган Яратгувчининг ўзини севиб қолади. Оламларни ёритувчи, заррин нурларга чулғағувчи бу Ишқдан иймон ва этикод камол топади. Комил одам бу комил Ишқ кўчаларида мана неча минг йилдирки сарғашта ва саргардондир.

Яратгувчининг одамга бахш айлаған олий неъмат — Ишқ. Бизни бутун оламга боғлаб турган ришталар Ишқ ришталаридир. Бу ришталар Фано ва Бақо қошқаларидан ўтиб, Абадиятга уланади. Қалом пирларидан бири:

Ишқнинг етти шахрин кезди Аттот,  
Биз ҳамон бир кўча-ю бир кўйдамиз... —

деган эканлар.

Ишқ кўчасига тушган ошиқларга сабри жамил тиламакдан ўзга чора йўқ.

Мозор. Пушта. Гадо. Елғиз Гадо. Е рабб!  
Пуштами бу ё қаҳқашон билиб бўлмас  
гоҳ тупроққа чўмаётган гавдалардан  
гоҳ тупроқдан чиқаятган каллалардан  
аён бўлар бу ерларнинг ҳасбу ҳоли  
кирдикори...

Бу тупроқда ниш отган ҳўл уруғ каби  
аста-аста бош кўтарар бош чаноқлар  
улар турфа кимсалардан қолган ёдгор  
улар турфа улуғлардан қолган бисот  
Улар энди олисларга боққан билан  
нигоҳининг ковагидан еллар ўтар  
еллар ўтар чибинларни йўлдан тўтиб  
еллар ўтар қумурсқалар шаҳдин бузиб  
бу кўзларда бир маҳаллар ёнган чўғнинг  
кулларини дунё кезгән еллар билар  
Бу қошларнинг ўрнидаги куюк туклар  
ёндирарди термилғувчи нигоҳларни  
ва чаноқнинг сўл-соғида изи ҳам йўқ  
икки юзнинг таърифини қилиб бўлмас...  
Бу бир юзки унда қонлар оқар эди  
бу бир юзки унда ойлар ботар эди  
бу бир юзки унда ёнар эди либлар...  
Пуштами бу эй Гадойим  
пуштами бу  
Сўйла дунё аҳли қисмат қиссаларин  
сўйла Гадо

### УЛУҒ ГАДО

Кўй сен менга Искандардан сўйламагил  
шамширларнинг жарангидан сўйламагил  
ва хуфёна ханжарлардан сўйламагил  
Сен менга бир ИШҚ қиссасин сўйла Гадо  
Сен менга бир ИШҚ қиссасин сўйла Гадо...  
Деди Гадо — Ишқ — бу ажал келмай туриб  
кўриб турсанг унинг рангин сувратларин —  
келаверса бири яшил гиёҳ каби  
бири сафсар чечак каби келаверса  
келаверса бири ҳулво ранги бўлиб  
на зангори на кўм-кўк на яшил бўлиб  
бу сувратлар ёниб турса тўрт ёнингда  
тўрт томонга тикилсангу кўрсанг уни  
не кимсалар даҳшат ичра кўз юмганда  
сен жилмайиб жон топиурсанг...

Ишқ ажалдир...

Ишқ ажалдир...

Ишқ ажалдир — деди Гадо...

Деди Гадо — Ишқ сариқ тус бир унсурдир —  
у сўнгалар ичра кезар ой нуридек  
тунлар қачон руҳ танадан чиққанида  
сўнгаларнинг қабатидан чиқар у ҳам  
оқиб кетгай  
ва қайтмагай...

Деди Гадо — Ишқ бу бало келган туннинг  
қоқ ўртаси —  
на тонг яқин  
на тун ўтгай...

Даҳшат солар зулумотнинг сарҳадлари  
осмон қаро ер зим-зиё  
юзларингда  
тентирайди борлиқ-олам кўлжалари  
аммо кангул чоҳларида тубларида  
ловиллайди кўкдан чиқиб кетган қамар

аммо кангул қаър-қаърида бир зариф нур  
қонинг билан қўшилишиб оқар зилол  
чайқалади сархуш бадан ашёлари  
такбир айтар елканг уза томирларинг  
такбир айтар сўнгаларинг киприкларинг  
такбир айтар билакларинг панжаларинг  
такбир айтар  
такбир айтар  
такбир айтар...

Деди Гадо — Ишқ бу олам чилласида  
ўлтирган бир болиғадир — ўн олтида  
ўлтиради нигоҳлари ёнар тошдек  
шуъла сочар икки зулф оташгоҳида  
ой синиғи янглиғ ойдин кафтларида  
ярақлайди Каломуллоҳ саҳфалари  
Бу болиға —

ўн олти ёш бу болиға  
ўн олти йил жон беради  
бир Ошиққа...

Эй бод — дедим минг бор унга унамади  
Эй бод — дедим бир зум тин ол!  
тўхтамади...

Кетди дунё кечиб дунё кезиб кетди  
Эй бод — дедим кетди барбод бўлиб кетди...

Эй бод — дедим  
Эй бод — дедим...  
Барбод — дедим...

Деди Гадо — Ишқ бу дарё мавжларида  
тўлқинларда ёрилмаган оқ ҳубобдир  
харсангтошлар ёролмаган  
телба гирдоб ютолмаган  
гирдубодлар сўндирмаган  
бир ҳубобдир  
бир ҳубобдир  
бир ҳубобдир... Деди Гадо — Ишқ бу шаҳид маконидан  
тунлар кўкка ўрлагувчи нури ҳудо  
нури ҳудо...

Бу нур тушган ҳар кангулда ҳудо тирик —  
ҳудо тирик  
ҳудо тирик...  
ҳудо тирик...

Деди Гадо — Ишқ бу ҳамал сойларида  
жилдираган қор сувининг садолари  
сой тубида юзиб юрган парилардан  
чошгоҳ маҳал кўкка кўчган малак ҳовур...  
фаришталар қанотидек чайқалган сой  
ичларида сўнги қорнинг пок сувлари —  
ит тужиғи  
бир ножинсинг оёқлари  
бир нокаснинг кир танаси  
тушмаган сой...

Покиза сой...

Болиға сой...

Олиға сой...

Деди Гадо — Ишқ бу етти рангин ёқиб  
уфқларда гулхан ёққан шафақдир Ишқ...

Бул шафақ қултепалари — тоғлар уза  
қарс-қарс ёниб ётар улкан сангпоралар...

Деди Гадо — Ишқ бу ўлим келмагунча  
ўз Ерини тополмаган бир телбадир...

Бул Ер тирик насиб қилмас ҳеч бандага

Бул Ер насиб қилар тирик ўлганларга...

Деди Гадо — Ишқ бу фано мақомидур

Зоҳир олам боғларида гуллар ичра  
фано бўлмоқ...

Зоҳир олам арконида айшдан кечиб  
фано бўлмоқ...

Зоҳир олам қулбасида оч бемадор  
фано бўлмоқ...

Зоҳир олам дастгоҳидан кечиб бадар  
фано бўлмоқ...

фано бўлмоқ...



Ҳабибулло Саид Ғани

## АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА МУҲАММАСЛАР

МУАЛЛИФ ДЕЙДИКИ:

Ҳазратнинг ғазалларига мухаммас боғлаш иштиғи менда дабдурустан пайдо бўлди шекилли. Уйламай-нетмай шу ишга киришиб кетибман. Кейин билсам, бу мен томондан қилинган анчайин шаккоклик экан. Айниқса, «Ашрақатга» мухаммас боғлаш!..

Бироқ ёру дўстларнинг далдаси менга мадад берди. Агар қусурли жойлари бўлса, авваламбор ҳазратнинг руҳи поклари олдида ва сизлардек нозик таъб ғазалхонлар олдида бир умрга узрлидирман.

Шамси анвар шуъласидин ҳар тараф рангин наво.  
Олама ҳар жилвасидин ёғилур ҳамду сано.  
Тебратур нурларни бода, субҳидам некбин ҳаво:  
Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул ҳудо,  
Ер аксин майда кўр деб жомдин чиқти садо.

Жом тўла май ишқидин ён, шодумонлиқдир карам,  
Соқий! Қай севгидин йиғлаб адо бўлғай бу шам?  
Кимки ошиқ ўлди, андин бош олиб кетгай ситам,  
Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,  
Йўқтир, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Қай тараф боқсанг магарким кўринур ҳар ён сафол,  
Ваҳки, кўнгул давлатидин ўзгаси ёлғон, сафол.  
Асли олам ичра олам, не ажаб, вайрон сафол.  
Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир сингон сафол,  
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо.

Кўнгул ичра ёширин ишқ — мавжи уммон ичра дурр,  
Қанчалар эрса зимистон, шунча равшан кўринур.  
Минг жаҳондин минг хабар жом ичраким санчилса нур,  
Жому май гар бўйладир, ул жом учун қилмоқ бўлур  
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.



# ХОРИЖДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ



## БУЛОҚБОШИ

Май учун эл борму даъво бўлғали, эй муғбача,  
Жомда май йўқ эрса гаёго бўлғали, эй муғбача,  
Бир майи икромга маъво бўлғали, эй муғбача,  
Дайр аро ҳуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,  
Жоми май ғутсанг мени девонадин қил ибтидо.

Қатра майда жамъ эрурким ою юлдуз кечалар,  
То саҳар кўз юлмағай майдин тоғиб ул чехралар.  
Бехуд эрмас майпарастдек завқи майдин нечалар,  
Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар  
Чехраи мақсуд, маҳв ўлғай ҳамул дам моадо.

Оразин кўйида ичмакдин йўқ ўзага чораким,  
Жоми ишқдин аҳли ориф шодумон май ичсаким.  
Юз очар гетинамода ҳар саҳар гулчехраким,  
Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,  
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.

Ҳар кўнгул майхона бўлса жом анга маъбуд эрур,  
Ювса кўнгул зангини май бирла ким маъбуд эрур?  
Бу фано дунёсида майсиз ҳаёт не суд эрур,  
Сен ғумон қилғондин ўзага жому май мавжуд эрур.  
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоғидо.

Эй, Ҳабиб, ошуфта дил майгун азал соқийсидин,  
Май харобот аҳли-чун очун азал соқийсидин.  
Тутмиш олам сатҳини не ун азал соқийсидин?  
Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин  
«Ишрабу ё аюҳал-атшон» келур ҳар дам нидо.

\* \* \*

Эй, кўзим, келмоқ йўлидин ўзгасига бўлма банд,  
Не ажабким, ўт келур бир интизор йўлдин баланд.  
Кўз очиб турдим қотиб, ҳайрон ҳануз аҳли Хўқанд,  
Оразинг муштоқидур бу кўзки бўлмиш дардманд,  
Гарчи бордур дардлиғ кўзга ёруғликдин газанд.

Дори бўлғай деб қизорғон, кўзга мен босдим изин.  
Из мунаввар ўлди, аммо кўрмадим ҳаргиз ўзин.  
Еки кўзга сурди рангин: дам яшил, дам қирмизин.  
Дард ўтин ёқти кўнгулга ҳажр чун, кўрдум юзин.  
Кўйдурур, албатта, ҳар доруки бўлғай сўлминд.

Беписандлиқ бирла боқғай мен тарафга гул кўзи,  
Бу каби бедодликдин дод солмиш дил кўзи.  
Учиролмас дил ўтини тўкса ёшин қул кўзи,  
Бу қизорғон кўз аро мардум эмаским; эл кўзи  
Тегмасун ҳуснунга деб ўт узра солибмен сипанд.

Бу сифат ўт ичра ёнса ҳамки кўз, мамнун ўзим,  
Ҳар дақиқа бағтиёрлиқ шевасин сўзлар сўзим.  
Жисму жоним ёнса-ёнсин, майлу дерман, бер тўзим.  
Токи ул бемор кўз ошуфтаси бўлмиш кўзим;  
Истабон жинсият оғриқ шевасин қилмиш писанд.

Интизорлиқдин дамодам кўзга тушган хол экин?  
Лола янглиғ доғми тутган кўзларимдир ол экин?  
Ҳажрида қонлар тўла қалбим анга тимсол экин?  
Кўзларим лаълингга ҳамранг ўлди, ваҳ, не ҳол экин.  
Ким бу аччиғ йиғлагон сойи ул айлар нўшханд.

Кўз ақиқ рангига кўнди, ўзгасин орзуламас,  
Лаълга нур тушмаса ғор ичра ул тошдир абас.  
Кўз азоблар чекса ҳамки сенга ҳеч додин демас,  
Кўзни бир из туфроғидин равшан этким, суд эмас.  
Шофи кофурий чекиб осмоқ анга мушкин паранд.

Интизорлиқ рангларин сочмиш Ҳабиб наврўзига,  
Кўзи билмай турфа рангни берди турғу сўзига:  
— Бу жаҳон нурдан иборат! — Топди таскин ўзига.  
Ул қуёш ҳажринда билмонким, Навоий кўзига  
Барча олам тийрадур ё боғламишдур чашмбанд.

## Ватан туғи

Мен туркистонли, мағрур бир туркман,  
Ғурурим чексиз, йўлим истиқлол.  
Курашда доим дўстлар-ла шерикман,  
Туғимиз нишони — юлдуз-ла ҳилол.

Туғимиз бамисоли кўк билан тақлид,  
Кўкнинг нишони бизга-да символ.  
Бу туғ остинда минглар мужоҳид,  
Курашар, олмоқ-чун миллий истиқлол.

Туркистон ўлкам, жона-жон юртим,  
Номинг жаранглар бурро тилларда,  
Сенда қувониб, очилғай баҳрим,  
Меҳринг жойлашган тоза дилларда.

## Севги

Севги...  
Севги турмуш бўстони бозатувчи гул  
Еш-қарини мардон эгиб, қувват бағишлар.  
Севги навосини гулга куйлайди булбул,  
Севги муродига етса қалблар олқишлар.

Севги—улкан, ул этур ё ҳар томонни боғ,  
Еки қийнаб нотавонни, додлатиб фироғ.  
Ул сеvgики, ул туфайли қушлар сайрайди.  
Ул сеvgики, ул туфайли қалблар яйрайди.

Севги тори боғлангандир юртга — миллатга,  
Кабби-корга, ёру дўстга, ақраболарга.  
Фазилатли ҳар бир ишда сеvgи асосдир,  
Чин сеvgига душманчилик шайтонга хосдир.

Ҳар нарсадан Ватан, миллат сеvgиси кучли,  
Ўз миллатин сеvмак учун ҳар кимдир бурчли.  
Севги порлоқ бўлгон жойда фазилат ўнар,  
Севилмак-чун сеvмакликни айлангиз ҳунар.

Тоғай Мурод

# ОТАМДАН ҚОЛГАН

Роман<sup>1</sup>

# ДАЛАЛАР

## VI БОБ

### I

— Барча уй-уйига, қапа-куйига! — дея мажлис тарқатди раисимиз. — Дехқонқул ака, сиз бир майдон оёқ илинг!

Нима гап демишдай раисимиз юзига тикилдим. Бирон аломат англамадим.

Жойимга қайтиб ўтирдим.

Фаоллар кетиб бўлди.

Раисимиз идорани маҳкам ёпиб келди.

— Айтган-бойлаганларингизни чиқара беринг, — деди раисимиз. — Мукофотга мотоцикл олиб бераман.

Мен ҳазил дея ўйладим. Қалла ирғаб-қалла ирғаб кулдим.

— Уйнаб қўй, мотоциклларидан, ўйнаб қўй, — дедим.

— Нимага қаллапойчага ўхшаб ишшасиз? Мен сизга ўнақай гапни айтаянман!..

Раисимизни гапи қорнидан қўпол бўлди, қорни гапидан қўпол бўлди.

Мен гап чинлигини билдим. Сергак бўлдим. Бармоқларимни қирс-қирс этдим.

— Хали — ҳозир бировга билдирмай тулинг, — деди раисимиз. — Мукофот ўз оти ўзи билан мукофот-да.

Идорадан теримга сиғмайин қайтдим.

Мотоцикл мукофот олайн-у, ичимда ютайинми? Мотоциклдай учқур техникани ичда ютиб бўладими? Майдароқ бир нима бўлса экан!

Айтмайман-а, айтмайман!

Бола-бақрамни қатор ўтиргизиб мақтандим!

— Меҳнат — меҳнатни таги роҳат, ўртоқлар! — дедим. — Мана энди мотоцикл минамиз, ҳа! Яхши ўқисаларинг, мактабга мотоциклда олиб бориб, мотоциклда олиб келаман. Йўқ, олиб келолмас эканман, ўзларинг пиёда келар экансизлар. Мен кечқурун мотоциклда майлисга борар эканман.

Аёлимиз дастурхондан кўз узмади.

— Мотоциклни пулга беради-да, — дея мингиллади.

— Йўқ, мукофотга олайман. Раис ўз тили билан ўзи айтди, мукофотга бераман, деди.

Ҳужраси тарафдан онамиз кела берди.

— Ҳа-а, келин? — деди онамиз. — Анави ошингни ейин Матросов нима деяпти?

Аёлимиз пиқ-пиқ кулди.

— Мотоцикл олаётган эмиш, — деди.

— Эб-эй, қайси битига олар эмиш?

— Мукофотга олар эмиш.

— Ҳа-а, давлат тентак бўпти-да, текиндан-текин мотоцикл бериб!

— Давлатни ундай деманг, эна, — дедим. — Идеология келса, айтиб бермайин, тагин?

— Айта бер! — деди онамиз. — Айта бер, Идеология суюнчисига иштонини ечиб беради!

Онамиз икки бармоғини энлаб-энлаб кўрсатди.

— Идеология суюнчисига манавиндай иштонини ечиб беради! — деди.

Аёлимиз оғиз ушлаб-оғиз ушлаб кулди.

### 2

Қари билгични пари билмайди, дегичлари чин бўлди.

Раисимиз ҳужжат кўрди.

— Энди, пулини чўзинг, — деди.

— Қандай пул? — дедим.

— Қандай пул бўларди, мотоциклни пулини-да.

— Ўзингиз... мукофотга бераман, дедингиз-ку, раис бова?

Раисимиз кет чалқайиб-кет чалқайиб кулди. Раисимиз қорин билқиллатиб-қорин билқиллатиб кулди.

Қула-қула, масалани баён этди.

Мен ўйлаб ўйимга етолмадим: бунинимаси мукофот? Ҳеч қурса, ярим пулига берсалар-да майли эди. Мукофот дейишга тил борар эди. Кўнгил таскин олар эди.

Мен бунча пулни қаердан оламан? Бозорда бир кило гўшт тўққиз сўм. Ун кун бўлди — қозонимиз гўшт кўрмади.

— Раис бова, — дедим. — Худога шукур, эшагим бор, бемалол етиб-ортиб турибди.

— Оласиз, мотоцикл оласиз.

— Қолхозда нима кўп, аризабоз кўп. Мотоцикл мукофоти берсангиз, аризабозлар ёзади. Оч қорним, тинч қулоғим, раис бова.

— Сиз сара дехқонимизсиз. Сиз мотоцикл мукофот олсангиз, аризабозлар... қолади!

Мен тиззамга шартиллатиб бир урдим. Бўлар гапни айтдим.

— Хуллас қалом... пул йўқ! Ана бўлмаса! — дедим.

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда. Жўрнал нусхаси.

Раисимиз пинагини-да бузмади.

— Биламан, сиз айтмасангиз ҳам биламан, — деди. — Дех қонда пул... ейдими! Дехқон — бағри қон, дейди! Мотоцикл пулини колхоз тўлайди. Кейин, йиллик даромадингиздан ушлаб қолади.

### 3

Мен тумандан мотоцикл миниб келдим.

Мотоциклимни ҳовли нақд киндигида тикка тирадим. Олд оёғини қибла қаратиб кўтардим.

Мен мотоциклимни гир айланиб-гир айланиб томоша этдим. Мотоциклим қибла тараф ана учайин-мана учайин, дегич... ракета мисол туюлди.

Мен ошхонада ивирсимиш аёлимизга овоз бердим.

— Ай, ақанг қарағайни мотоциклини кўриб қўй! — дедим. — Бу мотоцикл эмас, ракета, ракета!

— Бу киши қачон одам бўлади, — деди аёлимиз.

— Эб-эй, бизга нима қилибди? — дедим. — Ракетани қара, ракетани!

Аёлимиз деразадан кўринмиш ойнаижаҳонга ишора берди.

— Бу киши-да анави одамлардай бўп, бундайгина, шляпа кийиб юрса бўлмайди, — деди.

— Қайси, ойнаижаҳондагиларми? Энди, улар катта одамлар. Биз ҳали у даражага етганимиз йўқ.

— Нимаси катта, улар-да шу кишидай одам.

— Йўқ, сен билмайсан, улар катта одам. Катта одам бўлмаса, ойнаижаҳонга чиқармиди.

— Катта бўлган билан, уларни мотоцикли йўқ, бу кишиники бор.

— Бу гапинг чин! Лекин, қўй, одам уялади, шляпа кийсам, биров-ярим, раис келяпти, деб ўйлайди.

— Амирбойни аёли бу киши мотоцикл олаётганини эшитиб, мотоцикл олгандан кўра, калласига бир нима олиб кийса бўларди, калласидаги тизнаги типратиконни ўлигига ўхшайди, дебди.

— Типратиконни ўлиги! Манави телпагим-а? Ҳай, ана гарни аёли-я! Шу аёл қизлигида-да мендан кир қидирарди! Ганим — ганим экан-да. Эртага тонг отсин, шляпа кийганим бўлсин. Ганимлар куйиб кул бўлсин.

### 4

Ўзбаки — зўраки, дейди.

Эртаси эрталаб дала ишларимни бир ёқли этдим.

Мотоциклимни миниб Денов йўл олдим.

Шляпа ололмаман-а, шляпа ололмаман, мотоцикл олмиш жоним, шляпа ололмаманми, дея йўл олдим.

Мотоциклимни йўл гирдида қолдирдим.

Қўш қават дўқонлаб кўтарилдим. Шляпа сотгич жойни топдим. Шляпаларга назар солдим.

Оқ шляпа, кўк шляпа, сариқ шляпа... бари тешик-тешик шляпа!

Бурчакда иккита қиз ойна кўриб-ойна кўриб ўтирди. Ҳиринг-ҳиринг кулишиб ўтирди.

Мен қизларга қараб турдим-турдим — қизлар отинг нима демади!

— Ҳ-ҳ, қизларим-ов! — дея овоз бердим.

Қизлар ияк силтади.

— Ҳа, нима? — деди.

Мен қафим билан бери келинлар, ишорасини бердим. Қизлар бир-бировига қараб олди. Бирови юзини ушлаб кулди. Бирови бошини кетига ташлаб кулди.

Бирови мен тараф юрди. Олдимга келар-келмас тагин ияк силтади.

— Ҳа, нима керак? — деди.

Қиз қошимда тойчоқдай лик-лик этди. Қиз пештахта чертиб-чертиб ўйнади.

Қиз уст-бошимга қаради. Қиз бетимга қаради... қиз афт бурди. Қиз бурчак қаради.

— Бўлинг, давай, бўлинг! — деди.

Мен нимадан гап бошлашимни билмадим. Бир шляпа бер, дейин дедим — эп бўлмади. Тилим бормади!

Тагин, турган-туришинг шу, сенга шляпани ким қўйибди, дейдими дея ўйладим.

Қиз бурчак тикилиб ликиллашидан — бизга ўхшагичларга шляпа бергич қиз бўлмади.

Бир кўнглим — обрўйимни борида қайтиб кета берайин, дедим.

Бир кўнглим — элан-қаран келдим, энди еурайин, дедим. Оғзимни шунча жуфтладим — шляпа довлмадим!

— Анавидан бер, — дедим.

— Шляпа? Размор, размор?

— Размор деб ўтирасанми, бировини бер-да қўй-да.

Қиз олдимга бир даста шляпа ташлади.

Мен ойна олдида битта-биттадан шляпа кийиб кўрдим. Ҳайнаб қўйай-қўйай, жигитни қаранглар-ай, жигитни-е, дедим.

Мен ўзимни ўзим танимадим. Мен ўзимга ўзим беш кетдим!

Қиз бурчакдан кўз олмади.

Қиз ер остидан калламга кўз қир ташлади.

Қиз бурун жийирди. Қиз пешона тириштирди.

Охир-оқибат — бир шляпа калламга чиппа ёпишди.

— Шунини нархини айт, — дедим.

Қиз юзимга қайрилиб-да қарамади.

— Беш сўм! — деди.

— Ҳа, тешик-тешик бўлса, яна-тагин, офтобдан сақлама-са, буни нимаси беш сўм? — дедим.

Қиз жавоб бермади. Бурчак қараб тура берди.

Мен беш сўм узатдим.

Қиз бурчак қарамаш зайли пул олди. Гийқиллатиб ғаладон очди. Пулни ғаладон ташлади. Тагин гийқиллатиб ғаладон ёпди.

Шунда, пештахтада тахлоқлик бахмалга кўзим тушди. Гулдор бахмал кўзимни ўйнатди. Олмасам-да, сўраб-суриштиргим келди.

— Бахмал қанчадан бўлди? — дедим.

— Олмасангиз нима қиласиз, — деди қиз.

— Ҳайнаб қўйай, бахмалларингдан, Ҳайнаб қўйай, оламан деса, оламан.

— Беш сўмлик шляпани кўриб юрагингиз ёрилиб кетди-ю.

— Ёрилган йўқ, қизим, ёрилган йўқ, ундай дема.

— Сўзана қиммат, эллик сўм, — деди қиз.

— Юз сўм турса-да, бер қани, бир кўрайин қани.

Қиз бахмални зарда билан олдимга ташлади. Ҳа, бир бурчакдан ушлаб турди.

Мен гўё олар одамдай бахмални силкиб-силкиб ёйдим.

Шунда, бахмал бурчи қиз қўлидан чиқиб кетди.

Қиз қўлини белига тиради. Қиз учосини чиқарди. Қиз қафти билан бетига шамол этди.

— Уф-ф-ф... кўриб бўлдингизми? — деди.

Мен бир қизга қарадим, бир бахмалга қарадим, бир ёнимга қарадим.

Ёнимда пул бўлди. Аёлимиз ун оласиз, дея бермиш пул бўлди. Пул бир ҳафтадан буён ёнимда юрди.

Мен ёнимни ковладим. Ана шу пулни олдим.

Мен бармоқ тупуклаб-бармоқ тупуклаб пул санадим. Мен қиз қулогига қуйиб-қуйиб пул санадим:

— Бир сўм, икки сўм, уч сўм... Эллик сўм! Ана, эллик сўм! Энди, шу бахмалингни берман бер!

Қиз пештахтадан пулни олди. Санаб-санаб ғаладон солди.

Қиз бахмал ўраб бошлади.

— Ҳа, шундай бер! — дедим.

Қиз бахмални олдимга сурди.

Мен бахмални олиб бурчак бордим. Ер жойлашиб ўтирдим. Этикларимни бирин-кетин суғурдим.

Бахмални тирр-тирр икки бўлдим.

Бир бўлагини бу оёғим ўрадим, бир бўлагини у оёғим ўрадим.

Этикларимни тортиб-тортиб кийиб олдим. Этикларимни ер тепиб-ер тепиб кийиб олдим.

Дўқонда юрмишлар ажабона-ажабона қараб-қараб ўтди.

Қиз... кўрдим демади! Қиз... мижжа қоқмади!

Қиз ойна қараб қош силади. Қиз ойна қараб зулф тоблади.

— Бахмал сўзана... — дея минг-минг этди.

— Далага бўла беради, — дедим. — Бизни далага бахмал сўзанаем бўла беради!

Қиз... эшитдим демади! Қиз... қулоқ қоқмади!

Мен телпагимни қўлтигимга боса-боса эшик равона бўлдим.

— Бозорим бароридан келди, — дедим. — Шляпа билан пайтава қидириб келиб эдим, икковини-да топдим!

— Гуля, — дея, ҳамкасабаси тараф юрди қиз. — Гуличка, уйдан голландский сир олиб келганман, обед қилмаймизми?

### 5

Остимда мотоцикл, бошимда шляпа — гармселдай-гармселдай елдим.

Шляпамни ойна солиб-ойна солиб олдим.

Ёрил-е, Дехқонқул-е, Ёрил-е, дедим.

Бир-икки чақирим олдим — шляпамни ойна солдим. Тагин бир-икки чақирим олдим — тагин шляпамни ойна солдим.

Ҳа, ране бўлиб кет-е, Дехқонқул-е, ране бўлиб кет-е, дедим.

Шунда, хибла ўйлаб қолдим. Ҳа, ўзимни ер урмишдай бўлдим. Паёт юрмишдай бўлдим.

Чин-да, раис ким бўпти? Шляпаси бўлган билан... мото-

цикли йўқ! Давлатни машинасига қуни қолган.  
Унда... райком бўлиб кет-е, дедим. Шунда, ўзимни ўзим билмишдай бўлдим.

Раис билан райком ўртаси бўлиб кет-е, дедим.

6

Уйда шляпа кийиб ойнажаҳон кўрдим.  
Ойнажаҳонда АҚШ президенти шляпасини ер олиб қўйди.  
Сиз-да шляпангизни олинг, Дехқонқулбой, дедим.  
Мен шляпамни олиб қўйдим.  
АҚШ президенти шляпасини кийди.  
Шляпангизни кийинг, Дехқонқулбой, дедим.  
Мен-да шляпамни кийдим.  
АҚШ президенти шляпасини мен тараф силкитди.  
Мен-да шляпамни ойнажаҳон тараф силкитди.  
АҚШ президенти шляпасини бошига қўндирди. Самолётга кириб кетди.

Мен-да шляпамни бошимга қўндирдим. Болиш ёнбошладим.  
Хуриллатиб-хуриллатиб чой ичдим.  
Ай, шляпангизни қирқувидан-да, Дехқонқулбой, шляпангизни қирқувидан-да, дедим.

Аммо... бош кийим кўрдим — шляпадай бекилигини кўрмадим!

Калламни қашилайин дея қўл узатдим — қўлим ўз-ўзидан шляпа қирқувига тегиб кетди.

Шляпа ер тегиб-тегмай юмалаб-юмалаб жўнади. Уй бурчагига бориб тўхтади.

Мен ўрмалаб бориб шляпамни олиб келдим.  
Тагин шляпа кийиб чой ичдим. Қўлим тагин шляпа қирқувига тегиб кетди.

Шляпа юмалаб-юмалаб жўнади.  
Ўйнаб қўяй, сендайчикин бош кийимдан, ўйнаб қўяй, дедим.

Бош кийим бўлса — кирои телпақдай бўлса-да. Телпақ вазмин-вазмин, собит-собит бош кийим.

Телпақ тап этиб ер тушдим, бўлди — жойида қимир этмай тура беради. Шляпадайин юмалаб, одамни ўрмалатиб юрмайди.

Шляпам ер тушиб, бурчак юмалашини қўймади — мен ушлаб келиб, калламга қўндиришимни қўймадим.

Мен теваракка ками билан раисона-раисона, кўпи билан райкомона-райкомона қарадим.

7

Аёлимиз даладан келиши билан ҳаволаниб-ҳаволаниб пешвоз бордим.

— Қандай? — дедим.

Аёлимиз шляпамни айланиб қаради. Аёлимиз шляпамни хушвақтланиб қаради.

— Бинойда. Қулдук бўлсин, — деди.

— Жигит-да, жигит! — дедим.

Аёлимизга қараб турдим-турдим:

— Эллик сўм... оллоху акбар! — дедим.

Аёлимиз бўзрайиб-бўзрайиб қолди. Аёлимиз ёмон-ёмон қараб қолди.

Билдим — эллик сўм ун пулни ё йўлда йўқотиб келди, ё хавойидан-ҳавойи сарфлаб келди, дея ўйлади.

— Энди, унни қайтаман? — деди. — Энди, тандирга елкамни ёпаманми?..

Аёлимиз овози қалт-қалт этди. Аёлимиз лаблари пир-пир этди. Аёлимиз... йингламоқдан бери бўлди.

Мен кечмишимни оқизмай-томизмай баён этиб бердим.  
Аёлимиз шляпамга тикилиб хаёлланди.

— Мудир аёл эдими? — деди.

— Аёл эди-да, аёл!

Аёлимиз юзига ранг оралади. Аёлимиз рангига кулгич оралади.

— Ўхшатибди! Ўхшатса-да, улай-булай ўхшатмабди! деди. — Ўхшатса-да, кўнглимдагидай ўхшатибди!

8

Гўзаларим қирқ қулик бўлди.

Гўзаларим қирқида сувсади.

Гўзаларим сувсаганини қандай билдим?

Бир қарич ер остидан бир сиқим тупроқ олдим. Тупроқни маҳкам-маҳкам сиқимладим.

Тупроқ бир-бири билан қовушмади. Тупроқ чочилиб-чочилиб турди.

Демак — гўзаларим сувсади.

Чиртиллатиб бир барг узиб олдим. Баргни қўнқўллаб бир буқладим.

Барг қоқ ўртасидан ўтмиш йўғон томир қире этиб синмади.

Демак — гўзаларим сувсади.

Мен гўзаларимни сувладим.

9

Далаларимда ассаломалайкум билан чирмовиқ тошди.  
Мен йигирма кило пентахлор-фенол билан беш юз кило сув аралаштирдим.

Бир гектар даламга йигирма килолаб сепдим.

Бўлмади — ассаломалайкум билан чирмовиққа бас келмади.

Бир дихлорпропинат дегич дори бор. Мен уни далапон дори дейман.

Саккиз кило ана шу далапон дори билан беш юз кило сув аралаштирдим.

Далаларимни уч бора далапон дорилладим.

Ассаломалайкум билан чирмовиқни уйи қўйди!

10

Ўйнаб қўяй, янги техникаларидан ўйнаб қўяй!

Ким қанча йилдиким, хўжалигимизда КХУ-4 дегич янги техника бор отанга бўлади, бор онанга бўлади.

Боридан йўғи яхши бўлади!

Боиси — гўза остини ишлагич мазкур техника кети бир рамалик. У баланд прицепага тақилади. Натижада трактордан хийла кейинда туради. Шу боис, ердан рисоладагидай кўтарилмайди.

Оқибат — тўрт-беш қадам дала бош-адоқ гўзани қирқиб-қирқиб бурилади. Оқибат — тўрт-беш қадам дала бош-адоқ оппоқ пахтаи нобудлаб-нобудлаб бурилади.

Мен ё тўрт-беш қадам дала бош-адоқ гўзамни экмаслигим лозим бўлди, ё эксам-да, тўрт-беш қадам гўзамни ўриб-ўриб ташлашим лозим бўлди, ё... ана шу янги техникадан кечишим лозим бўлди.

Мен янги техника баҳридан ўтдим.

Чин-да, янги техника дея аталмиш гўрсўхтани нима қиламан? Чин-да, дала бош-адоқ гўзаларимни кунпаякун этиб нима қиламан?

Эскиси трактор бортовойига тақилади. Трактор баллонлари оралиғига тақилади. Шу боисдан-да эскисини ердан кўтариб олиш гоят ўнғай бўлади. Эскисини буриб олиш гоят қулай бўлади.

Эскиси битта-да гўзамни қирқмайди. Эскиси битта-да гўзамга зиён бермайди.

Мен ҳар йил ана шу эски техника туфайли далаларим бош-адоғидан йигирма тонна оппоқ пахтамни омон олиб қоламан.

Йигирма тонна оппоқ-оппоқ пахта!

Айтишга осон — оғиз бир четидан чиқади-кетади.

Аслида — йигирма тонна оппоқ пахта эл-юрт учун оламжаҳон-оламжаҳон наф бўлади.

Мен катталардан нордон-нордон гаплар эшитдим.

Аммо далаларимга эскисини солдим. Гўзаларим остини хайдадим.

Трактор тишлари тегмайин ўтмиш гўза уя оралари кўп-кўп қолди.

Гўза уя оралари ана шундайин қола берса — ҳосил чўг-сиз-чўгсиз бўлади.

Мен гўза уя ораларини кетмоним билан юмшатиб-юмшатиб олдим.

Пушта тупроқни эгатлаб туширдим. Эгат тупроқни пушта-лаб олдим.

Оқибат — пуштада тўпланиб-тўпланиб ётмиш озиқ моддалар гўзаларим остига тушди.

Гўзаларим авж-авж ўсди.

11

Оғилимизни бирёғи қийшайиб қолди.

Мен қараб-қараб қўйдим. Бу йил қишни ўтказар, дея ўйладим. Аммо мен ўйламишдай бўлмади.

Қийшаймиш девор белидан ағнаб тушди.

Табиатим тирриқ бўлди.

Оғил олдилаб сим чироқ судраб бордим. Тут айрисига чироқ илдим.

Оғилхона ён-ёруғ бўлди.

Ағнамиш деворни кетмон билан майдаладим — лойхона этдим.

Ётар вақти-ётар вақти ариқ ёқалаб бордим.

Сув бошида қулоқчи йўқ бўлди.

Пахтага бормин сувдан ўгириб келдим.

Сув мен билан баравар лойхоналаб келди.

Чалворимни тиззалаб лиша урдим. Кафтларимни тупуқ-

лаб ҳўладим. Кетмон олиб лой кирдим.

Девор кесакларни тепиб-тепиб лой этдим. Кетмон билан уриб-уриб лой этдим. Тепкилаб-тепкилаб пишитдим. Устидан сув сепдим.

Сахарда вақтлироқ туриб девор ураман, дея ниятландим.

Аммо сахарда ухлаб қолдим.

Эснаб-эснаб лойхона келдим. Лой қарадим-лой қарадим — нима қилишимни билмадим. Девор ураин дедим — дала қолиб кетар бўлди, дала борайин дедим — лой қотиб қолар бўлди.

Ўйладим-ўйладим — тагин ариқ ёкалаб сув боши бордим.

Бу сафар қулоқчи бўлди.

Ундай дедим, бундай дедим — қулоқчи кўнмади.

— Йўқ, беролмайман, сув пахтага бораёпти, — деди.

Епишиб олдим, куйиниб олдим.

— Молхонамизни ярми йўқ! — дедим.

Йўқ бўлса нима қилайин? Мол зарилми, пахта зарилми?

— Пахта зарил!

— Отангизга балли, пахтани олдида мол нима деган гап!

Нима дейишимни билмадим. Келгич изимдан қайтиб кела бердим.

Ўйдан катта бидон олиб келдим.

Бидон билан елкамда сув ташидим. Беш-олти марта қатнадим.

Лой сувладим. Лой юзи килкиллаб-килкиллаб қолди.

Мотоциклимни миниб дала йўл олдим.

Қун бўйи лойдан алағда бўлдим.

Қун ботиши билан аёлимизга жавоб бердим.

— Бор-да, лойга сув сениб тур, қотиб қолмасин, — дедим.

Оқшом тунар-оқшом тунарда уйимизлаб келдим.

Тут айрисиди чироқ ёниб-ёниб турди.

Лозимини тиззалаб-тиззалаб туриб-туриб олмиш аёлимиз... лой тепди.

Аёлимиз сочлари лой тегмасин учун соч турмаклаб-соч турмаклаб лой тепди. Аёлимиз рўмоли билан бел бойдаб-бел бойлаб лой тепди. Аёлимиз қўйлақ этаклари лой богмасин учун қўшқўллаб этак кўтариб-қўшқўллаб этак кўтариб лой тепди.

Аёлимиз ҳарсиллади!

Аёлимиз лойдан илла-илла оёқ кўтариб олди.

— Бекор лой кирибсан-да, — дедим. — Мен сенга сув сепиб тур, деб эдим-ку?

— Сув сепдим, қотиб қопти.

— Болаларни лой солсанг бўларди.

— Болалар зарра бошидан қорасон бўлсинми энди.

Болалар майда-майда сатилларда сув ташиди.

— Бўлди, лойдан чиқ, — дедим. — Бор, мол-ҳолингга қара, қозон-тобогинга қара.

Аёлимиз лойдан чиқаман деди — чиқолмади, чиқаман деди — чиқолмади. Оёғини лойдан тортиб ололмади!

Мен аёлимизни қўлтиқларидан олиб, лойдан чиқариб қўйдим.

Болалар ҳиринг-ҳиринг қулди.

Мен кетмон билан қўзага-қўзага лой тепдим. Мен сувлаб-сувлаб лой тепдим.

Лой пишиди. Лой тобга келди.

Мен оғилхона деворини миниб аёлимизни чақирдим.

Аёлимиз қозонини онамизга қолдириб келди.

Лой уриш осон, лой олиб бериш қийин.

Аммо аёл зоти девор уролмайти-да.

Шу боис — аёлимиз лой олиб берди, мен девор урдим.

Аёлимиз белдаста суяна дам олиб-белдаста суяна дам олиб лой олиб берди.

Аёлимиз лой соб бўлгуничайин лой олиб берди.

## 12

Етар вақти аёлимиз ўнг оёғи бошмалдоғини ушлаб-ушлаб вой-войлади.

Аёлимиз бошмалдоғини онамизга тутди.

Онамиз ёруққа солиб қаради.

— Эб-э-й! — деди. — Тирноқ кўчибди, бошмалдоғингни тирноғи кўчибди. Тирноғингни олиб юрсанг ўласанми, қирлиб кетгур!

— Тирноққа қарайдиган вақтми, — деди аёлимиз.

Мен ишонмайин қарадим.

Чин, тирноқ четлар қонталаш-қонталаш бўлибди. Чин, тирноқ учлар кўтарилиб-кўтарилиб турибди.

— Деҳқонқул бор, қайчини олиб кел, — деди онамиз.

Мен қайчини олиб келдим.

Онамиз кўчган тирноқни кирт-қиртиллатиб олиб ташлади. Аёлимиз инграб юборди.

— У-у-ух! — деди.

Онамиз қайчини аёлимизга узатди.

— Ма, тирноқларингни ол, — деди.

Аёлимиз қайчини қўли билан қайирди.

— Дардим тирноқми, — деди. — Ўзи, уйқум келиб, ўлиб бораёрман.

— Кел, унда ўзим олиб қўяйин.

Онамиз аёлимиз оёқларини тиззасига олди. Тирноқларига қайчи солди.

Аёлимизни оёқлари... турли-туман бўлди!

Бebilчагидан юқориси осма қовундайин тўр-тўр қора бўлди.

Калишдан ташқари юргич жойи ана шундай тўрлама-тўрлама бўлди.

Бebilчагидан пасти қуйруқдайин оппоқ-оппоқ бўлди.

Калиш ичида юргич жойи ана шундай қуйруқ-қуйруқ бўлди.

Аёлимиз товонлари... қоп-қора бўлди!

Аёлимиз товонлари... тилим-тилим ёриқ бўлди! Қақроқ ердай-қақроқ ердай тарам-тарам ёриқ бўлди!

Субҳи содиққачайин зим-зиё уйимизни оҳ олди.

— О-о-оҳ, оёғим! — дея уйқусиради аёлимиз. — О-о-оҳ, оёқчинам-а! — дея оҳ урди аёлимиз.

## 13

Тагин далаларимни бегона ўт босди.

Қадамимда семизўт ёйилиб ётди.

Семизўт ўз оти ўзи билан йўгон-йўгон ўт бўлди. Бармоқдай танаси тўла сув ўт бўлди.

Семизўт ерда бор бўлмиш намни сўриб-сўриб олди.

Семизўт ерда бор бўлмиш гумусни шимиб-шимиб олди.

Гумаиларни таг-томири билан кўпориб тўдаладим. Жар-арикқа олиб бориб кўмиб ташладим.

Филқулоқ баргли итқулоқ юлдим.

Икки-уч баргли шалпангқулоқ юлдим.

Шўраўт тортқилай бериб қўлларим сасиб-сасиб қолди.

Шўраўт тортқилай бериб димоғларим аксириб-аксириб қолди.

Бир хушрўй баргли ўт билан рўпарў бўлдим.

Ўт бир барги нопармон бўлди, ўт бир барги қип-қизил бўлди. Ўт учиди попуги-да бўлди. Попугида гуж-гуж доналариди бўлди.

Бегона ўт кўзимни олди. Бегона ўт кўнглимни олди. Бегона ўт завқ-шавқимни олди.

Ёввойи тожихўроз ана шундай ўт бўлди!

Тожихўроз дони шамолда учса — беш минггачайин болалайди. Тожихўроз дони сувда оқса — беш юз минггачайин болалайди.

Эркак қамиш ичида оппоқ похолдайин пўпаги бўлади. Шу пўпагидан ичи мўрт бўлади. Бир қайириб синдирса бўлади.

Ургочи қамиш юлиш ит азоб бўлди! Ургочи қамишни тортиди — юлинмади. Ургочи қамишни қайирдим — синмади.

Шу чайирлиги учун-да ургочи қамишдан бўйра қиладилар!

Ургочи қамиш барги кафтларимни тилди. Ургочи қамиш барги бармоқларимни тилди. Мисоли олмос билан кесмишдай тилди!

Тиликларимдан қип-қизил қон кўпирди.

Мен тиликларимни лабларим билан сўрдим. Мен тиликларимни тулғим билан намладим. Мен тиликларимни қуруқ тупроқ босиб дорилладим.

Қоним қолди. Аммо тиликларим ачишиб-ачишиб огрий берди.

Мен қоп-қора нўхат ҳосилли итузум юлдим.

Мен хандалак ҳидли зарпечак юлдим.

Қирқбўғин гўзаларимни ёпиб-ёпиб ўсди. Қирқбўғин гўзаларимни ўраб-ўраб ўсди. Қирқбўғин гўзаларимни бўғиб-бўғиб ўсди.

Далаларимда кўк чирмовиқ-да сероб бўлди, сариқ чирмовиқ-да сероб бўлди.

Чирмовиқлар гўзаларим танини ўраб-ўраб олди. Чирмовиқлар гўзаларим жонини сиқиб-сиқиб олди.

Мен қирқбўғинларни чангаллаб-чангаллаб юлиб ташладим.

Мен чирмовиқларни тирноқлаб-тирноқлаб юлиб ташладим.

## 14

Етардан олдин қўлларимни олқиндилаб-олқиндилаб ювдим.

Кафтларимни қайроқтош билан қирдим. Бармоқларимни қайроқтош билан ишқаладим.

Кафтларим ажи-бужи кир бўлиб қолди. Бармоқларим чизик-чизик қора бўлиб қолди.

Идоралаб бориб эдим, раисимиз остонада олдимни олди. Ичаридан қозғоғ ўроғлиқ бир нима олиб келди.

— Манавини бизникига олиб бориб беринг, Дехқонқул ака, — деди.

— Бу нима? — дедим.

— Қўй гўшт. Аёлга айтинг, катталарбоп овқат қилсин. Юқоридан одам бор. Тагин, бера солиб қочманг, гўштни майдалаб беринг.

— Майлис нима бўлади, раис бова?

— Ўша ўзингиз билган майлис-да, боринг.

— Тагин қайтиб келайинми?

— Келиб юрманг, аёлга қарашинг, боринг.

Мотоциклмни раисимиз дарвозаси олдида тўхтатдим.

Ўзимизни уйга кирмадим — болалар қўлимдаги гўштни кўрса томоғи тушади, дея ўйладим.

Раисимиз аёлига гўштни бердим. Бор ганни айтдим.

— Нима кўп, ёмон қовунни уруғи кўп, нима кўп, катта кўп... — дея мингиллади раисимиз аёли.

— Ундай деманг-е, ҳамсоя, — дедим.

— Нимага демайман, дейман! Умрим катталарга қозон қайнатиб ўтди! Яна-тагин, қирилгурлар ундай-бундай таомни емайди! Бола-бақрага бошқа қозон, катталарга бошқа қозон қайнатаман. Билмайман, катталар осмондан тушганми!

— Ҳа энди, катта бўлгандан кейин, нозиктаъб бўлади-да.

— Ҳа, куйдирги чиқсин, нозик таъбиға, куйдиргигина чиқсин! Яна-тагин, майлис пойлаб қозон қайнатаман. Майлиси ўлгур бўлса, ярим кечаси тамом бўлади!

Мен раиси сўрида жойлашиб ўтирдим. Пичоқни қайроқ-тош чархлаб олдим. Гўшт майдалаб бошладим.

Мен ойнаижаҳон қараб-қараб гўшт майдаладим.

Ойнаижаҳон бор — раисимизда бор-да! Раисбоп ойнаижаҳон! Рангли-рангли ойнаижаҳон! Қизилини қизил, кўкини кўк кўрсатгич ойнаижаҳон!

Московдан гўзаллар мусобақаси бўлди ё гўзаллар намоиши бўлди, ишқилиб — ажаб бир синоат бўлди.

Ўнг ёқдан бир гўзал келди, чап ёқдан бир гўзал келди — ойнаижаҳон гўзалга тўлди!

Сарвқад гўзаллар, чиккабел гўзаллар, садафтиш гўзаллар бўлди!

Гўзаллар керила-керила қадамлади. Гўзаллар иргала-иргала қадамлади. Гўзаллар соллана-соллана қадамлади. Гўзаллар нозлана-нозлана қадамлади.

Ай, бир қизлар бўлди, ай, бир қизлар бўлди! Пахтадай оппоқ қизлар бўлди. Қош-киприги қоқ-қора қизлар бўлди. Лаблари пахта гулидай қип-қизил қизлар бўлди. Айби... яланғоч қизлар бўлди!

Мен махлиё бўлиб ўтирдим-ўтирдим... ўз-ўзимдан уялдим. Юзларим қизиди. Йўқ, ловв-ловв энди. Қўзларим пир-пир этди.

Мен ойнаижаҳондан қўзларимни олдим. Бошимни қирт-қирт қашидим. Раисимизни аёли қараётган бўлса-я, дея кўз қирим билан ошхона тараф қарадим.

Раисимизни аёли қозони билан ҳаманкара бўлди. Дуюм-дуюм ойнаижаҳон-да қараб-қараб қўйди.

Раисимизни аёли мана мундай демишдай бўлди:

«Мунча кўзингни лўқ этиб қарайсан? Нима, умрингда яланғоч аёл кўрганинг йўқми?»

Юзларим ҳаминқадар лов-ловуллади.

Бошимни тагин-да қуйи эгдим. Дастурхон эгдим. Дастурхон букдим.

Мен мана мундай демиш бўлдим:

«Мен яланғоч аёлларга қараётганим йўқ. Мана, дастурхон қараб ўтирибман».

Эси дардим эса... гўзалларда бўлди! Кўз остимдан қараб-қараб олдим...

Турк гўзали босайинми-босмайинми, дея одимлади. Оқтерак бел-оқтерак бел оппоқ сонларини иргаб-иргаб одимлади...

Мен ич-ичимдан мирқидим. Мен қилт-қилт ютиндим...

Тагин ошхона тараф кўз қиримни ташладим.

Раисимизни аёли қозондан юзини олди. Ойнаижаҳон қаради. Бир кўзи қозонда бўлди, бир кўзи ойнаижаҳонда бўлди.

Раисимизни аёли мана мундай демишдай бўлди:

«Эркак бўлмай ўл-а. Яланғоч аёлга қарамай кўзинг ўйилсин-а».

Мен бир-икки йўталиб-йўталиб олдим. Бошим узра шиғил-шиғил пишиб ётмиш ҳусайни узумларга бош кўтариб қарадим.

Бет-бошим узумларда бўлди, кўз қирим гўзалларда бўлди.

— Манави ҳусайни-я, ҳамсоя? — дедим.

— Ҳусайни, нима эди?

— Мен жовузмикин, дебман...

Мен мана мундай демиш бўлдим:

«Мен яланғоч аёлларга қараётганим йўқ. Мана, ҳусайни узумларга қараб ўтирибман».

Аслида... бет-бошим узумларда бўлди, кўз қирим гўзалларда бўлди.

Баданларим ваража-ваража этди.

Оғзимдан сувим оқди.

## 16

Катталар бир маҳалда келди.

Қўлювгичда қўл чайди. Бирин-кетин ичарилади.

Мен остонадан егуликлар узатиб турдим.

Раисимиз қўшқўллаб олиб дастурхон қўйиб турди.

Мен остонада турдим.

— Энди нима қилайин, раис бова? — дедим.

Раисимиз эшик балдоғидан ушлади.

— Бўпти, энди қайта қолинг, — деди. — Эрта дала боргич одамсиз.

— Эса-чи, — дедим. — Дала борма, қаер бораман.

Раисимиз эшикни ичидан ёпди.

## 17

Мотоциклмни ошхонамиз девори суядим.

Оҳиста-оҳиста ичариладим.

Тимирскилабни тўшак топдим. Уст-бошимни ёнбош қўйдим.

Оёқларимни узатиб керишдим. Қўзларимни юмиб-юмиб ётдим. Аммо уйқум келмади. Бояги гўзаллар кўз олдимдан кетмади...

Аёлимиз тараф оҳиста қўл узатдим. Тўшак силадим.

Тўшак бош-адоғилаб пайпасладим.

Аёлимиз жойида бўлмади.

Аёлимизда болаларни нарёғига ўтиб ётиб олиш одати бор

эди. Ё, шундай ётдимикин, дедим.

— Ай... — дедим оҳиста.

Овоз бўлмади.

Мен оҳиста турдим. Кафтларимни гилам тираб тўрт оёқ бўлдим. Болалар боши тарафдан ўрмалаб бордим. Юзимни болалар юзига тутиб қарадим. Бирин-бирин қарадим.

Аёлимиз бўлмади.

Тўшакни энг чеккасини — аёлимиз мендан безор бўлиб бориб ётиб олгич чеккасини қарадим.

Аёлимиз у ерда-да бўлмади.

— Ай, қаердасан? — дедим.

Шунда, чиндап-да аёлимиз уйда йўқлигини билдим.

Оёғимда тик турдим. Серрайиб қолдим. Бир-бир босиб дахлиз чиқдим, ундан меҳмонхона ўтдим. Чироқни ёқдим.

Аёлимиз меҳмонхона тўрида ётди.

Ўртада дастурхон ёйиқлик бўлди. Дастурхонда бир корсон таом бўлди. Таом усти нон билан ёйиқлик бўлди.

Чироқ ёниши билан аёлимиз болишдан бош олди. Тирсақ суяниб ўтирди. Кафтини пешонасилаб соябон этди.

— Қаёқда юрибди?.. — дея мингиллади.

— Юқоридан катталар келди, — дедим. — Катталар билан ўтириб қолдим.

— Унда, қорни тўқдир-да?

— Кўча-кўйда қачон қорин тўйиб эди-да, энди тўяди. Болаларни овлоқ қолдириб, сен буёқда нима қилиб ётибсан?

— Бу кишини хўрагини кўриб ётиб-ётиб, ухлаб қолибман. Ана, анави хўрагини есин.

Аёлимиз шундай дея, тагин ёстиққа бош ташлади.

Мен кўрпача жойлашиб ўтирдим. Қошиқ билан таом қўзгадим.

Таомда тагин гўшт йўқ бўлди!

Мен аёлимизга бир захримни сочайин, дедим-дедим — тагин индамадим. Чин-да, гўшт бўлмаса аёлимизда нима айб?

Мен таомга нон тўғрадим. Корсон нон билан тўлди. Гўшт ўрнини нон босди.

Кўнглим тортиб-тортмай кавшандим. Теварак аланглаб-аланглаб кавшандим.

Узала ётмиш аёлимизга тикилдим.

Аёлимиз пиш-пиш ухлади. Аёлимиз хур-хур ухлади. Аёлимиз ўнг қўлини белидан бошига олиб қўйиб ухлади.

Шунда, аёлимиз ўнг қўлтиғи остига кўзим тушди.

Оғзимдаги оғзимда қолди, бўғзимдаги бўғзимда қолди. Бир нафас кавшанмай қолдим. Аёлимиз қўлтиғига тикилиб қолдим.

Аёлимиз кўйлаги қизил бўлди, қўлтиқ ости... олачалпак оқ бўлди.

Кўзим адашайптимикин дея, тикилиб-тикилиб қарадим. Аёлимиз билиб-билмай қизил кўйлагини оқ билан ямаб олдимикин дея, бор эътиборим билан қарадим.

Йўқ, оқариб турмиш олачалпак ямоқ бўлмади. Олачалпак... тер бўлди, қотиб қолмиш тер бўлди. Чанг аралаш, кир

аралаш, жун аралаш тер бўлди...

Аёлимиз олачанақ қўлтиги... шўр даламиз бетидай-шўр даламиз бетидай бўлди.

Кўнглим айниди. Таомни таъбим тортмади.

Қошиқни таом ташладим. Юзимни чет олдим. Теварак-бош алангладим.

Бўлмади — қорним очлигидан таом ичдим, ўлмаинни кунидан таом ичдим.

Таом ича-ича аёлимизга разм солдим.

Бечора далада-да бир кўйлақда юради, уйда-да бир кўйлақда юради.

Бечора кунда-да бир кўйлақ кияди, тунда-да бир кўйлақ кияди.

Бечора ҳафталаб бир кўйлақ кияди, ойлаб бир кўйлақ кияди.

Кўйлақ алмаштирайин демайди. Кўйлақ тугул, қўлтиқ тугул — ойна қарамайди.

Ойна қараш учун вақт тополмайди — қўлтиқ қарайдими, қўлтиқ эслайдими...

Оғзим таомда бўлди, кўзим аёлимизда бўлди. Тикилиб-тикилиб таом едим.

Шунда... шунда гўзаллар ҳаёлимдан бир-бир ўтди. Ҳаёлимда гўзаллар бўлди, кўз олдимда аёлимиз бўлди.

Мен ўйлаб-ўйлаб қолдим...

Бу зот... бу зот... гўзаллар намоишида иштирок этса... нечанчи совринни... нечанчи совринни олар бўлди?

## 18

Мен болиш ёнбошладим.

Болишимни аёлимиз болишига қўшдим.

Қўлимни аёлимиз бўйни остидан оширдим. Бошини билагимга олдим. Пешонамни пешонасига теккиздим. Кўзларимни юшиб ётдим.

Шунда... аёлимиз сочларидан... аёлимиз сочларидан... бутифос... бутифос ҳиди келди!

Кўзларим ялт этиб очилди.

«Ё, пирим-е, хали далага бутифос сепмадик, бутифос ҳиди қаердан бино бўлди? — дея ўйлай-ўйлай, топдим. — Аёлимиз Жарариқдан молга ўт олиб келади. Ўрни бошида кўтариб келади. Бу ҳид ўтган йили сепилиб, ҳалиям ўтларда ётмиш бутифос ҳиди бўлди».

Мен кўзларимни чирт юмдим. Мен бутифос ҳидини билиб-билмасликка олдим. Мен бутифос ҳидини кўриб-кўрмасликка олдим.

Аёлимиз елкаларини силаб-сийпадим.

Аёлимиз силаб-сийповларимни ўзича ўйлади... Аёлимиз силаб-сийповларимни ўзича йўйди...

— Сидирга ётсин. — деди. — Сув совуқ...

Қўлимни елкасидан олиб ташлади.

Кўнглим увишди. Кўнглим эзилди. Кўнглим ўйилди!

Мен болишимни аёлимиз болишидан холисроқ олдим.

«Энди... бу зот-да... аёл-да? — дея кўнглим куйди. — Аёл-дир-да, ана, ноз этапти-ку? Аёлдир-да, ана, нозланапти-ку?»

Мен юзларимни болиш босдим.

«Ким бўлса-да... болаларимни онаси, — дея кўнглим ийди. — Ким бўлса-да... пушти-камаримдан бўлмиш болагиналаримни онагинаси», — дея кўнглим ийди.

Шунда, ягринларим аёлимиз тафтли нафасини туйди.

— Ў-ўй? — деди аёлимиз. — Ў-ўй?..

Аёлимиз қапишиб-қапишиб келди.

Мен ўзимни ухламиш олдим.

— Бирдай шундай этади, — дея ёрилди аёлимиз. — Дардимни айтигин дейман, чапна бурилиб ётиб олади...

— Нима дардинг бор, айта бер.

— Ў-ўй, аёллар Хўжай обигармга томошага борапти экан.

— Ҳа-а.

— Бари эркаги билан борапти экан.

— Ҳа-а.

— Хўжанов муаллим аёли билан бош бўлаяпти экан.

— Ҳа-а.

— Бир ҳафта ётиб келар экан.

— Бир ҳафта? Пахта нима бўлади?

Аёлимиз айтиб-айтиб йнглади:

— Шундай дейишми билиб эдим. Мен бечора ишни остида чириб кетаман...

— Энди, сен ўзингни Хўжановни аёлига тенг этма-да. Хўжанов муаллим, аёли магазин мудир. Уларда бирёғи пул катта, бирёғи дам олиш кунни деган гаплари бор. Сен билан бизда нима бор? На пул бор, на дам олиш кун бор, ўз отимиз ўзимиз билан колхозмиз.

— Мен бечора ишни остида ўлиб кетаман...

## 19

Чилла ловуллади!

Кун бук бўлди.

Кун дим бўлди.

Қилт этмиш шабада эсмади.

Гўзабоп-гўзабоп ҳаво бўлди.

## 20

Дала юзасида кўз билан кўриб бўлмас зах бўлади.

Дала юзасида қўл билан ушлаб бўлмас нам бўлади.

Ана шу зах гўзани ушлаб-ушлаб туради.

Ана шу нам гўзани тортиб-тортиб туради.

## 21

Чилла ана шу юза захни ер остилатиб-ер остилатиб чўқтирди.

Чилла ана шу юза намни ер остилатиб-ер остилатиб эндириди.

Чилла ер гўза остидан кўтарди.

Чилла қуёш гўза учидан тортди.

Гўза гур-гур ўсди.

## 22

Ер хансиради.

Гўзаларим барги оч-оч яшил туслана берди.

Гўзаларим барги қўнғир-қўнғир доғ бўла берди.

Гўзаларим барги буришиб-буришиб қола берди.

Гўзаларим очқади!

Мен гўзаларимга босиб-босиб азот бердим.

Мен гўзаларимга босиб-босиб фосфор бердим.

Мен гўзаларимга босиб-босиб калий бердим.

## 23

Кун гўзаларим учиди илашиб-илашиб қолди.

Мен омборхонадан бир орқа дорихалта орқалаб келдим.

Дорихалталарни парр-парр йиртдим. Бўлак-бўлак этдим.

Кафтдай-кафтдай этдим.

Ўқариқ билан эгат қулоққа дориқоғоз қўйдим. Шаршарасимон-шаршарасимон этиб қўйдим. Қулоққа босиб-босиб қўйдим.

Бош-адоқ ўқариқни ана шу мақомда дориқоғозладим.

Миробдан сув ҳайдаб келдим.

Сув ўқариқлаб-ўқариқлаб окди.

Малла чумчуқ сув пишиниб-сув пишиниб ўйнади. Қулранг чумчуқ қанот тараб-қанот тараб ўйнади.

Кун сўлиди-сўлиди — оқ билан қорани фарқлаб бўлмаини қолди.

Мен бир қўйин дориқоғоз олиб олдим.

Фонус ёқиб ўқариқ ёқаладим.

Ўқариқ охиста-охиста тўлди.

Сув дориқоғоз шаршаралаб келди. Сув дориқоғоз шаршарадан тошди. Сув ширр-ширр эгат тушди.

Мен ўқариқ ёқалаб қадамладим. Дориқоғозларга, фонус тутиб-фонус тутиб қадамладим.

Дориқоғоз тушиб кетмиш қулоқлар бўлди.

Мен эгатда тушиб ётмиш дориқоғозни олиб қулоққа қўйдим. Қулоқ теварагини лойлаб-лойлаб шиббаладим.

Дориқоғоз оқиб кетмиш қулоқлар-да бўлди.

Мен бундайин қулоқларга қўйнимдан бошқа дориқоғоз олиб қўйдим.

Дориқоғоз қийшайиб-қийшайиб қолмиш қулоқлар бўлди.

Мен ана шу дориқоғозларни созлаб-созлаб қадамладим.

Чилла тунлар оппоқ юзли-оппоқ юзли бўлди.

Чилла юлдузлар болалади.

Чигирткалар чирр-чирр этди.

Фонусимни турли-туман ҳашаротлар ўраб-ўраб айланди. Фонусимни ҳашаротлар гир-гир айланди. Фонусимни ҳашаротлар чирт-чирт чертиб айланди.

Ҳашаротлар бирин-кетин ўлиб-ўлиб айланди!

Ўқариқда сув уриб кетмиш жойлар бўлди.

Мен сув уриб кетмиш жойларни қўлим билан битаб-битаб қадамладим.

Ўқариқ бир жойини ёмон-ёмон сув урди. Сув эгатлар оша шиқдир-шилдир тошди. Сув эгатлар оша варақ-варақ топди.

Мен билақларимни турдим. Сув уриб кетмиш ёриққа қўл тикдим. Ёриққа кесак тикдим. Ёриқни нуқилаб-нуқилаб муштладим.

Сув ҳамон булоқ бўлиб тоша берди.

Мен ўқариқ остидан лой олиб тикайин, дея қўл узатдим.

Бир чангал лой тортиб ола-ола — кўксим билан сувга тушиб кетдим.

Мен шилта бўлмиш уст-бошимни ташладим. Иштончан бўлдим. Яланг оёқ бўлдим.

Мен иштончан бўлиб сув битадим. Мен яланг оёқ бўлиб сув битадим.

Бир кўнглим иштончан бўлиб сув тарай берайин, дедим. Яна-тагин, пашшадан кўрдим.

Шилтадан-шилта уст-бошимни сиқиб-сиқиб кийиб олдим.

Мен ўқариқ бош-адоқлаб бориб кела бердим.

Ўғзаларим жилдир-жилдир сув ичди.

Ўғзаларим мириқиб-мириқиб сув ича берди. Ўғзаларим тиниқиб-тиниқиб сув ича берди. Ўғзаларим қониб-қониб сув ича берди.

Чилла сув — тилла сув бўлди!

Тун қайтди. Ой оғди.

Оёқ-қўлим бўшашиб-бўшашиб қолди. Кўзларим кетиб-кетиб қолди.

Ўқариқ бошида оёқ илдим. Фonusимни қабатимлатиб қўйдим.

Ўқариқ бўйида майдароқ калладай бир кесак бўлди.

Мен ана шу кесакка ёнбошладим. Ёнбошдан чалқанча ётдим.

Кесак бошимга ботиб-ботиб ётдим.

Осмон кўриб-осмон кўриб ётдим.

Чилла юлдузлар сўлгин-сўлгин бўлди.

Кўзим илинди.

## 24

Момик-момик оқликдан кўзларимни очдим.

Тонг тўрқади.

Дунё таги оқариб-оқариб кела берди.

## 25

Ўғзаларим шонага ўтирди.

Ўғзаларим битта-биттадан шоналади. Азоншомда бир шона тугди, намозшомда бир шона тугди.

Шунда, оқтупроқ далам сувсади.

Оқтупроқ ўғзаларим салқинда тирилди, офтобда сўлиди.

Ич-ичимдан қаринди ўтди. Дардим ичимда бўлди. Тишим тишимда бўлди.

Шона вақти дала сувсаса ёмон. Ҳаминқадар ёмон!

Сув таралса — ўза гуриллаб-гуриллаб ўсади. Ўза говлаб-говлаб ўсади.

Сув тараб бўлмайди — шонага ўтирмиш ўза шоналамай қўяди. Ўза шонадан қолади.

Мен энди сув тараш тугул дала ораламадим.

Ўзага ўнғир тегса бўлди — энди таг олмиш шона лип этиб учиб тушади. Ўза бир силкинса бўлди — энди уч бермиш шона жалп этиб учиб тушади.

Бир туп ўзадан иккита шона тўкилса — бир гектар даладан икки юз кило ҳосил камаяди!

## 26

Мен далаларимни айланиб-айланиб қарадим.

Мен шоналарни кўзим билан санаб-санаб қарадим.

Ўғзаларим етти-саккизтадан шона тугди.

Ана шунда далаларимга бир сув жилдириб-бир сув жилдириб олдим.

Шона вақти ботин сувлаб бўлмайди — шонага зиён беради.

## 27

Ўғзаларим шигил-шигил шоналади.

Ана шунда ўғзаларим азотга ерик бўлди! Ўғзаларим азотхўр бўлди!

Мен бир гектар ўзамга йигирма беш килодан азот бердим.

Ўғзаларим тагин-да юз очди. Ўғзаларим тагин-да ранг олди.

## 28

Ўғзаларим ўттиз-қирқтадан шоналади.

Мен тагин бир сув жилдириб олдим.

## 29

Ўғзаларим саксон-тўқсонтадан шоналади...

Қани эди — шу шоналар гул бўлиб кўсак тугса эди! Қани эди — шу кўсақлар пахта бўлиб очилса эди!

Афсус, ўза билониҳоя шонани кучай олмайди, афсус!

Шоналар ўз-ўзидан қуриб-қовжиради. Шоналар ўз-ўзидан тўкилиб-чочилди.

Бир туп ўзада ўттиз-қирқтадан шона қолди.

## 30

Мен энди ўғзаларимни сувдан омонладим — кўп сув шона тўқади.

Мен энди ўғзаларим умрини чилладан тиладим — ўткир жазирама шона тўқади.

## 31

Ўғзаларим гуногун-гуногун гуллади.

Ўғзаларим ост-остидан гулга кирди.

Илк ҳосилшоҳ айрилиш бўғинидан илк гулини очди.

Мен ўғзаларимга бир сув ичириб олдим.

Иккинчи қават ҳосилшоҳ айрилиш бўғинидан гуллади.

Мен ўғзаларимга икки сув ичириб олдим.

Учинчи қават ҳосилшоҳ гул берди.

Мен учинчи бор сув ичирдим.

Ўғзаларим гуллай берди-гуллай берди — мен сув ичириб гул салом эта бердим-сув ичириб гул салом эта бердим!

## 32

Ўғзаларим нопармон-нопармон гуллади.

Мен ўғзаларим гулини искаб-искаб кўрдим.

Ўғзаларим гулидан... қорақошгул иси келди.

Мен ўғзаларим гулини тагин бир бор искаб кўрдим.

Ўғзаларим гулидан... ис келмади.

Ўзагул иссиз-иссиз гул бўлди!

## 33

Ўғзаларим қирмиз-қирмиз гуллади.

Қирмиз-қирмиз гулларимга капалак дориди.

Капалак қорамтир-сарик бўлди. Уаун-уаун қанот бўлди.

Қанотлари учида ёйма тўқ тасма бўлди. Қанотлари ўртасида иккита қўнғир доғ бўлди. Бир доғ буйраксимон бўлди, бир доғ ойсимон бўлди.

Капалак кундуз кунда бир жойда биқиниб ётди.

Капалак қора тунда бўйдор-бўйдор ўғзалар аро учди. Гулларга моёк қўйиб-қўйиб учди.

Капалак моёги гумбазсимон бўлди. Йигирма олти-йигирма саккиз қобирғали бўлди. Сарғиш-оқ рангли бўлди.

Моёк уч-тўрт кунда очди. Ичидан қирқ-қирқ беш миллиметрлик қурт ёриб чиқди. Қурт қорамтир-яшил бўлди. Қурт устлари ҳамда ёнларида қўнғир-қўнғир йўллари бўлди. Йўллар тўлқинсимон-тўлқинсимон бўлди. Йўлларда сийрак туклар бўлди, тўқранг холлар бўлди.

Кўсаққурт ана шу бўлди!

Кўсаққурт олдин уст куртақларни кемирди. Уст гулларни кемирди.

Кўсаққурт тўлишиди-тўлишиди — ўза ост шохларига эниб тушди. Ҳосилдор гуллар ичига кириб олди.

Кўсаққурт гул ич-ичидан қуригуничайин гул еди.

Кўсаққурт гул чириб-чириб тўкилгуничайин гул еди.

Кўсаққурт тишлари ўтмасланиб қолгуничайин гул еди. Индамайин — капалак қирқ кун умр суради. Қирқ кунда уч-тўрт минггачайин моёк қўяди.

Индамайин — кўсаққурт йигирма дона ҳосилгул ейди.

Йигирма дона ҳосилгул демак — ўн икки-ўн беш фоиз пахта-там кўсаққуртда кетди, демакдир.

## 34

Мен бир гектар ўзамни ўн беш кило калций арсенат билан чангладим.

Беш кундан кейин эфирсулфонатли хлорофос билан пурқадим.

## 35

Ўғзаларим сариқ-сарик гуллади.

Гулён баргларда моёксимон-моёксимон ўргимчаккана инлади. Гулён баргларда бўғиноёқ-бўғиноёқ ўргимчаккана маконлади.

Ўргимчаккана барглар кетини ингичка-ингичка ўргимчаккип билан ўраб-ўраб олди. Ўргимчаккана барглар кетини кулранг-кулранг ўргимчаккип билан қоплаб-қоплаб олди.

Ўргимчаккана гулён барг емади.

Ўргимчаккана гулён барг ялади! Барг ялаб-барг ялаб кета берди!



Оқибат — барглар илма-тешик бўлди. Барглар усти хол-хол қизил бўлди. Бора-бора қора-қора тус олди. Охири қовжираб-қовжираб тўкилди.

Мен барини кўриб-библи турдим. Аммо не иложим бўлди? Ўргимчаккана бино бўлгунчаини дала дорилаб бўлмайди. Ўргимчаккана бино бўлгач-да дала дорилаб бўлмайди. Ўргимчаккана жами барг беш фоизини еганидан кейин дала дориланади. Ана шунда дори самарали бўлади. Ўргимчаккана билан бир вақтда... қандала бино бўлди. Қўнғиз бино бўлди. Олтинкўз бино бўлди. Қандала... ўргимчаккана териб еди. Қўнғиз... ўргимчаккана босиб еди. Олтинкўз... ўргимчаккана билан тирикчилик этди. Мен ўргимчаккана қачон беш фоиз барг еб бўлади, дея куним ўтди — қандала билан олтинкўз ўргимчаккана териб еб куни ўтди.

Бу дунё тескари дунё, демишлари чин бўлди.

36

Нихоят — далаларимга эфирсулфонатли хлорофос сепдим.

37

Ғўзаларим оқ-оқ гуллади.  
Оқ гул ёмон, оқ гул ёмон!  
Танасида сув камчил ғўза оқ гуллайди.  
Тагида ўғит тақчил ғўза оқ гуллайди.  
Дардчил-дардчил ғўза оқ гуллайди.  
Оқ гул кўсак тугмайди. Тугса-да — майда-майда кўсак тугади.

38

Бечиринди гўнг — бесамар гўнг. Бечиринди гўнг — беоқибат гўнг.  
Бечиринди гўнг бегона ўт уйи бўлади. Бечиринди гўнг турли-туман дард ини бўлади.  
Мен фермадан бермиш бечиринди гўнгни олмадим.  
Кўча-кўйдан бўлса-да, чиринди гўнг топиб келдим.  
Пилла қўювчилар уйдан ипақгумбак олиб келдим.  
Товук фермадан паррандатевак олиб келдим.  
Барини ўқариқ боши ҳовуз солдим. Устидан сув тўлдирдим.  
Ҳовузни кураклаб-кураклаб қовладим. Азонда бир қовладим. Тушда бир қовладим. Шомда бир қовладим.  
Икки кун ана шундай ҳовуз қовладим.  
Учинчи кун ҳовуз бошидан бир ариқ олдим, ҳовуз адогидан бир ариқ олдим.  
Ҳовузбоши ариқдан сув ҳайдаб келдим.  
Ҳовуз сув билан лаболаб-лаболаб тўлди.  
Сув ҳовузда шарбат бўлиб адоқ ариқлади.  
Сув ариқда шарбат бўлиб ўқариқлади.  
Сув ўқариқда шарбат бўлиб далалади.  
Далаларимда шира-шарбат сув оқди.  
Шира-шарбат сув ғўзаларимни гул ташлашдан омон-омонлади.  
Шарбат сув — шакар сув бўлди!

39

Кўсақларим бўзболадай-бўзболадай тўлиша берди.  
Мен бот-бот сув қўя бердим.  
Сув қанда бўлса — кўсак ўз кунидан олдин очилади.  
Сув ариса — ҳосил тош беғоз бўлади. Ҳосил бефазилат бўлади.  
Чала бино бўлмиш чақалоқ қандай бўлади? Кўсак-да шундай-да!

40

Ғўзаларимга кўсакқурт тушиди.  
Кўсакқурт содда-муғамбир бўлади!  
Кўсакқурт кундуз кун нам тупроқ орасини макон этади.  
Ғўзатана остини макон этади. Шонабарг орасини макон этади.  
Кўсакқурт қушандаси чумчуқ бўлади!  
Чумчуқ тунда учмайди. Чумчуқ тунда толшоҳда ухлайди.  
Чумчуқ кундузда учади. Чумчуқ кундузда кўсакқурт териб ейди.  
Кўсакқурт ана шунга билади!  
Шу боис, кўсакқурт маконидан тунда ташқарилайди.  
Кўсакқурт болдан-бол таом бўлса-да, қайрилиб боқмайди.  
Фақат кўсак излаб ўрмалайди. Фақат кўсак топиб ўрмалайди.  
Кўсакқурт кўсак тешади. Кўсакқурт кўсак ғовак этади.

Кўсакқурт ана шу ғовақдан ичкари кириб олади. Ичкарида сув-сув чигит кемиради. Ичкарида мулоим-мулоим чигит кемиради.

Бир кўсакқурт йигирмата кўсак нобудлайди. Йигирмата кўсак ўн икки-ўн беш фоиз ҳосил демақдир.

Муғамбирдан-муғамбир кўсакқурт ундай-бундай доридан ўлмайди.

Шу боис, далаларимга метилмеркаптофос дори бердим. Мен билгич дорилар орасида сассиқдан-сассиғи ана шу метилмеркаптофос бўлди!

Далаларимни қўланса-қўланса ис олди.  
Мен икки кун туз тотайин дедим — тотолмадим.  
Томоғимдан туз тугул, сув ўтмади.

Қайтанга — ичимда бори-да томоғимга қайтиб-қайтиб кела берди.

41

Чилла куйди!

Олам тандир тафт-тандир тафт бўлди.  
Сонсиз ажинларим-да дош беролмади.  
Саратон телпагим-да дош беролмади.  
Мен лабларим ёрилиб-лабларим ёрилиб далаладим.  
Мен бурним қонаб-бурним қонаб далаладим.  
Мен каллам қайнаб-каллам қайнаб далаладим.

42

Ғўзаларим бўй-бўй ўсди.  
Ғўза бўйлаб ўсса ғўза бўлмайди — дароз-дароз бўлиб қолади. Ғоваб-ғоваб қолади.

Ғўза энлаб-энлаб ўсса ғўза бўлади. Ғўза энлаб-энлаб ўсса ғўза бўлади.

Шу боис, ғўзаларимни чилпир бўлдим.  
Бўйнимга этак осиб олдим. Дала бошидан ораладим.  
Дароз-дароз ғўзаларим учини бармоқларим билан чирт-чирт чимдиб олдим. Пешма-пеш этак солдим.

Рисолада ўсмиш ғўзаларим учини чилпиладим.  
Инсоф билан ўсмиш ғўзаларим учини-да чимдиладим.  
Майли, униб-ўссин, дедим.

Энлаб-энлаб ўсмиш ғўзаларимни билакларим билан қўза-қўзага қўйдим. Кафтларим билан силаб-силаб қўйдим.  
Этагим ғўзауч билан тўлди.

Ғўзаучлар бодрок-бодрок бўлди. Ғўзаучлар таом кўкат-таом кўкатдай бўлди.

Ғўзаучлар азанча бодрок бўлсин — ғўзаучларни эгатта ташлаб бўлмайди.

Ҳашаротлар ана шу ғўзаучларда болалайди!  
Масалан, кўсакқурт ана шу ғўзаучларда моёк қўяди. Моёк ғўзаучда бола очади. Қурт бўлиб ўрмалайди.

Ғўзаучлар мулоим бўлади-да, ғўзаучлар офтобиёр бўлади-да!

Ғўзаучлар азанча кўкатсимон бўлсин — ғўзаучларни мол-холга-да бериб бўлмайди.

Ғўзаучлар дорихалта бўлади! Ғўзага сепилмиш жами дори ана шу ғўзаучларда жамланмиш бўлади!

Мен бари ғўзаучларни Жарариққа олиб бориб кўмдим.  
Тепкилаб-тепкилаб кўмдим.

43

Бир ҳафтадан сўгин тагин бир бор чилпидим.  
Ғўзаларим бўйдаң қолди.  
Ғўзаларим энди кўсакка зўр берди.

44

Ўн кўсақли ғўзам гектаридан йигирма центнердан ҳосил беради!

Йигирма кўсақли ғўзам гектаридан қирқ центнердан ҳосил беради!

Йигирма беш-ўттиз кўсақли ғўзам гектаридан қирқ беш-эллиқ центнердан ҳосил беради!



## VII БОБ

### 1

Оқ тупроқ далам кўсаклари уч-учидан ёрилди. Оқтупроқ далам кўсаклари уч-учидан очилди.

Оқтупроқ даламга оқ оралади.

Бемаврид оқ оралади!

Оқтупроқ нозик-нозик ер бўлади. Оқтупроқ ориқ-ориқ ер бўлади.

Шу боис, оқтупроқ ер булайга силласи қуриб қолади. Оқтупроқ ер булайга дармонсиз бўлиб қолади.

Оқибат — оқтупроқ ғўза элданбурун пишади. Оқтупроқ ғўза элбурутдан очилади.

Ошпоқ-ошпоқ раққоса қизлар бўлади. Ялт-юлт раққоса қизлар бўлади.

Раққоса қизлар кўзни олади. Раққоса қизлар эс-хушни олади.

Аммо... раққоса қизлар пахта теролмайди. Раққоса қизлар хамир қоролмайди. Раққоса қизлар қозон қайнатолмайди.

Оқтупроқ ана шу раққоса қизлардай бўлади!

Оқтупроқда синсинбат бўлади, оқтупроқда қут-баракот бўлмайди!

### 2

Ғўзаларим бошидан кун урди, остидан нам урди.

Оқибат — ғўзаларим ора-оралари дим-дим бўлди. Ғўзаларим ора-оралари бук-бук бўлди.

Бундай вақтда трактор билан ғўза оралаб бўлмайди.

Трактор очилмиш пахталаримни чувалатиб-чувалатиб ташлайди. Трактор очилажак пахталаримни тўзғитиб-тўзғитиб ташлайди. Трактор кўсакларимни эзиб-эзиб ташлайди.

Ғўзаларим орасини шамоллатмасам — тагин бўлмайди.

Кўсакларим димда понгсиб-понгсиб қолади. Кўсакларим букда чириб-чириб қолади. Омон қолмиш кўсакларим очилмай-очилмай қолади.

Мен ана шунда бирдан-бир йўлдан бордим — бор деҳқонларим билан сочилиб-социлиб ғўза ораладим.

Ғўзаларимни қимирлатиб-қимирлатиб ораладим. Ғўзаларимни туртиб-туртиб ораладим.

Ғўзаларим шамоллади — кўсакларим ҳаво олди.

### 3

— Сизни Тошканга уч кунлик кўрикка жўнатаман, Деҳқонқул ака, — деди раисимиз. — Бир кўнгилни черини ёйиб келасиз.

— Қандай кўрик? — дедим.

— Пахта тергич машиналар кўриги бўлар эмиш.

— Далада иш кўкиб ётган бир вақтда-я?

— Энди, сиёсат-да, Деҳқонқул ака, сиёсат.

— Унда, ўзингиз бориб кела қолинг, раис бова?

— Қани эди, бир сайрлаб келар эдим. Катталар механизатор-бригадир боради, деяпти-да.

— Бир одамни икки бўладиган кунда-я?

— Бари колхоздан бировдан илғор борапти.

— Мен боролмайман, раис бова, боролмайман.

— Дўппингизни осмонга отсангиз-чи, Деҳқонқул ака!

Тошкани айланиб келасиз! Йўл харажатларингизни колхоз тўлайди!

Ана шунда жоним кирди!

— Майлингиз, раис бова, — дедим. — Кўп қўймадингиз, майлингиз.

— Хў-ўш, қайта-қайта чўмилинг... Яхшилаб кийининг. Тошкан ўз оти ўзи билан Тошкан. Уст-бош бордир?

— Бор, йўқ эмас, бор. Лекин барини охори тўкилиб ётибди. Шу теваракда кийса бўлади.

— Унда, бўлмайди. Сиз республика анжуманига бораёйсиз. Шу, парткомда фасон-фасон кийимлар кўп. Бир сидрасини олиб бераман. Уч кунга ейилиб кетмайди.

Мен эрталаб партком уйилаб бордим. Дардимни айтдим.

— Хабарим бор, раис айтиб эди, — деди партком. — Фақат, гард юктирмай қайтариб келасиз!

Партком шундай дея, ичкаридан бир камзул-чолвор билан бир қўйлак олиб келди.

— Манавиларни кийинг, қани, — деди.

Мен барини бир бошидан кийиб олдим. Ўзимни тошойна солдим.

Ўйнаб қўй, партком бўл-е, дедим, ўйнабгина қўй, парткомгина бўл-е, дедим.

Партком бўйнимга гулдор-гулдор бўйинбоғ тақиб бошлади.

Мен партком қўлини шунча ушладим — бўлмади.

— Тек ўтиринг! — деди партком. — Сиз пойтахтга томошага бораётганингиз йўқ, сиз республика кўригига бораёйсиз! Кўрикда катта одамлар бўлади. Сизни кўриб қолади. Галстуги йўқ — қолақ экан дейди, маданиятсиз экан, дейди.

Бўйинбоғ бўйнимни бўғди.

Мен охиста-охиста их-их, дедим. Нафасим хир-хир этди. Нафасим бўйинбоғ тугунида тўхтаб қолмишдай бўлди.

Мен тоқат этолмадим. Бўйинбоғ учини қўшқўллаб-қўшқўллаб тортдим. Узиб олиб отайин, дедим.

— Нимага мунча типирчилайсиз? — деди партком.

— Манави... бўлмайди, партком бова.

— Нимаси бўлмайди, михдай-ку?

— Иштонбоққа ўхшаб шалвираяпти.

— Э, ундай деманг! Маданиятли гапиринг!

— Қўйни нўхтасига ўхшапти, партком бова.

— Э, бир иштонбоғ дейсиз, бир нўхта дейсиз! Бу галстук, югославский галстук! Отлиққа топилмайди!

— Буюрсин, партком бова, буюрсин. Лекин шуни бўйнимдан олинг.

— Кўп гапирманг, мана бўлмаса!

Партком шундай дея, бўйинбоғни тортиб-тортиб қўйди. Шунда, бўйним пича озод бўлди. Эмин нафас олдим.

Жўна-жўна кунни бўйинбоғни ташлаб кетаман дея, ниятландим.

Бўлмади — раисимиз уришиб-уришиб тақиб қўйди.

Раисимиз мен Тошкентда ўзимни қандай тутишимни бот-бот тушунтирди. Мени машинада Денов жўнатди.

Туман қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ўтоғамиз бўлди.

Ўтоға бизни бош-адоқ қараб кўрди. Бир-бир қараб кўрди.

— Бўлади! — дея бош иргайди.

Ўтоға бўйинбоғимга гумонсираб-гумонсираб қаради. Бир кўзаларимга қаради, бир бўйинбоғимга қаради.

Мен илкис-илкис ҳолда қолдим.

Ўтоға ана энди бўйинбоғимни сўрайди, дедим. Ўтоға ана энди сен бундай бўйинбоғни қаердан топдинг, дейди, дедим.

Мен апил-тапил олдини олдим.

— Бу меники эмас! — дея, бўйинбоғимни тортқилаб-тортқилаб кўрсатдим. — Йўқ, меники эмас! Бу парткомизники!

Ўтоға тотли-тотли кулимсиди. Кулимсиб-кулимсиб бош иргайди.

— Биламан, Жамоллидинов, биламан, — деди. — Буни парткомларингиз таваллуд кунинда мен ҳаётиб эдим. Кўзимга иссиқ кўринганидан қараяпман.

### 4

Мен Тошкентда ўтоға билан ўртоқ Ленин ҳайкали пойига гулчамбар қўйдим.

Кўрик бўлгич идора бордим.

Келим-кегим мўл бўлди. ўтинг-ўтинг ундан-да мўл бўлди.

Мен бир бурчакни олиб ўтирдим. Қўл қовуштириб ўтирдим. Тўрға қараб ўтирдим.

Тўрдагилар чапак чалса, мен-да чалдим. Тўрдагилар оёққа турса, мен-да турдим.

Мен тўрдан кўз узмай ўтирдим.

Шунда, тўримда ўтиришиш бир катта кўзаларини бет-бошим лўқ этди.

Мен юзларимни девор буриб ўтирдим.

Сағалдан сўгин кўз қиримда қарадим.

Катта ҳамон бетимдан кўз олмади.

Мен ёмон ҳолда қолдим. Бошимни тиззам эгдим. Оёқли-босларим учига боқдим.

Мен шу қўйи тагин охиста кўз остимлаб-кўз остимлаб қарадим.

Катта, кўзи ўлган қўйни кўзидай-ўлган қўйни кўзидай боқди.

Мен, жойимдан туриб кетайин, дедим. Тагин, қўй, дедим. Катталар олдида қоқилиб кетиб шарманда бўлма, дедим.

Катталар бири қўйиб, бири сўзлади.

Бир катта бир нима ўқиб-ўқиб берди.

Бир катта қўл пешлаб-қўл пешлаб эътироз билдирди.

Бир катта ёмон бўлиб қолди — кўксини чангаллаб-чангаллаб ташқарилади.

Бир катта араз уриб-араз уриб жўнаб қолди.

Ўликкўз катта ҳамон бет-бошимдан кўз айирмади.

Ўйнаб қўй, кўзларингдан ўйнаб қўй, мен Сурхондай олисдан келдим, қўй, пича одамдай ўтирайин, дедим.

Қани эди, катта лўқ кўзларини бет-бошимдан олса, қани эди!

Мен музтар бўлиб-музтар бўлиб анжуман қаритдим.

Жойнишинда:

— Нималар бўлапти-а, катта? — дедим.

Утоғамиз қўл силтади.

— Бари Даққиюнусдан қолган гаплар, — деди. — Мен ҳам бор, шу гаплар ҳам бор. Булар ўзи беш-олти гуруҳ. Беш-олтовиям олғир гуруҳ. Бир-бирини ейман, дейди. Аслида, биринчи сўзлаганларни гапи жуфт гап. Ушаларни машинасини далага чиқарса бўлади. Аммо иккинчи гуруҳ йўл бермайди. Чунки иккинчи гуруҳни илмий раҳбари мартабаси банд одам, ўзим бўлсам дейди. Бошқаларни бўлишини хоҳламайди. Нимаики янгилик бор, кашфиёт бор — шунга шерик бўлгиси келади. Аслида, қўлини совуқ сувга урмайди. Аммо ҳамма ишда, ҳамма рўйхатда номин бўлса, дейди. Тайёр ошга эгалик қилгиси келади. Шу сабаб, тиш-тирноғи билан қаршилик қилади. Илмда нима кўп — камчилик кўп, бўлмаса — тонади! Кейин, гапида туриб олади. Биринчи илм зўр, бирида мартаба зўр, бирида орқа зўр. Булар дунёдан ана шундай бир-бирини еб ўтиб кетади. Уртада ўлган-ўлган — деҳқон ўлган!

## 6

Эрталаб меҳмонхона олдида узун бир автобус бел бўлди. Автобус бизни шаҳардан олис тажриба даласи олиб борди. Анжуманда сўзлашимиз катталар-да келди. Мен ўликкўз катта назари тушмасин дея, ўзимни чет-чет олдим.

Бир катта дала бошида турмиш пахта териш машинаси олдида гап очди.

— Кўриқдан мақсад, — деди катта, — келажига бор машиналарни аниқлаш, сўнгра уларни оммавий ишлаб чиқаришга тавсия этишдир. Бу жуда мураккаб масала, етти ўлчаб бир кесадиган масаладир. Бунда асосан қуйидаги уч нарсага эътибор берилади. Биринчи — толани чапоқда қолдирмай териш, иккинчи — кўрак фоизи, учинчи — толани мосламалар орқали пахтаидишга бориб тушишидир. Фақат мана шу талабларга юксак даражада жавоб бера олган техникагина агротехника талабларига бинан оммавий равишда ишлаб чиқарилади. Аввало тарихдан бир саҳифа. Маълумки, биринчи пахта териш машинаси 1947 йилда яратилган. Шундан буён тўқсондан зиёд пахта териш машинаси яратилиб, синаб кўрилди. Аммо биронтасиям ҳамон талабга жавоб бермайди. Шундан буён изланаямиз, илмий ишлар қилаямиз, синаб кўраямиз. Аммо бирон-бир ижобий натижага эриша олмаямиз. Интилганга толе ёр, дейди халқимиз. Шундай экан, илмий изланишда, синовда давом этамиз. Сизларни ишонтириб айтаемизки, биз олимлар сизларга ижобий натижалар берадиган пахта териш машиналари яратиб беришга ваъда берамиз! Мана, бугун навбатдаги янги ишлаб чиқарилган машиналарни синаб кўраемиз, улар жами ўн еттита. Лекин биз сиз азиз деҳқонларнинг вақтларингизни олмаймиз. Шунинг учун шу ўн еттита машинанинг тўрттасини синаб кўраемиз.

Синовчи механизатор биринчи турмиш машинани эгат солди.

Янги машина тозалаб терди. Ғўзани шиншийдамлаб терди. Чапогида қолдирмай терди.

Аммо хом кўсақларни чайнаб-чайнаб ташлади. Юлиб-юлиб ташлади. Ғўзаноёларни гажиб-гажиб ташлади. Толани кўк барглар билан булгаб-булгаб ташлади.

Катта чайнаб ташлашимиз кўсақларни олди.

— Янги машинани ана шу иши агротехника қондаларига мос келмайди, — деди катта. — Олимларни эндиги вазифаси буни ўйлаб кўриб, бартараф этишдир. Олимлар мазкур машина устида ишлаётганларига мана, йигирма йил бўлмоқда. Бу олимларни иши шундан иборатки, улар шу вақтгача ишлатилиб келинаётган пахта териш машиналаридаги урчуқ барабанларидан воз кечиб йўлидаги уринишлардир.

Бу лойиҳани афзаллиги шундаки, унда тик таёқчалар ўрнатилган бўлиб, таёқчаларга қатор лапцаклар жойлаштирилгандир. Худди ана шулар ғўза теваарағида айланиб, толани тортиб олади. Та-ак, энди навбатдаги янги машинани синовдан ўтказамиз. Бу машина ижодкори машинада ўтирган олимдир. У киши ҳозир ўз машинасида ўзи механизаторлик қилади. Бу машинага ҳам худди ҳалигидай лапцаклар ўрнатилган бўлиб, аммо буниси бир оз фарқ қилади. Бу машина жуда нозик, аниқроғи, жуда бўш. Яъни, пахтани бирчаноқ қилиб териб кетади. Толалар чапоқда чувалиб, дала оппоқ бўлиб қолади. Аниқроғи, бу машина чала теради. Аммо бу машинанинг ҳам афзал томонлари бор. Масалан, уни ишлатиш осон, қулай. Бошқа машиналардек, унинг урчуқларини ҳадеб ювавермайсиз. Мазкур машина лапцакларини алмаштириб, кўрак теришда ҳам фойдаланса бўлади.

Ҳавоқуч ёрдамида пахта тергич машина синаб кўрилди.

Ҳавоқутгич мосламада пахта тергич машина синови бўлди.

— Кўриб турибсизки, — деди катта, — янги машиналарни биронтаси ҳам шу қушларда далада пахта тераётган машиналарга тенглаша олмайди. Уша машиналардан қолманглар! Катталар давра олиб талашиб-тортишди. Ғўё, кимўзар ўйнади.

Билсам — қирқинчи йилларни ўрталарида Розенблум де-гич ихтирочи машинага урчуқ қўйиб пахта теришни ўйлаб топибди. Шундан буён урчуқ билан пахта териш жорий бўлибди. Шундан буён пахтани шу урчуқлар терар экан. Шу вақт мобайнида урчуқлардан бир неча марта воз кечмоқчи бўлибди. Аммо урчуқ ўрнини боса оладиган техника топа олмабди. Юздан зиёд... пахта териш машинаси ҳақида юздан зиёд диссертация яратилибди! Тўқсон киши фан номзоди бўлибди, тўққиз киши фан доктори бўлибди! Иккита академик сайланибди! Аммо машина ҳамон ўша-ўша — қирқинчи йилларда Розенблум яратган машина эмиш! Яна-тагини — бари диссертациялар айна ана шу урчуқлар ҳақида эмиш!

Катталар уялмай-нетмай айтиб ўтирибди:

— Урчуқ эскириб қолди.

— Аммо бошқа техника йўқ-да.

— Кўяверинг, америкаликлар ҳам урчуқлар билан пахта термоқда.

— Тўғри, аммо улар пахта териш машиналарини йил сайин такомиллаштириб бормоқда. Масалан, Американинг «Жон Дир» фирмасида ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналари кейинги йигирма йил мобайнида ўзининг пахтани кўп ва тез териш хусусияти билан бизни машиналардан бир ярим барабар ўзиб кетди.

— Бизда эса пахта ҳамон қўлда терилмоқда.

Пахта тергич машина яратгич катталар нима фикрга келдилар?

— Биз яратган машиналар ёмон ишлаётгани учун энг аввало нав яратувчилар айбдор! — деди бир катта. — Нав яратувчилар бизнинг машиналарбон пахта нави яратиб бермагилар. Янги машина керакми? Демак, янги пахта нави ҳам керак. Янги пахта нави қандай бўлмоғи керак? Янги пахта ўрта бўйли, хипчадан келган бўлмоғи керак!

## 7

Автобусда меҳмонхона келгунимчайин ўйладим.

Одамзот Гагарин бўлиб ой учди. Одамзот ой кўнди. Одамзот ойдан тош олиб келди.

Аммо... деҳқон оғирини енгил қилажак пухта пахта териш машинаси яратилмади!

Одамзот юраги жойига ўзга юрак жойлаштирилди. Одамзот юраги алмаштирилди!

Аммо... урчуқ алманмади! Шугина урчуқ ўрни учун бир техника ўйлаб топиб бўлмади!

Деҳқон кўнглидагидай бир пахта тергич машина яратилмади!

## 8

Автобус бизни катта йўл четида ташлаб кетди.

Мен ўнгимга аланг-жаланг лўкилладим. Мен чапимга аланг-жаланг лўкилладим.

— Маданият уйи қаерда-қаерда?... — дедим.

— Шатта-шатта! — деди бир йўловчи чол.

Чол кўрсатмиш иморатни кўзлаб бордим. Иморат чиндан-да маданият уйи бўлди.

Мен тагин лўкилладим. Охир маданият уйини топдим.

Ичим илиди.

— Худога шукур-е, ҳақиқат бор экан-е! — дедим.

Йўл-йўлакай қайишимни ечиб-ечиб ичкариладим.

Шундай ичкарилашимни биламан — бир қий-чув бўлди, бир қий-чув бўлди-е!

Мисоли ердан чиқмишдай беш-олтита аёл бўй берди! Бари аёл қўзиқорин мисол оппоқ-оппоқ бўлди!

— Чо за баран?! — дея бақирди.

Мен бир қўлим билан қайишимни ушладим, бир қўлим билан бетимни ушладим.

— Ай, ўлдим-ай! — дея шахд бурилдим.

Кетимдан бир малласоч аёл қувиб келди. Халтачаси билан елкам оралатиб урди.

— Ух, ты баран! — дея урди.

Бир тарафдан эркаклар чиқиб келди. Эркаклар орасида бир меласада бўлди.

— Кўз борми, ока? — деди меласа.

— Бор-бор! — дедим.

— Кўз бўлса шундай қиласизми? Ана — «М», «Ж», деб

ёзиб қўйибди-ю? Ё, хат-савод йўқми? Ана энди эллик сўм жарима тўлайсиз!

Билдим — иш чатоқ бўлди. Бир бефаросат қадаминг туфайли эллик сўм кетар бўлди.

Эллик сўм-а, эллик сўм!

Бир меҳнат куни уч сўм ўттиз етти тийин туради. Эллик сўм топишим учун ўн беш меҳнат куни бажаришим лозим бўлади.

Энди, бола-бақрани насибасини омон олиб борайин. Эллик сўмга ким қанча қозон қайнайди?

— Хат-савод бор! — дедим. — Ана шу «М», «Ж» ларни ўқиб кўриб кирдим! Мана шундай келиб ўқидим: «М» — маржаларники бўлди. «Ж» — жигитларники бўлди. Худога шукр, жигитман! Жигитларникига кириб кета бердим!

— Епирай, ёпирай! — дея ёқа ушлади мелеса.

— Епирай бўптими! — дедим. — Шаҳарда бор хат-савод, қишлоқда-да бор!

Мен бетимни қалини — жонимни ҳузури, дея сур бўлиб-сур бўлиб тура бердим.

Мелеса ё, олачипор бетимни кўриб раҳми келди, ё, шу кўрсавод билан айтишиб ўтирамани, деди.

— Э, боринг-е! — дея жеркиб ташлади. — Қаттан келган бўлсайиз, ўшатга гумдон бўлинг-е!

— Гумдон бўламиз! дея кўкрак кўтардим. — Биз шаҳарингизга мусофиримиз! Гумдон бўл, десангиз — бўла берамиз!

Малласоч аёл сувдан қуруқ чиқишимни билиб қолди. Тагин халтачаси билан уриб қолди.

Мен лик этиб мелесани кетига ўтиб олдим. Мелесани елкаси оша қарадим.

— У-ў, маржа! — дедим. — Советни бадрабхонасини кўп қизгана берма! Советни бадрабхонаси сенга-да етади, менга-да етади!

Аёллар олдида мен ҳақ-мен ҳақ, мақомда қадамладим. Зафарона-зафарона қадамладим.

Аёллардан пана бўлишим билан юлдуз учмишдай-юлдуз учмишдай чопиб-чопиб қўя бердим!

## 9

— Отингни сот, молингни сот, машғал бўл-да! — деди раисимиз.

— Ўйнаб қўй, ўйнаб қўй! — дедим мен. — Тагин ким келаяпти?

Раисимиз шаҳодат бармоғини юксак кўтарди.

— Шоирлар! — дея хитобланди. — Ана энди репортаж бўласиз, очерк бўласиз!

— Ўйнаб қўй, меҳмондан, ўйнаб қўй!

— Кассирдан пул олиб бозорланг. Бир қўй, уч-тўртта арақ...

Шоирлар чошгоҳда келди.

Шоирлар ўқариқ ёқалаб оҳиста-оҳиста одимлади. Шоирлар далалар узра назар ташлаб-назар ташлаб одимлади. Шоирлар далалар узра қўл шоп қилиб-қўл шоп қилиб одимлади.

— Пахтазор — чаққон қўлларга интизор! — дея хитобланиб одимлади.

— Пахтазор — пахта фронтининг механизациялашган қўшинларига интизор! — дея хитобланиб одимлади.

Идеология билан раисимиз шоирлар кетидан эргашиб юрди.

Шоирлар ўқариқ адоғида оёқ илди.

Шоирлар оёқлибос қоқди. Шоирлар чолвор қоқди. Шоирлар кўйлак пуфлади.

Шоирлар бизникига йўл олди.

Кайф-сафо авж олди.

Шоирлар ўзларини ўзлари мақтаб ичди. Шоирлар ўзларини ўзлари улуғлаб ичди.

Қосагул шоир пиёла тўла ароқни бир кўтаришда ютди. Газагига ана шу пиёлани чертиб-чертиб хиргойи этди:

Юртим шундай бир диёрки

Нурхонау — нурхона

Дурхонау — дурхона

Гулхонау — гулхона...

— Уртоқ Дехқоний! — деб қолди бир маҳал.

Мен сергак бўлдим. Мен аланг-жалаң бўлдим. Мен ўз-ўзимдан уялдим.

— Ундай деманг-е, домла, ундай деманг-е, — дедим.

— Ия, нега демайман? Дехқонни Дехқоний дейди-да!

— Мен шоир бўлсам экан — шундайчикин десангиз. Мен бир дехқон одам бўлсам. Шундай экан, Дехқонқул дея беринг.

— Қул? Шўро замонида қул йўқ! Бўлиши ҳам мумкин эмас! Улуғ Октябрь социалистик революцияси барча қулликларга барҳам берган!

— Ҳа! — дея кесак олиб берди Идеология. — Улуғ Октябрь социалистик революцияси планетамизнинг социалистик қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди, кишининг киши томонидан эзилишига ва эксплуатация қилинишига асосланган бутун жаҳон системасига 1917 йил октябрида қақшатқич зарба берилди, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ташкил топиши жаҳон тарихининг янги даврини бошлаб берди, чор Россиясида аҳолининг тўртдан уч қисми қишлоқ хўжалигида банд эди, эндиликда меҳнатга қобилиятли аҳолининг учдан бир қисмидан камроғи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилмоқда, ўтмишда саводсиз бўлган, помешчик томонидан хўрланиб келган дехқон эндиликда ўз хўжалигининг озод эгаси бўлиб олди, абадий фойдаланиш учун колхозларга бериб қўйилган ерларда меҳнат қилмоқда, кооперативнинг бошқа аъзолари билан биргаликда коллектив меҳнат самараларини тақсимлаб олмақда, унинг оила аъзолари социалистик тузум берган барча маданият неъматларидан баҳраманд бўлмоқда, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида дехқонларнинг реал даромадлари ошмоқда...

— Энди, домла ота-энамиз шундайин от қўйиб эди-да.

— Домла? Қанақа домла? — деди қосагул шоир. — Домла мачит-мадрасаларда бўлади! Биз социалистик халқ шоирларимиз!

— Тавба қилдим! — дея қўлимни кўксимга қўйдим. — Майли, билганингиздай дея беринг.

— Ҳа, ана бу бошқа гап! деди қосагул шоир. Ана шундай кетсангиз, шубҳасиз, ўсасиз! Хў-ў-ў, ўртоқ Дехқоний, мана бу ёнимдаги зотни таниясизми?

— Йўқ, — дея бош чайқадим.

— Бу зотни танимасиз — дунёни танимасиз! Бу зот замонамизнинг буюк адаби бўладилар. «Бўри изидан» деган романи ўқигандирсиз?

— «Бўри изидан», «Бўри изидан»...

Мен шундай дея, чапимга қараб кўз пирпиратдим. Мен шундай дея, ўнгимга қараб кўз пирпиратдим. Мен шундай дея, осмонга қараб кўз пирпиратдим.

Мен ўқидим, дейин дедим — ёлгон бўлди. Мен ўқимадим. дейин дедим — Идеология кўз қисди.

Идеология ўқидим, деб айт-ўқидим, деб айт, дея кўз қиса берди.

— «Бўри изидан», «Бўри изидан»... — дея тагин минг-минг этдим. — Э, ҳа, ов ҳақида эди-а?

Ана шунда буюк адабни ўзлари гап берди.

— Да, ов ҳақида! — деди ҳоқимона. — Қашқир ови ҳақида!

— Эсладим-эсладим! — дея бош иргадим. — Энди эсладим. Пича хаёлимдан кўтарилибди. Овга қизиқмагандан кейин шунда.

— Ну-у, овга қизиқмайдиган одам ҳам бўладими?

— Қизиққаним билан, даламизда бўри йўқ-да, ов қилайин десам.

— Ну-ну, бўри йўқ!.. Бир вақтлар бу далалар бўрилар макони эди, бўрилар макони!

— Бўрилар макони? — дея анграйдим.

— Да, бу далалар бўрилар макони эди!

Мен далаларимда илон кўрдим, чаён кўрдим, тулки кўрдим. Аммо бўри кўрмадим.

— Мана шу далалар-а? — дедим.

— Да, бу далалар бўрилар уяси эди, бўрилар уяси!

— Шундай-я? — дедим.

— Да-да, бу далаларда бўри галалари тўда-тўда бўлиб изгиб юрар эди!

— Йўғ-е? — дедим.

— Да-да, бу далаларда йиртқич бўрилар увиллаб-увиллаб дайдиб юрар эди!

Мен нима дейишимни билмадим.

— Бўри ўз уясидан олислаб кетмайди, дейишади, — дедим. — Унда гала-гала бўри қаёққа кетади?

— Шўро ҳукумати қириб ташлади! Мана бундай пақ-пақ отиб қириб ташлади! Шўро ҳукумати икки миллионча йиртқич бўрини ана шундай қириб ташлади! О-о-о, Шўро ҳукумати бўлмаса, бу далаларда дехқон қаёқда эди?

— Ҳа! — дея кесак олиб берди Идеология. — Совет Иттифоқида социализмнинг галаба қилиши натижасида эксплуататор синфлар тугатилди ва кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига барҳам берилди, ишсизлик ва қашшоқлик йўқ қилинди, меҳнатқашларнинг моддий ва маданий фаровонлиги йил сайин ўсиб борди, миллий зулмни келтириб чиқарган ва халқлар орасида бир-бирига ишонмасликни кучайтириб келган эксплуататор синфларнинг тугатилиши, Совет ҳокимияти томонидан СССРдаги барча халқлар ўртача ҳақиқий тенгликни юзга чиқаришга қаратилган ленинчи миллий сиёсатнинг амалга оширилаётганлиги, айрим миллатларнинг хўжалик, сиёсий ва маданий жиҳатдан ўтмишдан мерос бўлиб қолган қоқлигини йўқ қилишда рус халқининг

системали суратда ёрдам бериб келаётганлиги натижасида совет қишлоғи ҳаётида жуда катта ўзгаришлар юз берди, социалистик қишлоқ хўжалигининг экономикасини мустаҳкамлаш негизида колхозчи деҳқонларнинг моддий фаровонлиги ошди, қишлоқ ҳаёти шаҳар ҳаёти билан тенглашди, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут йўқолди...

— Мана бу ёнимда ўтирган зот барча даврлар ва барча халқлар адибидир. — деди косагул шоир. — «Самарқанд осмонида юлдузлар» романи муаллифи бўладилар.

— «Самарқанд осмонида юлдузлар»...

Буюк адиб гапимни илиб олди.

— «Самарқанд осмонида юлдузлар» романида ҳам йиртқиш қашқирлар ҳаёти қаламга олинади, — деди. — Фақат унда қадим-қадимги қашқирлар тасвирланади. Фарқимиз — у киши нуқул тарихий қашқирлар... нуқул тарихий қашқирлар ҳаётига мурожаат қилади, холос...

Шоирлар жўна-жўна бўлди.

— Сиз идорагача юринг, иш бор, — деди раисимиз.

Шоирлар машина кет ўриндиғида жойлашди.

Мен раисимиз имоси билан ҳайдовчи қабатидан жой олдим.

Машина Сайрак қишлоғи ёнало юрди-юрди — Ақраб шаҳид қоралаб келди.

Ҳайдовчи машинани оҳисталатди. Чап қўлида машина бошқарди. Ўнг қўлини юзлари аро кўтарди. Ақраб шаҳидга қараб пичир-пичир фотиҳа ўқиди. Ўнг кафтини юзларига суртди.

Мен ҳайдовчига қўшилиб фотиҳа ўқидим.

— Танҳо мазорда ётган зот ким бўлди? — деди буюк адиб.

Мен: отамиз, дейиш учун оғиз жуфтлаб эдим — раисимиз оғзимдан гапимни илиб олди.

— У зот уруш қахрамони! — деди раисимиз.

— Уруш қахрамони? Қанақа уруш? — деди барча халқлар адиби.

— Улуғ Ватан уруши қахрамони! — деди раисимиз.

— О-о-о, Улуғ Ватан уруши қахрамони! — дея хитобланди буюк адиб. — Очерк ёзиб, номини абадийлаштириш керак эди!

— Ҳали ҳам кеч эмас, — деди барча халқлар адиби. — Адҳам Раҳматга айтамыз, — келиб ёзиб кетади.

— Адҳам Раҳмат бўлиши шарт эмас, — деди раисимиз. — Тошқанда қахрамонни ёзувчи жияни бор. Шу жияни ёзса-да бўлади.

— Ёзувчи? Ким дейди? — деди косагул шоир.

— Тоғай Мурод, дейди.

— Тоғай Мурод? Тоғай Муродни биламиз! — деди косагул шоир. — О-о, Тоғай Мурод худони балоси у, худогинани балоси у!

— Жиян тоғага тортади-да! — деди раисимиз.

Идеология керма қош бўлди. Идеология лаб бурди.

— Улуғ Ватан уруши қахрамони... Улуғ Ватан уруши қахрамони... — дея ўйланди Идеология. — Шундай одам вафот этади, нега мен билмайман, ўртоқ раис? Бу воқеа қачон бўлиб ўтди?

— Ўтган беш йилликларда бўлиб ўтиб кетди, — деди раисимиз.

— А-а, вот как! — деди Идеология. — Мен унда Москвада ўқишда эдим!

## 10

Бир ҳафтадан кейин супрадай бир рўзномада мана бундай мақола ўқидим:

### Ёзувчилар пахта далаларида

#### Оппоқ тонг юлдузлари

Тонг киприк қоқмоқда. Боботоғ чўққилари-ла осмон оқариб кўринмоқда. Она кўёш дастлаб қалдирғоч қанотиға ўхшаб кўринадилар-да, зум ўтмай тоғнинг ясси чўққисиде қип-қизил мис товоқдай товляниб, воҳага ажиб бир зар тўнади. Хур, бахтиёр кун бошланади.

Йўлнинг икки четини тўсган тутларнинг барглари шудрингда ялтирайдилар. Яшил деворлар ортида она пахтазор ястаниб ётади.

Шу лаҳзада Хурсандой билан Норгулой сўқмоқ ёқалаб боришмоқда. Улар бугун Жарариқ анҳор бўйида «оқ олтин» теришади. Сўлим, сулув Жарариқ анҳори! Анҳор бўйида «оқ олтин» териш нақадар гаштли! Яна-тагин ўн кунликнинг охири. Бир юз қирк уч килограммдан пахта теришса, жами беш тоннага етади. Дугоналар кеча оқшом маслаҳатлашиб олишган. Хурсандой биринчи эгата тушади, Норгулой уни ёнлаб тушади.

Пахта юзини шудринг босган, қўл тегса, ёмғир ёққандай дун

этиб тўкилади, қўл жикқа ҳўл бўлади.

— Хурсандой, шудрингнинг ялтирашини қара, худди ёмғир ёққандай-а, — деди Норгулой.

— Баҳор, мисоли сўлим баҳор!

Хурсандой шундай деб, Норгулойга бир нима узатди.

— Дугонажон, манави духидан сепиб олинг, чивин чақмайди.

— Вой, бу нима?

— Француз духиси.

— Раҳмат, дугонажон, раҳмат, далага француз духисим бўлаверади.

Гоҳ Хурсандой, гоҳ Норгулой олдинлаб кетар, дугоналар ҳар замон-ҳар замонда этакларини силкиб, гўз туришарди, қишлоқ йўлига бахтиёр қараб қўйишарди.

Йўлдан турнақатор бўлиб қизлар келишди. Ҳали ўн гулдандан бир гули ҳам очилмаган бригадир Деҳқонқул ака тоғни урса толқон қиламан деб турган азамат қизларга мурожаат қилди:

— Она қизларим, бугун белни маҳкам боғлаб ишлайлик.

Тўрт процентдан оширсак, байроқ бизники!

— Тўрт процентдан оширамыз! Оширолмасак, даладан чиқмаймиз, уйга ҳам бормаймиз! — қизлар жўр овоз-ла жавоб берди.

— Балли, она қизларим, балли! Иложи бўлса, чойниям эгатнинг бошига олиб боринглар!

Чошгоҳда тележка судраган трактор пайкал четида тўхтади. Қизлар бирин-кетин даладан чиқиб, терган пахталарини кўтариб келиб тортириб топшириб, яна пахтазор сари елиб кетди, яна пахтазор оралаб сочилиб кетди.

Бригадир Деҳқонқул ака бизнинг илтимосимизга биноан иккита дала юлдузини, иккита тонг юлдузини бир-икки дақиқага олиб қолди. Биз дала юлдузлари билан суҳбатда бўлдик.

— Ҳорманг энди, она қизларим!

— Саломат бўлинг, — жавоб берди дала юлдузлари лабларида табассум ўйнаб.

— Ҳў-ўш, соат мана ўн бўлмоқда, шу вақтгача қанча пахта тердиларингиз?

— Қирқ килодан, — деди қизлар уялиб.

— Бу озми, кўпми?

— Оз, — деди қизлар хижолат бўлиб.

— Ия-ия, нечун-нечун?

— Она қизларимизнинг мўлжали чошгоҳгача эллик килограмдан ошириш эди. — Изоҳ берди бригадир.

— Ха-а, бундай денг. Қаранг, узокни кўзлаган қизлар-да булар! Кечгача ҳаммаси бўлиб қанча пахта термоқчисилар?

— Мўлжалимиз икки юз! — деди қизлар гайрат ва шижоат билан.

— О, яхши, яхши! Турмуш шароитларингиз қалай, қийналмаяпсизларми ўзи?

— Қийналиш қаёқда, ҳамма нарса етарли. Уйларимизда газ, радио, телевизор бор. Ҳар куни кечқурун колхоз клубида кино кўриб турамыз. Биз пахтакорлар учун ҳамма нарса муҳайё! — деди қизлар бахтиёрларча.

— Пахта териш қийин эмасми?

Қизлар юзлариде бахт ва шодлик ўйнаб, ўзларининг дил сўзларини изҳор этди:

— Пахта, теришининг нимаси қийин? Пахта териш гул теришдай гап! «Оқ олтин»лар лўппи-лўппи бўлиб, бизга табассум билан термулиб туради. Биз авайлабгина олиб, этагимизга соламыз!

— О, поэзия, поэзия!

— Пахта териш гул теришдан осон! Гулнинг тикани бор, авайламаса бўлмайди. Пахтанинг эса тикани йўқ, шундайгина кафтимизга олиб, этакка соламыз-қўямиз, вассалом. Қайтанга кафтимизга момикқина тегиб, жонимизга ҳузур бағишлайди, роҳат бағишлайди.

— Кафтимизга момикқина тегиб... Ана ўхшатиш! Шоир бўлиб кетинг-е!

— Биз пахтани яйраб, ҳавас билан, завқ-шавқ билан терамиз! Чунки пахта ифтихоримиз!

— Офарин, қизим, офарин! Ана фалсафа-ю, мана фалсафа! Биз фалсафани сиз қўли гул дала юлдузларидан ўрганишимиз керак! Ҳўп, она қизларим, ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз! Вақтларингизни олганимиз учун кечирим сўраймиз!

Дала юлдузлари дала сари елиб кетди. Ҳа, юлдузлар шодилмоқда, ҳа, оппоқ далага талпинмоқда.

Дала юлдузлари тушгача юз килодан ошириб «оқ олтин» териб кирмонга тўкиб, толзор оғушидаги дала шийпонига келди. Юлдузлар тушлик қилиб, маданий хордиқ чиқарди.

— Далада юрганлар тушлик қилмайми? — сўрадик биз бригадирдан.

— Улар мана бу маданий хордиқ чиқараётган илғорлар

билан социалистик мусобақа ўйнаган, — деди бригадир гурур билан. — Илгорларга етиб олайлик деб, туш вақтидаям пахта теради, илгорларнинг дам олиб ўтирганидан фойдаланади. Тадбиркор, сергурур қизлар-да! Рўмолларининг учидан нони бор, шуни йўл-йўлакай тишлаб еб, пахта тераверади.

— О, ана буни чинакам меҳнатсеварлик деса бўлади!

— Дала меҳри!

— Пахта ишқи!

— Ватанга фидокорлик!

Шу пайт колхоз агитмашинаси шийпон олдига келиб тўхтади. Радиокарнайдан колхоз агитатори Жавлонбой аканинг жарангдор овози янгради:

— Терим илгорларига шон-шарафлар! Азиз теримчилар, ярим кунда юз килограммдан «оқ олтин» териб, эл хирмонига тўккан Хурсандой билан Нормулояга тенглашингиз! Хозир эшиттириладиган «Бахт яллеси» ана шу икки илгор дўгона-нинг бугунги ютуғига бизнинг олқишимиз бўлади! Диққат, «Бахт яллеси»!

Бахтиёрлар ўлкаси бу — яйрашинг,

Булбулигўё бўлиб, хўп сайрашинг,

Тер тўкиб сизлар шу юртда

ўйнанг, кулинг,

қувнанг, кулинг.

бунданам бахтли бўлинг...

Бахт яллесидан ҳоргин кўзлар тиниқлашди. белларга, қўлларга қувват кирди, оёқларга дармон кирди.

Дала юлдузлари бахт яллеси қанотида яна далалар сари елиб кетди.

Шу кунни дала юлдузлари ўз аҳдларига амал қилиб, қоронғи тушгунча икки юз килограммдан ошириб «оқ олтин» терди. Ҳа, улар социалистик мусобақа ғолиблари бўлди. Шийпон тепасида байроқ ҳилширади. Унинг остидаги қишқизил тахтачада «Бу байроқ илгор теримчилар Хурсандой Холиқова билан Нормулоя Шодиёва шарафига кўтарилди» деган ёзувлар пайдо бўлди.

— Бу йилги режаларимиз улкан, — дейди дала юлдузлари Хурсандой билан Нормулоя. — Ҳар биримиз саккиз тоннадан «оқ олтин» териб, давлатга топширмоқчимиз! Эндигина ўн саккиз баҳорни кўриб, билаги куч-қувватга тўлиб турган биз чевар қизлар учун бу хамирдан қил сугуришдай гап!

Биз қайноқ меҳнат қучоғидан қайтар эканмиз, дала юлдузларини беихтиёр оппоқ тонг юлдузларига ўхшатгимиз келди.

Баракалла, оппоқ тонг юлдузлари!

Хирмонингга барака, армони йўқ, озод Шарқ қизлари, ой деса — ой, кун деса — кундузлари!

Қандингни ур, пахтакорим, даврингни сур, пахтакорим! Бўлсин бахтинг — мангу зибда, азиз халқим — бахтиёрим!

Биз улкан тўйхонани эслатувчи пахтазор қўйнидан олам-олам завқ ила, қувонч ила қайтар эканмиз, қулоқларимиз остида ҳамон «Бахт яллеси» жаранглаб турди:

Бахтиёрлар ўлкаси бу...

Уфқда порлоқ келажакдан дарак бериб, қуёш қизариб ботмоқда...

Сергей Бородин  
Михаил Швердин  
Комил Яшин

Умрда шундай кун бўлади: одам бирдан айтиб қолади! Кўнгилга қил сигмайди. Кўнгил бир хижил бўлади, бир ланж бўлади.

Кўнгилни нимадир бир нима бармоқ ботириб-бармоқ ботириб тирнайди.

Кўнгилни бир ҳадик босиб келади. Кўнгил туб-туби нимадир бир нима бўлади, дейди.

Ҳадик юзларга ўтади. Ҳадик қобокларга ўтади.

Чап қобок пир-пир учади.

Кўфт чап қобок силаб-сиппайди.

Наблар қобок силамиш кафтни чўлп-чўлп ўпади.

— Кет, бор, кет!..

Одам ўзича ана шундай ҳадик қувмиш бўлади.

Кўзимга дала-да кўринмади. Кўзимга пахта-да кўринмади. Мотоциклим билан қишлоқ учдим. Дарвозамиздан елиб ичкариладим. Шунда, димогимга қўланса бир ис келди. Ҳовли юзида сатиллар думалаб ётди. Бидонлар юмалаб ётди.

Майда-майда қўлмак сувлар йилт-йилт этди.

Қоп-қора қуялар сочила-сочила ўйнади.

Қўланса ис ҳаминқадар анқиди.

Бир ерда латта қуяпти, дея ўйладим.

— Ай!.. — дедим.

Ичкаридан Ойсулув қизимиз чиқиб келди.

— Сен эмас, энанг қани? — дедим.

Қизимиз хўнгиллаб йиғлади. Юмалаб ётмиш бидон ўтириб йиғлади. Юзларини кафтлари билан яшириб йиғлади.

Ҳадаҳалаб қизимиз олдига бордим. Юзини ўзимга қаратдим.

— Нима қилди, айт? — дедим. — Энанг қани?

Қизимиз гапирмади, қўли билан туман тарафни кўрсатди.

Аччиқ билан қизимизни елкаларидан даст кўтариб олдим.

— Сенга айтаяпман, тилинг борми?! Энанг қани деяпман?! Қизимиз ўпкасини босолмайин айтди:

— Энам ўзига ўт қўйиб юборди...

— Нима-нима?! Қаерда-қаерда?!

— Туман олиб кетди.

— Момонг қани?!

— Момон энам билан кетди.

Мен мотоциклимни йўл-йўлакай ўт олдириб учдим. Тезликни охиригача босдим.

Мен қандай етиб келдим — худо билмаса, мен билмадим.

Мотоциклимни касалхона дарвозаси олдида қолдирдим.

Ичкарилаб чопдим.

Қабулхонада одам мўл бўлди. Биров касалхона кийимида бўлди. Биров кўча-қўй кийимида бўлди.

Мен дардимни туйнукдан айтдим.

Оқ халатли йигит бош ирғади.

— Биламан, олиб келди, биламан, — деди.

— Ичкари кирман, — дедим.

— Йўқ, мумкин эмас.

— Мен... мен хўжайини бўламан

— Қатъий назар, беморга хозир тез ёрдам кўрсатилмоқда.

У дедим, бўлмади, бу дедим, бўлмади.

— Бўлмаса, момони чақириб беринг? — дедим.

— У ким?

— Биани энамиз.

— Ҳа-ҳа, ёнида бир кампир бор эди, ўша-да? Бу мумкин!

Қабулхонада бари-бари менга қаради.

Биров ачиниб қаради. Биров қайгуриб қаради.

Биров бош чайқади. Биров бош ирғади.

Қабулхонада пичир-пичир бошланди.

— Эрқаги экан, шўрпешонани эрқаги экан.

— Ҳай, бечора-е, бечора.

— Э, тавба-е, туманда бир ойда гўртта шундай кўргилик бўлди-а?

— Тўртов бўлдими-а?

— Эса-чи. Жобида биров. Мўминқулда биров, Сайракда биров, буниси билан тўртов.

— Қандай замон бўлди-а?

— Олдинлариям кўп бўлиб эди, билдиришмади. Энди билдиришмаяпти.

— Кўрасиз, ҳали шуниям босди-босди этадилар.

— У-ку, чин. Олдинги тўрттасиниям босди-босди этдилар.

— Ойда-кундай кўриниб турган қуйикни қайтиб босди-босди этадилар?

— Эб-е, жўкчи деса, жўкчи дегуликсан-да, эб-е.

Оқ халатли йигит телефонда биров билан гапиршиди.

— Бир четга? Бўпти, бир четга, бўпти, — деди.

Йигит билагимдан ушлаб ҳовли етаклади. Қўли билан бир четни — қуюқ дарахтлар остини кўрсатди.

— Ана ўша ўтиргичга бориб ўтириб туринг, кампирни хозир юбораман, — деди. — Шовқин-сурон қилмай, тинчгина ўтиринглар.

— Ким шовқин қилаяпти?

— Сиз эмас, кампир шундай экан. Кампир келганда шундай бақириб-чақирди, шундай шовқин-сурон қилди, касалхона бошига кўтарди! Шунга, бош врачимиз шовқин қилмасин, четроқда гаплашсин. деяпти. Энди сиз эркак одамсиз.



кампирга айтиб қўясиз-да.

Мен йигит айтимиш хилват бориб ўтирдим. Оёқ узатиб ўтирдим.

## 14

Сағал ўтди — онамиз пайпанглай-пайпанглай келди.

Онамиз рангида ранг бўлмади. Онамиз кўзлари пиш-шини бўлди. Онамиз бурунлари оқиб-оқиб ётди.

Онамиз қабатимдан жой олди. Дока рўмоли билан оғзини ушлаб... сел-себор йиғлади.

— Кўргилигинг кўп бўлсин, сендайчикин эркакни! — деди.

— Эб-е, мен сизга нима қилдим?

— Қичқирганимдан чопа келсанг, ўлармидинг!

— Қачон? Эшитганим йўқ, худо урсин агар, эшитганим йўқ!

— Қанча кичқирдим, том-тошни бошимга кўтардим, ховлини бошимга кўтардим. Дехқонқул-а, кела бер-чи кела бер. деб кичқирдим.

— Эшитганим йўқ, ит бўлайин агар, эшитганим йўқ!

— Эл-халқим, кела бер-чи кела бер, деб бақирдим. Қани. бировгина жонзот овоз берса, отинг нима деса!

— Бари менга ўхшаб далада юрган-да?

— Ҳа, даланг билан қўшилиб чалпак бўлгин, чалпаккина бўлгин! Ҳа, даланг билан қўшилиб қўшмозор бўлгин, қўшмозоргина бўлгин! Шу аёлга бир нима бўлсин қани, мен сени нима қиламан экан!

— Ўзи, нима бўлди, айтинг қаникайин?

— Очиқ мозор бўлди, очиқ лаҳад бўлди!

— Кўп бақирманг-е, эна, теварак-бошдан-да уятдир.

— Ичкарида жондайгина келиним куйиб ётади-да, мен бақирмай ким бақиради?!

— Хўп, нима бўлди ўзи? Бир бошидан айтинг қаникайин?

— Бир қарадим: келин ичкарида бешикка багрини бериб ўтирди. Боласига эмчак берди. Пешонасини бешик тебратгич кўйиб ухлади. Ай, келин, бўл, дедим. Майли, ҳозир, деди. Сўгин, хужрамга кириб кетдим. Келиндан ҳадеганда дарак бўла бермади. Икки қарадим: ай, келин, бўл, дедим. Майли, манавини эмизиб бўлайин, майли, деди. Бир оғиз қаттиқ-қуруқ гапирган бўлсам, ўлайин агар, ўлибгина кетайин, агар! Қарадим-қарадим: келин қимирламади. Бор-е, дедим, бу дунёмдан у дунём яқин бўлса, менга нима, дедим. Хужрамга кириб ётиб олдим. Ётиб-ётиб, кўзим кетди. Бир маҳал, ойнадан биров қаради. Мен кўзимни билинар-билимас очиб турдим. Келин ойнадан мўралади. Қафтларини ойна тутиб мўралади. Мен ўзимни ухламинга олиб ётдим. Келин ойнадан мўралади мўралади... кетди. Энди далага ҳаяллаб-ҳаяллаб боради, эридан кўр бўлиб гап эшитади, дедим. Келин шу кетишида ошхонага борибди. Гап йўқ, сўз йўқ, бурчакда турган ермойини олибди-да, елкасидан куйибди.

— Елкасидан куйибди? Ермойини-я?

— Ермойини-да, елкасидан-да! Сўгин, кўйлаги этагидан гугурт қақибди.

— Ўзи қақибдими?

— Бўлмаса ким қақади, ўзи-да.

— Чопиб бормадингизми?

— Эб-е, туш билибманми, ўт кўйишини!

— Е, тавба, ё, тавбангдан...

— Бовужуд, кўчадан ўткинчи-кеткинчилар чопиб келди.

— Улар-да ўчиролмадимми-а...

— Ўчиргани шу-да, тирик қолди, ўчиргани шу-да! Бўлмаса, келинимни суягям қолмас эди! Кўп кўп-да — ўтни етиб олиб, қумга босиб-босиб турди. Ўтга сатиллаб-сатиллаб сув сеппиб турди. Гиламни хўллаб-хўллаб, ўтга ёпиб-ёпиб турди...

Мен тизаамга тарс-тарс уриб йиғладим. Мен ўкириб-ўкириб йиғладим. Мен айтиб-айтиб йиғладим.

— Ай, дала-дала демай мен ўлайин-а, ай, эркак бўлмай мен ўлайин-а!..

— Бебоққина келиним-а!..

— Ай, пешонам курсин-а, дунёга келмай мен ўлайин-а!..

— Қўли косов, сочи суңурги келиним-а!..

— Дарров кийимларини ечиб олмабсизлар-да, эна!..

— Кийим кимни эсига кепти, дейсан...

— Дарров кийимларини ечиб олса бўлди эди, одам ёнмас эди!

Одам ёнмас эди? Эб-е, одам ёнмаганини кўрибсан! Одам ёнсин-да! Одам гуриллаб-гуриллаб ёнди! Ҳамсон-қўллар кийимларини юлиб олди. Барибир одам ёнди! Одам танаси ёнди! Одам гур-гур ёнди!

— Қўйинг-е, эна, одам ҳам ёнади! Ўзларинг бўш-баён бўлиб ўчиролмаганлар!

— Эб-е, эб-е, одам ёнсин экан-да! Одам ёнар экан-да! Хўл кундани ёнганини кўриб эдингми? Одам ана шу кундадай ёнар экан! Одам баданлари пиш-пиш этиб ёнар экан! Одам баданларидан сув чиқиб-сув чиқиб ёнар экан! Одам баданларидан сув оқиб-сув оқиб ёнар экан! Одам бадбўйдан-бадбўй хил чиқариб хил чиқариб ёнар экан!..

## 15

Қасалхона дарвозасидан учта машина кириб келди.

Машина йўлак четида оёқ илди.

Машиналардан катталар тушди.

Раисимиз биз тарафлади.

Раисимиз бизни қошимизда бош эгиб турди. Бош чайқаб турди.

— Ҳай-ҳай, фалокат-да, — деди. — Фалокат. Қалай ўзи, тилга келдим?

— Гўрда тилга келадими! — деди онамиз. — Кўзини очолмайди, гўрда тилга келадими!

— Фалокат оёқ остида дегани шу-да. Сиз энди, момо, олдига боринг-да, кўз-қулоқ бўлиб туринг, боринг.

Онамиз ичкарилаб жўнади.

Раисимиз менга қаради. Зим-зимдан қаради. Бир нима дейиш учун оғиз жуфтлади. Тагин, индамади.

Раисимиз ер сингалаб-ер. сингалаб катталар тараф кетди.

## 16

Қаллам... қаллам елкамдан босиб-босиб келди. Қаллам катталиқ қилди. Қаллам оғирлиқ қилди.

Ўтиргич қиррасига тирсакладим. Қалламга қўлимни тирадим. Қалламни қақтимга олдим.

## 17

Куйди-куйди — аёлимни тани куйди.

Куйди-куйди — мени бағрим куйди.

Куйди-куйди — болаларимни шўри куйди.

## 18

Қатталар қатор бўлишиб келди.

Мен жойимдан кўзғолдим.

Идеология қайғудошлиқ ҳам меҳрибонлик билан елкамга қўлини кўйди.

— Ўтиринг, қимирламанг, ўтиринг, — деди.

Мен тагин жойимга чўқдим.

Иккита катта ўнгим ўтирди. Иккита катта чаним ўтирди. Тагин иккита катта пешонамда тик турди.

Идеология қўл қовуштирди. Идеология бош ирғади. Идеология хўрсинди.

— Фалокат, фалокат, — деди. — Ўртоқ бригадир, Дехқонқулова... касал эдими?

— Йўқ, соғлом эди, — дедим. — Аёлимиз умри меҳнат билан ўтди.

— Балки... ёшлигида касал-пасал бўлгандир?

— Аёлини ёшлигини бу қаердан билади, — деди бир катта.

— Нимага билмайман, биламан. Холамизни қизини билмайманми, биламан.

— Дехқонқулова уйда қаттиқ йиқилган жойи бор эдими? — деди Идеология.

— Йўқ?

— Мабодо... бошини тасодифдан девор-пewорга уриб олиб эдими?

— Йўқ?

— Балки далада пахта ичида ухлаб қолгандир? Йхшилаб эсланг?

— Йўқ, ундай бўлган йўқ.

— Ёнгоқни остида ҳам ухлар эдими?

— Йўқ, уйимизда ёнгоқ йўқ.

— Гапирганда, гап-сўзларидан адашар эдими?

— Йўқ, гаплари тупна-тузуқ эди.

— Авлодида эси... эси эмас, нима десак экан... авлодида эси бундайроқлари бор эдими?

— Йўқ, аёлимиз етти пуштигачайин палаги тоза аёл!

Идеология теварак-бош қараб-қараб олди.

Идеология овозини бир парда кўтарди.

— Унда... нимага ўзига ўзи ўт қўяди? — деди.

Мен бармоқларимга йиғлаб-йиғлаб, қўя бердим.

— Энди... кўргилик-да, катта, кўргилик! — дедим.

Бармоқларим орасидан дардларим дув-дув тўкилди.

Раисимиз дув-дув дардларимни илиб-илиб олди:

— Дехқонқул ака чин айтади, Қлара Ходжаевна, — деди. — Бу кўпга келган кўргилик. Шу охири икки йилди



анчагина хотин-қиз ўзига ўзи ўт қўйибди!

— Абсурд, абсурд!  
— Худо урсин агар, Ғлара Ходжаевна, худо урсин агар!  
Бу ҳақда матбуотда неча марталаб айтди. Қайси бир шоир  
газал ҳам битди.

Идеология пешонамда тик турмиш йигитдан сўради:  
— Ким экан у шоир, ўртоқ Мелиев?  
— Михаил Дудин, — деди Мелиев.  
— Дудин? Оти айтиб турибди — буржуа мафкурачиси!  
— Буржуа мафкурачиси эмас, — деди Мелиев.  
— Буржуа мафкурачиси бўлмаса, тирноқ орасидан кир из-  
лайдими? Шеър ёзаман деса, ана, қанчадан-қанча активистка  
хотин-қизларимиз бор! Хотин-қизларимиз орасидан иккита  
космонавт етишиб чиқди. Даже, АҚШда ҳам иккита космо-  
навт хотин-қиз йўқ!

— Йўқ, Дудин ленинградлик шоир, — деди Мелиев.  
— Ленинградлик шоир? Ленинградлик шоир Узбекистон-  
да хотин-қизлар ёнаётгани билан нима иши бор? Бидамиз,  
совет адабиётида ҳали ҳам ана шундай диссидентлар учраб  
туради! Диссидент Солженицин каби бадарга этсак, биларди!..  
— Дудин катта шоир, Клара Ходжаевна, — деди Мелиев. —  
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони..

— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони? Нима деб ёзибди? Эс-  
ингизда борми?  
Мелиев ён чўнтагидан бир даста рўзнома олди. Бир суп-  
радай-супрадайини ёйиб ўқиди..

— Иносказательства! — деди Идеология. — Бу иносказа-  
тельство! Социалистик реализм методига ёт асар! Социали-  
стик маданиятни барпо этиш ва меҳнатқашларни коммунистик  
руҳда тарбиялаш — реакцион буржуа идеологиясига, шунинг-  
дек, ўнг ва сўл оппортунизм идеологиясига қарши, буржуа-  
зиянинг реакцион маданияти ва капиталистик турмуш тарзи  
олдида тиз чўкиб сажда қилувчиларга қарши, совет идеологи-  
ясига душман бўлган миллатчилик ва космополитлик руҳи-  
даги бузғунчиликларга қарши адабиётда, санъатда ва илм-  
фанда сиёсатдан қочиш ва ғоясизликка қарши хужум қилиш  
демакдир!

— Ким билади, Клара Ходжаевна, — дея мингиллади Ме-  
лиев.  
— Бу асар районимиз хотин-қизларига тегишли эмас! —  
деди Идеология. — Районимиз хотин-қизлари морально-устой-  
чивая!


— Районимизда..  
— Район номидан гапирманг, ўртоқ раис! Сиз бор-йўғи  
раиссиз, ўзингизни билинг! Район номидан биз раҳбарлар  
гапирамиз!

Идеология шаҳодат бармоқни пешонаси нуқиди. Идеология  
сўзни қалин-қалин айтди:

— Хуллас, Дехқонқулова... манавиндай!  
Идеология аёл одам. Эркак бўлса — ўзим билар эдим!  
Шундай бўлса-да — айтгимни айтдим.  
— Катта, — дедим. — Эси борми-йўқми, ишқилиб, кўз очиб  
дунё кўргандан буён далада ҳалол меҳнат қилди. Этак-этак  
фарзанд кўрди. Эси бордир-да.

Идеология гапимни корламади.  
— Эси бўлса... ўзига ўзи ўт қўядими? — деди. — Шундай  
бахт-саодатли замонда-я?

— Катта..  
— Шундай хур замонда-я? Тўқликка шўхлик бу!  
— Катта..



— Тўқликка шўхлик бу! Хотин-қизлар эркаклар билан  
тенг ҳуқуқли бўлса! Эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилса!  
Билмайман, хотин-қизларга нима етишмаяпти!

— Катта..  
— Капиталистик жамиятдагина одамлар ўз жонига ўзи  
қасд қилади! Бу бизнинг жамиятимиз учун иллат! Мафкура-  
миз учун ёт!

— Катта, у бечора ажал билан олишиб ётибди. Ҳали, одам  
бўладими-йўқми, билмайман. Шундай экан, нима қиласиз,  
бир бечорани ёмон отлик қилиб..

Идеология гапимни корламади.  
— Эси бўлса... ўзига ўзи ўт қўядими? — дея тўти бўлди.  
— Эси бордирки, ўзига ўзи ўт қўйибди! Эси йўқ одам ўз  
жонига ўзи қасд қиладими? Қилмайди, катта, қилмайди!  
Боси — шунга ақли етмайди!

— Ия, ўртоқ Мелиев, бу қандай фалсафа бўлди?  
— Гапни у жигитдан сўраманг, мендан сўранг, катта!  
Гапни мен гапирдим! Мен фалсафа айтмадим. Мен жигити  
гап айтдим, жигити! Чин-да, эси кам одамни дунё билан нима  
иши бор? Эси кам одамни ўз жони билан ўзини нима иши  
бор? Эси кам одам оғзини очиб юра беради-да, дунё ўзи шун-  
дай бўлар экан, деб!

— Хуллас, Дехқонқулова... шизофреничка! Гап тамом!  
— Ким-ким? — дедим.  
— Шизофреничка! Ўртоқ Мелиев, шизофреничка дехқон-  
часига қандай бўлади?

— Псих!  
— Йўқ, далачаси-далачаси?  
— Телба!

Тан-жоним қизиди. Қўлларим қалт-қалт этди. Лабларим  
пир-пир учди.

Жоним ҳалқумимга келди!  
Бисотимда бор ёмон сўзларим билан катталарни тутиб  
сўкайин, дедим.

— Кет, баринг кет! — дея бақирдим.  
Катталар қотиб қолди. Катталар бир-бирига қаради.  
— Ия! — деди Идеология. — Эрида ҳам борми дейман, ўр-  
тоқ Мелиев?

— Ҳа, менда-да бор! Аёлимиз билан лойимиз бир ердан  
олинган! Бўлдимиз? Кўнглинг жойига тушдимиз? Энди, кет!  
— Мени сенсирманг, ўртоқ бригадир, мени сенсирманг!  
— Кетмайсанми, кетмайсанми?

Теварагим алангладим — бирон нима изладим. Қўлимга  
маккажўхори пояси илашди.

Катталар жойидан туриб кетди.  
Раисимиз қўлимдаги маккапояга ёпишди.  
— Дехқонқул ака, ай, Дехқонқул ака! — деди. — Тентак  
бўлманг!

— Шулардай катта бўлгандан кўра, тентак бўлганим яхши!  
— Дехқонқул ака, эсингизни йингинг!  
— Ушламанг қўлимни, ушламанг дейман!..  
Раисимиз қўлларимни кетимга қайирди. Мени ўтиргичга  
босиб турди.

Катталар кетига қарай-қарай ичкари кириб кетди.  
Раисимиз шундан кейингина мени қўйберди. Қўлимдан  
маккапояни тортиб олди. Холисга отиб юборди.  
Раисимиз-да катталар кетидан ичкарилади.

## 19

Мен пешонамни тиззам қўйдим. Энтикиб нафас олдим.  
Қаҳримдан қайтдим. Ҳовурирдан тушдим.

## 20

Ичкаридан катта дўхтир ташқарилаб келди.  
Мен бир вақтлар яхшилик кўрдим — шу одамдан кўрдим.  
Яхши гап эшитдим — шу одамдан эшитдим.  
Шу боис — лик этиб жойимдан турдим. Қўлларимни ковуш-  
тириб турдим.

Катта дўхтир елкамга қафт қўйди. Мени жойимга ўтир-  
гизди.

Ўзи-да қабатим ўтирди. Қўлини қўлим қўйди.  
Дўхтир — дўхтирдай дилтанг-дилтанг бўлиб ўтирди.  
Ўтирди-ўтирди — қайғудош ҳамроз бўлди:  
— Дехқонқул, — деди. — Тагин, мендан ўпка-гинадор  
бўлма. Мен бир фақир дўхтирман. Энди... касалингни олиб  
кетадиган бўлдинг.

— Аёлимизини? Қаёққа олиб кетаман?  
— Билмасам, қаёққа олиб кетасан.  
— Ё, тузалиб қолдимиз?  
— Қаёқда тузалади, энди келди-ю..  
— Унда, қаёққа олиб бораман?  
— Ўзинг биласан. Биз биринчи ёрдამни кўрсатиб бўл-  
дик. Энди, касални даволаш керак. Биз даволай олмаймиз.  
Бизнинг касалонамиз қуйганларни даволамайди.

— Куйганларни қаерда даволайди?  
 — Куйганлар учун алоҳида касалхоналар бор. Тошкентда бор. Москвада бор, яқин йўл десанг, Душанбадаям бор. Каса лингни олиб кет, биз бошқа сақлаб туrolмаймиз. Фақат, тезроқ олиб кет, бўлмаса, кеч бўлади...  
 — Эб-е, у нима деганингиз? Қаёққа олиб кетаман? Қандай олиб кетаман?  
 — Билмадим, Дехқонқул, билмадим.  
 — Бўёғи ура-ура пахта вақти бўлса. Пахта нима бўлади? Узи, бу кимдан чиққан аҳмоқлик?  
 — Уёғини катталардан сўрайсан. Мен бир дўхтирман.  
 — Қани ўша... катталар?  
 Забт билан ичкари жўнадим.  
 Катта дўхтир кўрқиб қолди. Кўзлари катта-катта бўлди. Белимдан қўшқўллаб қучоқлаб олди.  
 — Хай, Дехқонқул, хай! — деди. — Эсингни йиғ! Барака топ, ўтир!  
 Катта дўхтир мени жойимга қайтариб ўтиргизди. Ҳарсиллаб-ҳарсиллаб нафас олди.  
 — Емон экансан, Дехқонқул, ёмон экансан, — деди.  
 — Узингиз айтдингиз-ку, катталардан сўрайсан, деб!  
 — Айтдим-қўйдим-да! Катталарни олдида нима қиласан?..  
 — Каллапойча қиламан!  
 Катта дўхтир сесканиб тушди.  
 — Нима қиласан? — деди.  
 — Катталарни каллапойча қиламан! Этини бирёқлик қиламан, суягини бирёқлик қиламан!..  
 Дўхтир кўзлари катта-катта бўлди. Қорачиги камайди — оқи кўпайди!  
 — Уйлаб гаширапсанми, ука? — деди. — Эсингни йиғ, ука, эсингни йиғ!  
 — Эсинни йиғсам-йиғмасам!..  
 — Камбағал катталарда нима айб! Дунёда туядан катта филлар бор.  
 — Бўлмаса, нимага бундай қилади? Узига ўт қўйгич бизни аёлимиз бўлса — катталарга нима?  
 — Сен сибсатни тушунмайсан, Дехқонқул, сибсатни тушунмайсан. Қандай даврда яшаймиз — билмайсан...  
 — Худо берган даврда яшаймиз-да. қандай даврда яшардик!  
 — Ана, айтдим-ку, Дехқонқул. Ўз отинг ўзинг билан дехқонсан, дехқон. Сен шундай дейсан. Катталар эса ундай демайди. Ўз жонига қасд қилиш — исён! Ўз жонига қасд қилиш — даврдан норозилик! Ана, катталар нима дейди!  
 — Бир бегуноҳ бечорани псих, деди, индамадим. Тентак, деди, индамадим. Энди, касалхонадан чиқариб юбораман, деяптими?!  
 — Ҳа-да, чиқариб юбор, деяпти-да? Шизофреничка, деб диагноз қўйиб чиқариб юбор, деяпти-да? Мен айтдим, инсоф қилинглар, ахир, дедим. Мен бу аёлни гўдаклигидан биламан, дедим.  
 — Узига ўт қўйгич аёлимиз бўлса, катталар нимадан қўрқади?  
 — Уларга амал керак, Дехқонқул! Сенинг аёлинг керак эмас! Катталарга мансаб керак! Сенинг аёлинг катталарни газига дори эмас! Аёллар ўз жонига қасд қила берса, катталарни тинч қўймайди! Ишдан олади, партиядан ўчиради! Сенинг аёлингни деб, катталар мансабидан айрилади! Айрилмайди, ўлсаям айрилмайди. Йўлини қилади... Тентакка чиқар, деб буюради. Касалхонага қабул қилма, деб буюради. Бажармайин, мени ишдан ҳайдайди, партиядан ўчиради. Катталар дастидан кун кўролмайман. Мен нима, мен бир дўхтир-да. Чин, қасам ичиб эдим. Лекин туманга катталар хўжайин. Катталар гапи билан иш қилсам... аёлинг-ку, аёлинг... болабақраларинг ҳам руҳий касалга чиқиб кетади. Онасида бор эди, дейди. Аждоддан авлодга ўтади. дейди. Шизофрения деган тамга ёмон тамга, Дехқонқул. Шунинг учун, кел, сенга бир акалик қилайин. Бир йўли бор. Бундай қиламиз: аёлинг ўзига ўт қўйганини фалокатга йўямиз. Айттайлик, аёлинг газни ёқмоқчи бўлади. Газ бирдан лоп этиб, аёлингни енгига ёпишади.  
 — Газ? Бизда газ нима қилади?  
 — Газимиз бор, ана, Обшир қишлоғи адоғидан трубада ўтиб ётибди.  
 — Трубада ўтиб ётса. қайси бир мамлакатга ўтиб кетаяпти да.  
 — Ишқилиб, газинг борми, бор-да. Шу газ бизники-да. Қайси бир мамлакатга кетса-да, ишқилиб, бизнинг газимиз-да. Ҳеч бўлмаса, баллон газинг бордир?  
 — Ўтин бор, таппи бор.  
 — Хўп, уёғини қўя бер. Газинг бор, деб фараз қиламиз. Кейин... аёл киши эмасми, енгини ўчириш ўрнига, қўрқиб

қолади. Эсини йиғиб олгунича ўт ёқасига қараб ўрлайди. Дод деб бақиради. Додини ҳеч ким эшитмайди. Сабаби, ҳамма даллада бўлади-да... Бўлди, шу билан катталар тинчийди-қолади. Катталар тинч — олам тинч!  
 — Майли, нима десангиз майли. Менга аёлимизни тузатиб берсангиз бўлди.  
 — Мана, мен борман! — дея кўкрак урди дўхтир. — Ўзим даволайман! Аёлинг бор-йўғи олтмиш фоиз куйибди, олтмиш фоизгина! Яхши бўп кетади!  
 Болаларим кўз ўнгимга келди. Кўнглим бузилди.  
 — Ишқилиб, болаларимни пешонасига яхши бўп кетса бўлди... — дедим.  
 Мен кафтларимга йиғладим.  
 Дардларим кафтларимдан селоба-селоба бўлиб окди.  
 — Отдай бўлиб кетади! — деди дўхтир. — Олтмиш фоиз куйик ундай қалтис эмас...  
 Дўхтир елкам қоқа-қоқа кетди.  
 Мен ўнгирларимга йиғладим.

21

Субҳи содиқда аёлимиз бошига бордим.  
 Мозор пойида тизза бўлдим.  
 Мозорни оҳиста-оҳиста туртдим — аёлимизни уйғотдим...  
 — Ай, мен келдим? — дедим.  
 Бир сиқим мозор олдим — аёлимиз сочларини ушладим...  
 — Ай, сенга айтаман? — дедим.  
 Томоғим тўлиб-тўлиб келди...

22

Уй бурчида турмиш бешикбеллик кўзимга ёмон-ёмон кўринди.  
 Мен энди бешикни нима қилайин? Мен энди бешикка ўзимни белайинми?  
 Мен бешик қараб турдим-турдим.  
 Шунда бешик... шунда бешик аёлимиз тобути бўлиб кўринди!  
 Ичиди... аёлимиз ётмишдай бўлди! Баданлари олтмиш фоиз куйиб-куйиб ётмишдай бўлди!  
 Аёлимиз пичир-пичир мени йўқламишдай бўлди!  
 — Ҳа, нима дейсан? — дедим.  
 Бешикдан жавоб бўлмади.  
 — Айт, айтгичингни? — дедим.  
 Бешик — тобут деса тобут дегудай сукут этди.  
 Мен оҳиста-оҳиста бешик олдилаб бордим. Энкайиб — кўлларимни тиззаларим тирадим. Унг қулогимни бешик тутдим.  
 Бешикдан овоз бўлмади.  
 Бешикёпгич бурчидан оҳиста ушладим. Хиёл-хиёл кўтардим. Бешик ичи мўраладим.  
 Бешикда жон зоти бўлмади.  
 Бешик кўзимга ёмондан-ёмон кўринди.  
 Бешикни кўрмайин-да, куймайин-да, дедим.  
 Бешикни даст кўтариб ташқариладим.  
 Нарвондан бешик қўлтиқлаб томладим. Бешикни гўзапоя уюми усти ташладим.  
 Бешик гўзапоя ботиб-гўзапоя ботиб қолди.  
 Шунда, бешикёпгич шамолда ҳилп-ҳилп этди. Ҳилп-ҳилп эта-эта бешик кетилаб учиб тушди.  
 Бешикёпгич бир учи бешикқушда илашиб-бешикқушда илашиб қолди.  
 Бовужуд, бешикқуш борлик бўлди—бешикёпгич ер учиб тушарман-ер учиб тушарман бўлди.  
 Мен бешикдан қовузни олдим. Оқўрагични олдим. Таг-пўшни олдим.  
 Сумакни олдим. Тувакни олдим.  
 Барини бешикёпгич солдим.  
 Шунда, димоғим гуп-гуп шиптир иси туйди.  
 Мен бешиктебратгичда осилиб турмиш кўзтумор билан тўқкизкўз мунчоқни узиб-узиб олдим.  
 Кўзтумор билан тўқкизкўз мунчоқни-да бешикёпгич солдим.  
 Бешикёпгични ўраб-ўраб бешик жойладим.  
 Бешик кунда очилиб-очилиб қолди.  
 Шунда, бешикдаги сонсиз жимжималарга кўзим тушди. Кўзларим кунда қамашди.  
 Бешик гуллари бўлса, бордир, дея ўйладим.  
 Тикилиброқ-тикилиброқ қарадим.  
 Бешикдаги жимжималар бир араби ҳуснихат бўлиб кўринди, бир жимжимадор гуллар бўлиб кўринди.  
 Бешикда бундайчикин оҳангжамолар йўқ эди — қаердан бино бўлди?  
 Шу вақт онамиз хужрасидан ташқарилади. Кафтини пешо-

наси соябонлади. Кун қаради. Кун вақтини билмоқ бўлди.  
Шунда, мени кўрди.  
— Бешикни нимага томга олиб чиқдинг, ерчимил бўл-  
гур? — деди.  
Мен миқ этмадим.  
Онамиз кафтини пешонаси соябонлаб қарашини қўймади.  
Мен айтмасам бўлмади:  
— Энди бешик нима керак... — дедим.  
— Нимага бешик керак эмас?  
— Энди... бўлди, — дедим. — Бешик бўлди...  
— Шу гаининга номъқуллни нонини ебсан! Олиб туш,  
пастга!

— Энди... бешикни ким тебратади?  
— Болаларимни майда энаси кетган бўлса, мана, катта энаси бор! Мана мен — момоси бор! Олиб туш — ўзим бешик тебратаман! Аллалаб-аллалаб бешик тебратаман!  
— Майли, олиб тушаман, бора беринг, олиб тушаман.  
Мен бешиктебратгичдаги жимжималар тикилдим. Жим-жималар нима билан битилмиш бўлди, дедим.  
Шаҳодат бармогим учини хўллаб-хўллаб артиб кўрдим.  
Бир жимжима кўкара-кўкара ёйилди.  
Билдим — жимжималар кўкқалам билан битилмиш бўлди.  
Қош-кўз бўягич кўкқалам бўлса бордир?

## 23

Аёлимиз бешикка бағир берди. Боласига кўкрак берди. Боласи чўлп-чўлп эмди.  
Аёлимиз боласи бошидан майдагина ойна олди, тўмтоққина қалам олди.  
Ойнани бешик узра тутди. Лаби билан қалам учини хўллади.  
Аёлимиз қошига қалам суртди. Бир у қошига суртди, бир бу қошига суртди.  
Бешикдаги боласи миқ-миқ эмди.  
Аёлимиз турайн деди — бешикдаги боласи кўкрагини қўй-бермади.  
Аёлимиз бешик михланиб-бешик михланиб қолди. Аёлимиз пешонасини билаклари қўйди. Аёлимиз билакларини бешиктебратгич қўйди.  
Аёлимиз бешиктебратгич битди:  
«У-ўй, ичим қуяпти, ичим ёнапти».  
«Ичимда бир нима қимирляпти».  
«У-ўй, бошим айланаяпти».  
«Дунё кўзимга қирмиз-қирмиз бўлиб кўринапти».  
«Қирмиз-қирмиз... думалоқ-думалоқ»...  
«У-ўй, эртага даладан жавоб берса бўлмайдим?»  
«Бошимни ювиб олсам деб эдим».  
Аёлимиз иккиқат бўлди.  
Бешикдаги боласи сутдан қолмайин иккиқат бўлди!  
Аёлимиз ипакдайн майин бўлди. Аёлимиз ипакдайн сузук бўлди.  
Кечалари бир ўнг ёғига ўнгарилди, бир чап ёғига ўнгарилди.  
Аёлимиз кун санади. Аёлимиз тун санади. Санай-санай тонглар оқлади.

## 24

Кун ёнгандан-ёнди.  
Дала кундан-да ёнди.  
Кун калла қайнатди, кун товон куйдирди.  
Аёлимиз даладан бош олиб кетайин, деди — кетолмади.  
Бола азиз бўлди, гўза боладан-да азиз бўлди!  
Аёлимиз шийпон деворига елка бериб ўтирди. Юзларини осмон тутди. Кўзларини юмди. Оғзини каппа-каппа очди.  
Мен елкасидан оҳиста туртдим.  
«Ай, нима бўлди?» — дедим.  
Аёлимиз кўзларини очди. Тиззаларини ёпди.  
«Бошим айланаяпти, — деди. — Қоним кам».  
«Унда, сув ич».  
Аёлимиз далалар узра жимир-жимир этмиш хилга термулди.  
«Қирмиз-қирмиз... Думалоқ-думалоқ»... — деди.  
Мен кўлимда ўйнаб юрмиш гўза гулини аёлимизга узатдим.  
«Мана! — дедим. — Қирмиз-қирмиз... думалоқ-думалоқ... гул!»  
Аёлимиз қўлимни қайтариб ташлади.  
«Бундайчикин эмас», — деди.  
«Бўлмаса, қандайчикин? Шу гул яхши-да. Идора олдидаги атиргуллар бўлмайди! Ҳиди бўлган билан — маҳсулоти йўқ! Гўзагул маҳсулдор гулҳосил беради!  
«Одамни кўп майна этмасин».

«Майна этаётганим йўқ. Ойнаижаҳон билан киноларда-да аёлига гул беради-ку?»

«Ойнаижаҳон билан кинолардаги одамлар қорни тўқ одамлар. Гул қорни тўқларни эрмаги. Гулни еб бўлмайди»...

«Бўлмаса, қирмизи думалоғинг ниманг?»

Мен жўрттага шундай дедим.

Билдим — аёлимиз қирмизи олма, деди. Билдим — аёлимиз қирмизи олмага ерик бўлди!

Далада қирмизи олма нима қилади? Қирмизи олма Денов бозорида бўлади! Денов бозори эса қирқ қақиримча келади! Қачон бораман, қачон келаман?

Бешикбелликдаги битиклар салмоқли-салмоқли бўлди. Боиси — беллик текис ҳам энлик бўлди.

«У-ўй, Холиқов иқтисодчи аёлини Тошкан олиб бориб келибди».

«Метро дегич автобусга минибди».

«Метро дегич автобус узун-узун эмиш».

«Ер остидан юрар эмиш».

«Ичи доим салқин эмиш».

Беллик пастламиш сайин битиклар қинғир-қийшиқ бўлиб борди.

«У-ўй, Темиров агрономни аёллари Самарқандга бориб келибди».

«Ҳай бир мадрасалар, ҳай бир мачитлар бор эмиш».

«Мадрасалар баланд-баланд эмиш, қараб бўлмас эмиш».

«Қарайин, дегичларни рўмоли бошидан тушиб кетар эмиш».

«Рўмолим бошимдан тушиб кетсин дегичлар мадраса баландига қарасин эмиш».

«Темиров агрономни аёли қарайин деса, рўмоли бошидан тушиб кетибди».

«Рўмоли сувга учиб бориб тушибди».

«Шунда-да билмабди».

«Бир одам, ай хола, рўмолингиз сувга тушиб кетди, дебди».

«Шундагина бошида рўмоли йўқлигини билибди».

«Вой, дебди-да, бошини қўллари билан яширибди».

«Мениям рўмолим сувга тушиб кетса экан...»

«Мадраса пойида рўмолим бировгина... бировгина бошимдан учиб тушса экан»...

Тагтахтадаги битиклар майда-майда бўлди. Чумоли из-чумоли из бўлди.

«У-ўй, болаларни нафақасини йўқлаб келса бўлмай-димми?»

«Қодир — 4 сўм туради. Ҳанифа — 6 сўм туради. Ҳалима — 7 сўм 50 тийин туради».

«Аёл бошим билан икки марта бордим».

«Бир сўрадим — пул йўқ деди, икки сўрадим — пул йўқ, деди».

«Сўгин — бормадим ҳам, сўрамадим ҳам».

«Одамга бет ҳам керак-да».

«Бу киши бўлса, нафақани сен сўра-сен энасисан», дейди».

«Шу 4 сўмини сўрагани бетим чидамайди, дейди».

«Эркак бўп туриб, бу кишини бети чидамаганда, аёл бошим билан мени бетим чидайдимми?»

«Аёлга-да бет керак».

«Бу киши айтади — ўнинчи болага 12 сўм 50 тийин нафақа беради, дейди».

«Бу киши айтади — ўнинчи боладан кейин бораман, дейди».

«Бу киши айтади — 12 сўм нафақа бер, дейишга тил боради дейди, бет чидайди, дейди».

«Мен ўнинчи болани қаердан оламан?»

«Бола беш ёш бўлса — шуниям бермайди, эмиш».

«Унда... бола беш ёшдан кейин нима ейди?»

Тагтахта адоғидаги беш-олтита битикни ўқиб бўлмади. Аёлимиз адоқ битикларни битаётиб кўзи кетдимикин?

Е, кенжамиз аёлимиз кўкрагини ёмон-ёмон тортдимикин?.. Таг-тамал битикларни ўқиб бўлди:

«Дунёга келиб нима кўрдим?»

«Бешик кўрдим».

«Дунё кўриб нени кўрдим?»

«Гўза кўрдим, пахта кўрдим».

«Кун кўрдим — гўза кўрдим».

«Тун кўрдим — бешик кўрдим».

«Бешик мазорим бўлди, дала мазористоним бўлди».

## VIII БОБ

### 1

Гўзаларим ост-остларидан очилди.  
Гўза нима учун ердан чиқмиш бўғзи олдидан очилади?

Ғўза ер озиқ-қувватини ғўзаучлаб-ғўзаучлаб тортади. Ғўза ер қувваи кудратини қуёшлаб-қуёшлаб кўтаради.

Оқибат — ғўза ост-ост шохлари озиқсиз қолади. Ғўза ост-ост шохлари қувватсиз қолади.

Охир-оқибат — ғўза айнан ана шу ост-ост шохидан очилади. Майда-майда очилади. Ғозсиз-ғозсиз очилади.

## 2

Ғўзаларим уч-учларидан очилди.

Ғўзауч пахталар-да остшоҳ пахталардай бебарокат-бебарокат пахта бўлади.

Ғўзауч пахталар-да остшоҳ пахталардай бебарор-бебарор пахта бўлади.

Боиси — қоқбел кўсақлар уч-уч кўсақларга оз-оз ер озиқ қияди. Қоқбел кўсақлар уч-уч кўсақларга кам-кам ер қувват қияди.

## 3

Ғўзаларим қоқ белидан-қоқ белидан очилди.

Қоқбел кўсақ ерда бор озиқ-қувватни тортиб олади. Қоқбел кўсақ ерда бор куч-қурбни ўзида олиб қолади.

Шу боисдан қоқбел кўсақ пахтамысан-пахта бўлади!

Қоқбел кўсақ барорли-барорли пахта бўлади. Қоқбел кўсақ тарози босажак-тарози босажак пахта бўлади.

Дехқон кунига-да ана шу қоқбел кўсақ ярайди!

Шу боисдан-да, қоқбел кўсақни дехқонкўсақ, дейдилар!

## 4

Ғўзабарг сариқ-сариқ бўлса, дори рисоладагидай барг тўкмайди.

Ғўзабарг қуруқ-қуруқ бўлса, дори бинойидай барг тўкмайди.

Шу боис, миробдан сув сўрадим.

— Оқар сув тамом бўлди, — деди мироб. — Энди, сув омбордан сув бераман-да.

Сув омборда сув йиллаб қўллаб-қўллаб ётади. Йил мобайнида лойқа сув остилаб чўкиб-чўкиб қолади.

Сувни сув этгич ана шу лойқа бўлади.

Ғўзани озиқлагич-да ана шу лойқа бўлади.

Ана шу лойқасиз сув билан суғорилгич ғўза йигирма кун ҳаяллайди.

Ана шу лойқасиз сув билан суғорилгич ҳосил ўттиз-қирқ фоиз камаяди.

Ғўзаларим у даврдан ўтди — ғўзаларимга энди оти сув бўлса бўлди.

Мен далаларимни омборсув билан оқар-оқмас сувлаб олдим.

## 5

Дориланмиш ғўза тагин қайтиб кўсақ тугмайди.

Емондан-ёмони — дори бор кўсақларни-да қовуриб-қовуриб ташлайди.

## 6

Мен кўсақларим мўл-мўл очилишини қарадим.

Ниҳоят — олтмиш фоиз кўсагим очилиб бўлди.

## 7

Тонг сахарда трактор кетига ўн тўртинчи тўртбурчак ускуна тақдим.

Ускунада иккита юм-юмалоқ идиш бўлди.

Мен ҳар идишга юз эллик кило-юз эллик килодан уч юз кило дори солдим.

Дорилашдан олдин сут ичиб олишим қарз ҳам фарз бўлди. Молимиз илла бир кади сут беради — шуни-да мен ичиб олсам, болалар нимани ичади?

Мен сут ўрнида яхдай сув ичиб олдим.

Коржома кийдим. Қўзойнақ тақдим. Оғиз-бурнимга захарниқоб тақдим. Қўлқоп кийдим.

Трактор кабинасини маҳкамлаб-маҳкамлаб ёпдим.

Тракторни биринчи тезликда ҳайдадим.

Мен сахармардонда далаларимга захар бердим.

Мен тонглай-тонглай далаларимни захарладим.

Пуркагич насосларни ўнглаб-ўнглаб дала захарладим.

Пуркагичлар бирваракай йигирма-йигирма тўрт эгатга сариқ-сариқ захар пуркади.

Цилиндри олтинчи рақамга қўйиб-қўйиб дала захарладим.

Насос босимини ошириб-ошириб дала захарладим.

Мен бир гектар даламга тўрт кило қўлансадан-қўланса захар бердим. Аччиқдан-аччиқ захар бердим.

## 8

Тонг тўрқади.

Боботоғ узра кун шафақланди.

Тонг-тонг шудринглар ол-ол шафақларда кетди.

Мен дала захарлашдан тийила қолдим — бешудринг барг захарни тан олмайди!

## 9

Кун олис бошим айланди.

Кун олис кўзим ёшланди.

Кун олис ичак-қорним томоғимда бўлди.

Ғарра-ғарра қусишдан армоним қолмади.

## 10

Салқинтоб-салқинтоб оқшом қўнди.

Мен тагин дала захарладим.

Ғўзаларим туси ўчди.

Ғўзаларим сап-сарик бўлди.

Ғўзаларим антиқди.

Ғўзаларим ҳансиради.

## 11

Бутифос барг қовжиратиб-барг қовжиратиб ташлади. Бутифос барг қовуриб-барг қовуриб ташлади.

Бутифос чала-чала барг тўкиб бошлади.

Бутифосда бор-йўғи битта хосият бўлди — бутифос хом кўсақка зиён бермади.

Хом кўсақ бодраб-бодраб очила берди.

## 12

Захар-заққум бутифосдан ўзга дори қуриб қолиб эдими? Бутифосдан ўзга-да барг тўкажак дорилар мўл-мўл бўлди.

Масалан, калций цианимид дегич зиён-заҳматсиз дори бўлди. Магний хлорат дегич ҳид-бўйсиз дори бўлди.

Магний хлорат бутифосдан самарали-самарали барг тўқади. Магний хлорат бутифосдан авло-авло барг тўқади.

Аммо магний хлорат хом кўсақка зиён беради.

Магний хлорат зиён бермиш хом кўсақ учлари қизил бўлиб қизил бўлмайди, сариқ бўлиб сариқ бўлмайди.

Гулоби-гулоби ранг бўлади!

Гулоби ранглари бошидан қолсин — тўрт грамм кўсақ икки грамм бўлиб қолади! Серфазилат тола бефазилат бўлиб қолади!

Магний хлорат бутифосдан арзон-да тушади.

Бир тонна магний хлорат икки юз тўқсон сўм туради.

Бир тонна бутифос икки минг эллик сўм туради!

Унда, катталар нима учун захар-заққум бутифос сеп, дейди?

Бутифос хом кўсақни омонлайди, магний хлорат хом кўсақни заволайди!

Е, эл-юрт, ё, кириш!

Катталар бот-бот кўсақ очилишни ўйлади.

Катталар қайта-қайта пахта терилишни ўйлади.

Катталар қишгачайин пахта терилишни ўйлади!

Е, эл-юрт, ё, кириш!

Катталар киришни танлади!

## 13

Одам тонг сахарда ароқ ичса нима бўлади?

Одам пиёниста бўлади.

Далаларим-да ана шу одам мисол пиёниста бўлиб қолди.

Одам толтушда тамаки чекса нима бўлади?

Одам банги бўлади.

Далаларим-да ана шу одам мисол банги бўлиб қолди.

Одам намошомда наша чекса нима бўлади?

Одам нашаванд бўлади.

Далаларим-да ана шу одам мисол нашаванд бўлиб қолди.

Энди, ана шу оғулар барини бир одам танаввул этса нима бўлади?

Одам пушти қуйиб кул бўлади. Одам насл-насабсиз бўлади.

Далаларим-да ана шу одамдай бўлиб қолди!

Баданда жон бор — қилмиш-қидирмиш бор.  
Қилмиш-қидирмиш бор — жиноий модда бор.

Одам бирон иморатга зиён берса — фалон моддага биноан жавобгарликка тортилади. Одам бирон техникага зиён берса — фалон модда бўйича қаматгилади. Одам бировни урса — фалон моддага биноан кесилади.

Нима учун одам ерни захар дорилайди — аммо жавобгарликка тортилмайди?

Нима учун одам ерни захарлаб хўрлайди — аммо жавобгарликка тортилмайди?

Дунёда кўп-кўп эмиш-эмиш эшитдим. Аммо ер захарлаб жавобгар бўлибди, дегич эмиш эшитмадим.

Ер қариди. Ер пушти қуйиб захар-заққум бўлди. Ер кўкси қуйиб кул бўлди — ер тақдир нешонасидан кўриб ёта берди. Ер ўз дардини айттайин деди — ерда тил бўлмади.

## 15

Бозорни яхши кўраман!

Ноз-неъматлар товлана-товлана туради. Ширин-шакарлар боллана-боллана туради. Аччиқ-чучуклар бўйлана-бўйлана туради.

Ноз-неъматлардан кўзим тўяди. Ширин-шакарлардан кўнглим тўяди.

Бозорда еганим олдимда бўлади, емаганим кетимда бўлади! Мен бозорда беҳиштда юрмишдай-беҳиштда юрмишдай бўламан.

Мен олмасам-да — нарх-навони сўраб-суриштираман.  
Мен емасам-да — қирмизи олмани кафтимда салмоқлаб-салмоқлаб кўраман. Искаб-искаб кўраман.

Қирмизи олмадан кафтларим роҳатланади. Қирмизи олмадан димоғларим ҳузурланади.

Мен дунёда борлигимдан шуқурланаман!

## 16

Аммо... бозорда бир айб бўлди.  
Бозор айби... нарх-навоси ёмон бўлди! У-ў-ў, ёмон-ёмон бўлди!

Боботоғ пистаси ўн беш сўм бўлди. Вахшивор ёнғоғи тўққиз сўм бўлди. Дашнобод анори беш сўм бўлди.  
Тошдан қиммат-тошдан қиммат нарх-наво бўлди!  
Нима бўлса бўлди — баридан бир килодан олдим.  
Икки дона анор бир кило келди.

Мен анор салмоқлаб-анор салмоқлаб ўйладим: дастурхонга иккитагина анор қўйса бўлмайди. Катта меҳмонлар нозик-таъб бўлади. Ул-е, бор-йўғи иккита анор қўйибди-е, дейди.

Шу боис, тагин бир кило анор олдим. Жами тўртта катта-катта анор бўлди.

Дастурхонда тўрт бурч бўлади. Ана шу тўрт бурчга биттадан тўртта анор қўяман.

Дастурхоним бинойидай-бинойидай дастурхон бўлади!

Мен анор пулини санадим. Ич-ичимдан қиринди ўтди. Бармоқларим қалт-қалт этди.

Бир пул қарадим, бир анор қарадим — тўртовгина анор учун йигирма сўм тўлагим келмади.

Қўлларим қалт-қалтини билинтирмайин дея, анор пулини қўшқўллаб ушладим. Анорчига қўшқўллаб узатдим.

Аммо анорчи билди — мийғида кулди.  
— Дашнободи анор, пулингиз ўзингиз билан кетади, — деди.

— Яхши анорликка яхши анор...  
Мен бир анор бир меҳнат кунига тушаяпти-да, дегим келди — деёлмадим. Анорчини олдида паст кетгим келмади.

— Дашнободи анорлиги учун олдим-да, — дедим.  
Анорчи қўлини кўкси қўйди.

— Қуллук, ош бўлсин! — деди.  
Анорга мени оғзим тегармиди? Теккан билан анор ош бўлармиди?..

Шунда, қишлоқдошимиз Қаюм қоровул келиб қолди.  
— Қани, Дехқонқул, бозорлабсан-да? — деди.

— Ҳа, тирикчилик.  
Қаюм қоровул бир тўрхалта бозорлигимга сер солди.

Хиёл кўз олайтди. Бир менга қаради, бир бозорлигимга қаради.  
— Тинчликми, Дехқонқул? — деди.

— Тинчлик, осойишталик.  
— Мабодо кайфинг йўқми?

— Умримда оғзимга олмаганман, Қаюм ака. Нима эди?

— Бозорлигингни кўриб айтаман-да. Кайфи йўқ одам ҳам шундай бозорлик қилади?

— Дастурхонни ободи-да, Қаюм ака.

— Дастурхон ободи учун ол, эви билан ол-да. Бундайин бозорлик учун мендайин деҳқон бир ой терлайди!

— Узимдайин деҳқон-да шу, Қаюм ака, ўзимиздайин деҳқон-да шу.

— Манави пистами? Ун беш сўм-а? Ё, пирим-е, ё, пирим-е! Нарх-навони худо урмади — мен қутулмадим! Ҳали шу яқинда писта чаққанимни эслай олмайман. Шу қишдаги бир тўйда беш-олтита чақиб эдимми, билмайман.

— Сиз шу қишда чақибсиз экан, мен қачон писта чаққанимни билмайман. Энди, меҳмон атои худо. Қаюм ака. Ўзбакчилик — ўзбакчилик.

— Ўлма! Шу гаудан қолма, Дехқонқул, кам бўлмайсан!

— Шу теваракни меҳмонга бўлса гўрга эди. Московдан меҳмон келаяпти, Московдан. Бари нозик меҳмон. Раисимиз айтди.

— Меҳмон келган уйдан барака аримайди, Дехқонқул, барака аримайди. Меҳмон ризқи ўзидан олдин келади, дейди. Московчи меҳмон бўлса, унда, бундай қил: бозорга хурмо кирибди. Ҳай, анави ерда сотаяпти, ҳайла!

— Қани-қани?

— Ҳайла-ҳайла, қозоншляпа савдолашаяпти. Ана шу хурмодан бир-икки кило ол. Москов ёқларда хурмо ўсмайди. Меҳмон ош деб келмайди. Меҳмон меҳмон-да — ҳавасакни ейти-да.

Қаюм қоровул айтмиш қатор-қатор хурмолар олдилаб бордим.

— Хурмо қанчадан бўлди? — дедим.

— Уч сўмдан, — деди.

Хурмоларни ушлаб-ушлаб қўрдим.

— Хурмо қаерники? — дедим.

— Субтропикники, — деди.

— Субтропикникидан бир кило тортинг қани.

Субтропик боғ шундай олдимизда. Даламиздан йигирма чақирим келади.

Бозор дарвоза олдидан икки чўнтак майдаписта олдим.

## 17

Тўлиб-тошиб уй келдим.

Бозорлигимни ошхона қўйдим.

Болалар бозорлик ёнирилди. Болалар бозорлик гирдини олди.

— Олма, ота, олма!

— Ота, анор беринг!

— Узум беринг, узум!

Бирови олмага қўл узатди. Бирови анорга қўл узатди. Бирови узумга қўл узатди.

Болаларни қўлини уриб-уриб ташладим.

— Торт қўлингни, торт! — дедим.

Болалар кетига қўл бекитди. Болалар қўлтигига қўл тикди. Болалар оғзига қўл солди.

Болалар мўлт-мўлт қаради. Болалар илтижо-илтижо қаради.

Мен бошим билан бозорликка имо бердим.

— Буларни еб бўлмайди, қ-ҳа! — дедим. — Ҳа, қ-ҳа, қ-ҳа!

Мен афт буриштирдим. Мен бош сарак-сарак этдим.

— Ични оғритади, қ-ҳа! Ични кеткизади, қ-ҳа! — дедим. —

Қара, пуф-е, сассиқ узум экан, пуф-е!

Менга нима олиб келдингиз, ота?

— Сенгами, сенга бир нима олиб келдим! Қани, қўлингни бер. Ана, кўрдингми?

Бир-иккита майдаписта чақиб кўрсатдим.

— Ана шундай чақ! — дедим. — Қирсиллатиб-қирсиллатиб чақ, тишинг бақувват бўлади! Қани, баринг қўлингни тут!

Болаларга майдаписта бўлиб бердим.

— Ана энди, бориб ўйнанлар! — дедим. — Боринлар!

Болалар тарқалди.

Фақат Қулмат ўғлимиз қолди.

Камбағалга кет, деёлмадим — кўнглим бормади.

Камбағал Қулмат, — дардманд!

Дўхтир кўриб, витамин етишмайди, деди. Бир даста дори битиб берди.

Денов дорихонасидагилар битикларни кўрди-кўрди — биттасиям йўқ, лекин бўп туради, тез-тез хабар олиб туринг, деди.

Мен айтдим: витамин гўза эдимидики — тез-тез хабар олиб тураман, дедим.

Тагин қайтиб бормадим.

Дардманд Қулматимиз ингиллади:

— Ота, помидор беринг! — деди.

Мен ҳайронландим — тўрхалтада помидор йўқ бўлди.

— Помидор? Қани помидор? — дедим.

Қўлатимиз қўли билан хурмони кўрсатди.  
Э, тавба-е, ўғлимиз хурмони танимади!  
Э, тавбангдан-е, ўғлимиз хурмони таниёлмади!  
Мен палағдароқ бир хурмо олиб бердим.  
— Ма, бу помидор эмас, — дедим. — Бу хурмо, ха, хурмо!  
Деразадан Денов тарафни кўрсатдим.  
— Хай анави қуюқ дарахтзор бор-ку, ана шу субтропик  
боғ, — дедим. — Субтропик боғда хурмо ўсади, бизни далада  
ғўза ўсади!  
Ошхона занжирлаб ташқариладим.  
Оғилхона айланиб қарадим.  
Ўзи, бисотимда учовгина қўйим бўлди. Иккови совлик  
бўлди. Бирови сўйиб сотиш учун боқилиб ётмиш қўй бўлди.  
Ана шу қўй московчиларга насиб этажак бўлди.  
Мен московчи меҳмонларга сўйилажак қўйимни қарадим.  
Думбасини чангаллаб-чангаллаб қарадим.  
Қўйим ориқ бўлди, сўйишга арзигич гўшт қилмагич бўлди.

## 18

Оғилхона олдида кафтимни пешонам соябонлаб кун қара-  
дим.  
Шунда, ошхона деразасидан бир нима лип этиб тушди.  
Е, қоғоз, ё, латта учиб тушди, дея ўйладим.  
Лип этиб тушмиш нима чопиб кетди.  
Мушук бўлса керак-ов дея, тикилиб-тикилиб қарадим:  
Нодир ўғлимиз пириллаб чопиб борапти.  
Билдим — ошхонадан бир нима олиб қочди.  
— У-ў, қайт! — дея бакирдим.  
Нодир ўғлимиз қайтмади. Қуюндай-қуюндай чопди.  
Мен изидан қувиб кетдим.  
Бола бола-да — дарров ҳолдан тойиб қолди.  
Мен етиб олиб елкасидан ушладим.  
Ўғлимиз елкасини силкиб олиб чопаман дея, бети билан  
йиқилиб тушди. Тупроқда юзубан ётиб олди.  
Ўғлимиз бир нимани бағрига босиб йиғлади. Оёқларини  
типирчлатаиб йиғлади. Ер тепиниб йиғлади.  
Тупроқ чангиб-чангиб қолди.  
Ўғлимиз йиғлай-йиғлай — охири ҳолдан тойди. Ўпкасини  
босолмай хиқ-хиқ нафас олди.  
Ўғлимиз қалт-қалт этди. Елкалари пир-пир учди. Боши  
сарак-сарак бўлди.  
Бола қўрқди!  
Кўзини оҳиста очди.  
— Тур, уйга юр, — дедим.  
Ўғлимиз интиллади. Кўзини тагин юмди. Юзини ер қўйди.  
Ўғлимизни бир ёнига ағдардим. Нима экан дея, бағрига  
қарадим.  
Ўғлимизни бағрида икки дона хурмо бўлди.  
Ўғлимиз хурмоларни тагин-да бағир босди. Ер тепиб-ер  
тепиб йиғлади.  
— Бермайман, йўқ, бермайман! — деди.  
Ўғлимизни даст кўтариб қўлтиқлаб олдим.  
Ўғлимиз қўлтигимда тепкилаб йиғлади. Билакларимни  
тишлаб йиғлади.  
Еш болани тиши ёмон-да — билакларим ачишиб оғриди.  
Бир амаллаб ичкари олиб кирдим. Оғзига тарс эткизиб  
бир урдим.  
Жони ёмон-ёмон оғриди шекилли — оғзини ушлаб-ушлаб  
йиғлади.  
Ана шунда хурмолар ер тушди. Хурмолар юмалаб-юмалаб  
жўнади.  
Мен хурмоларни ушлаб-ушлаб келдим.  
Ҳамсоя-қўлларшикидан онамиз келди. Оғзини ушлаб ётмиш  
ўғлимизни ердан кўтариб олди.  
Шунда, ўғлимизни оғзи бурнида қип-қизил қон кўрдим.  
Онамиз ўғлимизни ер энкайтирди. Кафти билан оғзи  
бурнини артди.  
— Ҳа, қўлинг синсин-а, шугина норасидани урган қўлги-  
нанг синсин-а! — деди.  
Онамиз теварак аланглади. Тандир олдида ётмиш темир  
ковони олиб олди.  
Мен энкайиб қолдим — косов устимдан ўтиб кетди.  
Онамиз ердан бир сиқим тупроқ олди. Ўғлимизни оғзи  
бурнини артди. Дока рўмоли учидан йиртиш олди. Йиртишни  
юмалоқлаб ўғлимизни бурнига тикди.  
— Бола сенга нима қилди-а, норасида бола сенга нима  
қилди-а? — деди.  
Мен қўлимдаги хурмоларни кўрсатдим.  
— Манавини қараңг, шуни олиб қочди! — дедим.  
— Шугина учун норасида болани оғзи бурнини қон қила-  
санми, ерпарчин бўлгур?  
— Ўйнаб қўйя шугинадан, шугинани килоси уч сўм туради!  
— Шу икковгина хурмога-я? Ҳа, қирчинингдан қийилгин,  
қирчинингдан қийилгин!

— Икковгина бўлган билан салкам бир кило келади!  
— Бир кило келса нима бўпти? Ҳа, хурмоларинг бошингдан  
қолсин, бошгинангдан қолсин!  
— Эртага меҳмон келса, олдига нима қўяман? Бировини  
буниси еса, бировини униси еса, меҳмонлар нимани ейди?  
— Нима, меҳмонлардан хурмо қарзинг борми, ерчилим  
бўлгур?  
— Қарзим йўқ, эна, қарзим йўқ. Лекин меҳмон атоий худо-  
да. Меҳмон отадан улуғ-да. Меҳмонлар олдида ким деган одам  
бўламиз?  
— Унда, мўлроқ ол эди...  
— Хурмони пулга беради. Энам айтди деган билан бер-  
майди.  
— Бола бола-да, кўнгли кетади...  
— Катта меҳмонлар инсофли бўлади, эна. Назари тўқ  
одамлар бўлади. Барини еб қўймайди! Дастурхонда қолдира-  
ди! Меҳмонлардан қолса — болалар ейди-да!  
Ғалим маъқул бўлди шекилли — онамиз ўғлимизни ичкари  
етақлаб кетди.  
Мен хурмоларни енгим билан артиб-артиб олдим. Жойига  
олиб бориб қўйдим.  
Жовуз доналарига қараб ўтириб-ўтириб... оғзимни суви  
қочди! Бейхтиёр қўл узатдим.  
Узумдан беш-олти дона олсам — узумбош лош-лош бўлиб  
қолади. Узумбош чумчуқ чўқилаб ташламишдай-чумчуқ чўқи-  
лаб ташламишдай бўлиб қолади.  
Оқибат — меҳмонлар олдига қўяр холи қолмайди.  
Мен узумдан қўл тортдим.  
Ошхонани ташқаридан қўлфладим.  
Очиқ деразадан ичкари мўраладим.  
Ўғлимиз уйқуда бўлди. Бурунлари тикиғлик ошпоқ дока  
қип-қизил бўлди.  
Ўғлимиз оғзини каппа-каппа очиб энтикди. Бир чапи  
ўнгарилди, бир ўнги ўнгарилди. Кўрпасини тепкилаб-тепкилаб  
туширди.  
— Хурмо, ота, хурмо!.. — дея уйқусиради.

## 19

— Шу... меҳмонлар неча киши ўзи, раис бова? — дедим.  
— Ҳозир санаймиз-да. Битта режиссёр, иккита оператор,  
битта комментатор. Жами бир машина. Аммо одатимизни  
биласиз: юқоридан бир машина катта келса, настан икки  
машина катта ҳамроҳ бўлиб келади.  
— Ўйнаб қўй, меҳмонидан, ўйнаб қўйя. Масаласи осон  
экан. Шу... бозордан қўй гўшт олсам бўлмайдами, раис бова?  
— Ажаб одамсиз-да, Дехқонқул ака. Киночилар бизни  
олдимизга очидан ўлиб келаётгани йўқ. Меҳмон ош деб кел-  
майди. Қўй обрўй-да. Кимсан — катта бир хўжаликни машъал  
бригадири! Семизликни қўй кўтаради, Дехқонқул ака.  
— Чин — қўй кўтаради. Чин — мен кўтараман.  
— Сиз ҳам семизликни кўтаринг-да.  
— Кўтараман, раис бова, кўтараман. Семизликни — қўй  
кўтаради. Семизликни — мен кўтараман.  
— Ҳа, балли! Қўй нима деган гап?  
— Чин, қўй қўй-да. Шу, болаларни қишга уст-боши йўқ  
эди, раис бова. Борлари-да йиртиқ-ямоқ эди. Шу қўйни боқиб-  
боқиб, болаларга уст-бош олиб берсам деб эдим. Қўйда  
хали сўйгулик ҳол йўқ.  
— Майли, майли! Қўй сўйилди оти бор, қўй сўйилди!  
Болаларга устбошини эса... давлат пахта терим учун мана-мана  
пул бераман, деяпти. Ана шундан олиб берасиз.  
— Майли, раис бова, майли. Қўй бўлса қўй-да.  
— Ҳа, яшанг! Ким айтади сизни ўзбак деб? Ўзбак ўзи  
емайди, ўзи ичмайди — бор тонганини меҳмони олдига  
қўяди!  
— Майли, қўй бўлса қўй-да, майли.  
— Авлод-аждоғлар... урф-одатлар... ўзбакчилик... дегандай.  
Ўзбакни қониқиб меҳмон кутгани — подшо бўлгани!  
— Хўп, раис бова, хўп.  
— Кино бўласиз, кино! Тарихда қоласиз, тарихда!  
— Тавба қилдим, раис бова, тавба қилдим.  
— Ўзбакни қониқиб меҳмон кутгани — подшо бўлгани!  
Бир подшо бўлинг, Дехқонқул ака!  
— Шундай бўлайин, раис бова, шундай бўлайин!

## 20

Норбой чавандоз отини олиб келди. Ҳовлимиз юаси арқон-  
лаб кетди.  
Чори магазин мудир «Волга» машинасини олиб келди.  
Бўсағамиз қўйиб кетди.  
Онамиз сув сепа ҳовли супурди.  
— Энди... болаларни уст-бошини қайтасан? — деди.

— Давлат пахта терим учун ана-ана пул берарман эмиш. Шу пулни оламан-у, уст-бош учун Денов чопаман.

— Шу, каллапойча қилайин кўйни эртароқ пулла, дедим...

— Кўя беринг, эна кўя беринг. Бу кунлар ўтади-кегади — кино бўлганимиз ёнимизга қолади!

Онамиз мол-ҳолни кўз кўринарли ер қантарди.

— Уямас-да-буямас — тақдир-пешона! — деди.

— Эб-е, тақдир-пешонамизга нима қилибди, эб-е? Мана, кино бўлиб тарихда қолаймиз! Бу кунлар ўтади-кегади — тарихда қолганимиз ёнимизга қолади!

— Қарғиш урган одамни пешонаси ана шундай бўлади.

— Энани қарғиши болага урмайди. Эна, энани қарғиши болага урмайди. Оғзингизни тўлдириб қарғай беринг — барибир қарғишингиз менга ўтмайди!

Онамиз товуқлар кўз кўриниб донласин учун — сўри гирдилатиб дон сочди.

— Сени мен эмас — сени худо қаргаган.

— Худо қаргаган? Эб-е, мен худога нима ёмонлик қилдим-е? Худо нима деб қаргаган-е?

— Худо, илойим, шу ўзбак дегични топгани азиз меҳмонига буюрсин, деб қаргаган!

21

Кун кўтарилди.

Дарвозамиз олдида узундан-узун автобус бел бўлди.

Автобусдан уч-тўртта бўзбола тушди.

Бўзболалар пахмоқсоч бўлди. Қора кўзойнакли бўлди.

Соқолдор бўлди.

Бўзболалар дарвозамиз олдида аппарат жойлаштирди. Аппаратларини ҳовлимиз қаратди.

Остонада Идеология билан раисимиз қора берди.

Мен бор бисотимни кийиб пешвоз бордим.

Онамиз Сталин замонида теримчилиги учун олган қўйлагини кийиб пешвоз келди.

Мен улар билан қўл бериб кўришдим. Қучоғимни катта очиб:

— Қани марҳамат, хуш келибсизлар! — дедим.

Идеология билан раисимиз эгилиб-эгилиб кўришди. Тантанавор-тантанавор кўришди.

Аппаратлар шир-шир сурат олиб турди.

Мен меҳмонларни эргаширдим. Бутун ҳовли юзини кўз кўз этдим.

Сўри олдида оёқ илдим. Кулимсидим. Қўлимни кўксим кўйдим. Меҳмонларга тавозе этдим.

Микрофон судраб юрмиш жингаласоч бўзбола ўртани олиб гап бошлади:

— Ўзбек хонадони! Бу сўзда олам-олам маъно бор! Ўзбек хонадони демак — «Волга» машина демакдир! Ўзбек хонадони демак — қорабайир от демакдир! Ўзбек хонадони демак — сурув-сурув кўй-кўзи демак, мол-бузоқ, етти хазинанинг бири демакдир! Шундай эмасми, раис бобо?

— Ҳа, — деди раисимиз, — хўжалигимизда уч мингдан зиёд хонадон бор! Ҳаммаси худди мана шу кўриб турганингиздай тўқ, фаровон хонадонлар! Хонадонларимизда етти хазинадан тортиб машинагача — ҳамма-ҳамма нарса муҳайё!

— Деҳқонқул ака, мана, сиз шу хонадон соҳиби экансиз, ноўрин саволим учун афв этасиз: иш вақтида уйда нима қилиб ўтирибсиз?

— Соат эндигина саккиз ярим бўлди, — дедим. — Иш бошланишига ҳали ярим соат бор.

— Демак, ишларингиз тўққизда бошланар экан-да?

— Ҳа, ишимиз роппа-роса тўққизда бошланиб, роппа-роса олтида тамом бўлади.

— Демак, хозир...

— Хозир оила аъзоларимиз билан маданий ҳордиқ чиқариб ўтирибмиз.

— Далага бораверсак ҳам бўлар, боргунимизча иш вақти ҳам бўлиб қолар?

— Иш вақтига ҳали ярим соатча бор-у, майли, бир марта эртароқ борсак борибмиз-да!

Аппаратлар дарвозадан чиққунимизга қадар сурат олди.

22

Машиналар далалаб келди.

Онамиз қалб амри билан пахтакорларга ёрдам бергич она хон бўлиб сурат тушар бўлди.

Режиссёр онамиз билан хўп ҳам кўп машқ олди.

Онамиз кўрак тергич онахон бўлиб йўл белида турди.

Жингаласоч чучуксўз — чучуксўз бўлди:

— Субҳидам!.. Оппоқ сочлари ўзига ярашган мунис онахон йўл бўйлаб келмоқда. Бўйнига этак боғлаб олган. Энгашиб,

тупроқдан бир нималарни олади, пуф-пуфлаб, хас-чўилардан, чанг-ғуборлардан тозалайди. Сўнг, онахонларга хос бир меҳрибонлик ила этагига авайлабгина солади.

— Ассалому алайкум, онахон! Йўл бўлсин, онахон?

Мунис онахон она ерда, она тупроқдан бир дам бўлса-да кўзларини узмади. Етмишни қоралаган, аммо чарчаш нималигини билмаган қадди-қоматини кўтарди. Енги ила юзларига даги ҳалол меҳнат терини артди. Меҳнат гаштидан теваракка завқ ила боқди. Мунис кўзлари порлади.

— «Оқ олтин» терайпман!

Мунис онахон гурур ва фахр ила шундай деди-да, яна йўлдаги трактор изларини титкилади, тупроқ қовлади.

— Онахон, исми шарифингиз, касб-корингиз?

Онахон камтарлик ила жавоб берди:

— Исми шарифим — Пахтахон! Пахтаой десангиз ҳам бўлади! Касб-корим — пахтакор!

Пахтахон! Пахтакор! Мунис онахон бу гапи ила ўзини жисман ҳам, исман ҳам — пахтаман, демоқчи! Нақадар доно ўхшатиш!

Пахтакор онахон жиддий бўлиб қўшиб кўйди:

— «Оқ олтин» нондек табарруқдир. Нон ушогини ерда қолдирмаганимдек — бир тола «оқ олтин»ни ҳам ерда қолдирмайман!

23

Режиссёр ўнген чўнтагимлаб «Правда» солди, чапён чўнтагимлаб «Совет Ўзбекистони» солди. Рўзнома номларини кўз кўринарли-кўз кўринарли этиб жойлади.

Режиссёр тап-тап елкам қоқди.

— Барра калла, барра калла! — деди.

Елкамдан гуп-гуп чанг ўрлади. Елкамдан оппоқ-оппоқ чанг ўрлади.

Режиссёр афт бурди, режиссёр кафт билан чанг қувди.

— Фу, фу!.. — деди.

Режиссёр чанг қаердан ўрлади демишдай — бир ўнгимдан қаради, бир чапимдан қаради, бир ер қаради.

— Елкасидан чанг кўтарилди, елкасидан! — деди раисимиз кула-кула.

— Елка? — анграйди режиссёр.

— Ҳа, елка! — деди раисимиз. — Ер нима — деҳқон елкаси нима?

Режиссёр тагин елкам қоқди.

— Барра калла, барра калла! — деди.

Режиссёр елкам қоқа-қоқа мени машина тараф жўнатди. Мен йўл-йўлакай раисимиздан сўрадим:

— Раис бова, режиссёр нима деяпти?

— Баракалла деяпти, баракалла.

— Баракаллани шундай дейдими?

— Ҳа, энди... улар ВГИКда ўқиган-да, ВГИКда.

— Ўшанда шундай ўқитадими?

— Ҳа, энди... ВГИКни битирган-да, ВГИКни.

24

Мен дала бошида турмиш тўрт қаторли машинани эгат солдим. Режиссёрга қаратиб хайдадим.

Аппаратлар мен тараф пешланди.

— Дўстлар! — дея пешвоз юрди Жингаласоч. — Келинг, аввало ўтмишга бир саёхат қилайлик!

Жингаласоч шундай дея, бир оппоқ чаноқ узиб олди. Пешонаси узра кўз-кўз этди. Чаноқ тикилиб-чаноқ тикилиб ваъз айтди:

— Пахта! Бу тарих, бу шонли тарих! — деди. — Пахта мальвовлар оиласига мансуб бўлиб, госсипиумлар аждодидандир! Госсипиум — лотинча сўз бўлиб, пахта берувчи дарахт демакдир! Африкада пахтанинг жуда кўп хиллари мавжуд! Аммо пахтанинг бош бобоси африкача хербалеум саналади! Шу боис Африка пахтанинг ватани саналади. Чунки бу ўлкалар жаҳоннинг энг иссиқ мамлакатлари бўлиб, ерлари иссиқдан, қуруқчиликдан тарс-тарс ёрилиб ётади. Ана шу хербалеум Ўрта Осиёда ҳам ўстирилди. Унинг номи гўза деб аталди. 1670 йилда подшо Алексей Михайловичнинг буйруғига биноан Москва шахрида ҳам пахта экилди. Уни сарой боғбони Аносов экди. Москвада Измайлов маданият ва истироҳат боғи бор. Ана шу хушманзара ерда пахта даласи барпо бўлди. Измайлов даласи яхши ҳосил берди! Мамлакатимизнинг Одесс ва Херсон ўлкаларида ҳам Америка «си-айленд» пахтаси экилди. Ҳосилдор пахта бўлди. У ерликлар пахтани бир териб олди. Уч кундан кейин... тагин очилиб турди! Куз охирлагунича очилди! Охири — у ерлик маҳаллий халқ пахтадан кечигша қарор қилди. Бизга ҳосилини бир териб оладиган ўсимлик керак, дедилар. Ундай пахта эса йўқ эди. У ерликлар пахта машаққатига, дахта азобига... бардош беролмади! Аммо жафокаш ўзбек халқи, жафокаш ўзбек ери бардош

берди! Ўзбек халқи, ўзбек тўпроғи умрини пахтага бахшида этди. Қиш демади, ёз демади — пахта, деди. Тун демади. кун демади — пахта деди. Шундайми. Дехқонқул ака?

Жингаласоч микрофони чўзди.

Мен машинадан микрофон энкайдим.

— Ҳа, шундай! — дедим. — Бизнинг «пахтаой» пичагина нозиктаъб, бизнинг «оқ олтин» пичагина куйдирмажон!

— Кечирасиз, ҳол-аҳвол ҳам сўрамабмиз, бу... иш қалай?

— Муваффақиятли!

— Иш шароитларингиз қалай?

— Қулай!

— Бўш вақтларингизда қандай дам олмақдасиз?

— Кўнгилдагидай!

— Қанақа дам олмақдасиз?

— Маданий!

— Иш жараёнида ахён-ахёнда учраб турадиган қийинчиликларни қандай енгмоқдасиз?

— Мардонавор!

— Ов бўлса-да, ҳали-ҳамон кўзга ташланиб қоладиган камчиликларни қандай бартараф этмоқдасиз?

— Аёвсиз!

— Бу йилги режаларингиз қандай?

— Юксак!

— Доно партиямиз белгилаб берган йўл-йўриқларга қандай амал қилмоқдасиз?

— Огишмай!

Режиссёр чапак чалиб юборди.

— Браво, браво! — деди. — Вот, советский дехқон!

## 25

Осмонда пага-пага оқ булут сузди.

Кун булут ортида қолди.

Далалар хира тортди.

Киночилар кун ангиди.

Жингаласоч Хурсандой билан Норгулойга «Пахта ишқи» дегич қўшиқ машқ эттирди.

Кун булутлар ортидан чиқиб келди.

Далалар кундай ёруғ бўлди.

Ўқариқ бўйида аёл-қизлар сафланди. Этак бойлаб терим шайланди.

Идеология аёл-қизларни бир-бир кўздан кечирди. Маъқул, дея бош ирғади.

Режиссёр беш-олти одим берида турди. Оёқ керди. Қўларини бел тиради.

Режиссёр тишлари орасидан чирт-чирт тупурди. Тупуги ўзи билан теримчилар ўртаси бориб тушди.

Режиссёр бир ёнидан папирос олди, бир ёнидан гугурт олди. Теримчилардан кўз узмай папирос эзгилади. Чирсиллатиб гугурт қақди. Бўйин қийшайтириб папирос тутатди. Гугуртчўпни елкаси оша отди.

Юрагим шувв этди.

Гугуртчўп тушмиш ер ҳадаҳалаб бордим. Гугуртчўпни босиб-босиб ташладим.

«Катта, далада папирос чекмайди — пахта ўт олиб кетади». дейин-дейин дедим.

Бир Идеология қарадим, бир раисимиз қарадим.

Раис билан Идеология билиб-билмасликка олди.

Режиссёр бурқситиб-бурқситиб папирос тутатди.

Режиссёр тутунлар орасидан аёл-қизлар қаради. Папиросини лаби у бурчидан-бу бурчи суриб қаради. Лабларини дўрдайтириб-дўрдайтириб қаради.

Режиссёр мисоли кучук имламишдай — шаҳодат бармоғини ликиллата Жингаласоч чақирди.

Жингаласоч лик-лик эта келди. Режиссёр гирдида елпатак-елпатак бўлди.

Режиссёр кафтини коса этиб-этиб гапирди. Қўлини бигиз этиб-этиб гапирди, бармоғини пешонаси нуқиб-нуқиб гапирди.

Жингаласоч бош ирғаб-бош ирғаб эшитди. Бош ирғай-ирғай теримчилар олдилаб келди. Хурсандой билан Норгулойга бошдан-оёқ разм солди.

Теримчилар ийманиб ер қаради. Рўмоли учини қайирди. Рўмолини пешоналари сурди. Тер ятирамиш бўйинлари билан ёриқ-ёриқ лабларини яширди.

Теримчилар кўйлак этақларини тортиб-тортиб қўйди.

— Бўлмайди! — деди Жингаласоч. — Бу атлас бўлмайди!

— Яхши атлас-ку, — деди Идеология.

— Ихши, ёмон эмас, яхши! Аммо бу сариқ атлас-да. Сариқ атлас экранда сап-сариқ читга ўхшаб кўринади. Чунки лентамиз рангли лента-да.

— Унда, қандай атлас яхши бўлади?

— Жухуди атлас яхши бўлади! Экранда турли рангд тавлиб кўринади. Жухуди атлас ранг-баранг-да.

— Еврейский атласларингиз борми, Хурсандой ва Норгулой? — деди Идеология.

Теримчилар ердан кўз олмади. Калиши учи билан ер титкилади. Бош ирғади — йўқ ишорасини билдирди.

— Ўзлариде бўлмаса, бошқаларда бордир? — деди Жингаласоч. — Шундай катта колхозда жухуди атлас топилмай-дими?

— Еврейский атлас топиш қийин. Бу атлас ҳам яхши-ку? — деди Идеология.

— Тўғри, яхши атлас. Аммо гап бошқа ёқда. Биласиз, фильмимиз Иттифоққа чиқади, Иттифоққа! Ундан чет элларга чиқади, чет элларга! Фильмимизни бутун жаҳон кўради, бутун жаҳон! Экранда сап-сариқ чит кўйлакни кўрганлар нима дейди? Қаранглар, бечора ўзбек совет хотин-қизлари чит кўйлак кийиб пахта тераяпти, демайди? Дейди! Ўзбек совет хотин-қизлари кийгани кийимга зор экан, демайди? Дейди!

Идеология афтоҳол-афтоҳол бўлди.

— Виноват, виноват... — деди.

— Ахир, чет элларда буржуа-мафкуравий душманларимиз қадамимизни санаб юрибди! Буржуа-мафкурачиларимиз экранда чит кўйлак кийган ўзбек совет хотин-қизларини кўрса нима дейди? Совет Ўзбекистони оч-юпун, демайди? Дейди! Ана, ўзбек совет хотин-қизлари чит кўйлак кийиб пахта термоқда, демайди? Дейди!

Идеология бенаво-бенаво бўлди.

— Биз... атлас... — дея гулдур-гулдур этди. — Биз еврейский атлас деганда — ўзбек хотин-қизларини тушунамиз, ўзбек хотин-қизлари деганда — еврейский атласни тушунамиз!..

Раисимиз Идеология жонига ора кирди.

— Мунча теримчига жухуди атласни қаердан топамиз? — деди раисимиз.

— Ҳаммасига эмас, — деди Жингаласоч. — Мана шу икковига бўлса бўлади. Шу иккови йирик планда кўринади! Қолганлари шунчаики — фонда кўринади!

— Ҳа-а, иккита денг, иккита топилади, — деди раисимиз. — Қани, Хурсандой, Норгулой, буёққа юринглар, қани. Холиқул, машинани ўт олди!

Раисимиз Хурсандой билан Норгулойни машинасига миндирди. Пичир-пичир тайинлади.

— Зув этиб бориб-зув этиб келинглари! — дея эшик ёнди. — Раис айтди, десаларинг, бизни аёл ҳам, Чори мудирни аёли ҳам йўқ демайди!

## 26

Режиссёр тишлари орасидан чирт-чирт тупурди.

Режиссёр папиросини тутатиб бўлди. Папирос қолдигини чертиб ташлади.

Шундай чертди-шундай чертди — кўзим илашмай қолди! Папирос қаерга тушди — билолмай қолдим!

Шундай бўлса-да — папирос учмиш ёқ алағда бўлиб бордим. Эгат оралаб қарадим — тополмадим. Кафтларимни тиззаларим тираб қарадим — тутун пайқамадим. Ҳали ўчмагандир дея, ҳаво искадим — ҳид олмадим.

Ўзаларни бир-бир қарадим. Шохларини қайириб қарадим. Баргларини қўтариб қарадим. Папирос бир оппоқ чаноқда илашиб турди. Билинар-билимас тутаб турди.

Мен апил-тапил гўза учидан силкидим — папирос эгат тушди.

Папиросни товоним билан эзгилаб-эзгилаб ташладим. Ер кўмиб-ер кўмиб ташладим.

Ана шунда кўнглим жойлашди.

## 27

Машина келди.

Хурсандой билан Норгулой жухуди атлас кийиб келди. — Ана атлас, мана атлас! — деди Идеология. — Қалай, ўртоқ режиссёр?

Режиссёр бошмалдоқ наррайтириб кўрсатди.

— Браво! — деди.

— Ана, ўзбек совет хотин-қизлари! — деди Идеология. — Ана энди буржуа-мафкурачиларимизни бошлаймиз! Ана энди душманларимиз экранда ўзбек совет хотин-қизлари образини кўриб, оғзига урган итдай бўлиб қолади!

Режиссёр лабига бармоқ юрийтиб-бармоқ юрийтиб кўрсатди.

Теримчилар тушунмади.

— Лолаб деяпти, — деди раисимиз.

— Ҳа, яшанг, раис ака! Лолаб, лолаб! — деди Жингаласоч, — помидорранг бўлса, экранда яхши кўринади!

— Хўжалигимиз пири бадавлат хўжалик! — деди раисимиз. — Лекин шу лолаб йўғ-а!



— Лолаб минерал ўғит эмас, раис ака! Лолаб хўжаликда бўлмайди! — деди Жингаласоч. — Лолаб хотин-қизларда бўлади!

— Биламан, биламан, — деди раисмиз. — Хўжалигимизда лолаб кўйгич хотин-қизни ўзи йўқ-да?

— Бор, — деди Хурсандой. — Битта бор. Мактабда ўрис тили муаллими лолаб қўяди.

— Ана, бор экан-ку, раис ака?

— Энди... мактаб бор эдим...

Раисмиз латтачайнар бўлди. Бир кун қаради, бир ер қаради.

Энди Идеология раисмиз жонига ора кирди.

Идеология сумкасидан бармоқдай бир нимани олди.

Теримчиларни машина тараф имлади.

— Келинлар! — деди.

Теримчилар машина пана бўлди.

— Хайрият-е! — дея кафт ишқади Жингаласоч. — Колхоз бўйича битта замонавий аёл бор экан!

— Уям райком... — мингиллади раисмиз.

28

Хурсандой биринчи эгатдан тушди, Норгулой иккинчи эгатдан тушди.

— Бўлди! — деди Жингаласоч. — Йирик планда шу иккита теримчи бўлади. Уёғида ким қандай тушса тушаверсин — уёғи шунчаики фонда кўринади!

— Ўзиям, йирик-йирик кўрингулик теримчилар-да! — деди раисмиз. — Ҳар бирови мавсум охиригача саккиз тоннадан ошириб «оқ олтин» териш мажбуриятини олган!

— Машина бўл-е! — деди Жингаласоч. — Деярли машина!

— Буларни олдида машина нима деган гап! — деди раисмиз. — Машина бузилади, отказ қилади. Булар на бузилади, на отказ қилади!

Идеология иккита лўппи чаноқ узиб олди. Пуф-пуфлади. Силаб-сийпади. Норгулой билан Хурсандойни кулоқлари устига қистириб қўйди.

Идеология Норгулой билан Хурсандойни ўрим-ўрим сочини елкасидан олиб кўксига тушириб қўйди.

Идеология бошқа теримчиларга-да кўз-кўз этди.

— Сизлар ҳам ана шундай қилинлар! — деди.

Бошқа теримчилар-да кулоқларига чаноқ тақди. Бошқа теримчилар-да ўрим сочларини кўксилари туширди.

Идеология Хурсандой қабатини олди.

Жингаласоч Норгулой қабатини олди.

Аппаратлар шир-шир сурат олиб бошлади.

29

— Она табиатимизда неча хил ранг бўлса, барча-барчаси пахтазорда мужассамдир! — деди Жингаласоч. — Ҳа, пахтазорда камалак рангларнинг жамики жиллолари жамулам! Пахтазорда хотин-қизларнинг пиёла жарангидек шўх кулгиси янграйди! Сўнг, лапарлар, аскиялар, қўшиқлар эшитилади! Жингаласоч Хурсандой билан Норгулойга микрофон тутди.

Хурсандой билан Норгулой юзларида табассум ўйнади. Тишларини оқини кўрсатиб жилмайди. «Пахта ишқи» ашула-сини айтиб-айтиб пахта терди:

Тун демай, кундуз демай, бошингда мен парвонаман. Согиниб қолдим, очил, кулсин, севинсин ҳар томон...

— Ҳа, далада ҳуррак тоғ охусидек хотин-қизлар турнақатор бўлишиб пахта термоқда! Бири қўйиб бири қўшиқ айтди. Бошқалари жўр бўлади:

Кўкдаги сайёралардек — очил оппогим чаман,

Кеч кириб то субҳидам ишқингда минг тўлғонаман...

— Стоп!

Режиссёр шундай дея, қўл кўтарди. Эгат оралаб келди.

— Хурсандай и Наргулай! — деди режиссёр. — Сизники пахтани севади? Севади! Сизники севги билан пахта теради? Теради! Бизники кино қилади!

Режиссёр пахта териб-териб кўрсатди.

— Вот так, вот! — дея пахта терди. — Сизники вот так муҳаббат билан пахта теради? Теради! Бизники Москвага байроқ қилади!

Гап Жингаласочда кетди:

— Хурсандой ва Норгулой! — деди. — Пахтани чаноқдан суғуриб олаётганингизда гўзаларга, айниқса чаноқларга ўзгача бир меҳр-муҳаббат билан қаранг! Ахир, сиз пахтани севасиз-ку! Шундайми? Пахтага ишқингиз тушган-ку! Тўғри-ми? Қўшиқнинг мазмуниям шу, номиям шу — «Пахта ишқи»!

Режиссёр тишлари орасидан чирт-чирт тупурди. Режиссёр папирос тутатди.

— Хурсандой! — деди Жингаласоч. — Хўжайинингизни севиб қолганингизда қандай қилиб муҳаббат изҳор қилгансиз?

Хурсандой ер боқди. Хурсандой оғиз ушлаб-оғиз ушлаб уялди.

— Ундай деманг-е... — деди.

— Ия, ундай деманги бўптими? Тасаввур қиламан: хўжайинингизни юзларига севги тўла кўзларингиз билан боққансиз... сочларини муҳаббат билан силагансиз... кўлларини ўзгача бир меҳр-муҳаббат билан ушлагансиз... шундайми? Айтмаёписиз — шундай! Пахтага ҳам ана шундай муносабатда бўлинг! Қаранг, мана бундай!

Жингаласоч пахта териб-териб кўрсатди:

— Пахтани чаноқдан мана бундай қилиб муҳаббат билан оласиз! Кейин кафтингизда вафо билан мана бундай қилиб ушлайсиз! Ундан кейин — садоқат билан мана бундай қилиб этакка соласиз!

Жингаласоч термиш пахтасини Хурсандойни этагига ташлади.

— Тушундингизми? — деди. — Нигоҳларингизда муҳаббат, вафо, садоқат балқиб турсин! Боқишларингизда пахта ишқи барқ уриб турсин!

30

Аппаратлар шир-шир сурат олди.

Дала бошида турмиш агитмашина ашула айтди.

Теримчилар «Пахта ишқи»ни айта-айта пахта терди:

Кўк рўмолинг, оқ юзинг, бизларни шайдо айламыш.

Сен билан биз эскидан севги-муҳаббатдек таниш.

— Хотин-қизлар қўшиқ айтмоқда! — деди Жингаласоч. —

Кўллари эса «оқ олтин»да! Гўзага бир эғйлади, бир қаддини ростлайди! Чаноқлардан мени ол-ол, деб турган оппоқ пахта-ларни ўзгача бир чиройли ҳаракат билан чаққонгина олади! Чангларини авайлабгина пуфлаб қоқади, кўзига суртгудек бўлади! Меҳр-муҳаббат билан силаб-сийпаб, кўкракларига тутилган этакка — қалбига солади! Қалби эса «оқ олтин»га тўлиб боради.

Нукраи гул-гул жамолинг,

бир ўпай, очил, кумуш!

Сен чиқиб Зухро каби —

кулсанг ҳавасга қонаман...

— Сахий куз офтоби бахтиёр ўзбек хотин-қизларининг бахтиёр меҳнатларини табассум ила ёритиб туради. Бахтиёр ўзбек хотин-қизлари... мана, район партия комитети идеология котибаси, район хотин-қизлар совети раисаси Клара Ходжаев-нанинг қалб сўзлари:

— Бизнинг мамлакатимизда давлатни идора қилишга хотин-қизларни жалб этиш ленинча принципи оғишмай амалга оширилмоқда! — деди Идеология. — Чор Россиясида хотин-қизлар сайлов ҳуқуқидан фойдаланмас эдилар, Октябрь революцияси хотин-қизларнинг ҳуқуқсиз аҳволини йўқотиб, уларга давлат, хўжалик, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида аркаклар билан тенг ҳуқуқ бериб қўйди, капиталистик мамлакатларда бундай аҳволини мутлақо кўрмайсиз, капитализмда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум-дирлар!

Агитмашина «меҳнат ва зафар қўшиқлари»дан айтди:

Мунча ширин экан бу — Совет даврони

Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони.

— Кечирасиз, Клара Ходжаевна, гапингизни бўламан, Клара Ходжаевна! — деди Жингаласоч. — Мана, колхоз агитатори Жавлонбой аканинг агитмашинаси ялла айтмоқда. бу қандай ялла?

— Бу — «Бахт ялласи»!

— Сиз район хотин-қизлари сардори сифатида бахт деганда нимани тушунасиз?

— Мен бахт деганда ўзбек хотин-қизларини тушунаман, ўзбек хотин-қизлари деганда бахтни тушунаман!

Мунча ширин экан бу — Совет даврони

Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони...

— Ҳа, — деди Жингаласоч. — Шлоирлар «Бахтим бор деб эсади еллар», деб куйлаганидек, оппоқ далалар узра «Бахт ялласи» янграмоқда! Далалар — уйғоқ! Далалар — хур-бахтиёр!

— Ҳа, — деди Идеология. — Бахт — ўзбек хотин-қизларининг таржimai холига айланиб қолди!

Мунча ширин экан бу — Совет даврони

Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони...

Мен далаларимни машина терим учун шайладим.

Ўқариқ ҳаворладим.

Кўндаланг қулоқ ҳаворладим.

Ўнқир-чўнқир ҳаворладим.  
Якка-ёлғиз бегона ўтларни юлиб-юлиб ташладим.  
Эгилиб-эгилиб қолмиш гўзаларим қаддини адл-адл рост  
ладим.

## 32

Йўл бўйида ўсмиш гўза куни курсин!  
Ўнгдан бир машина келди — йўлбўй гўзаларимга гупил-латиб чанг уриб ўтди. Чапдан бир машина келди — йўлбўй гўзаларимга гупиллатиб чанг уриб ўтди.  
Майда-чуйда техникалар чангитиб ўтди. От-уловлар чангитиб ўтди. Пиёдалар чангитиб ўтди.  
Бари чанг йўлбўй гўзаларимга гун-гун ёпишди. Чанг шудринг билан қорилди-қорилди — гўзаларимда чайирдай ёпишиб-ёпишиб қолди.

Йўлбўй гўзаларим ерранг-ерранг бўлиб қолди. Йўлбўй гўзаларим тупроқранг-тупроқранг бўлиб қолди.  
Барг қайси бўлди, кўсак қайси бўлди, тола қайси бўлди — билиб бўлмади қолди.

Гўзаларимни қоқиб-да бўлмади — гўзаларим қирс-қирс синади, кўсақларим дув-дув тўкилади.

Аммо... чайир чанг тўкилмайди!  
Чайир чангдан қутулишни бирдан-бир йўли бўлди: авж тушда гўза бўшашиб қолади. Авж тушда гўза шалпайиб қолади. Авж туш тафтида чанг илла гўза ёпишиб туради. Авж туш тафтида гўзаларни силкиб-силкиб олса — чанг тўкилади.

Мен авжи туш тафтида йўлбўй гўзаларим ораладим. Гўзаларим учидан ушлаб қоқиб-қоқиб олдим. Гўзаларим учидан ушлаб силкиб-силкиб олдим.

Саккиз эгат йўлбўй гўзамни ана шундай қоқиб-қоқиб олдим.

Йўлбўй гўзаларим гўзасинбат-гўзасинбат бўлди.

## 33

Далаларимни келиндай-келиндай созладим.  
Раисимиз далаларимни айланиб-ўргилиб қаради.  
— Далаларингиз дала бўлмади, далаларингиз ўнг ёқдаги келин бўлибди! — деди раисимиз. — Дехқонқул ака, мен келин кўрди учун бир қўй айтдим! Эртага биринчи теримда сўясиз!

## 34

Далаларим чаман-чаман бўлди.  
Чаманлар кўзимни олайин-олайин, деди.  
Мен тонглай-тонглай ана шу чаманларни териб-териб оламан.

Гўзаларим озорланмасин учун машина билан гилдирак олдига тўсқич ўрнатаман.

Гўзаларим жуфт-жуфт барабанлар оралигидан кетма-кет ўтади. Барабанлар гўзаларимни айланиб-айланиб қисади. Барабанлар гўзаларимни қамраб-қамраб қисади. Урчуқлар тескари-тескари айланади. Урчуқ тишлари ана шу чаман-чаман пахталаримни ўзига ўраб-ўраб териб олади.

Биринчи терим пахтамини ана шундай териб оламан!  
Биринчи терим пахтаман аъло нав-аъло нав пахта бўлади. Эшимли-эшимли пахта бўлади. Бўлали-бўлали пахта бўлади. Момиқ-момиқ пахта бўлади. Яккачигит-яккачигит пахта бўлади. Хиёл сарғиш товлангич пахта бўлади.

## 35

Далаларим лўппи-лўппи бўлди.  
Лўппи-лўппи момиклар чаноқлардан тошайин-тошайин, деди.

Урчуқлар айланади-айланади — ана шу лўппи-лўппи момикларни илиб олгич чўтқали барабанларга рўнарё бўлади. Барабанлар тескари тараф айланади-айланади — пахталаримни қабул гумбазхонасига улоқтиради. Қабул гумбазхонаси шамолнаррак ёрдамида пахталаримни ҳаво билан сўради-сўради — ичковакдан машина пахтаидишига олиб бориб тўкади.

Иккинчи терим пахтамини ана шундай териб оламан!  
Иккинчи терим пахтаман биринчи терим пахтадан майдароқ бўлади. Тўлиқ пишиб етилмаган бўлади. Сийрак-сийрак пахта бўлади. Кам эшим-кам эшим пахта бўлади. Кам момик кам момик пахта бўлади. Момик ич-таши тўлқин-тўлқин пахта бўлади. Оқ-сарғиш пахта бўлади. Сарик-сарик доғли пахта бўлади.

Мен адл-адл гўзаларим пахтасини териб олиш учун барабанлар оралигини кенг-кенг оламан.

Мен ўртабўй-ўртабўй ҳам калтабўй-калтабўй гўзаларим пахтасини териб олиш учун барабанлар оралигини тор-тор оламан.

Мен урчуқли барабанлар кетига ҳавоютгич мослама ўрна-тиб пахта тераман.

Ҳавоютгич мослама гўзаларим остилаб тушмиш пахталаримни сўриб-сўриб олади.

Ҳавоютгич мослама эгатлаб тўкилмиш пахталаримни ютиб-ютиб олади.

## 37

Учинчи терим пахтамини қўлда тераман.

Бир ҳисса қўл терим олтмиш кило бўлади.

Бир кило пахта териш учун икки юз эллик дона чаноқ тозалайман.

Олтмиш кило пахта териш учун ўн беш миң бор чаноқ эгилиб-чаноқ эгилиб тураман. Олтмиш кило пахта териш учун ўн беш миң бор ер энкайиб-ер энкайиб тураман.

Учинчи теримда осмон айниб қолади.

Ҳаво совиб-совиб олади.

Эмғир севалаб-севалаб олади.

Учинчи терим пахтамини чала-чала очилмиш кўсакдан териб оламан.

Учинчи терим пахтамини тиржайиб-тиржайиб қолмиш кўсакдан териб оламан.

Шу боис, учинчи терим пахтаман син-синбати кўсаксинбат-кўсаксинбат бўлади.

Учинчи терим пахтаман об-ҳаво мисол хира-хиранг бўлади. Айнима осмон мисол тунд-тундранг бўлади.

Учинчи терим пахтаман сап-сарик доғли бўлади. Қўнғир-қўнғир доғли бўлади.

Учинчи терим пахтаман чириманда-чириманда пахта бўлади. Эшимсиз-эшимсиз пахта бўлади. Ҳозир-ҳозир пахта бўлади.

Олти граммлик пахтаман учинчи теримда уч грамм бўлиб қолади!

## 38

Мен ана шунда олибсотар бўламан-қоламан!

Олибсотар ориқдан-ориқ қўй боқади. Олибсотар тозидан-този қўй боқади.

Эрта бозорда ана шу този қўй ошиги устидан тешади.

Олибсотар ана шу тешикка оғиз қўйиб пуфлайди. Лунж шишириб-лунж шишириб пуфлайди. Чираниб-чираниб пуфлайди.

Қўй бир ўлиб тирилади. Қўй бир ўлимдан қолади.

Қўй бир кечада семиради. Қўй пуфланмиш шар мисол таранг бўлади. Олибсотар азонлаб қўйни бозор солади.

Молбозорда молжаллоб дегич кимса бўлади.

Молжаллоб учун кирим бўлса бўлди — бузоқни ҳўнз дея сотиб беради. Молжаллоб учун кирим бўлса бўлди — эчкини қўй дея пуллаб беради.

Ана шу молжаллоб қўйни мактаб-мактаб пуллаб беради.

Далаларим ана шу қўй бўлиб-бўлиб қолади!  
Катталар ана шу молжаллоб бўлиб-бўлиб қолади!  
Мен ана шу олибсотар бўлиб-бўлиб қоламан!

## 39

Тўртинчи теримда қор ёғади.

Ҳаводан қиш нафаси келади.

Кечалари ҳалқоб сувлар музлайди.

Далаларим билч-билч лой бўлади.

Мен шилт-шилт лой ботиб кўсак тераман.

Мен қунишиб-қунишиб кўсак тераман.

Мен қалт-қалт қалтираб кўсак тераман.

Мен ҳовучларимга уфлаб-уфлаб кўсак тераман.

Кўсақлар тошдай-тошдай метин бўлади.

Кўсақлар муздай-муздай совуқ бўлади.

Тош-метин кўсақлардан қўлларим тилим-тилим бўлади.

Муз-муз кўсақлардан қўлларим йиринг-йиринг бўлади.

# IX БОБ

1

Ит бемаврид-бемаврид хурди.  
Мен уйқумда эшитиб ётдим.  
Ит жон-жаҳди билан хурди. Ит қаҳр билан хурди.  
Уйқум қочди. Чопонимни елкам ташлаб ташқариладим.  
Тун тошдай-тошдай зим-зиё бўлди.  
Тимирскиландим-тимирскиландим — ташқи чироқни ёқдим.

Ит хиёл забтидан тушди.  
Мен дарвоза тарафладим.  
Дарвоза одоб билан тик-тик этди. Дарвоза назокат билан тик-тик этди.

«Ким бўлса-да, ўзимиздан бўлмади,— дея ўйладим.— Ўзимиздан бўлса, тарақ-турук уради».

— Ким у? — дедим.  
— Биз идорадан келдик! — деди бир овоз.— Биринчи теримда сўйиш учун қўй олиб келдик!

Мен дарвоза зулфинига қўл узатдим.  
— Ўйнаб қўяй, қўйларингдан! — дедим.— Ярим кечада қўйим нима?

— Раис юборди, раис! Оча қолинг!  
— Биринчи терим эртаманан бошланади. Эртаманан олиб келардиларингиз-да?

— Энди, раис машғал бригадиримиз эрталаб шошиб қолмасин, деди-да. Оча қолинг, қўйингизни ола қолинг!  
— Ўйнаб қўяй, раисдан-да! — дея-дея дарвоза зулфинини олдим.

Шунда, учта одам забт билан ичкари ёпирилди.  
Бирови кўкрагимга тўппонча тиради.  
Иккови ҳовлига автомат ўқталди.

— Қимирлама! — дея зугум этди тўппончалик.— Қўлинг ни кўтар!

— Нима гап? — дея ҳанг-манг бўлдим.  
— Қўлингни кўтар, деяман!

Мен қўлларимни кўтариб-кўтариб турдим.  
— Қўйини қовланглар! — деди тўппончалик.  
Автоматчилар қўйнимга қўл тиқиб-қўл тиқиб кўрди. Чўнтақларимни босиб-босиб кўрди. Уятли-уятли жойларимни ушлаб-ушлаб кўрди.

Ушламаган жойлари қолмади!  
— Йўқ! — дея тўнғиллади автоматчи.  
— Тўппончанг қаерда? — деди тўппончалик.

— Тўппонча? Қандайчикин тўппонча? — дея хайронландим.

— Кўп талмовсирама, сенларда пулемёт ҳам бор!  
— Кетмонимдан бўлак балом йўқ! — дедим.  
— Сенларда-я? Ҳали кўрамыз! Қани, ичкари бошла!

Автоматчилар елкамдан туртиб-туртиб ичкари ҳайдади.  
Тўппончалик тўппончаси билан деразамизни зир-зир урди.

Ичкари чироқ ёнди.  
Онамиз уй ўртасида серрайиб турди.  
Болалар уйғониб қолди.

Болалар онамиз оёқларига осилди. Болалар уйқусираб-уйқусираб йиғлади. Болалар кўзларини ним очиб-ним очиб йиғлади.

Онамиз бир менга олазарақ боқди, бир автоматчиларга олазарақ боқди.

Бир автоматчи автомати қўндоғи билан онамизни туртиб юборди.  
Онамиз кетилаб тисарилди-тисарилди — бурчак суяниб қолди.

Болалар онамиз гирдида гуж-гуж бўлиб олди.  
Автоматчилар автомат қўндоғи билан сандиқ усти бўғжомаларни ағдариб-ағдариб ташлади.

Автоматчилар сандиқ қулф-зулфларини сугуриб-сугуриб ташлади.

Бир сандиқда аёлимиз раҳматликдан қолмиш кийим-кечакларни автомат учи билан илдириб-илдириб отди.

Автоматчилар аёлимиз раҳматликдан қолмиш кийим-кечакларни автомат учи билан силкиб-силкиб отди.

Автоматчилар аёлимиз раҳматликдан қолмиш кийим-кечакларни автомат учи билан қоқиб-қоқиб отди.

Автоматчилар аёлимиз лозимини отмади — мени бағримни отди!

Бағрим бир ўпирилиб тушди!

Шунда.. аёлимиз лозими улоғидан чироқ илашиб қолди.  
Аёлимиз лозими улоғидан чироқ ёпиниб қолди.

Ана шунда уй-ич нимқоронғи бўлди.  
Тўппончалик лозимни олиб ташламоқ бўлиб қўл узатди.  
Тагин, бирдан қўл тортиди.

— Тфу!.. — дея лозим тупурди.  
Тўппончалик аёлимиз лозимилаб тупурмади — мени бетимлаб тупурди!

Бағрим икки ўпирилиб тушди!  
Тўппончалик аёлимиз лозимини тўппонча учи билан олар бўлди. Бир тўппонча қаради, бир лозим қаради.

Тўппончасини лозим теккизишдан ҳазарланди!  
Тўппонча билан онамизга ишора берди.  
— Манавинингни олиб ташла! — деди.

Онамиз ҳадаҳа лозим олди. Лозим қўлтиқлаб бурчаклади.  
— Илойим, шу қилғилигинг ўзингга урсин, ўзингга бўлмаса, болангга урсин! — дея минг-минг қарғади.

Автоматчилар сандиқларни ағдариб-ағдариб қаради. Ғилам остларини босиб-босиб қаради. Дераза токчаларини тақ-тақ уриб қаради. Деворларни чертиб-чертиб қаради.

Уй-ич итирқин-итирқин бўлди!  
Автоматчилар девор бош-адоғ косовсимон аппарат югуртириб-югуртириб кўрди.

Автоматчилар ошхона титди.  
Автоматчилар омборхона титди.  
Автоматчилар молхона титди.

Уй-таш итирқин-итирқин бўлди!  
— Олтинларинг қаерда? — деди тўппончалик.  
— Олтин? Қандай олтин?

— Аппаратимиз ёниб кўрсатмаяпти. Яхшилиқча, ўзинг айт! Бўл-бўл!

— Ўйнаб қўяй, олтин зотидан, ўйнаб қўяй. Олтин тилла дўқонда бўлади-да.

— Айтмайсанми? Ҳали, айтасан!  
Тўппончалик шундай дея, билакларимни жуфтлади. Шикиллатиб кишан солди. Кишан жиловини билагидан ўраб олди. Дарвоза ёлдида турмиш машина тараф етаклади.

Ўғлимиз кетимдан овоз берди:  
— Ота-а-а!

Тўппончалик мени машина имлади.  
— Йўл бўлсин? — дедим.  
— Энангни уйига!

Мен машина кира бермадим.  
— Йўл бўлсин? Эртаманан биринчи терим бошланади? — дедим.

Автоматчилар мени итаргилаб-итаргилаб машина босди.  
Машина ойнасидан уйимиз қарадим.  
Онамиз уй бўсагада серрай-серрай қолди.

Болалар онамиз теварагида гуж бўлиб-гуж бўлиб олди.  
Ўғлимиз тагин овоз берди:  
— Ота-а-а!..

2

Машина зим-зиёда юрди-юрди — бир овлоқни манзили жалолат этди.

Тўппончалик мени етаклаб тушди. Ҳадаҳа билан бошқа бир машина солди.

Биринчи машинада қолмиш автоматчиларга тайинлади:  
— Манави чап йўлдан хайданглар, — деди.— Мабодо мафиин кувиб қолса, бор теалик билан хайданглар!

Машинамиз ўнганга бурилиб жўнади.  
Биқинимда тўппонча қадалиб-қадалиб турди.  
— Йўлда мафиянг дафъа қилиб қолса, манави оёқ остига ётиб ол! — деди тўппончалик.— Сен бизга тириклайин кераксан!

— У ким? — хайронланиб сўрадим.  
— Ўзингни овсарликка олма! Биз барини биламиз!  
Бир кўприк пойида тонг отиб қолди.

— Еруғ бўп кетди-я! — деди тўппончалик.— Машинани кўприк остига ол! Тонг ёригандан-ёриди.

«Хализамат биринчи терим бошланади», дея хаёлландим.  
Машина кўприк остига оёқ илди.  
— Ўзи, қаёққа кетаяпмиз? — дедим.— Хализамат теримчилар далаб келади.

— Ҳир-ҳир!  
Тўппончалик ойнадан ташқари аланглаб-аланглаб олди.  
— Сурхондарёча машина рақамларинг бор-а? — деди хайдовчига.— Дарров рақамларингни алмаштир! Сурхондарёча рақам қўй!

Хайдовчи апил-тапил машина олд-кет рақамларини алмаштириб-алмаштириб олди.

Машина тагин йўл равона бўлди.  
Машинадан тайёра пиллапояслаб оёқ босдим.

Тайёра ердан оёқ олди.

— Худога шукур-е! — дея елкадан нафас олди тўппончалик. — Мафиянга ҳам чап бердик!

3

Том — тош бўлди.  
Девор — тош бўлди.  
Ер — тош бўлди.  
Тошлар захдан-зах бўлди!  
Мен бурчакда чўнқайиб ўтира бердим. Пешонамни тиззаларим қўйиб ўтира бердим.  
Димоғим бир ис туйди.  
Ис димоғим учун ҳаминқадар қўланса бўлса... ҳаминқадар кадрдон-да бўлди.  
Ис — бутифос иси бўлди!

4

Иккита аскар ўртасида бордим.  
Кун кундузи ё кечами — билмадим.  
Қорағилоф эшикдан ичкариладим.  
Тўрда ўтирмиш бароққош катта жойидан турди. Мен билан қўл бериб кўришди. Бош эгиб-бош эгиб мулозамат этди.  
Бароққош катта жой лутф этди.  
— Марҳамат, Дехқонқул Ақрабович, марҳамат! — деди.  
Мен бароққош катта марҳамат этмиш жой чўкдим.  
Бароққош катта ўз жойини олди. Бош ирғаб-бош ирғаб илжайди.  
Бароққош катта бетимдан кўз олмади — бир чапимдан қаради, бир ўнгимдан қаради.  
— Кўп қараб ётманг, — дедим. — Бетим пес эмас.  
Бароққош катта тагин бош ирғади.  
— А?... — деди. — Бўлади, ҳаётда шундай дард бўлади...  
Аммо юқумли саналмайди...  
— Эллик даража жазирамада кетмон чопамиз, ана шундан, — дедим.  
— Ия! — дея ҳайронланди бароққош. — Унда нега юзингиз бир текис қора эмас?  
— Саратон маҳали далада кўз очиб бўлмайди. Кўзимизни қисиб-қисиб кетмон чопа берамиз.  
— Ҳа-а? Мен бошқа ҳаёлга борибман...  
— Бари кўргилик кун билан кетмондан.  
— Бўлди-бўлди, тушундим. Хў-ўш, унда, танишиб қўйлик: мен Иван Иванович Иванов бўламан. «Ўзбеклар иши» билан шуғулланаман.  
Тўрда баҳайбат пўлатсандиқ бўлди. Сандиқ узра суфрада қизил байроқ ёйилиб турди.  
Бароққош боши узра ўртоқ Ленин кулиб-кулиб қараб турди.  
Ўнг тарафда Дзержинский қаҳрланиб-қаҳрланиб қараб турди.  
Бароққош сўрай берди — мен айта бердим.  
Айтувларим хатга туша берди.  
Бароққош хат қараб ҳаёл суриб қолди.  
— Энди бўлди-а? — дедим. — Ўзиям, етти пуштимгачайин сўраб олдингиз. Энди мен кетайин.  
— Қаёққа кетасиз?  
— Қаёққа бўларди. — уйимга-да. Биринчи терим бошланди. Мен бўлса, бўёқларда юрибман. Аслида теримчиларга қўй сўйиб беришим лозим эди. Озгига етар бўлади, озгига етмас бўлади, сўкади-да. Ул-а, машғал бригадир бўлмай, дейди-да. Гап раисимиз кулогига етса, ундан-да ёмон.  
Бароққош лаблари бурчида кулди.  
— Жамолиддинов, Жамолиддинов! — дея кулди. — Дехқонқул Ақрабович, Дехқонқул Ақрабович! Раисингиз шу ерда!  
— Шу ерда?  
— Ҳа-да. Сиз билан бир тайёрада келди.  
— Эб-е?... Уйнаб қўй-уйнаб қўй, қаерда-қаерда?  
— Сиз билан қабатма-қабат ётибди. Хў-ўш, қалай жойлашдингиз, маъқулми?  
— Сиз биласиз-да, мен не билайин?  
— Ишқилиб, озодагинами?  
— Озода? Бутифос иси анқиб ётибди. Чидаб бўлмайди.  
— Энди, чидайсиз-да, Дехқонқул Ақрабович. Биламан, бутифос хиди анқиб туради, биламан. У жойлар бир вақтлар заҳарли дорилар сақланадиган омборхона эди. У жойларга кириб бўлмас эди. Иложимиз қанча, «Ўзбеклар иши» учун фойдаланар бўлдик.  
— Қимлар учун?  
— «Ўзбеклар иши» учун. Заҳарли дори омборида ўзбекдан бошқа халқ чидай олмайди-да. Чунки ўзбек халқи йил ўн икки ой далада заҳарли дори сепиб ишлайди-да. Йил ўн икки ой заҳарли дори ҳидлаб яшайди-да. Шу сабабли ўзбек халқини заҳарли дори омборига жойлаштирдик. Чиниққан 17 халқ-да, чиниққан...

5

Кундузлари захда ўтириб турдим.  
Кечалари тошдевор тўнтариб қулфланмиш камбардан-камбар тахтани тушириб ётдим.  
Бутифос иси димоғим ботмади. Даламда ётмишдайин осойишта ёта бердим.  
Дарвозани даранглатиб очмиш аскар бутифосдан афт бурди.  
Кафт билан оғиз-бурун ёпди.  
Аскар боши билан чиқ, имосини берди.  
Мен узун даҳлиз бўйлаб йўл олдим.  
Кетимдан келмиш аскар оғзи бурнидан кафтини олди.  
Бурчакда турмиш сатилга энқайди. Томоғини чангаллаб-чангаллаб ўқчиди.  
— Ух, туф, ух! — дея ўқчиди. — Энам-ай, ай, энам-ай!..  
— Ўрганиб кетасиз-ўрганиб кетасиз! — дея далда бердим.  
Аскар аччиқ билан елкамдан туртди.  
— Юр, сендан сўраяпманми, юр! — деди.  
Мен бир қалқиб йўл олдим.

6

Қорағилоф эшикдан ичкариладим.  
Иван Иванович кулогидан телефондаста олди. Шаҳодат бармоғи билан жой буюрди.  
Мен буюрилмиш жой чўкдим.  
Иван Иванович пўлатсандиқдан бир жилдтахлам олди.  
Жилдтахлам варақлаб-варақлаб қаради.  
— Дехқонқул Ақрабович, — деди. — Сиз порахўрлар билан ош-қатиқ бўлиб келдингиз. Сиз текинхўрлар билан олди-берди қилиб келдингиз. Бор айбингиз шу. Бу эса, айб саналмайди. Шу боис, мен бир-иккита савол бераман. Сиз эса, саволларимга лўнда-лўнда жавоб берасиз — бўлди! Қанчалик ҳаққоний жавоб берасиз — шунчалик тез овоз бўласиз! Келишдикми? Серқуёш Ўзбекистонда пахта хом ашёсини «оқ олтин» дейдилар-а? Ўзбек халқи гоят зукко халқ — топиб айтади! Ана шу серқуёш Ўзбекистонда «оқ олтин» терими бошланди! Тез-тез жавоб берасиз — ана шу «оқ олтин» қўйнига етиб борасиз!  
— Сўранг-сўранг, — дея бош ирғадим.  
— Хў-ўш, биринчи сўров: ўртоқ Жамолиддинов, раисингизни олтинларини қаерга кўмиб эдингиз?  
Уйладим-уйладим — ўйлаб уйимга етолмадим.  
— Уйнаб қўй, сўровингиздан, — дедим. — Қандайчикин олтинни айтаяпсиз?  
— Қандайчикин бўларди — Мурунгов олтини-да.  
— Олтин сариқ бўлади, деб эшитиб эдим. Аммо-лекин олтинни ўзини кўрганим йўқ.  
— Мумкин, кўрмаган бўлишингиз мумкин. Чунки раисингиз олтинларни очқича бермайди-да. Раисингиз... манавиларни кўмиб ташла... деб бирор нима бериб эдимми? Ана шуни қаерга кўмиб эдингиз?  
— Уйнаб қўй-уйнаб қўй, раис қаерда — мен қаерда? Раис одам менга бир нима берармиди?  
— Беради! Ўзидан холис яшириб сақлаш учун беради! Ўртоқ Жамолиддинов, сиз ана шу олтин кўммангиз қаердалигини айтсангиз бўлди — сизга жавоб бериб буюраман!  
— Менда олтин кўмма нима қилади, катта?  
— Олдин айтинг: раисингиз олтинларни сандиққа солиб бериб эдимми ё бидонга солиб бериб эдимми?  
— Уйнаб қўй, гапларингиздан, ўйнаб қўй. Бидонга олтин соладиларми? Бидонга сув соладилар!  
Иван Иванович олдимга бир рўзнома олиб келди. Рўзнома номини кўз-кўз этди.  
— Кўраяпсизми, ўртоқ Жамолиддинов? — деди. — «Собеседник» рўзномаси. Бутун дунё ўқийди! Энди, «Собеседник» ичини қараймиз!  
Иван Иванович рўзноmani ёйди.  
Рўзнома қўшалоқ бетида уюм-уюм олтин тангалар суврати бўлди. Уюм-уюм олтин узуклар билан олтин сиргалар суврати бўлди. Қат-қат юз сўмлик билан қат-қат эллик сўмликлар суврати бўлди.  
— У-ў-ў... — дея ҳушим бошимдан учди. — Булар қаерда, катта?  
— Ўзбекистонда, Дехқонқул Ақрабович, серқуёш Ўзбекистонда! Мана, остида битиклариям бор: «Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси идораси бошлиғи Шоди Қудратовдан тўрт ярим миллион сўмлик олтин пул топилди. Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Музаффаровдан бир миллион, бир юз ўттиз бир минг... сўм пул, икки юз қирқ олти минг... сўмлик олтин буюмлар топилди»...  
→ Эбо-эй, эбо-эй... мунча нимани қандай қилиб топдиларингиз?

— Топамиз-да, Деҳқонқул Ақрабович, топамиз-да! Ҳали сизнинг олтин кўммаларингизниям топамиз. Мана, қандай қилиб топамиз.

Иван Иванович бармоғи билан рўзномадан олтин уюмлард остини нуқиди.

Нуқилмиш ерда бир ўра бўлди.

Ўра теварагида бешта бидон бўлди. Иккита бўзбола ўрадан тагин бир бидонни арқон билан тортиб-тортиб олар бўлди.

Иван Иванович ана шу ўра бошида қоғоз-қалам ушлаб турар бўлди. Ўрадан бидон тортиб олишни назорат этиб турар бўлди.

— Манави сиз-да? — дея бармоғим билан нуқидим.

— Мен, ким бўларди, мен. Деҳқонқул Ақрабович, ана шу бидонлар тўла олтин! Энди айтинг: сизда ана шундай бидонлардан нечтаси бор?

— Бировгина бидонимиз бор! — дея, шаҳодат бармоғимни наррайтириб кўрсатдим. — Шу бировгина бидонимиз-да даранг-дурунг бўш ётади! Саратон чилласида шугина бидонимизни тўлдирайин деймиз — сув тополмаймиз! Ичгани сув тополмаймиз — олтинни қаердан топамиз?

— Сиз тушунмаясиз, Деҳқонқул Ақрабович, тушунмаясиз. Мен сизни олтинларингиз бор, демаяпман. Мана шу бидонларни сиздайин деҳқонлар уйдан топдим. Аслида улар Каримов, Дўстов... дегич поражўрларга тегишлидир! Ана энди тушундингизми? Сиз ана шундай олтин бидонларни қаерга кўмиб эдингиз — шунга айтасиз, бўлди!

— Айтаяпман-ку: бировгина бидонимиз бор — ичиди олтинни тугул, суви йўқ!

— Айтаяпман, айтаяпман... Боринг, яхшилаб ўйланг! Марҳаматимни яхшилаб мушоҳада этинг. Мен сизга энг қулай йўлни марҳамат айтаяпман. Эртароқ ўйлаб бўлсангиз — ўзингизга яхши бўлади!

Иван Иванович энқайди. Елкам оша узалди. Олдимда ёйилиб турмиш рўзномини олди.

— Пуф! — деди. — Сасиб кетибсиз-а! Нима бало...

— Ундай деманг, Иван Иванович, ундай деманг. Бу ис...

— Биламан, биламан. Бутифосда ана шундай ғариб-бенаво ётгандан кўра... дарров-дарров айтиб... қайдасан, серқўёш Ўзбекистон, дея жўнаб қолсангиз бўлмайми?

— Бутифос ўз оти ўзи билан бутифос-да. Бошқа жой бўлса яхши бўларди-да.

— Сиз тарихий бинода ётибсиз, Деҳқонқул Ақрабович, тарихий бинода! Сиз ётган бино XVII асрда қурилган черков, ҳа, черков! Сиз зиндонда эмас, черковда ётибсиз. Шувелян ё Владикавказ зиндонларига тушганингизда кунингизни кўрардингиз! Биласизми, Шувелян зиндони ўз вақтида нима эди? Туяхона эди! Владикавказ зиндони эса Оқпоишо лашкарлари отхонаси эди! У зиндонлардаги шарт-шароитлар ҳам ўз оти ўзи билан туялар ҳамда отлар учун мўлжаллангандир. Шундай экан, шукур қилинг, Деҳқонқул Ақрабович, шукур қилинг. Сиз черковда ётибсиз, черковда!

## 7

Тагин қорағилоф эшикдан ҳатладим.

— Қалай, Деҳқонқул Ақрабович? — дея кўнгил сўради Иван Иванович.

— Баҳарнав-баҳарнав...

— Яхши ўтирибсизми?

— Баҳархол-баҳархол...

— Хўш, ўйлаб бўлдингизми?

— Нимани ўйлаб бўламан?

— Демак... ўйламайсиз?

— Ўзи... нимани ўйлайин?

— Демак, бир-биримизга қараб ўтира берамиз?

— Утир, десангиз, ўтира бераман.

Иван Иванович жойидан турди. Деразадан ташқари қаради. Қўлларини чолвори чўнтаги тикди.

Иван Иванович Ленин билан Дзержинский орасида бориб келди.

Бориб келди-бориб келди — бирдан айниди-қолди.

— Мен сени ўйлатаман! — деди. — Шундай ўйлатаман — Ўзбекистон файласуфи бўлиб ўйлайсан!

Иван Иванович тугма босди. Жон-жаҳди билан босди.

Аскарлар кириб келди.

— Манавини...

Иван Иванович гапи охирини имо-ишоралар билан айтди. Аскарлар мени олдига солди. Даҳлизма-даҳлиз ҳайдади-ҳайдади — бир дарвозадан ичкари тегиб юборди.

## 8

Мен далбанглаб-далбанглаб бордим-бордим — зиндон киндигида серрайиб қолдим.

Теварак-бошимлаб аланг-жаланг бўлдим.

Зиндондан ўлакка гўшт ҳиди анқиди.

— Хуш келибсан, Жамолиддинов, хуш келибсан! — дегич гангир-гунгур овоз эшитилди.

Нимқоронги бурчақдан иккита қора келди.

Қоралар шундай бурним остилади.

Қоралардан қўланса тер сасиди.

Кўнглим айниди. Илла чидаб турдим.

Қоралар бирин-кетин қўл берди.

— «Садист», — деди.

— «Сокол», — деди.

Қоралар мени гир-гир айланди.

Қоралар олчоқ-олчоқ гир-гир бўлди. Қоралар ялтоқ-ялтоқ гир-гир бўлди.

— Муборак шарифларини биламиз: Жамолиддинов! Аммо исмларини билмаймиз?

Қоралар бурним остида қарс-қарс бармоқ ўйнатди.

Қоралар кафтларини қулоқлари елпана этди.

— Лаббай? — деди. — Исмларини эшитайлик?

— Мен миқ этмай тура бердим.

— Айтмасанг, айтма! Айтмасанг, биз сени рамзий от билан атаймиз: чурбан, чурбан! Бўладими?

— Менга қара, чурбан! Тилинг борми? Бўлса гапир!

— Гапир деяпман!

— Бу чурбан гапирмайди-ёв. «Сокол», кел, қўл тўни ўйнаймиз.

«Садист» зиндон ўнг бурчини олди.

«Сокол» зиндон чап бурчини олди.

— Бошладик!

«Садист» иягим остилатиб бир солди.

Мен кетим билан «Сокол» қошилаб гандиракляб-гандиракляб бордим.

«Сокол» елкамдан қўшқўллаб ушлади. Ўзига ўгириб олди.

«Сокол»-да иягим остилатиб солди.

Мен кетим билан далбанглаб-далбанглаб «Садист» қўлига бориб тушдим.

«Садист» тагин «Сокол»га жўнатди.

Мен «Садист» билан «Сокол» оралигида бориб кела бердим...

Охири ҳолдан тойдим.

Аро йўлда ўтириб қолдим. Жойимдан турайин, дея талпиндим.

Бўлмади — ўзимни тошдан ололмадим.

Бўлмади — чапим билан шилқ этиб тушдим...

Чап биқиним зир-зир зарб еди.

Зарбдан хиёл ўзимни олдим. Оҳиста-оҳиста теварак-бошим назар солдим.

Бошимда тик турмиш «Садист» билан «Сокол»ни кўрдим.

«Садист» этиги учи билан тагин чап биқиним тегиб-тегиб олди.

Чап биқиним хаминқадар зир-зир қақшади.

— Эй, чурбан, тур!

— Сени ким айтади — Ўзбекистон далалари лочини, деб!

— Сени ким айтади — олти миллион тонна пахта теради, деб!

## 9

Аскарлар суяб-суяб олиб борди.

Аскарлар ҳимо бериб-ҳимо бериб ўтиргизди.

Иван Иванович мени айланиб-айланиб қаради.

— Ҳай-ҳай-ҳай! — деди. — Машғал пахтакор ёмон йиқилибди-я! Қаерда йиқилдинг? Кўзингга қарасанг бўлмайми?

Мен муштимни чаккамга нуқиб-нуқиб олдим.

— Мени урдилар... — дея мингилладим.

— Урдилар? Ким урди?

— Ётқизиб тепдилар...

— Ётқизиб тепдилар? Ким тепди?

Иван Иванович тугма босиб аскар чақирди.

— Жамолиддинов олдига ким кирди? — деди Иван Иванович.

— Биров ҳам кирмади! — деди аскар.

— Ана, хузурингга биров ҳам кирмабди. Нега мени алдайсан?

— Улар ичкарида ўтирибдилар, — дедим.

— Э, ҳа, ичкарида де... Ичкаридагилар ҳам сендай бир зиндонбандлар-да, Жамолиддинов. Песнинг чекига мохов тушади, дейдилар. Сен энди келдинг, улар эса неча йилдан буён силласи қуриб ётибди. Ушаларга кучинг етмадими? Ким айтади сени — олти миллион тонна пахта тера оладиган азамат деҳқон, деб?

Мен индамайин қолдим.

— Хўш, энди айтарсан, Жамолиддинов?

— Мен миқ этмадим.

— Ҳар бандани бекитиқча тошган-тутгани бўлади...  
 — Бўлади, шундай, бўлади.  
 — Ҳа, ана! Ҳар бандани бир ёмон қунимга ярайди деб бекитиб қўйган бисот-бойлиги бўлади...  
 — Бор, бизда-да бор.  
 — Ҳа, яша! Ана шуларни айт! Қани-қани?  
 Мен бармоқ юмиб санаб-бармоқ юмиб санаб айтдим:  
 — Оқтупроқ далам — бир, шўртупроқ далам — икки, қум-лоқ далам — уч...  
 — Йўқ-йўқ, мен мол-дунё маъносида айтаяпман?  
 — Катта, дехқонда даладан бўлак мол-дунё пишириб ейди-ми? Дехқон давлати — ер!  
 — Чин, чин.  
 — Чин бўлса, чин-да. Дехқон давлати — ер-да!  
 Мен дераза бет буриб олдим.  
 Мен мум тишладим.  
 Иван Иванович эжакилаб-эжакилаб сўради.  
 Мен мумдан-мум тишладим.  
 Иван Иванович қаради-қаради — тоқати тоқ бўлди. Вишш-вишш, этди. Бет-бошимлаб тузурди.  
 — Онағар, баран!.. — дея вишиллади.  
 Тупуриқдан ароқ ҳиди келди.  
 Иван Иванович қулочкашлаб-қулочкашлаб чуйдам урди.  
 Мен зарбдан ағнаб тушдим.  
 — Йўқол, баран, йўқол!!

10

«Садист» билан «Сокол» орасида копток бўлиб бориб кела бердим-бориб кела бердим.

11

Мен ҳавода бармоқ юририб-бармоқ юририб олдим.  
 — Қоғоз-қалам беринг, — дедим.  
 — Қоғоз-қалам? — дея ажабланди Иван Иванович. — Қоғоз-қаламни нима қиласан?  
 — Ёзаман.  
 — Ёзасан? Кимга ёзасан?  
 — Прокурорга ёзаман.  
 — Мана, мен прокурор!  
 — Йўқ, Бош прокурорга ёзаман.  
 — Хўп, қоғоз-қалам бераман. Ёзувингни Бош прокурорга шахсан ўзим олиб бориб бераман. Ундан кейин айтасанми?  
 Мен йўқ, дея қайта-қайта бош чайқадим.  
 — Мен ҳам одамман... — дея мингилладим.  
 Иван Иванович пешонаси тиришди. Иван Иванович энсаси котди.  
 — Ким-ким? — деди. — Одамсан? Сен-а? Сен — газанда-сан! Олтинга ҳирс қўйган газандасан! Ўзбеклар олтинга ҳирс қўйган газандалар! Ана, ўзбеклар кимлар! Олтин — аввало илонларни ўзига ром қилади. Илондан кейин, илонсифат халқни ўзига тортади. Илондай очкўз халқни ўзига ром қилади. Илондай маккор халқни ўзига ром қилади. Сен ўзбеклар ана шундай халқсан!  
 Иван Иванович олдида қалашиб-қалашиб ётмиш қоғозларни титди.  
 — Даъволаримни далиллаб берайми? — деди. — Далиллайман, далиллайман! Мана, Қаримов иши. Шу иш юзасидан бир гуруҳ терговчиларим билан Бухорони босдим. Қаерда илон бўлса — ўша ерга эътибор беринглар, дедим. Олдин, сендай бир баранни топдим. Баран отини Саид, дер эгани. Ана шу Саид баран бизни улкан бир қайрағоч олдида олиб борди. Саид баран ана шу қайрағоч остини қовламоқчи бўлди. Шунда, қум узра сени башарангдай бир ола-пес илон бўй берди! Илон вишиллади! Илон бўйинини бўқоқ қилди! Илон қоп-қора бошларини адл қилди! Илон қонун посбонларини ўз домига тортиш учун шайланди! Аммо қонун посбонлари-да қараб турмади, ҳа, қараб турмади! Мен дарҳол билагимдай бир темир олдим. Илон бошларига боплаб бир солдим. Дом-тортар илон бошлари мажақ-мажақ бўлди! Ана шундан кейин Саид баран қайрағоч остини қовлади. Қайрағоч остидан олам-жаҳон олтин зеб-зийнатлар топилди! Ана — ўзбеклар кимлар! Ўзбеклар қонун посбонларига ана шу илон мисол қоп-қора бошларини кўтаради. Ўзбеклар ана шу илон кўзлари билан боқади! Ўзбеклар ана шу илон мисол виш-виш этади! Ўзбеклар қонун посбонларини чақиб-чақиб олайин, дейди! Ўзбеклар қонун посбонларини домига тортиб-тортиб юборайин, дейди! Аммо биз — ўзбеклар бошини янчамиз! Ўзбеклар бошини ана шу илон бошларидай янчиб-янчиб ташлайми! Ўзбеклар бошини ана шу илон бошларидай мажақлаб-мажақлаб ташлайми!  
 Иван Иванович юриб-юриб чекди.  
 Иван Иванович дераза олдида туриб-туриб чекди.

Иван Иванович деразадан ташқари қараб-қараб чекди.  
 — Бўпти! — деди. — Мен сени одамбашара бўлармикисан, деб эдим, бўлмадинг. Барандан ҳам ўдинг! Эшакми, тўнғизми — шундай бир махлуқ бўлдинг!  
 — Гектаридан қирқ беш центнердан пахта бердим... — дея манқаландим.  
 — О-о, жавир бўптику-а, жавир!  
 — Мени оҳимни-да эшитажаклар бордир... — дея манқаландим.

12

Оҳимни эшитажак одам тополмадим.  
 Дардимни ютиб ётдим-ётдим — бир нимани пайқаб қолдим.  
 «Садист» эшик тешигидан оҳиста-оҳиста овоз берди:  
 — «Юла», «Юла»... — деди.  
 Биров эшик ортидан келди. Тешиқдан мўралади.  
 — Нима, нима? — деди.  
 — «Юла», қоғоз-қалам олиб кел, — деди «Садист».  
 «Садист» «Юла»дан қоғоз-қалам олди.  
 «Садист» мактуб битди. Мактуб буклади. Мактуб хатжилд-лади.  
 «Садист» хатжилдни «Юла»дан жўнатди.  
 Мен-да тавалло этдим.  
 — Кимга ёзасан? — деди «Садист».  
 — Бола-бақраларимга-да?  
 — Болаларга бўлса, майли. Лекин мактуб пул билан бўлади, чурбан. «Юла» ҳар бир мактуб учун озодликдаги хеш-ақраболаримиздан пул олади. Бўлмаса, «Юла» бир қадам ҳам босмайди. Московда таниш-билишлардан борми? Айтмоқчи, сен чурбанда таниш нима қилади. Майли, бир хайрия қиламан. Лекин бир шарт билан қиламан. Шартимни кейин айтаман. Келишдикми?  
 Мен майли-майли, дея бош иргадим.  
 «Садист», «Юла»дан қоғоз-қалам олиб берди.  
 Мен кимга нома битишни ўйладим.  
 Бола-бақрага арз-дод этиб бўлмайди. Арз-дод этганим билан — бола-бақра қўлидан нима келади?  
 Зиндонбандни бор этгич-да прокурор бўлади, йўқ этгич-да прокурор бўлади. Аммо — прокурорга нома битиб бўлмайди.  
 Иван Иванович прокурор ўзимман... деди.  
 Шароф Рашидовни йўқлаб нома йўллайин дедим — Рашидов бобо оламда йўқ бўлди. У киши бор бўлсалар эди — Шароф ота, бандангни қутқар, дея нома битар эдим...  
 Уртоқ Брежневга арз-дод этайин дедим — Брежнев-да йўқ бўлди.  
 Унда, дардимни кимга айтар бўлдим?  
 Ўйладим-ўйладим — ана шундай зотни топдим.  
 Тилим чиқмишдан буён исми шарифини ёдлаб-ёдлаб юрмиш зотни топдим.  
 Тилим чиқмишдан буён исми шарифини тилимдан-да, дилимдан-да қўймайин юрмиш зотни топдим.  
 Қўлларим қалт-қалт эта-эта битдим:  
 «Московга. Кремлга. Ленин мавзолейига!  
 Уртоқ Ленин! Сиз бизнинг яккаю ягона паноҳимиз-сиз, халоскоримиз-сиз!  
 Уртоқ Ленин! Отамиз-да сиз, энамиз-да сиз, эмчакдоши-миз-да сиз»...  
 Уйдан чиқмиш кечамдан ушбу кечамгачайин бўлмиш кечмишимни оқизмайин-томизмайин битдим.  
 Хатжилдни тилим билан хўллаб-хўллаб ёпдим.  
 Номамни «Юла»дан узатдим.  
 «Бўлди! — дея хаёлландим. — Олдин озод бўлмасам-да, ана энди озод бўламан!»

13

— Сурхондарёдан хат-хабар келдими, ҳамшаҳар чурбан? — деди «Сокол». Мен ҳайроландим. Ажаб-ажаб қарадим.  
 — Кўп озингни очма. Биз ҳам ўшаёқдан, — деди «Садист».  
 — Қаердан? — дедим.  
 — Мозори Шарифдан.  
 — Мозори Шарифдан? — дея ажабландим. — Мозори Шариф Афғонистонда эмаами, «Садист»бой?  
 — Нима фарқи бор, чурбан. Амударё ўнг соҳили Сурхондарё, чап соҳили Афғонистон-да.  
 — Ҳайратондан ўтасан — афғон бўласан, Ҳайратондан қайтасан — ўзбек бўласан!  
 — Шундай, «Сокол»бой, шундай. Ҳайратон дегич кўприк бор.  
 — Бўпти-да, чурбан, бўпти-да. Биз Афғонистондан қайтишимизда ана шу Ҳайратондан ўтиб келдик.  
 — Афғонистонда нима қилиб юрибсизлар, «Садист»бой?  
 — Биз Афғонистонга байналминал бурчимизни адо этиш учун бориб эдик, чурбан.

— Брежнев бовамиз юбориб эди, дейсиз-да, «Сокол»бой?  
— Афғонистонни босиб олиш Брежнев айби эмас, чурбан, Брежнев айби эмас. Брежнев ўлди-кетди. Энди бари Брежневни айблайпти. Йўқ, Брежнев айбдор эмас. Тангрикут Пётр Биринчи! Тангрикут Пётр Биринчи бутун Осиёни Ҳуссия вассали этиб олмоқчи эди. Шимол баҳримухити — Ҳинди баҳримухити — Тинч баҳримухити... Ана шу уч баҳримухит хилқати Ҳуссия деб аталаши керак бўлади. Ҳуссия салтанати ана шу уч баҳримухит хилқати аро ҳукмрон бўлиши керак бўлади. Шу мақсадда Пётр Биринчи 1716 йилда ғарандуқ Бекович-Черкасский сорбонлигида Хивага лашкар тортади. Аммо ғарандуқ лашкари Хива хони Шергозихондан мағлуб бўлади. Ғарандуқ Бекович-Черкасский қатл этилади. Бу вақтда тангрикут Пётр Биринчи Ҳуссия-Швеция урушида банд бўлади. Ғарандуқ тақдир билан иши бўлмайди. Аммо тангрикут Пётр Биринчи умри якунида иккита армон билан оламдан кўз юмади. Бир армони — Ҳуссия-Пруссия урушида мағлуб бўлганлиги учун Туркиядан ўч ололмай армонда ўлади. Тагин бир армони — ғарандуқ Бекович-Черкасский қатли учун Хивадан ўч ололмай армонда ўлади. Ана шундан буён улар ношшолари Пётр Биринчи тангрикут боболари дастуриламални амалга ошириш пайида бўлади.

— Эҳ-е-е, Афғонистонда йиллаб қон кечдик, чурбан, йиллаб!

— Ҳали бизга писанд эмас эди, чурбан.

— Мана мен ўз қўлим билан ўнлаб «душман» жонини суғуриб олдим. Бир сув сотувчи «душман» бор эди, эсингдами, «Сокол»? Кўчада сув сотиб юрарди-ю? Ўшанга сувингдан бер, десам, бермади. Ўзича, бир нималар, деди. Билдим — Шўроларни сўқди. Шўроларни сўқма, дедим-да, автомат қўндоғи билан бошига бир солдим. Бошидан тиркираб қон отилди. Қонлари юзларимга сачради. «Душман» қонини лабларим билан ялаб-ялаб олдим. Бай-бай-бай, жануб қони шундай қайноқ бўлади, шундай қайноқ бўлади!..

Танамда қалтироқ кўзғолди. Бор эс-хушим жунбинга келди. Тилим каловланиб-каловланиб қолди.

— Мен... мен «душман» эмасман, — дедим. — Қўша-қўша орден-нишонларимиз бор. Уктабр ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени...

— Демак, лайча экансан-да, чурбан? Зиндонда орден-нишондорларни лайча, дейди.

— Лайчалардан зиндонбандлар жирканади, чурбан. Асло орден-нишондорман, дема — таёқ еб ўласан!

— Тавба қилдим, менда орден-нишон йўқ, тавба қилдим! — дея талвасада қолдим. — Орден-нишон теримчи энамизда бор. — Барибир! Орден-нишон отини айта кўрма — ўлиб кетасан!

— Мана, мен — Шўро Иттифоқи Қаҳрамониман, ха, Шўро Иттифоқи Қаҳрамони! Ишонмайсанми? Ана, «Садист»дан сўра.

— Чин, «Сокол» Шўро Иттифоқи Қаҳрамони. Қандаҳорни биласан-а? «Сокол» ана шу Қандаҳорни кунлая-кун этишда қатнашди. Қандаҳорни мисоли иккинчи Сталинград этди! Қандаҳорни кунпаякун этишда кўрсатган жасорати учун Шўро Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

— Ана, эшитдингми, чурбан? Мени Афғонда «Сокол» дейишар эди — «Сокол»!

— Қуллуқ, «Сокол»бой, қуллуқ.

— Мен умримда чеккан эмас эдим, мен умримда ичган эмас эдим. Ана шу Афғонда ўрганиб келдим. Иттифоққа келсам — бариёқ қуп-қуруқ! Нимага бундай, дедим. Ичкиликка қарши кураш бошланди, деди. Бу аҳмоқчилик кимдан чиқди, дедим. Марказий Қўмита котиби Лигачёвдан, деди. Қаерда ўша Лигачёв — ҳозир бўғиб ўлдираман, дедим. Лигачёвга қўлинг етмайди — Лигачёв Кремлда, деди. Унда ароқдан бер — мен Афғонда қон кечиб келдим, дедим. Ароқ йўқ, деди. Бир шишагина ароқ қидириб шаҳар кездим! Бариди шу гап бўлди! Мен ким, дайди ит ким — билиб бўлмади! Охири бир дўкончи ёқасидан олдим. Мен номи улуг, супраси қуруқ Шўро Иттифоқи учун жон олиб, жон бердим — бир шишагина ароқ бер, дедим. Дўкончи мелиса чақирди. Иккита мишиқи мелиса келиб, қўлларимни қайирди. Таёқчаси билан калламга урди. Урма мени, дедим-да — бировини ариққа отиб юбордим. Кейин билсам — ўлиб қолибди...

## 14

— Бошқасини қўй, чурбан, бари ўтди-кетди. Эсингдами, номанг учун шарт қўйиб эдим? Ана шу шартини энди айтаман: уйингдан тарёк олдириб келтиртирасанми-йўқми?  
— Тарёк? Уйимизда тарёк нима қилади, «Садист»бой?  
— Онкелтир!

— Умрим бино бўлиб тарёк нималигини билмайман, «Садист»бой. Лекин қишлоғимизда чаён чақса, бовалар тарёк суркаб даволайди.

— Ана шундан келтир!

— Қанча десанг — пулини берамиз!

— Ўзинг ҳам тарёк ейишни ўрганиб ол.

— Бу жойни Шўро зиндони, дейдилар.

— Шўро зиндониди тарёк еб турмасанг — ажалингдан олдин ўласан!

— Ундай деманг-е, «Садист»бой, ундай деманг-е.

— Ана, «Сокол»дан сўра. Масалан, сил кимга ёпишади? Соғлом танага ёпишади. Соғлом тана ким? Папирос чекмайдиган, тарёк емайдиган одам-да. Сен ана шундай одамсан.

— Шўро зиндонини ўз қонун-қоидалари бор, чурбан. Риоя этмасанг — ажалингдан олдин ўласан!

— Мана, айт, чурбан: сени қана чақаяптими-йўқми?

— Ўйнаб қўй-ўйнаб қўй, еб қўйди-я, «Садист»бой, еб қўйди!

— Биламан, кечаси билан қирт-қирт этиб чиқасан, биламан. Бизни бўлса чақмайди!

— Чунки бутун танамиз заҳар-заққум!

— Шўро канаси очидан ўлсаям бизни чақмайди!

— Бизни чақиб, заҳарланиб ўлишни хоҳламайди!

— Шўро канаси қўп ақлли қана, қўп доно қана!

— Шўро канаси ҳамиша тозаликка риоя этади!

— Шўро канаси коммунистик руҳда тарбияланган, коммунистик руҳда!

— Сени эса чақади! Чунки сенинг тананг — коммунистик тана!

— Қўйинг-е, «Садист»бой, қўйинг-е. Умрим ўтди, лекин шу номаъқул нимани емадим — энди емайин.

— Унда, бизга опкелтириб бер!

— Майли, уйдан дарак бўла берсин, қани.

## 15

— Мен учун Осиё демак — тарёк демак, чурбан! — деди «Сокол». — Осиё деса, кўз олдимда тарёк намоён бўлади. Шу боисдан мен Осиёни ҳурмат қиламан! Тарёк есам — ғамдан фориг бўламан! Ўша афғон кунларим эсимдан чиқади! Почамир хаёл бўламан, почамир! Дунё кўзимга аёл бўлиб кўринади, аёл! Тарёк — муҳаббат, чурбан, тарёк — муҳаббат! Мана, Шўро Иттифоқи учун «душман»ларни чумчуқдай қирдим, чумчуқдай! Эвазига нима кўрдим? Мана оқибати, чурбан, мана! Энди... энди одам ўлдирсам дейман, чурбан, одам ўлдирсам дейман! Қонсирайман, чурбан, қонсирайман! Одам ўлдиришдан завқ оламан, чурбан, одам ўлдиришдан завқ оламан! Аёллар билан ётишдан кўра — одам ўлдиришдан роҳат оламан, чурбан, одам ўлдиришдан роҳат оламан! Одам ўлдиришни соғинаман, чурбан, одам ўлдиришни соғинаман! Одам суюкли аёлини қандай соғинади — мен одам ўлдиришни ана шундай соғинаман! Тўшақдаги қип-яланғоч аёлни кўриб қандай роҳатлансам — ўз қурбонимни кўриб ана шундай роҳатланаман, чурбан!..

«Сокол» билан «Садист» уст-бошларини суғуриб-суғуриб отди.

«Сокол» билан «Садист»ни тарёк хумори тутди!

Мен бир сесканиб олдим. Кўзларимни бот-бот юмиб очдим. «Садист» елкаларида игна билан битилиши капитан: унволни погон бўлди. Кўкраклариди Уроқ ва Болға битити бўлди.

«Сокол» кўкраклариди бармоқдай-бармоқдай ҳарфли «КПСС» битити бўлди.

— Кўраяпсанми, чурбан? — деди «Сокол». — Биз мана шу тўрт ҳарфдан иборат «КПСС» учун кўкрагимизни қалқон этиб эдик. Кўкракларимиз ана шу «КПСС» қурбони бўлди!..

## 16

Ойлаб йўқламадилар-йўқламадилар — тагин ҳайдаб бордилар.

— Серқуёш Баранистондан саломлар бўлсин! — деди Иван Иванович. — Қаршига бориб келдим. Сенларни терговчиларинг ҳам баран-е! Маҳаллий баранларни ишимизга аралаштирмайлик-аралаштирмайлик, дедим. Йўқ, миллий урф-одатларни билади, дедилар, ўзбекчиликни билади, дедилар. Хулласи қалом, орамизга Бахтиёр Абдурахимов деган бир баран терговчини тикдилар. Қашқадарё вилояти биринчи котиби Гоиповни қўлга олмоқчи бўлдим. Қўлга олар одам нешонасига шартта тўппонча тирайди — қўлга олади-қўяйди-да! Абдурахимов бўлса — нуқул қўлини кўксига қўяди, нуқул теваарак бошга салом беради! Майли, ўзбекчилик... баранчилик бўлса — баранчилик-да, дедим. Индамай эргашиб бора бердим.

Ичкари кирсам — Гоипов тўрда наҳор нонуштаси еб-ичиб ўтирибди. Дастурхонини нонушта дастурхониям деб бўлмайди. Мундайроқ тўй дастурхони деса бўлади. Гоипов бизниям чойга чакирди. Майли, баранчилик бўлса — баранчилик-да, дедим-да, бир пиёла чой ичдим. Кейин, Гоиповни прокуратурага марҳамат этдим. «Бир-иккига саволларим бор», дедим. «Шу ерда сўраса бўлмайди», деди Гоипов. «Йўқ, идора яхши», дедим. Гоипов «хўп-хўп», дея ичкарилади. Аёлига кийим-ларини олиб келишни буюрди. Аёли Гоиповнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Юлдузлик камазулини олиб кирди. Шунда ичкаридан йиги эшитилди. Ҳадаҳалаб бордим. Қарасам — Гоиповнинг томоғидан шариллаб-шариллаб қон отилаяпти! Оппоқ кўйлаклари қип-қизил қон! Гоипов қўлини қорнига узатади — етмайди, тагин узатади — етмайди! Нимага узата япти десам — Гоипов шу кунларда кўричагини олдирибди экан. Гоипов ана шу тикилги кўричагига қўлини тиқиб — йиртиб ташламоқчи бўлибди! Гоипов бизга қараб шундай бақирди-шундай бақирди! Оғриқ зўридан бақирмади — нафрат билан бақирди, нафрат билан! «Мустамлакачилар! Сенлардан қачон халос бўламиз!» деди. Абдурахимовга-ку, қутуриб бақирди. «Йўқол, ўзбекнинг хоини, йўқол!» деди. Шу билан... ўлиб қолди! Кимдан пул олди, кимдан олтин олди — билиб бўлмади! Барибир билиб оламан! Гоиповнинг саккизта бола бақраси билан уруғ-аймоғини олиб келиб қамадим! Ана шу саккизтадан бири бўлмаса бири айтиб беради! Ана, ўзбекчиликка риоя этиш оқибати! Ўзбекчилик — баранчилик! Бўлди — энди Сталин, Вишинскийлар йўли билан ушлайман! Сени ушлаб келдилар-у — ана шундай ушлайман!

— Ушланг, армонда қолманг, ушланг, — дедим. — Аммо, лекин бола-бақрада нима айб? Саккизта бегуноҳ жон-а, саккизта жон-а?

Иван Иванович тутақди.  
— Нима-нима? — деди. — Саккизта бегуноҳ жон? Саккизтаям гапми — бари ўзбек муттаҳам, бари ўзбек! Сен ўзбеклар Шўро ҳукуматининг тўрт ярим миллиард сўм пулини еб кетгансанлар! Тўрт ярим миллиард сўм! Йўқ пахтани бор деб — тўрт ярим миллиард сўмни манави ҳаром томоқларингдан ўтказиб юборгансанлар! Еб-еб — энди бўрилар галасига ўхшаб қутулиб кетаман, деясанларми? Кечириб қўясанлар, кечириб! Мен — Иван Иванович Иванов, тўрт ярим миллиардни жигилдонларингдан сугуриб оламан! Тийинма-тийин сугуриб оламан!

— Ўйнаб қўяй, ишласа — халқ ишлабди, еса — халқ ебди-да.

— Халқ ишлабди? Сен ўзбеклар ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир халқсан! Сен ўзбеклар боқиманда барансан! Сен ўзбеклар Москов ҳисобига кун кўрасан! Московдан катталар борса — зар чопон кийгизасан, чўнтагига пора тикасан. Ана, генерал Чурбанов Баранистонда бир бўлишида тўққиз юз сўмлик зар чопон кийиб келди, ўттиз минг сўм пул олиб келди!

— Ўйнаб қўяй, Чурбанов чўз, дебдики — ўзбак чўзибди.

— Московдан катта борса бўлди — олдига олма-анор қўясан, қўй сўйиб қўясан.

— Ўзбак меҳмондўст эл, катта.

— Лаганбардор эл! Эвазига Шўро ҳукумати кўзини бўяйди! Сен баранлар Баранистонни ўзида қаноатланиб қолмайсанлар. Кўчага чиқсанг биласан — дўқонларда минглаб оладўппи баранлар изғиб юрибди. Оладўппи баранлар дўқонда кўзига нима кўринса бўлди — ола солиб халтасига тикади да, Баранистонга орқалаб кетади.

Шу вақт телефон жиринг-жиринг этди.

Иван Иванович телефонда олис гапиришиб олди.

— Ана, баран, — деди. — Раисингни ишини талаб этиша япти. Бўл-бўл, дейишашпти. Сен бўлса — ўжар эшак бўлиб ўтирибсан!

Мен номамдан умидвор бўлдим. Ўзимни орқага ташладим:

— Уйлаяпман, — дедим. — Айтаман, ўзим айтаман.

— Бўпти, тагин бир ўйла.

17

— ...Қайтариб айтаман баран, бу ерда худо ҳам мен, пайгамбар ҳам мен!

— Гектаридан эллик центнердан пахта берган йилларимда бўлди...

— Эшакни хизмати ҳалол — ўзи ҳаром!

— Мени-да ара-додимни эшитар одам бордир...

— Зах зиндонда додингни ким эшитади, ким?

— Нома битиб эдим. Ҳализамат йўқлайди...

— Нома? Қачон-қачон?

— Уч-тўрт ой бўлиб қолди.

— Уч-тўрт ой, уч-тўрт ой...

Иван Иванович ўзича шундай дея-дея, пўлатсандиқ очди.

Сандиқдан бир даста хатжилд олди. Олдимлатиб ташлади.

— Ана! — деди, — шулар ичидан ўз номангни топ қани!

Мен битта-битталаб хатжилд қарадим.

Ниҳоят — ўз номамни топиб олдим.

Юрагим шувв этди!

Номам термулиб-термулиб қолдим...

— Топдингми? Қани, бер қани, очиб ўқийлик қани, — деди Иван Иванович. — Хў-ўш... «Московга. Кремлга. Ленин мавзолейига! Ўртоқ Ленин! Сиз бизнинг яккаю ягона паноҳимизсиз, халоскоримизсиз, ўртоқ Ленин! Отамиз-да сиз, энамиз-да сиз, эмчакдошимиз-да сиз»...

Иван Иванович кет чалқайиб-кет чалқайиб кулди.

Иван Иванович қорин ушлаб-қорин ушлаб кулди.

Иван Иванович кўз ёшлаб-кўз ёшлаб кулди.

— Чехов бўл-е, Чехов! — дея кўз артки. — Чехов қаҳрамонлари бобом қишлоғига, деб нома битади-ю? Сен ҳам Ленин бобом мавзолейига, деб битибсан-да? «Осиё устида бўрон» деган бир киноларинг бор эди, эсингдами? Ушанда сендай бир баран Ленинга нома битади. Уша баран оти нима эди...

— Шукур Бурҳонов.

— Йў-ўқ, сен ўша баранни ўйнаган ижрочини айтапсан.

Оти... оти Юсуф Ялангтўш! Юсуф Ялангтўш эртаю кеч Лениндан жавобнома қарайди... қарайди! Ленин бўлса, Кремлда ўтириб... Туркистонни заёт этиш йўлларини ўйлайди! Юсуф Ялангтўшдай босмачи баранларни қириб ташлаш йўлларини ўйлайди! Ушанда йигирманчи йиллар эди. Қара, шунча йил ўтибди — сен ўзбеклар ҳалиям барандан одамга айланмабсанлар!

— Сабр таги олтин, дейдилар. Мени-да бошимга офтоб тегиб қолар.

— Офтоб? Қандай офтоб? Э, ҳа, офтоб бўлса офтоб-да!

Иван Иванович номамни бошим узра ошириб олди.

— Ана, бошимга офтоб теғди, ана! — деди. — Ура-а-а, баранлар бошига офтоб теғди, ура-а-а!

Иван Иванович папирос эзгилади. Лабларига папирос қистирди. Чирсиллатиб гугурт чақди.

Иван Иванович бурқситиб-бурқситиб папирос тортиди.

— Қулоқ сол, баран, — деди. — Сен Ленинга нома битиб аҳмоқ бўлма. Яхшилаб эшитиб ол. Чин, бу жойлар Шўро зиндони, деб аталади. Аслида эса ундай эмас. Бу жойларни «Қизил зона», дейдилар. «Қизил зона»нинг ўз қонун-қоидалари бўлади. Зиндон ана шу «Қизил зона» қонун-қоидаларига бўйсунди. «Қизил зона»да Ленин йўқ! «Қизил зона»да Шўро ҳукумати йўқ! «Қизил зона»да адолат йўқ! «Қизил зона»да инсон ор-номуси, инсон шон-шухрати, инсон қадр-қиммати... йўқ, йўқ! Тагин йўқ! «Қизил зона» ўз номи ўзи билан — қизил, қизил! Қизил ранг — қон ранг! Қон ранг билан ўйнашма, баран, қон ранг билан ўйнашма! Акс ҳолда — қизил қонингга бўяласан! Акс ҳолда — қизил қурбонлик бўласан, қизил қурбонлик!..

18

— Майли, айтма. Сен айтмасанг ҳам ўзим топиб оламан, — деди Иван Иванович. — Топиб олаяпман, бундан кейин ҳам топиб оламан. Ана шунда ўша олтинлар билан пешонангга бир ураман-да, манави олтин бўлмай... дейман!

— Шундай қилинг, катта, шундай қилинг.

— Қиламан, қиламан! Мен сени манавиндай ириб-чириб ётмагин, дейман-да.

Иван Иванович қалам учи билан қўлим юзи ярамни босди. Босиб-босиб турди!

Ярамдан билқ-билқ йиринг тошди!

Ярам лўқ-лўқ оғриди! Ярам зирқ-зирқ оғриди!

Мен анил-ташил ярамни тортиб олдим.

— Ана, баран, ана! — деди Иван Иванович. — Ана шундай ириб-чириб ўлиб кета берасанми? Майли, олтинларни айтма. Кел, яхшиси — мен сенга бор-йўғи бир савол берайин — сен икки оғиз гап билан жавоб бер-да, қутул. Келишдикми?

— Олдин айтинг, қани? Эшитайлик, қани?

— Хў-ўш, раисингга қанча пора бергансан?

— Пора? Қандайчикин пора?

— Қачон бергансан, нимага ўраб бергансан, неча сўмлик эди?

— Умримда бировга-да пора бермадим, бировдан-да пора олмадим.

— Биламан, сенга пора берадиган аҳмоқ йўқ, биламан. Лекин сен пора бергансан!

— Бировга-да пора бермаганман, деяпман-ку.

— Бергансан!

— Улла ўлайин агар-а, пора берган бўлсам-а!

— Бергансан! Сен — раисингга узатасан, раисинг — туманингга узатади, туманинг — вилоятингга узатади, вилоятинг — Марказкомга узатади!



— Улла ўлайин, бировга пора берган бўлсам-а!  
 — Катталарга бир нима узатмасанг... қандай қилиб брига-  
 дир бўлдинг?  
 — Мен меҳнат қила бердим-меҳнат қила бердим — раиси-  
 миз кўтара берди-кўтара берди.  
 — Кечириб қўясан, баран, кечириб қўясан! Ўзбекистон  
 катталари олдин бир нима олади — ана ундан кейин бардор-  
 бардор этади!  
 — Улла ўлайин, агар-а...  
 — Унда, қандай қилиб пахта топширишни узлуксиз баж-  
 ариб келдинг? Узлуксиз-а, узлуксиз!  
 — Мен ерга тер тўка бердим-тер тўка бердим — ер менга  
 ҳосил бера берди-ҳосил бера берди.  
 — Кечириб қўясан, баран, кечириб қўясан! Сен ўзбеклар ер-  
 га тер тўкмайсан! Йўқ-йўқ, сен ўзбеклар ерга тер тўкмайсан!  
 Сен ўзбеклар... ергаям пора берасан! Ҳа, сен ўзбеклар ергаям  
 пора берасан! Пахталарингни деярли ярим фоизи қўшиб ёзил-  
 ган! Ҳа-ҳа, қўшиб ёзилган! Қўшиб ёзиш учун эса — тахи бу-  
 зилмаган «Ленин» дан узатини лозим бўлади! Энди айт, раисинг-  
 га неча «Ленин» узатдинг?  
 — Ўйнаб қўй, «Ленин» дан, ўйнаб қўй! Йўқ «Ленин» ни  
 қаердан оламан?  
 Иван Иванович хўшаклаб-хўшаклаб қулоқ-чаккам солди  
 Мен ўтиргичдан жалпиллаб-жалпиллаб учиб тушдим.  
 Ўнг қулоқ-чаккам қизиб-қизиб оғриди. Ўнг қулоқ-чаккам  
 шанг-шанг оғриди.  
 Шу кундан эътиборан ўнг қулоғим чиппа-чиппа битди-қол-  
 ди.

19

— Усмонхўжаевни биласан-а?— деди Иван Иванович.  
 — Эса-чи. У киши пошшомиз бўладилар!— дедим.  
 Иван Ильнович пўлатсандикдан семиздан-семиз бир жилд-  
 тахлам олиб келиб очди.  
 — Хў-ўш, пошшо ҳазратингни Бош Прокуроримиз ўрин-  
 босари ўртоқ Васильев сўроқ қилдилар. Мана, сўроқ варақаси.  
 Қулоқ сол, ана шу сўроқдан пича ўқиб бераман:  
 «ВАСИЛЬЕВ: Сиз бир неча бор СССР Бош Прокурори номи-  
 га арзномалар билан мурожаат этибсиз. Сиз бу арзномаларда  
 қандай йўллар билан пора олиб-пора берганлигингизни баён  
 этибсиз.

**УСМОНХЎЖАЕВ:** Мени ушбу йил ўн тўққизинчи ўктябри-  
 да зиндонбанд этдилар. Мен ilk кунданок ҳалол йўлдан бор-  
 дим. Оқни-оқ, дедим, қорани — қора, дедим! Барча жавобгар-  
 ликни бўйнимга олиб айтдим. Тагин айтаман: ҳа, пора олиб-  
 пора бериш — Ўзбекистондан Москвагача кундалик воқеа  
 эди!

**ВАСИЛЬЕВ:** Кимларга пора бериб эдингиз?

**УСМОНХЎЖАЕВ:** Мен бировга туҳмат қилмасдан айтиб  
 бераман! Мен нима бўлди — ана шуни айтиб бераман!..

Мен КПСС Марказий Қўмитаси ташкилий-фирқавий иш-  
 лар мудир **СМИРНОВГА** эллик минг сўм бердим. Боиси —  
 Смирнов очик-ойдин пул талаб қилди-да! «Ердан бер-чи, ердан  
 бер!» деди-да!

Мен КПСС Марказий Қўмитаси котиби **РОМАНОВГА** бир  
 дипломат олиб келиб бердим. Дипломатда турли-туман мил-  
 лий совға-саломлар ҳамда йигирма беш минг сўм пул бор эди.  
 Мен КПСС Марказий Қўмитаси котиби **КАПИТОНОВГА**  
 икки маротаба эллик минг-эллик мингдан юз минг сўм пул бер-  
 дим. Берганда-да — ўртоқ Капитоновни фирқавий ишхонасида  
 бердим!

Мен КПСС Марказий Қўмитаси раиси **СОЛЮМЕНЦЕВГА** юз минг сўм пул бер-  
 дим. Соломенцевга ҳам ўз фирқавий ишхонасида бердим!

Мен СССР Бош Прокурори **РЕКУНКОВГА** Юрмала шахри-  
 да эллик минг сўм пул бердим. Бош Прокурор қўлимдан пулни  
 олди-олди-да — миннатдорчилик билдирди. «Қўллаб-қувват-  
 лайман», деб ваъдалар берди.

Тошкентда **РЕКУНКОВГА** тагин эллик минг сўм пул бердим.  
 СССР Бош Прокурори тагин миннатдорчилик билдира-бил-  
 дира — қўлимдан пулни олди.

Мен СССР Олий суди раиси **ТЕРЕБИЛОВГА** қирқ минг  
 сўм пул бердим. Икки минг саккиз юз сўмлик гилам бердим.  
 Гиламни Ўзбекистон Марказий Қўмитаси ишлар бошқармаси  
 ходимлари тайёрага аранг-аранг юкладилар.

Мен КПСС Марказий Қўмитаси котиби ўртоқ **ЛИГАЧЕВГА**  
 олтиш минг сўм пул бердим!..»

Иван Иванович жилдтахламини ёнди. Иларини бойлади.  
 — Ана, эшитдингми?— деди.— Пошшо аъзаминг-а, пош-  
 шо аъзаминг!

Мен... илойим, қулоғим қарлиги чин бўлсин, дедим.  
 Мен... илойим, бари айбни қарлигимдан кўрайин, дедим.  
 Мен... илойим, умрбод қар бўлсам бўлайин — аммо-лекин...  
 ана шу гапларни эшитмаган бўлайин, дедим.  
 Шу боис — дераза қоқиб ўтира бердим.  
 — Ҳа, намуноча безрайиб қолдинг?  
 Шунда-да Иван Иванович қайрилиб боқмадим.  
 — Ана сиз, ана Москва...— дея мингилладим.  
 — У нима деганинг?

— Ана, пошшомиз оппа-ойдин айтиб бераптилар-ку? Мос-  
 ковга ўз-ўзидан чойчақа узатиб... Ўзбекистонни калласи ша-  
 молда қоптими? Москов қўл чўзадики — Ўзбекистон садақа  
 беради!

— Московга тил теккизма, баран, Московга тил теккизма!  
 — Москов бўлмаса — московчи катталар! Ана, пошшомиз  
 московчи катталарни оппа-ойдин айтаяптилар! Яна-тагин...  
 номма-ном айтаяптилар, номма-ном! Ана, московчи катталар-  
 ни банди этиб гапириша беринг-да!

— Йўқ, баран, йўқ! Менинг московчи катталар билан ишим  
 йўқ! Московчи катталар — ўзимизникилар! Ўзимизникилар —  
 Улуғ Ўрис! Улуғ Ўрис билан ишим йўқ! Улуғ Ўрис нима қи-  
 лиқ қилади — бари ярашади! Мен — сен баранлар билан ишим  
 бор!

— Е, пирим-е, ё, пирим-е, бизда нима айб?  
 — Московга пора бергансан!  
 — Ҳолвани ҳоким ейди — калтакни етим ейди, дейдилар...  
 Иван Иванович бошимлаб келди.

Иван Иванович халқумимдан гиппа бўғиб кўтарди.  
 — Киноларда Африка ола-була эшагини кўрганмисан?—  
 деди.— Манави юзларингдай ола-пес эшак? Сен ана шу Афри-  
 ка ола эшагига келбат берасан! Манави олачипор юзларинг  
 ҳам айтиб турибди. Африка ола эшаги Африкада нима  
 ўжарлик этса этади. Боиси, Африка — ўз оти ўзи билан Аф-  
 рика. Бу ер эса — Москов! Сенинг Африка ола эшагидай ўжар-  
 лингинг Москвада кетмайди!

Иван Иванович мени силкилаб-силкилаб ташлади.  
 Мен гуп этиб тушдим.

— Холвани олдимга қоғоз-қалам қўйди.  
 — Ма, ёз! Раисимизга ўн минг сўм берганман, деб ёз!—  
 деди.— Тагин Африка ола эшагидай қайсарлик эта берсанг —  
 манави мингга тўққиз грамм кўрғошин қуйиб қўяман! Қани,  
 ёз!

— Мен ҳали умримда қўлимга ўн минг сўм пул ушлаган  
 эмасман, катта...

— Биламан, Африка ола эшаги! Биламан, Африка қайсар  
 эшаги! Сен раисимизга ўн минг сўм бердим, деб ёз — бўлди!  
 Мен қоғоз музтар бўлиб-қоғоз музтар бўлиб ўтира бердим.  
 Қаламни қўлимга-да олмадим!

— Соат тўрт бўлапти, ҳадемай тонг отади! Бўл, баран,  
 бўл!

Мен кўзим кетиб-кўзим кетиб ўтира бердим.  
 Иван Иванович бетимга шама сепиб ташлади.  
 Мен сескана-сескана кўз очдим.

— Раисимизга ўн минг сўм бердим деб, қоғоз қоралаб бер —  
 бўлди!

Мен йўқ дея-йўқ дея, бош чайқадим.  
 — Ух, Африка ола эшаги! Ух, Африка қайсар эшаги!  
 Иван Иванович ўнг биқиним оралатиб-оралатиб тепди.  
 Иван Иванович чап биқиним оралатиб-оралатиб тепди.  
 Иван Иванович чатаноқларим оралатиб-оралатиб тепди.

21

Иван Иванович назорат этиб турди.  
 Дўхтир аёл мадда-мадда яраларимни мой дорилади.  
 Дўхтир аёл қон-қон яраларимни кўк дорилади.  
 Дўхтир аёл моматалоқ-моматалоқ яраларимни йод дори-  
 лади.

Дўхтир аёл... баданларимни қаради-қаради... пиқ-пиқ йиғ-  
 лади...

— Нега йиғлаяпсиз?— деди Иван Иванович.— Нима бўлди,  
 Нина Сергеевна?

Дўхтир аёл оғиз бекитиб-оғиз бекитиб йиғлади.  
 — Мен... мен Ўзбекистонда беш-олти йил ишлаб эдим,—  
 дея йиғлади.— Бечора халқ-а, бечорагина халқ-а...

— Шу баранларни нимасига қуяйсиз? Бари ҳаромтомоқ, бари  
 боқиманда!

— Ўзбекистон ундай эмас... Ўзбеклар ундай эмас...

22

— Далилингиз бордир-да: раисимизни қулф-қалит этиб  
 ўтирибсиз?

— Бўлади, далил бўлади!

— Унда, мени беёзқдан-беёзқ банди этманг-да! Мен бола-бақрам олдимга борайин-да?

— Йўқ! Мен Иван Ивановичман! Узларингни ўз қўлларинг билан йўқ қиламан! Бировингни кўзингни бировингга ўйдиртираман! Бировингни каллангни бировингга едираман! Бировингни жонингни бировингга олдираман! Ўзим эса — покпокиза бўлиб қоламан! Бу йўл — Иван Иванович Ивановлар йўли!

— Худо хайрингизни берсин, беёзқдан-беёзқ...

— Эшак семирса охурини булгайди, дейдилар! Сен баранлар мазахўрак бўлиб қолдинг, мазахўрак! Сен баранлар қорнинг-тўйиб қолди! Шундай кета берсаларинг — қанжиқ итдай бола-лаб бора берасанлар! Ана, кўз очиб юмгунча йигирма миллион бўлдиларинг! Йигирма миллион халқ-а! Сен боқимандаларга нонни қаердан топамиз? Йўқ, биз йигирма миллион боқимандани боқмаймиз! Ёалиқ бошидан сасийди, бошидан! Йигирма миллионни бош-бошлиқларингдан бошлаб камайтирамиз! Бош-бошларингдан бошлаб камайтирамиз!

Ўз-ўзидан кўнглим озди. Юрагим беҳол бўлди. Кўзларим тинди.

Сув, дейин дедим — ҳолим келмади. Олдимда турмиш пиёла узалдим. Чойқолдиқни оғзим олдим. Иван Иванович қўлимдан пиёлани юлқилаб-юлқилаб олди. — Буёққа ол!— деди.— Сенга ким қўйибди чой ичишни! Оғзимдаги оғзимда қолди, бўғзимдаги бўғзимда қолди. Мен мўлт-мўлт қолдим.

Иван Иванович бошмалдоғини лунжларимга нуқиб-нуқиб олди.

Оғзимда турмиш чойқолдиқ пирқ-пирқ отилди. Томоғимда турмиш чойқолдиқ тиқилиб-тиқилиб қолди.

Мен қир-қир йўталдим.

Мен кўзларим ёшланиб-ёшланиб йўталдим.

Мен Иван Ивановичга мўлт-мўлт боқиб йўталдим.

— Ўл, шу кунингга!— деди Иван Иванович.— Иван Иванович Ивановлар пиёласидан чой ичишни сен баранларга ким қўйибди?! Ана шундай йўталиб-йўталиб — Бобомурод Омоновдай ўласан-қоласан! Намунча анграясан? Ҳа, Бобомурод Омонов ўлди! Термиз кетган терговчиларим телефонда айтиб берди. Омонов ўз ажали билан ўлди, деб ўйлайсанми? Ана шу-да, барансан-да, баран! Омонов ҳам сендай оёқ тираб туриб олиб эди. Нимани сўраса — «Усмоhxўжаевга жавоб бераман-Усмоhxўжаевга жавоб бераман», деб туриб олиб эди. Охири... олгиничини олди! Ўлимичи этиб урдилар! Тепиб-тепиб — музхонага олиб кириб ташладилар! Етмиш яшар чол музхонага бардош берармиди?! Ана, ўлди-кетди! Бобомурод Омонов — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони эди, Улуғ Ватан уруши иштиракчиси эди, халқ депутати эди! Сен кимсан?! Итдай ўласан-кетасан! Йўқол, йигирма миллион баран, йўқол!

## 23

Юзтубан бўлиб ёта бердим.

Шунда, елкамдан тепки едим.

Мен бошимни кўтариб қарадим.

Бошимда «Садист» билан «Сокол» турди.

— Ҳа, чурбан?— деди «Садист»,— ўлиб-пўлиб қолмадингми?

— Ўлма, қўй, ўлма,— деди «Сокол».— Сен ҳали бизга кетмадингми.

— Нимага миқ этмайсан, гапир.

Мен дармоним йўқ, дея бош чайқадим. Ҳовучимни оғзим олиб бордим — сув, ипорасини бердим.

— Масала равшан,— деди «Садист».— Бечора чурбан оч.

— Ярим кечада қаердан тўқ бўлади,— деди «Сокол».

— Энди биратўла тамадди этади-да.

— Олдин ҳожат олиб бориб келайлик.

— Қани, қўлтигидан ол.

«Садист» билан «Сокол» ҳидоят қўлларини узатди.

Мени оҳиста-оҳиста тувак олиб борди.

Кўнглим «Садист» билан «Сокол» ҳидоятидан таскин олди.

«Урсалар-да майли. Шулар бўлмаса, холим не кечар эди?»— дея хаёлландим.

Бурчакда турмиш тувак олдида тик бўлдим.

— Тескари қараб туринглар,— дедим.

— Уяласанми? Йўғ-е?

— Уялади-да!— деди «Садист».— Ўзбеклар биров олдида ёзилиш уёқда турсин... Ўзбеклар тикка туриб чоптирмайди!

— Ор-номусли ўзбек халқининг садағаси кетсанг-да!— деди «Сокол».

«Садист» билан «Сокол» шундай дея-дея, тескари бўлиб турди.

## 24

...Мен чолворимни тортиб-тортиб тугмаладим. Мен тувакдан бир қадам олдин босиб турдим.

— Бўлди! Ана энди қарай беринглар!— дедим.

«Садист» билан «Сокол» тагин қўлтиқларимдан кирди. Тиззаларимдан олиб тош ўтиргизди.

Ажабдан бир «Садист» қарадим, бир «Сокол» қарадим.

— Нима қилайсизлар? Мен ўтириб бўлдим!— дедим.

— Энди... тамадди этамиз!

— Қани, палов егич қўлингни бер, қани.

«Садист» ўнг қўлимни олди. Тувак олиб борди. Кафтим-ни... тезагим босди.

— Ай, нима қилайсизлар, ай!..

— Сени тамадди эттирамиз.

— Бечорагина ҳолдан тойиб қолдинг.

— Бари томоқдан-да, томоқдан.

— Қани, ошамлаб-ошамлаб ол, қани.

— Ай, у тезак, у тезак!..— дея, типир-типир этдим.

— Нима фарқи бор?— деди «Садист».— Атала олдин қозонда эди. Қозондан косага ўтди. Косадан қорнингга ўтди. Қорнингдан тувакка ўтди. Мана энди... тагин қорнингга ўтади! Уша-ўша атала!

— Чин, у тешиқдан киради — бу тешиқдан чиқади!— деди «Сокол».

— Ҳа-да, фарқи йўқ! Фарқи — бир тешиқ юқорида, бир тешиқ қуйида!..— деди «Садист».

— Қани, катта-катта ол, қани!

Мен бармоқларимни юмадим. Мен бармоқларимни тик турдим.

— Ўлдир!— дедим.— Майли, ўлдир!..

— Йўқ, биз сени ўлдирмаймиз.

— Биз сени тамадди эттирамиз, тамадди.

Жойимдан турайин, дея талпиндим. Тувак оёқ тираб кучандим.

Мен «Садист» билан «Сокол»га куч бермадим.

Шунда, «Сокол» чуйдамдан босди.

Мен шунда-да куч бермадим!

Энди, «Садист» бўйнимни чатаноқлари ораси олиб-олиб бўғди. Кекирдагимга бошмалдоқ босиб-босиб бўғди...

Мен оғзимни каппа-каппа очдим. Ҳир-хир этдим.

«Сокол» қўлрўмол билан тезак олди. Мисоли палов ошатмишдайин-палов ошатмишдайин оғзим солди.

Мен ютинмадим — тезагимни оғзимда ушлаб турдим.

«Садист» бошимни чайқаб-чайқаб олди. «Садист» бошимни силтаб-силтаб олди.

Мен шунда-да ютинмадим!

«Сокол» ичимга созлаб-созлаб кўрмушт урди!

Ичим шилқ этди!

Ичим тортиди — тезагимни тортиб олди....

— Ош бўлсин!— деди «Садист».

— Ош бўлсин!— деди «Сокол».

— Уқчияпти... туйилиб қолди-ёв!

— Туйилиб қолса... тўқсон беш чой ичирамиз-да!

«Садист» тувакдан бир ҳовуч сийдик олди. Оғзимдан сийдик қуйди...

— Ош бўлсин!

## 25

— Бир йилдан ошди!— деди Иван Иванович Африка ола эшагидай оёқ тираб ётишингга ҳам бир йилдан ошди! Ёта бер, қайсар эшак бўлиб ёта бер! Ана шундай ўласан-кетасан!

— Бировга ўлим тиламанг. Ажали етган ўлади.

— Уласан! Бекордан-бекор ўласан! Хўш, ўласанг — сен баранин ким йўқлайди? Йўқлайдиган йўлбошчинг қолмади!

Мана, кулоқ сол: раисинг Ботиров зиндонда ётибди. Ижроқўм раисинг Холиқулов зиндонда ўз томирини ўзи кесиб ўлди!

Туманинг фирқа қўмитаси биринчи котиби Мирзабоев зиндон иккинчи қаваатидан ўзини ўзи ташлаб ўлди! Вилоятинг ижроқўми раиси Бекназаров зиндонда ўз жонига ўзи қасд этиб ўлди!

Вилоятинг фирқа қўмитаси биринчи котиби Каримов зиндонда ётибди. Ўзбекистон ички ишлар вазири Яхёев зиндонда ётибди. Ўзбекистон Бош Прокурори Бўрихўжаев зиндонда ётибди. Ўзбекистон Бош Вазири Худойбердиев зиндонда ётибди.

Ўзбекистон Жумхурияти Марказий Қўмитаси биринчи котиби Усмоhxўжаев зиндонда ётибди! Ана, раисингдан тортиб пошшонггача зиндонда ётибди! Бор бошпаноҳинг зиндонда ётибди! Хўш, энди сени ким йўқлайди?

«Чин, чин,— дея ўйлаб қолдим.— Раисимиздан тортиб, пошшонггачайин зиндонда ётибди-я!»

— Зиндонимда йигирма тўрт минг бўлдиларинг — йигирма тўрт минг! Бари зиндонбандларим — Йўлчи Юлдуз зиндонбандлар! Зиндонимда тўртга Марказқўм котиби ётибди — Усмоhxўжаев, Айтмуродов, Салимов, Абдуллаева! Зиндонимда йигирмага генерал ётибди! Генерал Яхёев... Дунёда генерал зоти тўлиб ётибди, баран. Лекин ўзбек Яхёевдай камдан-кам топилади. Ўзбек Яхёевдан Москва генераллари

хам сабоқ олар эди. Москов генералларидан битта Шчелоковни ўзбек Яхёев билан ёнма-ён қўйса бўлар эди. Бошқа генераллар ўзбек Яхёев олдида ўта берсин эди. Ана шу Яхёевдай йигирмата генералнинг зиндонимда ётибди! Зиндонимда саккиз та вилоят котиби ётибди. Зиндонимда ўнта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ётибди! Ўнта Социалистик Меҳнат Қаҳрамониям Ўзбекистон юлдузлари! Жами йигирма тўрт минг йўлчи Юлдузинг зиндонимда ётибди!

Иван Иванович зўрма-зўраки илжайди.

— Йўлчи юлдузларингни бола-чақаси-ю, қариндош-уруғларинг зиндонимда ётибди!— дея илжайди.— Пошшонг Усмонхўжаевни йигирма учта бола-чақаси билан қариндош-уруғи ётибди! Биласанми, пошшонг Усмонхўжаевни зиндонбанд этиш учун ким қўл қўйди? СССР Олий Совети Президиуми раиси ўртоқ Громико қўл қўйди, Громико! Хў-ўш... Каримовни йигирма битта бола-чақаси ётибди! Худойбергановни ўн бешта бола-чақаси ётибди! Камолов, Ражабов, Жабборов дегичларни саккиз-тўққизгалаб бола-чақаси зиндонимда ётибди!.. Қаҳрамон Оналаринггача! Зиндонбандим Саидова ўн иккита фарзанд онаси бўлади! Зиндонбандим Долиева ўн битта фарзанд онаси бўлади! Зиндонбандим Матғомова ўн битта фарзанд онаси бўлади! Зиндонбандим Алимова тўққизгалаб фарзанд онаси бўлади...

Иван Иванович илжая-илжая чой ичди.

— Анави пайгамбарингни оти нима эди... Хў-ўш... хотирам ўлди-а... Афсус, ўша пайгамбарингни қўлига кишан солишга улгуролмадим, афсус. Худо мендан олдин жонини олиб қўйди! Ўша пайгамбарингни оти нима эди...

— Мухаммад пайгамбар.

— Йўқ-йўқ... Хў-ўш... Шароф Рашидов! Афсус, Шароф Рашидовингни зиндонбанд этишга улгуролмадим, минг афсус! Лекин биз пайгамбарингни гўрида тинч ётишга қўймаймиз! Биз Рашидовингни гўридан итни ўлигидай чиқариб отамиз! Ўртоқ Ленин хиёбонида ётишни Рашидов баранингга ким қўйибди? Йўқ, биз Рашидовингни гўридан қовлаб оламиз! Рашидовингни қайси бир бурчакка олиб бориб кўмиб ташлаймиз!

Иван Иванович пўриллатиб-пўриллатиб чой ичди.

Иван Иванович қиборона-киборона айтди:

— Энди... Ўзбекистон тож-тахтини ўзимиз бошқарамиз! Ўзбекистон Марказқўми котиби Анишчев, Ўзбекистон Халқ-Назорати Қўмитаси раиси Ефимов, Ўзбекистон Бош Прокурори Бутурлин, Бошкент шаҳар бош прокурори Тёркин, Тошкент шаҳар фирқа қўмитаси биринчи котиби Сатин... Жами ўттизгача азамат! Азаматларни Москов юборди! Насиб бўлса ана шу азаматлар Ўзбекистонда пичоққа илашадиган ўзбекни омон қолдирмайди! Насиб бўлса — ана шу азаматлар бош кўтарган ўзбекни бошини янчиб-янчиб келади! Насиб бўлса — ана шу азаматлар кўзи очилган ўзбекни кўзини ўйиб-ўйиб келади!

Девордан садо бўлди — мендан садо бўлмади.

Мен тошдай-тошдай бўлиб ўтира бердим.

Иван Иванович хориқулда айниди...

Иван Иванович заҳар юз бўлди.

Иван Иванович тана кўз бўлди.

Иван Иванович қалт-қалт қўл бўлди.

— Ҳали зиндонбандларим эллик мингта бўлади! Ҳали зиндонбандларим юз мингта бўлади!— дея лик этиб турди.— Пичоққа илашажак ўзбек — омон қолмайди! Ўзбекистон — тутдай қаллак бўлади!

## 26

«Садист» бир тарафимлаб келди. «Сокол» бир тарафимлаб келди.

Мен апил-тапил туриб ўтирдим.

— Тун совуқ келди, чурбан, — деди «Садист».

— Тикилиб ётайлик, исиб ётамиз, — деди «Сокол».

«Садист» билан «Сокол» ўнг-чапимни олиб ўтирди.

— Чурбан, — деди «Сокол». — Биласан, мен Шўро ҳукуматида нафратланаман!

— Мен эса жирканамаман! — деди «Садист».

— Аммо яшаб қолиш керак!

— Зиндонда бўлса-да, одамдай яшаб қолиш керак!

— Ташқаридан ичкилик олиб турамыз.

— Тарёк олиб турамыз.

— Олди-бердимизни Шўро қонунбозлари билади.

— Шўро Бош Прокуроригача билади!

— «Юла»дан бошлаб Бош Прокуроригача бизнинг дастёрлигимизни қилади!

— Бош Прокурор дастёримиз бўлгач — емакни қусмоғи-ди бўлади...

«Садист» билан «Сокол» билаларимдан олди. Қўлларим-

ни кетим қайирди-кетим қайирди — елкам олиб борди.

Қўлларим қирс-қирс этди.

— А-а-а-ай!...— дея овоз бердим.

«Садист» билаларимни бир нима билан ўраб-ўраб бойлади.

Мен тишимни тишимга босиб-босиб турдим.

«Сокол» бўйнимдан босди.

Мен юзтубан энкайиб-энкайиб турдим.

Мен тиззаларимни йигиб-йигиб турдим.

«Садист» чолворимни қўшқўллаб тортқилади.

— Оёқларингни ёй!

— Тиззаларингни оч!

Мен жон-жаҳдим билан тиззаларимни қапиштириб-қапиштириб турдим.

— «Сокол», синдир оёгини, синдир!

«Сокол» этик учи билан тиззаларим кўзилаб-тизаларим кўзилаб тенди.

Тиззаларим этик тепкиларни кўтаролмади. Тиззаларим ўз-ўзидан ёйилди.

Шунда, чолворим лип этиб тушди...

— Бай-бай-бай!— дея, «Садист» қуймучларим шапатиллади.— Тарвуз, мисоли тарвуз!

— Умр бўйи ётиб егач... тарвуздай бўлади-да!

— Билқиллайди-я, билқиллайди!— дея, «Садист» қуймучларим шапатиллади.

Мен бор овозим билан бақирдим:

— «Юла»-а-а-а!..

— Бақирма, чурбан, бақирма! Ярим кечада «Юла» қолдим!

— «Юла»-а-а-а!..— дея, йиглаб-йиглаб қўя бердим.

— Бақирма деяпман!

— Нима... қизмисан?

— Қизмидингки... дод дейсан?

— «Юла»-а-а-а!..— дея, йиглаб-йиглаб қўя бердим.

Осмон — тош бўлди. Ер — тош бўлди. Девор — тош бўлди...

— Айтаман, «Садист»бой, айтаман!— дея, йиглаб-йиглаб ёлбордим.

— Ана энди ўзингга келаяпсан!— дедилар.

— Қўйберинг, «Сокол»бой, мени қўйберинг!— дея, ёлбориб-ёлбориб йигладим.— Айтаман, «Садист»бой, мана-мана айтаман!

— Ана энди эсинг кирди!— дедилар.

Мендан қўл олдилар.

## 27

Оппоқ қоғоз тикилиб-тикилиб шайландим. Қалам ушлаб-ушлаб шайландим.

— Қани, ёз, қани, — деди Иван Иванович.— СССР Бош Прокурори ўринбосари ўртоқ Сорокога...

Иван Иванович айтиб-айтиб турди.

Мен битта қолдирмайин, битиб-битиб турдим.

— Қани, менга бер, қани, — деди Иван Иванович.— Ай, кучингдан, жигит! Ана энди жигитмисан-жигит бўлдинг! Шугина гап учун Шўро қонун посбонларини бир йилдан зиёд қийнадинг-а!

— Энди... уст-бошимни берсангиз деб эдим.

— Уст-бош? Уст-бошни нима қиласан?

— Манави зиндони уст-бош билан қишлоқ бориб бўладими? Эл-юрт нима дейди? Дўст бор, душман бор...

Иван Иванович оғиз ушлаб-оғиз ушлаб кулди.

Иван Иванович бет чангаллаб-бет чангаллаб кулди.

Иван Иванович кўз артиб-кўз артиб кулди.

— Ҳай, жигит-ай, жигит-ай!..— деди.— Айт, тагин нима қилай?

— Тагин... мени кечаси бир маҳалда олиб келиб эдилар. Мен бедирамдан-бедирам келиб эдим. Шу боис... айта берайинми?

— Айт-айт?

— Шу боис... бир-икки сўм йўлқира қара бериб турсангиз... деб эдим. Бола-бақрам олдига эсон-омон етиб борсам армоним йўқ... Омонатингизни чақама-чақа жўнатаман...

Иван Иванович хандон-хандон кулди.

## Х БОБ

### 1

Сайёр суд Денов пахта заводи маданият саройида бўлди.

— Жойингиздан тулинг, суд келаяпти!

Эл-юрт тўла сарой бир қалқиб олди.

— ...Айбдор Жамолиддинов Дехқонкул Акрабовичга сўнг-сўз берилади!

Бола-бақраларим қошимда бўлди.

Хеш-ақраболарим қошимда бўлди.

Кўнгил етарларим-да қошимда бўлди.

Унда, тагин кимим... тагин кимим йўқ бўлди?

— Шу... шу, далаларимни бир кўриб кетайин, — дедим.

— Кимни-кимни? — деди қозикалон.

— Далаларимни бир кўриб кетайин...

Қозилар ўзаро қарашиб-қарашиб олди. Қозилар ўзаро бош иргашиб-бош иргашиб олди.

— ...Жамолиддинов Дехқонкул Акрабович Ўзбекистон Жумҳурияти жиноят тузугининг 153-моддасига биноан... сак-низ йил муддат билан озоликдан маҳрум этилади!

Эл-юрт тўла сарой бир йиғлаб олди!

## 2

Зиндонмашина равон-равон юрди. Зиндонмашина дўқиб-дўқиб юрди.

Зиндонмашина бир жойда манзил этди.

Темир эшик ланг очилди.

Қизил аскарлар автомат билан туш, ишорасини берди.

Мен зиндонмашинадан тап этиб тушдим.

Фавқуллода ёруғдан кўз очолмадим. Кўзларимни чирт юмиб турдим.

Оҳиста-оҳиста кўз очдим...

Ўзимни... ўзимни шийпонимиз олдида кўрдим!

Теварак-бошим далаларим бўлди.

Далаларим сокин-сокин бўлди.

Далаларимдан қаргалар учиб-қўниб турди.

Далаларимда қорамоллар ўтлаб-ўтлаб юрди.

Ўзалар шипшидам ғўзапоя бўлди.

Ўзапоялар шумшук-шумшук бўлди. Ўзапоялар сариқ-сариқ бўлди.

Ўзапоялар буй-бастидан... ушбу йил ҳосили мўл-мўл бўлди!

## 3

Қизил сорбон бир далаларим қаради, бир мен қаради.

«Мана, далаларинггада олиб келдик, демини бўлди.

Хўш, энди нима дейсан?» — демини бўлди.

— Ну? — деди Қизил.

Қизил! Далаларимда Иван Ивановичлик этмай тур, энди.

Далаларим билан омон-эсонлашиб олайин, энди.

Қизил! Далаларимда Иван Ивановичлик этмай тур, энди.

Кўнглим туб-тубида куюкларим бор, куюкларим... Куюкларимни далаларимга ёрайин, энди. Куюкни куюк олсин, энди...

## 4

— Ну? — деди Қизил.

Иван Иванович! Пича оёқ ил, энди.

Далаларим билан қайр-хўнлашиб олайин, энди.

Далаларим боболарим аччиқ-аччиқ кўз ёшларидан дала бўлди.

Далаларим оталарим шўрпешона терларидан дала бўлди.

Далаларим аёлларим гулдай хазон умридан дала бўлди.

Далаларим — боболарим шўр-шўр пешонаси.

Далаларим — оталарим яғир-яғир елкаси.

Далаларим — аёлларим хазон-хазон умри.

## 5

Мен... далаларимни дея, қайтиб келаман!

Тупкани тагидан бўлса-да, қайтиб келаман!

Ана шунда шўртупроқ даламга аъло нав пахта экаман. Ундан аъло-аъло тола оламан.

Қумлоқ даламга мой бергич пахта экаман. Ундан хуштаъм-хуштаъм пахтамой оламан. Тўйимли-тўйимли пахтамой оламан.

Оқтупроқ даламга оқлик мўл пахта экаман. Ундан егулик оқлик оламан. Ичгулик оқлик оламан.

Мен қайтиб келаман!

Мен ҳали далаларимда электр моторли тракторлар миниб тер тўкаман. Кун нури билан юргич тракторлар миниб тер тўкаман. Олти гилдиракли тракторлар миниб тер тўкаман.

Мазкур тракторлар қар-қарламайди — билинар-билинимас одимлайди!

Кабинасида барча шароитлар муҳайё бўлади: митти совут-

гичи бўлади. Митти музхонаси бўлади. Митти чой қайнатгичи бўлади. Тайёралардагидай чаноқ-жўмраги бўлади.

Мен қайтиб келаман.

Етти иқлимдан бўлса-да, қайтиб келаман.

Ана шунда пахтамни чўткали-чўткали машина билан йиғиб-териб оламан.

Машина билан бир оралабоқ териб оламан. Бошқа қайтиб дала ораламайман.

Йиғим-теримни бош-адоқ бир машина билан бажараман. Бир вақтни ўзида бажараман.

Машина аъло тола пахтамни алоҳидалайди, мундайроқ тола пахтамни алоҳидалайди.

Айни вақтда пахтамни хас-чўпдан покизалайди. Чанг-ғу-бордан фориглайди.

Толани бир ёқди этади, чигитни бир ёқли этади.

Пахтамни ўзи тахлайди, ўзи тойлайди. Тойларни юк машина жойлайди.

Юк машина пахтамни далаларимдан фабрика олиб жўнайди.

Мен қайтиб келаман.

Етти қават ерни остидан бўлса-да, қайтиб келаман.

Мен далаларимни дея, қайтиб келаман.

Мени далаларим қайтариб келади...

1986—1991 йиллар





Вафо Файзулло

## ЯШИЛ БАЙРОҚЛАР

Вафо Файзулло — 1963 йил Навоий вилоятидаги Жалойир қишлоғида туғилган. 1986 йил Тошкент дорилфунуни журналистика бўлимини тугаллаган. Ҳозир «Ешлик» жўрнали таҳририятида хизмат қилади.

1990 йилдан буён жумҳурият вақтли нашрларида, адабий тўпламларда шеърлари билан қатнашиб келади. Унинг машқларида ўзига хос образлар, ўхшатишлар, нозик кузатишлар силсиласини кўрамиз. Вафо Файзулло сўз қўллашда ҳам, шаклда ҳам, оҳанг танлашда ҳам бошқаларга ўхшамасликка интилади.

### МУАЛЛИФ ДЕЙДИКИ:

Инсон кўнгли ҳам бир дала.  
Унга икки улкан ҳайратнинг йўқолмас  
уруғлари тушган. Булар Раҳмон  
ва Шайтон. Инсон улғайган сари  
улар ҳам улғаяди. Кураш тушиб,  
зўри ожизини маҳв этиб боради.  
Шу боис кўнгил қатл майдони ҳам,  
меҳроб ҳам. Шайтоннинг кураш  
йўллари бир талай. Қўллари ҳам иккита  
эмас, кўп. Қиличлари эса ҳисобсиз.  
Қўли «калта», йўли юрилмаган, ўзи ёлғиз  
Раҳмон кўпинча бор қиличларини ҳам сермашни  
хоҳламайди. Бу хоҳиш ҳам бир қилич.  
Озиғи хўрлик, тотли дамлари азоби ортгани сари  
қилич ўсади.  
Шуларни ўйласам ҳаёт ва қаёл гирдобиди қоламан.  
Мени тушкунлик ўраб келади. Тушкунликни эса  
ҳаётга муҳаббат бўғайди. Бугун яшаш учун  
бўлаётган янгича кураш алқисса  
дилда янги  
умидни куртаклатмоқда. Эҳтимол, у ҳам нодонлик,  
адашув гунчаси бўлар. Лекин бўлғуси чинакам  
адабиётнинг қалдирғочлари ҳам мана шу  
тушкун авлод вакиллари орасидадир.

### Умид

Умид — ёнган юртга аллоҳ висоли,  
Умид — вайрона дил ичаётган қон.  
Умид — тентак тутган камон уволи,  
Умид — тупроқлигин англаган осмон.  
Умид — куз адоғи, баҳорий ҳавас,  
Умид — ўлган қулга ўлмаган жони.  
Умид — қора кафан ичида нафас,  
Умид — горда беҳол тилсима нони.  
Умид — бепоён дашт, гунг-гаранг бўри,  
Умид — соҳилларнинг аралаш руҳи.  
Умид — Мажнунбекнинг охирги гўри,  
Умид — туман туни, йўл солган туғи.  
Умид — парча-парча, олинмаган тан,  
Умид — адоғи йўқ тулки таоми.  
Умид — Ватан, энг улуг Ватан,  
Умид — мамот, ҳаёт саломи...

\* \* \*

Баҳор эргашади телба изимдан,  
Овозим лолаларни туширар рақсга.  
Майли тушунмаса одамлар мени,  
Қари қоқигулни чорлайман баҳсга.

Баҳор англай билар содда кўнглимни,  
Чайқалиб жаранглайди яшил суралар.  
Итлар кашф қилади йўлсиз йўлимни,  
Менга ишонади фақат турналар.

Ииғласа ҳам алқаб келар лайлаклар,  
Рухим Бухоронинг ташна минори.  
Каллак тутлар — каллакланган журъатлар,  
Субҳлар устихонин санар баҳорнинг.

Қалдирғоч уя қўяди хор-зор кўзимга,  
Полапони ёзилмаган дардлар элчиси.  
Қарарман шоҳлар янглиғ дала-тузимга,  
Баҳор эргашади телба изимдан...

## Тушдаги хаёллар

1

Дарё сендан йироқларда ҳасрат ўзани.  
Шаҳар кўлмаклари раққос тиланчи.  
Гуноҳ туғиб олган тўқсон тўққиз ваз,  
Бир тийинга арзитмайди қаҳринг ўланчи...

Савдойи баҳор саси боқмайди қиё,  
Ор биларлар атиргуллар кулмоқни.  
Қашшоқ хиргойиси булбулигўё.  
Гунг тилинг нега севар дор бўлмоқни?

Куласан, қийшанглайсан ўзингча-ўзинг,  
Изғийди борлигингда занжирбанд шубҳа.  
Англари юрагингни хизматчи бўғзинг,  
Итлар ётмайдиган тўшагинг, қара.

Йўқ олам тушунадиган бирорта банда,  
Нусха олишга саз товуқ сийратлар.  
Олмалар ёзиқ ёзар ҳар кун азонда,  
Кафани субҳи содиқ марҳум ҳайратлар...

Ким саҳобанг, айтгин, ким ёри дўстинг,  
Арвоҳи чақиради каллак тутларнинг.  
Сен гумонни эмас, ниймонни қусдинг,  
Осмонни тешкилайди Исо бутлари...

2

Дарахтларнинг куртагида кимлар яширинган?  
Беадоқ тунги дала, изғийди хаёл.  
Утган кунлар йиртиқ, қувраган мактуб,  
Телба тополмайди торига тимсол.

Рўздор чол-ўрик ўқийди такбир,  
Чиқиши кутилади янгитдан тили.  
Тупроқнинг манглайига ёзилган тақдир,  
Бўриларга байрам қўй йили...

Мақсад топилади, бўлса нону ош,  
Кулган ковушини осоди ғийбат.  
Нега йўқолмайди бағри ўйиқ тош?  
Кўклам кўпкарида қонаган сийрат.

Боғлар ҳали замон бўлади она,  
Келинлар ёрларининг бўйнида нолон.  
Токлар — Хайём бобо, сипқорилар ёна,  
Тупроқ осмондадир, тупроқда осмон.

Нигоҳ талашади қийчи малика,  
Ошиқ куйиб-куйиб тўкилар сочи.  
Кўнглим бир чақадир, бўзловим бақа,  
Кўнглининг қизларига келади совчи.

Ҳеч ким ишонмайди топилса ВАФО...  
Дилинг бунча чуқур уятчан сунбул.  
Этагинг уфуради мунаввар ҳаё,  
Бошим саждадир, йиғлаб қувонгил...

Сунбула даштлардан чиқиб қочади,  
Қаҳратон кафани устим ёпади,  
Кўклам бўлса мени тирик топади  
Менинг куним яқин, келақол, сахар!

Бўғзимда ашки суғд норлар келяпти,  
Нафасим осилган дорлар куляпти,  
Дунёни асраган ғорлар йиғлаяпти,  
Менинг куним яқин, эшик оч, шафақ!

Қорайтиб ташлади оқшом номимни,  
Майли, чайнаб егин қотган номимни,  
Садқа қилай сенга телба қонимни,  
Менинг куним яқин, туғилгин, қуёш!

Кўпкари соғинтирган далалар тақир,  
Бобомни аллалаган аллалар айқир,  
Чўкиб кетсам қани, бу ҳам бахт, тақдир,  
Менинг куним яқин, тўлиб оқ, дарё!

Калтакланган қулдек ҳислари нимжон,  
Суйиб, суйдиролмайд оҳанг бағри қон,  
Қалби кўр ғолибу ишқ рамақижон,  
Менинг куним яқин, тўлғоқ тут, замин!

Омин,  
Омин!

## Хизрнинг

### яланғоч нафаслари

Уялди беҳаёллардан,  
Севинди камсуқумлигига...  
Нимани топди дунё?

\* \* \*

Ғуссанинг келбатига қара.  
Соф кўрар боғни ғусса,  
Яғринида баҳор қабри...

\* \* \*

Туманда ишқи туман,  
Гўзалдан гўзал дала —  
Гўзалдан гўзал келин...



## «ҚАЛБИМДА ИШҚ ЭМАС, ИЛОН БОР ЭМИШ...»



- Бу галги суҳбатимиз мавзуи ҳам, унга сабаб бўлган хоним ҳам ўзининг «касб-кори» билан Сиз билган кишилардан тубдан фарқ қилади.
- Фожианинг илдизлари қаерда ўзи?
- Ҳеч ким онадан ўғри ё зинокор бўлиб туғилмайди.
- «Айниқса, ёш ўтиб борган сайин дунё кўзимга қоронғу бўлиб кўринаверади...», дея надомат чекади у.

*Суҳбат муаллифи Ш. ҲАМРОЕВ*

Дунё бино бўлганидан буён эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш адо бўлмайди. Кишини хайратга соладиган хол шундан иборатки, табиатнинг энг нодир мўъжизалари аксар ҳолларда бадқирдорлар тасарруфида бўлади. Бу тансиқ неъматлар улар томонидан поймол этилади. Баъзан тенгсиз чирой соҳиби бўлган санамлар не номаъқулчилик билан машғул эканлигини англаб, ёқа ушлайсиз.

Тахририятимизга яқинда сулуvgина хоним кириб келди. «Мен аянчли қисматим, йўк, йўк, инсон боласи ҳаётидаги энг мудҳиш хатолик, тузатиб бўлмас қилмиш, тасаввур этиб бўлмас йўқотишлар ҳақида айтиб бермоқчиман,— деди у.— Бир шартим — шуни ёзиб чиқарсангизлар. Зора, айримларга сабоқ бўлса! О-о, қани энди менинг аҳволимни тушунсангизлар эди. Ортик бу юкни кўтариб яшаб бўлмайди. Бу қандай кўргулик бўлди? Тавба қилдим, тавба қилдим, худойим!..»

Кўз ёшлари унинг юзларини ювиб тушар эди. Уламолар дедиларки, «Тавба ҳар бир гуноҳдин вожибдур, агар гуноҳ Худо ила банда ўрталаринда бўлиб, ҳеч бир инсонга тааллуқли бўлмаса, мундоғ гуноҳ тавбаси учун шарт бордур. Биринчи шарт, гуноҳдин алоҳида бўлсун, иккинчи шарт, гуноҳ қилғонига пушаймон бўлсун, учинчи шарт, мундин кейин мундоғ ишни ҳаргиз қилмай деб аҳд қилсун».

Азиз ўқувчи, бу галги суҳбатимиз мавзуи ҳам, унга сабаб бўлган хоним ҳам ўзининг «касб-кори» билан Сиз билган кишилардан тубдан фарқ қилади. У... Ҳа, у шунақа. Бугун биз тан оламизми ёки йўқми, ҳаётда шундай тоифа мавжуд. Бундан ўн йиллар мукаддам меҳмонхона ёхуд вокзалларда жуда бемалол ивирсиб юрган кўримсиз «хоним»ларни учратиш мумкин эди. Булар — «ҳаёт» чақиб ташлаганлари. Уларга, табиийки, ачинишга нисбатан кўнгилда кўпроқ нафрат уйғонади. Бирок мабодо сиз ўн гулидан бир гули очилмаган кизни шу аҳволда учратиб қолсангиз-чи? Албатта, юрагингиз туз сепгандай ачишади. «Қандай куч унинг бошқўзини айлангирди? Бу йўлга бошлаган нима ўзи?!» дея ўйга толасиз. Рўй-рост айтар бўлсак, бу саволга ҳали ҳеч ким тузук-қуруқ жавоб берганича йўк. Ким билади,

эхтимол биз фожиага шундай лоқайд карашга одатлашиб қолгандирмиз. Балки бу кўпчиликка фожиа сифатида туюлмас ҳам. Зеро, масаланинг моҳиятига жиддий назар солсак, бунинг учун фақат киз бола айбдор бўлиб чиқмайди-ку.

**Йўк, сени алдаган, биров алдаган,  
У сени севгандир, йўк, йўк, севмаган.  
Кўксингга чиройли ўқлар қадаган,  
Бировлар алдаган, биров алдаган,—**

дейди шоир. У ҳақ. Аммо биз ўша — «сахна» ортидаги биров, яъни кўргуликнинг асосий айбдори ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Афсуски, бугунги кузатишларимиз ҳам уларга деярли дахлдор эмас. Биз алданган шўрпеша кўнгилга қўл солдик. Гап шу ҳақда.

Исму шарифини сир тутишни илтимос қилди у. Демак, ҳали тамомила адо бўлмаган. Шу боис шартли равишда унинг исмини Озода дея атадик.

— Ҳеч ким онадан ўғри ёки зинокор бўлиб туғилмайди. Боланинг юзини тонгда фаришта ювиб қўяди, деган гап бор. Аммо ўша маъсумлик, беғуборлик инсонга бир умр йўлдош бўлиб қолмас экан. Одам боласи унибулғайиб, бағри сиру синоатга тўла ҳаёт қўйнига кириб боргани сари йўлдан оғиш, хатолик, хиёнатга бўлак турфа қулфатлар бошига тушаверар экан. Қизиги шундаки, жабр чекадиган ҳам унинг ўзи. Албатта, ҳеч ким иллатнинг бу кўчасига ўз инон-ихтиёри билан бош сукмайди. Бунга кимдир ёки қандайдир воқеа муқаррар сабабчи бўлади. Озода, сиз дилингизда неки бор бўлса, барчасини тўкиб солмоқчисиз, айтинг-чи, ҳаммаси нимадан бошланган? Шу йўлга киришга сизни ким мажбур этган эди?

— Гапингиз ўринли. Бу шунчаки, ўз-ўзидан бошлангани йўк. Энди ўн саккиз ёшга тўлган чоғимда бир мудҳиш воқеа рўй берди-ю, ҳаётимни буткул издан чиқариб юборди. Бу йўлга киришимга ҳам аслида шу воқеа

сабаб бўлган. Худонинг қарғишига қолган ўша кунни ўла-ўлгунимча ҳам унута олмасам керак. Аммо ўшанда...

— **Қандай ҳодиса рўй берган эди?**

— Буни ҳозир сизга айта олмайман. Кишининг ҳаёт-то эслагиси келмайдиган қалтис бир томони бор...

— **Зино ҳам суюқ суради дейишади...**

— Йўқ, йўқ, ундай деманг! Ота-онам бундай кўчага ҳеч қачон қадам босмаган, улар пок, иззатли кишилар. Отам ҳам, онам ҳам менинг қандай «ишлар» билан шуғулланиб юришимдан ҳатто беҳабар.

— Унда?..

— Агар, жуда кизикаётган бўлсангиз, яхшиси, келинг, мен сизга ўзим жуда яхши билган бир дугонам қандай қилиб шу кўчага кириб қолганлигини айтиб берайин. Зеро, менинг тақдирим ҳам қайсидир жиҳати билан уникига жуда ўхшаб кетади. Унинг исми Р. Ҳозир ёши йигирма учда. Бадавлат онлада туғилган, болалигидан яхши тарбия олган. Ўрта мактабни тугатгач, олий ўқув юртига ўқишга кирган, кейин бир йигит билан танишиб қолган. Р. унга кўнгли қўйган. Бахтга қарши йигит анча камбағал оиладан экан. Шунга қарамай, Р. у учун ҳар нарсага тайёр бўлган. Ўқишига қўмақлашган, тез-тез унга асл кийимлар совға қилган, чўнтагига жарак-жарак пул солиб қўйган, Хуллас, севғилиси неники истаса, барчасини Р. мухайё қилган. Орадан икки йил ўтгач, уйдагилар уларни унаштириб қўйишган. Бахтга қарши, тўй арафасида Р.нинг яқин бир қариндоши қазо қилган ва тўй ортга сурилган. Бу орада бўлажак куёв ўқишини сиртки бўлимга ўтказган ва Р.нинг отаси уни тузуккина амалга «ўтказиб» қўйган. Аввалига ҳаммаси одатдагидек кечган, яъни улар бир дақиқа кўришмаса бир-бирини соғинишган, бир-бирисиз тура олмаган. Уларга ҳамманинг ҳаваси келган. Ҳозир ўша дамларни эслаб, ўқисиб-ўқисиб йиғлайди у. Лекин бу бахтга чайилган мавсум дамлар унча узок чўзилмаган. Йигит катта ишда ишлаб бошлагач, пули ортанми, бошқами, ишқилиб, табиатида ўзгариш пайдо бўлган. Ҳар доим атрофида гирдиқапалак Р.ни энди негадир хуш кўрмай қолган, ундан ўзини олиб қочган. Онда-сонда учрашган пайтлар ҳам турли хил баҳоналар билан Р.дан пул ундириш пайдидан бўлган. Р. ота-онасидан олган борки пулини унга берган. Кейин... ҳадеб улардан пул сўрашга юзи чидамай кийим-кечакларини сотган, хуллас, у айтган пулни топиб берган-да. Бу «мусобақа» шу даражага етиб борганки, бир гал йигит ундан роппа-роса ўн минг сўраган. У замон бу жуда катта пул ҳисобланар эди. Йигит машина сотиб олмоқчи экан. Ноинсофликни қаранг. Р.нинг ўзида бунча маблағ бўлмаган, албатта. Қаердан топишни билмай роса бош қотирган. Агар пул топиб, элтиб бермаса, йигит ташлаб кетишидан қўрққан. Шу таҳликада қаёққа бош урарини билмай юрган кунларидан бирида кимдир *ҳалии йўл* билан оппа-осон пул ишлаш мумкинлигини айтган. У: «Агар сен шунга рози бўлсанг, менинг бойвачча танишларим бор, истаганингча пул беришга уларнинг қурби етади», деган гапни ҳам кистириб ўтган, албатта. Р. аввалига дугонаси нимани таклиф этаётганини англаб, қўриқиб кетган. Бирок оқибат пул топишнинг бўлак йўли бўлмагач, бир томонидан «қани пул?» дея йигит кисталанг қилиб турган, кунларнинг бирида ноилож шу таклифга рози бўлганини ўзи ҳам сезмай қолган. Дугонаси уни пул билан ўйнайдиганлардан бирининг олдига бошлаб борган ва Р. шу тарика синган... Йигит Р.дан яна ниманидир баҳона қилиб тагин катта маблағ тилаган. Р. яна ўша «даргоҳ»га бош эгиб боришга мажбур бўлган... Кунларнинг бирида у қандай йўл билан пул топаётганини йигит билиб қолган, тўғриси, бир аччиқ сабабга қўра унга вақтида йўл кўрсатган дугонаси чакқан. Афтидан, йигитнинг ўзи ҳам шундай бир баҳона топа олмай юргану, дунёни бошига кўтариб, ғавғо солган, фотиҳани бузган, Р.ни «бузук» дея номини етти иқлимга ёйган.

Шармандан шармсорлик. Ҳозир Р.га ҳеч вақонинг кизиғи қолмаган. Ҳаётдан буткул совиб кетган у. Ичади,

чекади, пулга муҳтожлик сезганда эса дуч келган киши измига юради.

Албатта, Р.нинг қисмати жуда аянчли. Аммо начора. Ҳаёт эканда...

С. исми бир кизни биламан, унинг ёши йигирма иккида. Айтиш керакки, унинг болалиги нобоп муҳитда кечган. Онаси азалдан шу йўлга кириб кетган экан. С. эсини таниганидан буён уйларидан суюкоёқ эркакларнинг қадами узилмаган. Хуллас, С. ҳаммасини кўриб-билиб яшаган. У ўрта мактабни тугатгач, институтга киришга ҳаракат қилган. Аммо омади чопмаган. Шу боис ўша шаҳардаги бир комбинатга ишга кирган, бироқ бу ерда атиги икки ой ишлаган, холос. У пешона тери билан ҳалол пул топиш қанчалик қийин эканлигини англагану меҳнат қилишга ортик бўйни ёр бермаган. Онасига илакишиб юрадиганлардан бири келаси йил ўқишга киритиб қўяман, дегану шунинг эвазига... Шушу, С. бу йўлга кириб қолган. Ҳозир у ҳам ичади, чекади, пул учун ҳар қандай «хизмат»дан қайтмайди. Бу фожиа унинг ҳаёт тарзига айланиб қолган.

Қисқаси, мен билган айрим кизларнинг бу йўлга киришига аслида шунга ўхшаш бирон бир воқеа сабаб бўлган.

— **Энди айтинг-чи, топилган пулларни кизлар нимага сарфлашади? Аниқроғи, пул ўзларига татийдими?**

— Нега энди татимас экан, албатта татийди. Улар бу пулни ниманинг эвазига топишаётганини сиздан кўра яхшироқ билишади. Сарф-харажатни ҳам ўрнига қўйишади. Пулнинг катта қисми, табиийки, кийим-кечак, бўёқ-сўёқ, пардоз-андозга кетади. Ҳар қандай ламда ҳам улар энг сўнгги русумда кийинишади. Упадлик ҳам фақат хорижники бўлиши лозим... Еб-ичиш борасида ҳам ҳеч кимдан кам эмас улар. Ҳатто айримлари топган пулининг маълум қисмини «қора кун» учун асраб қўйишни ҳам унутишмайди.

— **Бундай иш билан шуғулланишни қонун таъқиқлайди. Бундан ташқари, бўлак хавф-хатар ҳам йўқ эмас, шундайми? Сизларнинг хавфсизликларингизни ким таъминлайди? Кимга ишониб эмин-эркин ҳаракат қиласизлар?**

— Қонун бу саъйи ҳаракатга табу қўйганлиги рост. Бизни чўчитадиган жиҳат аслида шу. Мабодо фалокат босиб, қўлга тушиб қолинса борми, қандай кўргуликлар бошимизга ёғилишини яхши биламиз. Аммо биз кўрқадиган асосий хавф бу эмас. Бошқа хатарлар ҳам кўп. Барчасини бирма-бир санаб ўтиш шарт бўлмаса керак. Ҳар қалай, ўзингиз тушунасиз. Бизнинг хавфсизлигимизни таъминлайдиганлар масаласига келсак, шундай куч йўқ эмас, бор. Улар бизнинг хатарсиз юришимизни таъминлай олади. Шу боис ўзимизга «мижоз» излаб кўча-қўйда, вокзалу ресторанларда санкиб юрмаймиз. Бу юмушни ўшалар бажаради. Пул топиш учун шубҳали туюлган ҳеч бир ишга бош сукмаймиз. Бизнинг асосий вазифамиз — белгиланган вақтда, тегишли жойда кутаётган кишининг кўнглини олиш, холос.

— **Сизнинг дахлсизлигингизни таъминловчи даромадга шерик бўладими?**

— Албатта-да. Унга давлат маош тўламайди-ку, ахир. Очиғини айтганда, бутун инон-ихтиёр ўшанинг қўлида. Савдони ҳам пиштади, хавфдан холи жойни ҳам у тайинлайди, қилган хизматига яраша тушган маблағнинг тегишли қисмини ўзи олиб қолади. Ҳеч қачон бизга хиёнат қилмайди.

— **Юқорида дахлсиз учрашув жойи ҳақида айтиб ўтдингиз. Бундай хуфия гўша қаерда ўзи?**

— Сизга аниқ манзилгоҳни айта олмайман. Аммо сир эмас, дунёнинг истаган бурчагига бориб, шундай хилватхоналарни топишингиз мумкин. Бундай гўшалар эҳтимол ўзимизда жуда камдир, аммо йўқ эмас.

— **Бўри, одатда, ини атрофида ов қилмайди, дейишади-ку?!**



— Нимага шаъма қилаётганингизни тушундим. Шу-накаси ҳам бўлиб туради. Буни «гастрол» деб аташади. Менинг ўзим бўлак тўртта вилоятга бориб, бир ойдан «яшаб» келганман. Сафарни боя айтган махсус одам ташкил этади. Бунинг тартиби қуйидагича: у маълум бир вилоят ёки шаҳардан ўзига ўхшаганларни топади ва биз кабиларни товар сифатида сотади. Келишилган жойга етиб борганингизда, сиз учун барча шароит муҳайё этиб қўйилган бўлади. Тушадиган даромаддан эса ҳар икки томон тенг манфаат кўради. Сафарга чиқилганда қиймат одатдагидан анча кўтарилади. Бегона юртда киши ўзини анча эркин ҳис этади ҳам. Шу боис, мен ҳам, Р. ҳам, С. ҳам ўз ихтиёримиз билан «гастрол»га чиқишга розилик берамиз.

— Ичиш, чекиш, ҳар хил шалоқ сўзларни гапириш ёмон йўлга кирганлар учун одатий ҳолга айланган. Бу муҳитнинг таъсирими ёки ҳузур топиш учун унинг ўзи шундай қилади?

— Тўғри топдингиз, кимки шу йўлга кирган бўлса, билинги, чекади, сўқинади, шунақа-да, Менимча, турмуш тарзининг ўзи кишини шундай аҳволга солиб қўяди. Аммо ичиш ё чекишдан ҳузур қилади у, деган саволингизга келсак, менинг билишимча, кўнгилхушлик учун қилинмайди бу. Очиғини айтсам, бунинг барчаси, ҳа, ҳа, аламдан. Кимки нопок йўлга кириб қолса, бунинг нечоғлик оғир эканлигини яхши билади. Баъзан ўзидан ўзи жирканиб қол бўлади. Неча мартабала ўзим ҳам шу қўйга тушганман. Эҳ, сиз бундай яшаш нақадар оғир эканлигини билсангиз эди. Гоҳида юрак аламга тўлиб кетганида, шу ситамни кўтара олмай қолганингизда ичасан, кейин шунчалар хун бўлиб йиғлайсанки, кўз ёшингизга ҳатто тош ҳам эриб кетади.

**Дард нелигин ҳис этган билар,  
Менинг дардим оғирлигин ҳам,—**

лейди-ку шоир. Шунақа-да, дўстим.

Кимки ёмон йўлга кирган бўлса, шу ойдинлашган захоти кишилар унга паст назар билан қарай бошлайди. Бу ҳам унча адолатдан эмас. Мен билган ўша Р. нулдор бойвачча билан бўлиш учун ўзини қанчалар мажбурлаганини сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз. Энди бир ҳаттолик ўтиб, бу кўчага кириб қолишган-да, бечоралар. Буни, жамики йўқотишларнинг аламини бир лаҳза бўлсин, унутиш учун ичишга ҳам, чекишга ҳам ружу қўйган.

— Менинг, мен кабиларнинг дилида афсус-надомат бор, демоқчисиз, шундайми?

— Ҳа, шундай. Мен билган қизлар гарчи қулоқларига қадар гуноҳга ботишган бўлса-да, фоҳиша деган тавқи-лаънатни бўйинга олишни ҳеч маҳал исташмайди, шу таънадан ажалдан қочгандай қочиб юришади. Балки сиз ишонмасиз, аммо мен шуни аниқ биламанки, улар ҳамиша бу йўлдан чиқиб кетиш, кўпчилик қаторининг ва осойишта яшаш пайида бўлишади. Ҳар доим шунга бир қулай имконият туғилиб қолишини, интизор кутишади. Бирок... ҳаммасини бирдан унутиш, ўзи мансуб бўлган дунёдан биратўла воз кечиш, осойишта ҳаёт қўйнига унинг сингиб кетиши жуда ҳам қийин. Одам ўзининг қўл-оёғи боғланган каби ҳис этади. Ўша дунё ҳеч қачон кишини ўз ихтиёрига қўймайди. Бу ботқокдан фақат кимнингдир беминнат кўмаги, самимий ёрдам орқалигина эҳтимол чиқиб кетиши мумкиндир. Бирок бундай беғараз инсонлар ҳаётда жуда кам учрайди.

**Синглим!**

**Нақадар кам ҳаётда чин дўст,**

**Қўллардек менинг ҳам**

**Юрагимда доғ.**

**Агар нозик қалбинг**

**Толиққан бўлса,  
Бунинг саз даъвоси —  
Тинмок, унутмок...**

Нақадар кўнгилга яқин бу сатрлар. Аммо... Шундай инсонлар ҳам бор. Мен бир З. исмли кизни билар эдим. Унинг онаси ҳам ёмонотлик хотин эди. З. мактабни туғатгунга қадар туппа-тузук яшаган, бу йўлга киришни ҳатто ҳаёлига келтирмаган. Синфдошига кўнгил берган ва бир умрга бирга бўлишга улар аҳду паймон қилишган. Аммо З.нинг бахти қулиб бокмаган. Яхши кўрган йигити анча бадавлат, кўп нарсага қурби етадиган оиладан бўлган. Лекин у бу ҳақда ҳеч қачон лом-мим демаган, кизнинг ҳурматини доимо жойига қўйган. Бирок ота-онаси у қандай хотиннинг кизига кўнгил қўйганлигидан хабар топишгач, пайтаваларига қурт тушиб, типирчилаб қолишган. Ўғилларига: «Сен ўзингча кимга уйланишни ҳаёл қилиб юрибсан?! У кизнинг онаси бузуқ, номи етти иқлимга кетган, шундан хабаринг борми?!», дея дағдага қилишган. Йигит парво қилмагач, «гап шу: ўша кизга уйлансанг, у дунё бу дунё сендан рози бўлмайми», дейишган. Йигит З. ни оқлаб, яхши киз эканлигини, онасига сира ўхшамаслигини тушунтиришга уринган. Аммо улар қулоқ солмаган. Шу орада йигитни ҳарбий хизматга чақирган. Кетишидан олдин З.га «Мени кут, қайтиб келиб, албатта уйланаман», деган, қайта-қайта тайинлаган. Лекин унинг ота-онаси-чи? Улар қараб туришмаган. З.ни учратиш, унинг юзига жуда оғир гапларни айтишган. «Ўғлимизни тирноғига ҳам арзимайсан. Орқа-олдинга қараб юр. Онанг бир расвою жаҳон бўлса, тагин сен кимни домингга нлинтиришни ҳаёл қиляпсан?! Дунёда эркак қуриб қолганми? Яхшиси, ўзингнинг тенгингни топу қуниггни кўр», дейишган. Бу гап, табиийки, З.га қаттиқ таъсир қилган, у буткул адоий тамом бўлган. «Онам бузуқ хотин экан. Ҳамма менга паст назар билан қарайди», деган ўйга бориб, тушқунликка берилган. Ҳадеганда йигитдан хат келмагач, буткул умиди узилган ва бир бахтсиз тасодиф туфайли шу кўчага кириб кетган. Йигит хизматдан қайтгач, барча-барчасидан огоҳ бўлган. Қаранг, у кўнгил бергани не ишлар қилганидан хабар топса-да, ҳақиқатни тагига етган. Бу ерда асосий айб ота-онасидан ўтганлигини англаб етган, улардан қаттиқ ҳафа бўлган. Ва ўша кизга уйланишга қарор қилган. Уни излаб топиб, ҳамма гапдан, огоҳ эканлигини, шунга қарамай ҳамон уйланиш ниятидан воз кечмаганлигини айтган. З.га у фақат бир шарт қўйган: «Мен ҳаммасини кечирим мумкин. Қирдикорингни ҳеч қачон юзингга ҳам солмайман. Фақат сен қайтиб бу йўлга қадам босмайман, деб менга сўз бер». З.кон йиғлаган. «Мен синганман», деган. «Ўзим сенга таянч бўламан», деган йигит. Шундан сўнггина йигитнинг таклифига З. рози бўлган. Улар туғилиб ўсган жойларидан бош олиб чиқиб кетишди, чекка бир қишлоққа бориб оила қуришди. Ҳозир бинойидега яшаётирлар. Фарзандлари ҳам бор. Ахилликларига одамнинг ҳаваси келади...

— Бугун-ку азоб билан бўлса-да, бир кунингиз ўтиб турибди. Ҳали чироқ ёшингиз кетмаган, ўзингиз айтган шайдоиларнинг қадами остонангиздан узилганича йўқ. Чўнтагингиз жарақ-жарақ пулга тўла, ҳеч нарсага муҳтожлик сезмайсиз. Аммо эртанги кунда, ёшингиз ўттизми, қирққами етиб, назардан қолганингизда аҳволингиз не кечади? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Ўйламайди дейсизми?.. Биз учун шундан бўлак азобнинг ўзи йўқ. На кечаси тинчлик беради бу ўй, на кундузи. Айниқса, ёш ўтиб борган сайин дунё кўзимга қоронғи бўлиб кўринаверади... Тўғри, мен бир маҳаллар шундай ишлар билан шуғулланган баъзи қизларни биламан, ҳозир улар ҳеч нима кўрмагандек қўшмачилик қилишаётир. Ўзимни эса... олдинда қандай кўргуликлар қутаётир, очиғи билмайман...

— **Очқ-ошкор суҳбатингиз учун раҳмат.**

Тахририятдан: бу суҳбат оқ қоғоз юзига туширилганига бир неча йил бўлди. Уни ёритиш жоизми, йўқми деган истиҳола бизни кўп ўйлантирди. Яқинда биз Олтинхон тўранинг «Яхшилар гулшани» («Риёз уссолиҳин») дея аталмиш ҳадислар мажмуаси билан танишиб, шундай саволни ва унга жавобни ўқидик:

«Жухайна қабиласидин бир хотун ҳарамдин бола кўтаргон ҳолда жаноб Расулulloҳ Алайҳи Васаллам хизматларига келди ва арз қилдики: «Ё, Расулаллоҳ, мен шаръий сазога мустаҳик бўлдим. Менга сазо берсунлар». Расул Акрам Саллаллоҳу Алайҳи Васаллам ул хотуннинг волисини чақирдилар ва анга дедилар: «Бу хотунни яхши сақлагил ва қачон боласини турса, ўзини олиб келгил». Ул одам бола туғилгандин кейин онасини олиб келди. Жаноб Расулulloҳ Саллаллоҳу Алайҳи Васаллам амр бердилар, хотунни кийимларини ўзига боғланди, кейин тошбўрон қилмоқга буюрдилар,

мусулмонлар ани тошбўрон қилдилар, кейин Рисолат Паноҳ Саллаллоҳу Алайҳи Васаллам ул хотуннинг жаноза намозини ўқидилар. Ҳазрат Умар розияллоху анху арз қилдилар: «Ё, Расулаллоҳ, зино қилгон хотунга жаноза намозин ўқурларми?» Жаноб Саййид Олам Саллаллоҳу Алайҳи Васаллам марҳамат қилдилар: «Бу хотун шундоғ улуғ тавба қилдики, бунинг тавбасин мадиналиклардин етмиш кишига тақсим қилинса, ҳам-маларига кифоя қилур».

Ушбу суҳбатда ҳам шундай оғир хатоликка йўл қўйган, юраги аламга тўла бир жувон тавба-тазарру қилаётир, деб қаралса масала анча ойдинлашади. Унинг аламли қисмати, афсус-надомати, чеккан-чекаётган азоб-уқубати эса ўзгаларга ибрат бўлади, деб ўйлаймиз. Зеро, йиғи хамиша кишини хушёр торттиради. Бу масалага сиз қандай муносабат билдирасиз, азиз жўрналхон?!

## ОДАМХҲР ДАРАХТЛАР

Ҳайвонларнинг йиртқичлари кўп. Буни яхши биламиз. Газандалар орасида ҳам ашаддий заҳарлилари мавжуд. Шу боис улардан эҳтиёт бўлиш чорасини кўрамиз. Бўлмаса... Бироқ наботот оламида йиртқич ўсимликларнинг бўлиши ажабланарли ва даҳшатлидир. Наботот оламининг намуналари одатда тупроқ мағзидаги моддалар билан озикланади, баъзилари эса бошқа ўсимликлар хисобига, яъни текинхўр ҳолида яшайди. Айрим ўсимликлар тупроқдан ҳаётбахш озуқа олиши билан бирга хашоратлар билан ҳам озикланади. Дунёда жониворлар билан озикланадиган 500 дан ортиқ ўсимлик қайд этилган.

Гап ваҳший ўсимликлар устида кетар экан, қуйидаги ҳодисани эслаб ўтмасдан бўлмади.

Мадакасқар ўрмонларида «ананас» сифат улкан ўсимлик бўлиб, унинг саккизта катта барги бор. Барглари йўлбарс панжаси каби ўткир тиканларга эга. Ўсимликнинг юқорисида қамчисимон олтита оқ хивичлари мавжуд. Улар жилланглаб, ҳавони кесганда ҳуштак чалгандек овоз чиқаради.

Бу ўсимлик ўсадиган ўрмон чакалақзорларининг тўсиқли ғовларидан одамлар ғоят қийинчилик билан ўтади. Бу вақтда ваҳший дарахт одам гўшти билан «тўяди»...

Мадакасқарда яна шундай гаплар юради. Мкодо қабиласининг ёввойи одамлари анъанавий рақсга тушиб ва қўшиқ куйлаб, машъум дарахтни ўраб оладилар. Улар ўлимга, яъни қурбонликка маҳкум этилган кишининг рўпарасида турган одамхўр дарахтнинг ажралиб турган шарбатидан ичишга мажбур қиладилар. Шунда оёқ ва қўллари чилвир билан боғланиб, банди қилинган киши даҳшат билан одамхўр дарахтга қарайди. Одам қонига ташна дарахт гўё катта зиёфатни сезгандек қамчисимон панжалари ила ҳавони янада савалаб, ҳамлага тайёрланган илондек пишқиради. Улар бечора бандига, «Тсик!» «Тсик!» деб бақришади. Шунда эс-хушини йўқотаётган бахтсиз одамнинг ўзи дарахт устига ўрмалаб чиқишга ҳаракат қилади. Айни шу дақиқаларда дарахтнинг оқ хивичлари ўз қурбонининг бўйнига илашиб, уни бўға бошлайди. Унинг тиканлар билан қопланган барглари гўё афсонавий махлуқнинг жағлари каби бири-бири билан бирлашиб, қурбонини ниҳоятда

катта куч билан эзади ва уни патирдай юпка қилиб ташлайди.

Бу мудҳиш хабар 1880 йилда Амриқода чоп этилган «Нью-Йорк уролд» ойномасда босилган. Унинг муаллифи Карл Лихе Мадакасқар аҳолисига илоҳиётдан сабоқ берган. Амриқолик таниқли ўсимликшунос Ч. Осборн ўзининг «Мадакасқар — одамхўр дарахт ватани» китобида К. Лихенинг берган маълумотларини тўла келтириб, Мадакасқарда яшаганида бундай дарахтни ўз кўзи билан кўрмаганини, бироқ яшил одамхўрни кўрган кишилар билан суҳбатларни келтиради. Бу суҳбатларда маҳаллий аҳоли одамхўр дарахтлар ҳақида кўпгина маълумотлар келтириб, йиртқич дарахтни аниқ-тиниқ тасвирлаб берадилар.

Яшил одамхўрлар ҳақидаги маълумотлар бошқа мамлакатларда ҳам учрайди. Жумладан, Донетан исмли бир киши Марказий Амриқодаги Никарагуа кўли яқинида ботқоқлик ўтларини йиғаетганида қандайдир япроқсиз ўсимлик унинг овчи итини қайишқоқ ва ёпишқоқ хивичлари билан ўраб олаётганини кўриб қолади. Донетан фурсатни бой бермай, анча қийинчилик билан итни илашувчи ўсимталар бағридан озод қилар экан, ўзининг қўлларидан қон кетаётганини, галати тажавуэкор ўсимликнинг навдалари унинг ўзини ҳам чирмаб олишга ҳаракат қилаётганини англаб қолади. Донетаннинг таъриф қилишича, яшил йиртқичнинг жуда кўп сўрғич ўсимталари тезлик билан одам ва ҳайвон қонини сўриб оларкан.

Игор Акимушкиннинг «Табиат мўъжизалари» китобида баён этилишича, бир киши ваҳший ўсимликнинг исканжасига тушиб қолиб, ниҳоятда қийинчилик билан унинг машъум кучоғидан озод бўлган. Ҳазабга тушган бу киши ваҳший ўсимликни болта билан чошиб ташлаб, ёқиб юборади. Аланга олган иблис дарахтдан қуйган гўшт, кабобининг иси анқиб кетади.

Маннон НАБИЕВ





## ТАЛАБАНИНГ КҮНГИЛ ДАФТАРИ

Талабалар бүйсинмас халқ, деганларича бор. Улар ҳеч бир ноҳақлик билан мурасага келмас бўладилар. Шу туйғу қанотида жуда юксак-юксакларда юрадилар. Ҳз қобиқларидан чиқиб ҳар бир ҳаёт ҳодисаси ҳақида фикр қиладилар. Софлик ва жангарилик фазилати билан зикр қиладилар. Куйида ўрин олган навоийлик ва Навоий вилояти ўқув юрти илми толиблари фикр-мулоҳазаларидан ҳам шу нафас, ифор келади. Шу ҳавас —

бахор келади. Эҳтимол, улар муҳим деб билган айрим гапларни кимдир ўқиб, ўз ўқиши, муаммоси қолиб, булар ҳақида чўрткесарлик қилишни уларга ким қўйибди, деб ўйласа хато қиладди. Боиси талабанинг нигоҳига тушган ҳар бир нарсада нимадир ярақлаб ётади. Ёхуд ёш кўнгилнинг назарига ботган бу кечмиш, тушунчалар, эътиборли кишининг шуурини ҳаяжонга солиши, уни эзгу ишларга йўллаши ҳам ажаб эмас.

## ЯРА КЕТСА, ДОҒИ ҚОЛАДИ...

Биз — ёшлар ўқиш деймиз, узоқларга кетамиз, баъзан ойлаб уйга бормаймиз, боролмаймиз. Сени унинг ўстирганлардан узоқлик «кулфати» кўпинча эсимизга ҳам келмайди. Бироқ киндик қонинг тўкилган маконда бир зот бўладики (агар тирик бўлса), сенинг йўлларинга эртаю кеч қарайди. Соғинч сочларини оқартиради. Юзларига ажин солади. Она у, она...

Шоир ёзади:

Тинар бўлса қўлимдаги тор, дунё  
Уч кун ўтмай унутгай дўст-ёр, дунё.  
Еру кўкни титратиб зор-зор дунё  
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Оналаримизни бу кулфатдан парвардигорнинг ўзи асрасин. Бироқ атрофимизда онаснинг ёнида юриб, уни ўкситиб юрганлар йўқ дейсизми?

Буни айтишга бир дўстимнинг онасини хафа қилиб қўйгани ва бу ҳақида бечора онанинг менга, кўзларида ёш билан ҳасрат қилгани туртки бўлди, деб ўйлайман, чунки муштипар онанинг дардли сўзлари ҳали ҳам кулоқларим остида жаранглаб турибди: «...Ота ўрнида оталик, она ўрнида оналик қилдим, тенгдошларидан кам бўлмасин дедим, ўстирдим, ўқитдим, дўстларидан ажралиб қолмасин деб бор-будимни шунга бағишладим. Қўлидан иш келганда бир оғиз «хўп, онажон» дейиш ўрнига, дўк қиладиган, ўшқирадиган бўлди. Ахир бир бурда нон берган бўлсам ҳам, ҳалол меҳнат қилиб берманман-ку. Ундан кўрадиганим шуми?...»

Онанинг охириги сўзлари юрак-бағримни эзиб юрибди. Дўстимнинг шунчалик беодоблик қилгани унга нафратимни оширди. Кўзларида шашкатор ёш оқаётган

онага сўз ҳам оғирлик қиларди. Чунки уни ҳозир юпатишнинг хожати қолмаганди. У анча вақт бу сирни ҳеч кимга айтмай, юрагига олиб юрган. «Ўғлимнинг ўзи тушуниб қолар», деб тишини-тишига қўйиб, чидаган. Пичоқ суякка бориб теккач, бечора она юрак дардини ўғлига айтишни ҳам раво кўрмай, ўғлининг дўстлари орқали уни тартибга чакиришнинг йўлини изларди.

«...Нимаики қилган бўлсам, фарзандларим учун қилганман, уни икки дунёда ҳам миннат қилмайман, фақат фарзандларим ҳақида эл-юрт орасида «фалончининг болалари ақлли болалар экан, раҳмат уларга», деган яхши гаплар гапиришларини истаيمان», — дейди она кўз ёшларини артиб.

Мен бу воқеанинг давомини сўзлаб ўтирмайман. Бунга ўша дўстимнинг онаси олдидаги тавба-тазарруси сабаб.

Бироқ она ўз ўғлини барча қилмишлари учун кечирди ҳам дейлик, лекин яра кетса ҳам доғи қолади-ку. Мен буни тенгдошларимнинг ҳеч бири унутмаслигини истардим. Яна мен уларнинг оналари тақдирига ҳам лоқайд бўлмасликларини сўрардим. Мен мол-дунё деб ўз онасидан юз ўтирган нокасларни, бир бурда нонига онасини зор қилиб қўйган имонсизларни биламан. Мен онасининг бир оғиз аччик, лекин ҳақ сўзи учун ундан воз кечган ёки онаси билан гаплашмай юрган номардларни кўрганман. Мен ўсиб кетган сочини уйқусида қирқиб ташлагани учун онасининг оғзига қайноқ сув қуйиб ўлдирган ёвузлар ҳақида эшитганман. Ўзингиз жавоб беринг, бунақаларни инсон сафига қўшиб бўладими?

Искандар ҚАРОМОВ.

## ТЕНГИНИ ТОПИШ ИМТИҲОНИ

Дўстим Искандарнинг дардли фикрларига қўшилмасдан бўлмайди. Бироқ «пластинка»нинг орқа томони-

га ҳам тик кўз билан карасак, бу «куй»га ҳамоҳанг иккинчи озорли манзара дилни тилкалайди.

...Мен бундан бир ярим йил аввал бир иш важида Эшим ва Людмила Болатовлар оиласида бўлган эдим. Бу оилани Навоий шаҳрида танимайдиган одам кам, менимча, улар биринчилардан бўлиб, ўз хоналарида оилавий болалар уйини ташкил қилиб, қаровсиз қолган бир қанча гўдақларни тарбиялашарди.

Аввалига ўстирилаётганларнинг тўнғичи Рустамжон билан тил топишдим. Рустам менга ота-онаси уни болалар уйига топширгани, у ердан уни Болатовлар фарзандликка олишгани, ота-онаси ажралишгач, отаси уни олиб кетгани, лекин икки марта ҳам уйдаги нохуш ҳолатлар, ичкиликбозликлардан безиб, бу ерга қайтиб келганини сўзларкан, Рустам ҳамгин кўзларини менга кўрсатмасликка уринарди. Рустамнинг ҳолатини пайқаб, ич-ичимдан унга ачиндим. Раҳмим келди. Унга қандай ёрдам беришим мумкинлиги ҳақида ўйладим. Бирок...

Эшим ака кейинроқ менга 2 ёшли Динорани кўрсатди. Уни беш ойлигида... пахтазор пайкалидан топиб олишган ва уларга келтириб беришган экан. Кейинроқ уни онаси ўша ерга ташлаб кетганлиги маълум бўлибди. Динора ўзининг палапонларча ҳаракати билан кишининг ҳавасини, шу билан бирга кишининг хўрлигини ҳам келтирарди.

Ах, Динора, Диноражон-а...

Балки сенинг онанг ҳам гувоҳ бўлган воқеалар қаҳрамонидек бу пайт ўзининг ноёб «фазилат»ларини одамларга кўз-кўз қилиб юргандир.

Диноранинг олдида ўтирибману бошқа воқеа ҳаёлимга келди.

Танишим тўйма-тўй юрарди. Бир сафар у хизмат қилган тўйда иштирок этиб қолдим. У «Отажон» кўшигини шундай берилиб айтдики, йиғилганларнинг қалби ларзага келди. Даврадагилар кўшиқни бутун вужуди билан тинглашар экан, баъзиларининг кўзларида ёш ҳалқаланди. У жуда истеъдодли, лекин... Ахир унинг ўғли ҳам ота, унинг ҳам умид юлдузи — ўғли бор. Лекин ўғли ўша дамда касалхонада жуда оғир ётганди. У машшоқлик билан овора бўлиб, ўғлини кўришга, ҳолидан хабар олишга касалхонага охириги марта бундан икки кун илгари борганди. Бунга эса даврада мендан бошқа кеч ким билмасди.

Мен бундай фожиаларга дуч келганда қайда ўтирганимни унутиб, меҳрсиз болаларнинг кўпаяётгани, тошдийда ота-оналарнинг хатти-ҳаракати, қилмишининг илдири қаерда экан, деб кўп ўйлардим. Ва кўпинча бизнинг ёшдаги енгил-елпи «муҳаббат» оташи билан тузилгану бузилган оилалардадир, деган фикрга келаман.

Талабаликда ўқув юрти домлалари имтиҳон олмай-диган бир сабоқ бўлади. Уни тенгини излаш, бахтини топиш дарси, деса ҳам бўлади. Бу дарсда ёнидагиларни яхши ўрганмаган, ҳавойи ҳаваслар талвасасида адашган «сербахт»лар ҳаёт имтиҳонидан йиқилади. Ва шундан келгусидаги барча кўнгилисизликлар ривожланади.

Олимжон ЖАЛИЛОВ

## МАЪСУМАДАН ТАЛАБАГА

### ТАЛАБАДАН ОЙИМТИЛЛАГА...

Сиз бунга кўшилмасиз, эҳтимол... Майли... Лекин мен кишлоқдан келиб, шаҳарда ўқиш қиз болага тўғри келмайди, деган фикрдаман.

У бир олам орзулар билар шаҳарга келади. Оқ ҳаёллари кийган кийимларида ҳам акс этиб туради. Кишлоқ нафасини олиб келган лозимидан тортиб рўмолигача балки назари оч кўча писандига илинмас, лекин Шарқнинг қонида бўлган поклигини эсга солади. Зийнатини кўз-кўз қилмайдиган гўзаллик маъбудаси янглиғ кўнгилини ёритади. Нигоҳида ҳаё қуши ин қўйган, ҳар бир ишда сал тортинчоқлиги ўзгача латифлик манзарасини чизади. Қулоқларида кўринмас ибод шартлари — онаси тайинлаган, етказган, отаси айтган азалий ўғитлар. Ҳар бир бегона қилиқ билан тўқнашганда улар хурлик қиличидай ҳаёлида ярақлаб бош кўтарарди.


Бироқ атрофдаги манзара, муҳит бутунлай бошқача тарзда, бошқа ёққа оқиб ётади. Аввало қаёққа қарамасин — ярим-яланғоч, очик-сочик хотин-қизларни кўради. У илк тўқнашувда уларга боқиб, ўзига разм солади ва ҳаё пардасидалигидан қувонади. Қунлар ўтган сари эса кўча тўла бу жонли суратларга ўрғанади. Нигоҳлар тўқнашганда эса энди ўзи саросимага тушиб қолади. Бу оймтиллалар ундан уялиши, унга ҳавас қилиши ўрнига, тепадан бурнини жийириб, масҳара қилаётганларини сезади.

Бу муносабат таъсирсиз қолармиди? Туппа-тузук кийимлари жулдурдай туюлади. Кўчадагиларнинг либосига борган сари кўнгли суст кетади. Бу ташналиқни ҳамсабоқ катта-кичик «собиқ» кишлоқлик қизларнинг тусланаётган юриш-туриши-ю, кийиниши баттар кучайтиради. Булар кишлоқнинг мезонларини ҳаёлидан ҳайдаб солади. Ота-она, жигарларнинг танбех ва даъво-ларини ортикчага чиқаради.

У ўзини юраги-ла оқлаб, бир фикрга ёпишиб олади: — Ахир кийимга қараб қандай қиз эканлигини билиб бўлармиди?! Ўзи собит экан, «шаҳарча» юриш-туриш пок ва ифбатли юришга монелик қилолмайди. Ҳолбуки



Навоий тиббиёт билим юрти толиблари.



Навоий муаллимлар тайёрлаш билимгоҳи.



**Илмгоҳнинг ўзбек тили ва адабиёти куллиёти талабалари сабоқ пайтида.**

шундай писмиқлар борки, ташидан ўраниб-чирманишса-да, содда кўринишса-да хаёлга келмаган номаъқулчиликларини қилиб юришибди-ку!

Шу дақиқадан шаҳар уни ўзиники қилиб олади. Қишлоқ кизини таниёлмай, ундан бегонасираб гап-сўз қилади...

Яна ўша фикрга қайтаман, ёпишаман. Қишлоқдан келиб, шаҳарда ўқиш киз болага тўғри келмайди. Намунча феодаллик деб, мени лаънатлашга шошилманг, аччиғи бурнини устига келган маликалар. Лаънатлаш бўлса улгурасиз, фақат бир пас тингланг, майли кейин...

Бўйи етган, балоғат ёшидаги киз бола шаҳарда қандай муҳитда ўқийди? Биласиз. Бундан бир қадар қувонасиз ҳам. Ахир бу бир асрдан буён тубандаги шароитни икки жинснинг тенглиги, қизларнинг озодлиги дея тушунтириб келишади-да. Ҳа, у йигитлар билан бирга таҳсил олади. Ўқув юрти ётоғида эса унданда яқин, ёнма-ён хоналарда яшаши. Бу уларнинг иккинчи ўзгаришига йўл очади... Исташадими ёки йўқ, икки жинс ўртасидаги парда кўтарилади. Парда кўтарилдими у ёғи... киз софлигича, бокиралигича қолганда ҳам у ҳаётда ниманидир йўқотади. Дунё ҳам қишлоқи маъсумасидан бир умрга ажралади.

Қайноқ ҳислар палласида эмин-эркин, ўз ихтиёрига алданиб, хирсга қул бўлганлардан эса кўрқулик. Уларнинг хоҳиш кўчаларидаги дайдилигини... Кўғир-чокдек кийиниш учун...

Бунақа ўқишни...

Қишлоғимиздан ўқиш учун шаҳарга келиб, ҳали-ҳамон 35 ёшга етиб ҳам оилалик бўлмаган икки опани биламан.

Ф. муаллима бўлмоқчи эди. Икки йил кириш имтихонларидан йиқилиб, учинчи йилдагина унга талабалик насиб этди. У учинчи курсдалигида қишлоқда гап тарқалди. Ф. ўзи билан ўқиётган бир йигитни яхши кўраркан. Шу боис эшигига совчиликка келаётганларни нумид кайтараётганмиш...

Шундан унга ҳеч ким оғиз солмай қўйди. Оналар уни бўлмағур қизга чиқариб, ўғилларига ҳуник эса-да, чангга ботиб юрган бўлса-да, дала қизларини олиб беришди.

У ўшанда уйига ҳар кун совчи тўзғиганидан нима қиларини билмай, бу алфозда ўқиши ярмига ҳам етмай, отаси бировга узатиб юборишидан чўчиб, бу муғомбирликини ўйлаб топган — йигитим бор деган баҳона соясида ўқишини битириб олишни кўзлаганди. Афсуски, бу гап унга қимматга тушди. Ўқишни битириб келса ҳам биров унга қайрилиб қарамади ва хотини ўлган бир аёлманд билан оиласиз ароқхўрдан ташқари ҳеч ким унинг ҳақиқатдаги покдамонлиги-ю гўзал қизлиги билан гўё қизиқмади.

Бу қари қизнинг гуноҳи шунчалик оғирмики, ўн йил ўтиб ҳам битта ёстикдош сабил қолган бўлса...

Мен эса Ф.га ўхшаганлар аччиқ тақдирига ўқийман деб шаҳарга боргану алданибми ёки бошқа сабаб шарм-хаё, ифбатидан ажралиб, кейин енгилтак бўлиб кетганлар қасофати, овозаси урган, деб биламан.

Ш. ҳам шулардан бири. У биринчи курсдалигида 5 курсни битираётган ҳамфакултетдошининг домига тушади. Сизни яхши кўраман, ўқиш битса уйланаман, деб авраган йигит Ш.нинг номусини ўғирлайди. Ўқишни битириб эса жуфтакни ростлайди ва иккинчи бор унга қорасини кўрсатмайди. Ш. у билан юрганда болалик бўлиб қолганди. Ш. бунинг билгач, шармисорликдан қутилиш пайида янги гуноҳларга ботади... Охир-окибат...

Унинг суюкоёқ бўлиб кетганлиги қишлоққа ҳам етиб келади. Бундан ўзини йўқотган ота Ш.ни оқ қилади, қахрланган акалар тутиб уради. Уятли эшикни эса, шу-шу, ҳеч ким Ш.га «қулчилик» учун очмайди.

Мен юкоридаги гапларим, ўзим қузатган воқеалар билан шаҳарга бориб ўқиган барча қишлоқ қизларининг тақдири шундай бўлади, демоқчимасман. Мен ҳам уларни ўқимишли кўргим келади. Лекин ўқимишлилигиданда пок ва маъсума қолишларини юкори кўяман. Оила бахти қизларни сийлашини хаёл қиламан.

**Исомиддин ОЛТИНОВ,**

**Навоний муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи толиби.**

## **ОЧИҚРОК АЙТОЛГАНИМДА...**

Мен мулоҳазалашни билмайман. Фикрлаш — кийин иш. Бунга сиз ҳам иқрорсиз.

Лекин бари бир инсон юрагида йиғилган, уни қийнаган муаммолар бир кун ёруғлик истайди. Ўйлаб қаранг, одамларни бу олам қанчалик кўп қийнаса, ўзи шунча буюк ном олади.

...Одамларни томоша қиламан!

Нақадар ажойиб сахна — ҳаёт, ундан ҳам ўткир актёрлари...

Бундай тамошага шундай берилиб кетаманки, ҳатто ўзимни қаердалигимни унутаяман...

Агар ўзингиз истасангиз, ҳар бир одамдан тенгсиз таассурот олишингиз мумкин. Яхши ёки ёмон таассуротлиги одамларнинг кўринишию ҳаракатига ва сизнинг кайфиятингизга боғлиқ, назаримда...

Бўш вақтимда...

Мен сизни сира алдагим келмайди. Ҳаётда бўш вақтининг ўзи йўқ. Бу иборанинг қайдан келганига ҳайронман?!

Шундай қилиб, бозордаман.  
Бозор — одамзор — шовкинзор — томошабоп жой,  
яъни «танланган» томошалар маскани.

Бозорга келиб, сиз ҳам мен каби ўйлаб кўрган чикарсиз?  
Шунчалар шовкин солиб нималарни гаплашади бу одамлар?

Бу саволни кимгадир берганимда, «жиннимисан, бу ер бозор», деган эди.

Ўйлаб кўринг, нима қилибди бозор бўлса?! Шовкин солиш шартми?

Ўйга толаман...

Вакт ўтиб кетаётганини сезиш нақадар аянчли?!!

...Одамлар вақтнинг даҳшатли чинқириғини эшитмаслик учун шовкинга кўмиладилар. Бироқ ўзларини алдайдилар ҳам. Лекин барибир вақт ўтиб кетаверади. Сукутда бўлсангиз ҳам, беихтиёр вақтни тинглайсиз... ва шунда... қандайдир мириқиб азобланасиз...

Бунга киёс йўқ...

Лекин саволим жавобсиз. Қандайдир сир яшириниб ётади бозор шовқинида...

Одамларни томоша қиламан!

Ҳар қандай «томошабин»га яққол сезиладиган нарса — одамларнинг нимадир излаётгани эътиборимни тортади:

Нима излаяпсиз, одамлар?!

Ҳеч ким жавоб бермайди. Яна ўз хаёлларимга беланиб қоламан. Одамлар нимадир излашади ва изланаётган топилдикни йўқолиб кетишига ўзлари кўмак қилишади. Агар кимдандир ўша нарсани топишса, кўп ўтмай яна йўқотишади, тўғриси, ташлаб юборишади...

Эътибор бериб қарасангиз, бу нарсани жуда яхши сезасиз...

Одамлар йўқотган нарсангизни нега ўзингиздан изламай, ўзгалардан талаб қиласиз, дегим келади...

Яна нигоҳим сафари — одамларни томоша қиламан!

Бирдан (бу сўздан ҳамма, ҳатто ўзим ҳам ҳайратланиш кутаман. Буниси унга кодир эмас) ғалағовур қилиб, нималарнидир излаш билан бирга одамлар қаёққадир шошаётганини англайман.

Беихтиёр, қаёққа шошаяпсиз, одамлар, деб юбораман. Енгинамдан ўтиб кетаётган қиз аввал, ғалати, қалбаки ҳайрона қарайди. Одамлар йўқотган ҳаёдан асар йўқ — кўзларига термуламан. У эса суюниб, «бошини айлантирдим шекилли», деб ўйлаб тумшукчасини буриб, ўзича ноз қилади. Бу «ноз»дан мени ўсмир йигитлардек юрагим «гупириши» ўрнига, ундан ғижинаман.

Қиз кета-кета ортига ҳалиги «ноз»лар билан қараб-қараб кўяди. У ҳам менга ўзини қаёққадир кетаётгандек қилиб кўрсатади.

Енгинамдан ўтиб кетаётган ўзим тенги келин-куёвларга қараб ширин орзиқолмайман. Ширин эзилиб кетаман...

Одамларнинг ҳам шошаётгани кимнидир алдаш учунмикан, деб қолзаман. Сира ўхшамайди.

Нигоҳим, хаёлим сафари давомида шу саволларга тикилиб... очиги, улар менга тикилиб қолади.

Агар буни очикрок баён этолганимда...

Бектемир ПИРНАФАСОВ

## ГОҲ ДЕЙСАН МУҲАББАТ, ГОҲИДА ҲИЖРОН...

### ХОНАДАГИ ЖАНГ

*Беминнат, мудроқ, зулмат хонада  
Ўтирибди бир шоир...  
Кўзларида ўлган ишончининг  
илдизлари эзғиланган...  
Қошларини азоблар кўтариб турибди  
тиркак бўлиб,  
Қўлида тугаётган тамаки  
ўляпти лов-лов ёниб.  
Қошлари пичоқдек қайралган,  
Кесиб ташламоққа шай.  
Кесиб ташламоққа... ДУНЁни!..  
Чўғ унинг бармоғини кўйдирар,  
Кўйдиради, куйган юрагин...  
Юрак қулларидан бир «ОҲ» яралиб  
дунёга чиқди.*

*Дунё куйиб кетиши керак эди, бу «ОҲ»дан,  
Куйиб кетди инсоннинг умри!..  
Дунё қилт этмади, бақрайган  
Кўзлари умрларни сўриб олаверди...*

*Беминнат, тили суғуриб олинган  
соқов хонада  
«ДУНЁ» билан инсон олишди.  
Яна ўша хонадан,  
Ишончининг ўлиги топилди...  
Тамаки қулига кўмилган.*

### ЮРАК

*Юрак экинсиз даладек бепоён.  
Арзимас ишларга тез жиғибийрон.  
Бекорга тез уриб тўхтайсан...  
Гоҳ дейсан муҳаббат, гоҳида ҳижрон.  
Ўз қадрингга ўзинг етмайсан...*

*Секинроқ ур!  
Ошиқма асти.  
Мафтун бўлма, бу ғар дунёга.  
Секинроқ ур!..  
Ўзингга қасди.*

*Ахтарсам тузукроқ бирор ниманг йўқ?  
На эътиқод, на журғат, на дард...  
Хотиралар эса нимжонгина дўғ,  
Бироқ на қўрқоқсан, на бўлолдинг мард.*

*Юрак, сен экинсиз даладек бепоён...  
Нинадек тиканлар бағрингда ўсди.  
Томири бағрингдан сув ичар аён!  
Билиб қўй, ўшалар сени...  
Муқаддас қуёшдан бир умр тўсди!..*

Ҳилола ИСМАТОВА,

Навой муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи,  
Ўзбек филологияси куллиёти II босқич талабаси.

Маҳкам Маҳмуд

## «ЖОДУГАР» ҚАСОСИ

ЁХУД

### ШОҲ ФАЙЛАҚУСНИНГ СЎНГГИ ДАМЛАРИ

- Милоддан аввал ҳам муҳаббат бўлган
- Осиёни забт этмоқчи бўлган одам

- Искандар нега мамлакатни тарк этди?
- Сирлигича қолган котиллик

Низомиддин Алишер Навоий дostonида шайх Низомий сўзларига ишора тарзида Эрон шоҳи Доронинг румлик хотини борлиги, пайти келиб Доро ундан совиганлиги ва Румга қайтариб юборганлиги, бу аёл вайронада Искандарни тукқанию уни шоҳ Файлақус-Флипп топиб олгани айтилади. Аслида...

Македония подшоши Файлақус аслида ўғли Искандарни Эпир маликаси Олимпиада исмли хотинидан кўрган. Файлақус ўғлининг тарбиясига катта эътибор бериб, уни тахт вориси сифатида ардоқлар, айни вақтда машаққатларга чидамли қилиб ўстирар эди. Искандарнинг ёшлигидаги устози лашкарбоши Леонид мардлик, жасурлик руҳида тарбиялади, унда шахзодаларга ҳос инжиқлик, тантқиқлик ривожланишига йўл қўймади. Кейинги устози, машҳур донишманд Арасту ҳакими ҳам Файлақус ўзи тақлиф этган эди. Афлотун мактабининг шоғирди Арасту кейинчалик афлотунчилиқнинг кўшигина қараишларини ўрганди метафизиканинг янги йўналишини кашф этди, тайёр тасаввурларни ўзлаштирмай, абадий кашфиётлар, изланишлар йўлидан борди. У шоғирди Искандарга гўзаллик, меҳнатсеварлик, эзгулик қадриятларини ўргатди. Искандар устозидан доимий изланишларни, қамолотнинг чексиз чўққиларини эгаллашни ўрганди.

Аммо Искандар вужудига мардлик, олийжаноблик, меҳр-мурувват ҳислари билан бирга шафқатсизлик, кибру ҳаво, шон-шухратга ўчлик каби зиддиятли туйғулар ҳам сут билан кирган эди-да. Искандарга нисбатан отаси Файлақус одилроқ, вазминроқ, донорок эди. Муаррихлар ёзиб қолдиришича, Файлақуснинг шу вақтгача ҳеч бир подшоҳ қилолмаган улуғ ишларидан бири — Македония ва Юнонистон — Эллада иттифоқидаги бир-бирига қарама-қарши ижтимоий тузумлардаги давлатларнинг ҳаммаси учун манфаатли, ҳаммасининг эркинлигига даҳл қилмайдиган тузумларни ўйлаб топгани ва жорий этгани эди.

Файлақус ўғлини ёшлиқдан давлатни бошқаришга жалб қилди. Ҳарбий сафарларга кетаётганида подшоҳлик муҳрини Искандарга бериб, Македония тақдирини унга топширди. Бу пайтда Искандар 16 ёшда эди. Отаси йўқлигида у Македонияга қарши исён кўтарган тоғлар днёридаги медларни бўйсундирди ва уларнинг пой-

тахтини ўз номига Александропол деб атади. Икки йил кейин Искандар ҳарбий штаб аъзоси бўлди. Машҳур Ҳерения жангида (юнонларга қарши) Искандар Македония қўшинининг бир қанотига қўмондонлик қилди. Кўп ўтмай, Файлақус Вазирлиги билан Искандар ўртасида зиддиятлар кучая бошлади. Гап шундаки, Искандарнинг онаси Олимпиада Македонияда келгинди ҳисобланарди. У Эпир давлатидан эди (ҳозирги Ядрон-Адриатика денгизи бўйидаги Дубровник ва унинг атрофлари). Искандарни яхши кўрадиган буюк саркардалардан Птоламей, Антипатр, Гефестиян ва бошқалар шоҳ саройидаги аслзодаларга унчалик ёқмас эдилар. Шу туйғули Файлақус македониялик аслзодалар хондонининг ёшигина соҳибжамол кизи Клеопатрани севиб қолиб, унга уйланганида сарой аҳли эркин нафас олди. (Бу малика тўрт аср кейин ўтган мисрлик Клеопатра эмас.) Бундан аввалроқ шоҳ Файлақус билан Искандарнинг онаси Олимпиада орасига совуқчилик тушган ва улар норасмий эса-да, ажралишган эдилар. Атоқли австриялик олим Фриц Шахермайер ёзишича, «кирқ олти ёшлиқ Файлақус ўн олти ёшли гўзал келин олдида бахтиёрликдан порлар эди. Бу дабдабали тўйга Искандар ўз хоҳишига қарши — тахт вориси тугилсин, деб истақ билдиради. Бу ҳақоратни сезган Искандар лашкарбошининг юзига қараб шароб тўла қадахни отади. Шоҳ Файлақус ўғлини қойиб, Аттални химоя қилади. Ўрнидан туриб уларга яқинлашаётганида мастлиги туйғули йиқилиб тушади. Искандар жаҳл билан отасига қараб: «Мана, Осиёни забт этмоқчи бўлган одамнинг ахволи, у ҳатто бир гўшангадан иккинчисига ўтишга ҳам ярамай қолди», дея захрини сочади ва ўрнидан туриб, тўйхонадан чиқиб кетади.

Эртасига Искандар саройни ҳам, мамлакатни ҳам тарк этади. Онаси Олимпиадани ўзининг юрти Эпирга олиб кетди. Эпир подшоши бу вақтда Олимпиаданинг укаси эди. Ф. Шахермайер ёзишича, Олимпиада Эпир подшоши укасини, Искандар Флакрия подшошини Фай-

лакус — Флиппга қарши уруш очишга ундадилар.

Аммо, иккала мамлакат ҳукмдорлари қудратли Македония шохига қарши чиқишга журъат қилолмадилар. Файлакус эса ўғлининг душманлар томонига ўтиши Македониянинг Эронга қарши уруш бошлашга жиддий тўсиқ бўлишини, аҳволни мураккаблаштириб қўйишини ўйлаб, Искандарни пойтахтга қақриб олди. Ва уни кенгашда ҳамма аскарлар олдида очик-ойдин тахт вориси деб эълон қилди. Искандарга ёв бўлиб қолган Аттал ва Парсиснионни Анатолия-Онадўли қўшинларига бошлиқ қилиб жўнатди. Аммо энди ота-ўғилнинг бир-бирига ишончи йўқолган, ҳар иккаласи бир-биридан хавфсизроқ бошлаган эди.

Бир йилдан сўнг, милoddан аввалги 336 йил ёзида малика Олимпиада ўғли Искандар билан маслахатлашиб, унинг синглиси Клеопатрани (бу ҳам бошқа Клеопатра) Эпир подшоғига никоҳга узатишга қарор қилдилар. Шу муносабат билан жуда катта тўй бўлди. Тўйга шох Файлакус, барча аъёнлар таклиф этилди. Тўй тантанаси бир неча кун давом этди. Тўйнинг авжидо одатга кўра театрда шохона меҳмонларга буюк юнон шоирларининг драмалари ва бошқа катта томошалар кўрсатиларди. Ҳамма яхшироқ жойни эгаллаш учун театрда ошиқарди. Халойиқ ўн икки маъбуд ва ўн учинчи маъбуд — Файлакус тасвирини кўтариб олган эдилар.

Азиз меҳмонлар орасида Македония шохи Файлакус — Флипп ҳам бор эди. У дўстлари, аъёнлар билан тўй тантанасида бораётганида номаълум зобит тўсатдан қиличини чиқариб, шохга ҳамла қилади ва уни ўлдиради. Қотил қочаётганида қоқилиб йиқилади ва соқчилар шу заҳоти уни ҳам ўлдиришади.

Файлакус кимнинг буйруғи билан ўлдирилганлиги ҳозиргача аниқланган эмас. Аммо кўпчилик муаррихлар бу сирли ўлимнинг илҳомчиси деб Искандарни ва унинг онаси Олимпиадани айблайдилар.

Орадан ўтган 2400 йил давомида тадқиқотчилар шох Файлакусга суиқасдни ким уюштирганини аниқлашга уриниб келдилар. Павсаний исмли қотил шох Файлакусни сиёсатидан норози Линкестидо вилояти ҳукмдорларининг топшириғини бажарган, деган тахмин ўша суиқасд кунлари расман эълон қилиниб, шу айбномага кўра жуда кўп «айбдорлар» қатл этилган.

Бу суиқасдда Искандарнинг қўли бор, деб ўйловчилар қуйидаги далилларга суянадилар: Файлакус ўлимидан бир йил аввал у Клеопатрага уйланган тўй кечаси юз берган жанжалда шох лашкарбоши Аттални химоя қилиб, Искандарни тинчатиш ниятида унга қилич кўтарган. Кейинроқ ота-бола ярашиб кетганида ҳам Файлакус бошқа ўғиллари — Аминта ва Арридейга кўпроқ илтифот кўрсатиб, Искандарнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ чеклаб қўйган. Чамаси, ота Арридейни валлиаҳд танлаш нияти билан шундай қилган. Қичик Осиёдаги Кария вилоятининг янги ҳокими Пиксадор Файлакус билан янада яқинлашиш учун ўз кизини Искандарга эмас, балки Арридейга узатишни таклиф этган. Аммо, шу пайтлар Искандар отасидан яширинча, Карияга, ҳоким Пиксадорга элчи юбориб, унинг кизига талабгор эканлигини билдирган. Бу пайт ўн тўққиз ёшли Искандар Қичик Осиё ҳукмдорига куёв бўлиб, у ерда мустақил ҳукмдор бўлишни, отасидан узоқроқда юришни мўлжаллаган кўринади. Аммо бу яширин ҳаракатни Файлакус билиб қолиб, Искандарга ўз руҳсатисиз ташки алоқаларни ман этиб қўйган.

Кария вилояти ҳукмдорига Искандарнинг таклифи маъқул келган. Аммо бу гапдан хабар топган Файлакус ўғлининг дўсти Филат билан бирга Искандарнинг хонасига кириб келган ва уни қаттиқ қойиб, «варварларга қарам бўлган карияликка куёв бўлмоқчимисан, шу қадар наслингга номуносиб, тубан одаммисан?», деб уришиб берган. Файлакус Искандарнинг совчиси, трагик санъаткор Фессал Коринфликнинг «оёқ-қўлига занжир солиб, Македонияга юборинглар», деб коринфликларга буйруқ беради. Отасининг бу қилмиши Искандарнинг ғурурини топташи табиий эди, албатта.

Файлакуснинг ўлимида Искандарни айбловчи олимлар яна икки воқеага эътиборни қаратадилар. Бири шу эдики, Файлакуснинг фессалиялик дўсти Букефал деган хали ҳеч ким минмаган ўжар тулпорни олиб келиб, унга сотмоқчи бўлади. Аммо, Файлакуснинг яқинларидан ҳеч ким бу тулпорни бўйсундирилмайди. Шох жаҳли чиқиб, уни қайтариб юборганида Искандар: «Кўрқоқлик ва эпсизлик туфайли шундай ажойиб тулпорни қўлдан чиқариб юборибсиз», дейди. Шох бу гапга эътибор бермайди. Аммо Искандар бир неча марта таъна қилгач, Файлакус зарда қилади, «Ўзингдан катталарга таъна қиляпсан, сен от эгарлашни улардан яхшироқ биласанми?» дейди. Искандар: «Ҳа, яхшироқ биламан», дейди. Файлакус: «Агар эплаёлмасанг, беадаблигинг учун қандай жазо оласан?», деб сўрайди. Искандар: «Зевсга қасамки, агар бу ишни эплолмасам, тулпорнинг пулини тўлашга розиман», деб жавоб беради. Аммо қулиб юборади. Отнинг нархидан гаров бойлашади. (Бу жуда катта маблағ эди). Искандар тулпор олдига югуриб бориб, унинг бошини куёш тарафга қаратади. (Акс ҳолда турганида от ўзининг соясидан чўчиганини Искандар сезиб қолган эди). Искандар отнинг бўйинини силаб, жиловидан ушлаб пича олиб юради. Тулпор тинчланганини ва эркин нафас олаётганини сезгач, Искандар тулпорга сакраб миниб, уни чоптира бошлайди. Бу ншдан отасининг меҳри товланаиб кетади. Аммо отасининг вазирлари, хусусан Аттал, кўнглида Искандарга кек сақлайди.

Иккинчи воқеа Файлакуснинг бўлғуси қотили сипоқбоши Павсаний Файлакуснинг ва унинг яқинларидан қаттиқ алам ўтганидан Искандарга шикоят қилиб келади. Ўшанда Искандар унга Эврипиднинг «Медея» асаридан бир сатр билан:

Отадан, келину куёвдан интиқом олмоқ, — деб жавоб берган экан (Медеянинг эри Ясон хиёнатни учун киз ва унинг отасидан ўч олишга ишора).

Аммо бу воқеалар қанчалик аламли бўлса-да, Файлакуснинг ўлимида Искандарнинг алоқадорлигини ишботлайди. Кўпчилик тарихчи олимлар Файлакуснинг ўлимини хотини Олимпиада ёш кундошининг бахтига қасд қилиб уюштирган, деб тахмин қилишади. Олимпиадани яхши билганлар уни «Олимп жодугари» деб бежиз айтмаганлар.

Файлакуснинг кирчиллама ёшида, ўн олти ёшли соҳибжамолни севиб уйланиб, куёвлик гаштини сураётганида фавқулодда ўлдирилиши буюк давлат арбобларини эсанкиратиб қўйди. Юқорида айтганимиздай, салтанат тахтига учта даъвогар бор эди. Аминда, Арридей ва Искандар. Булардан Арридей овсарроқ эди. Урта Ер денгизи, Болкон тоғлари ва Эронгача бўлган ҳудудларда жойлашган қўшинларнинг бошлиқлари ҳар бири ўзига яқин шахзодани тахтга ўтказишга интилар эдилар. Ҳамма эсанкираб қолса ҳам, ўзини йўқотмай, оқилона иш тутган Искандар отасининг обрўли саркардаларидан бири Антипатр ёрдамида буюк Македония салтанатига подшоҳ деб эълон қилинди.

Малика Олимпиаданинг қувончи чексиз эди. У ўғли давлат тепасига келгач, рақибларидан шафқатсизлик билан ўч ола бошлади. Искандар (отасининг маслаҳати билан) Аттал ва унинг барча эркак авлодларини ўлимга ҳукм этди.

Искандар отасининг ҳурмати учун ўғай онаси Клеопатрага ва унинг қизчаси Европага омонлик берди. Аммо Искандар Эрон урушига кетган пайтда онаси Олимпиада кундошини азоблаб, қизчаси Европани онаси кучоғида ўтирганида ўлдиртирди. Бу ноҳақликка чидолмаган ёш бева Клеопатра ўз-ўзини ҳалок этди. Искандар қайтиб келгач, бу иши учун онасидан қаттиқ хафа бўлиб юрди.

Шундай қилиб, «Олимп жодугари» эридан ҳам, ёш келиндан ҳам ваҳшиёна қасос олди.



# ДУНЕЛАРДАН РАШҚ ҚИЛДИМ СЕНИ...

1989 йилнинг қиш ойларида даволаниш учун шифохонага ётгандим. Узингиз биласиз, одатда шифохона кўпчиликни бири бири билан қадрдон қилиб қўяди. Чунки доим бирга бўлгач, ёнингдагилар билан кўпроқ сирлашасан. Мен ҳам камсуқум, хушмуомала, уйдан нима обкелишса, биз билан баҳам кўрадиган бир аёлнинг изтиробларидан воқиф бўлдим. Шифохонадан чиққач, ўша аёл қисматини оққа кўчириб, редакцияга мурожат қилдим, «Йўқ, совет аёлини бу тарзда ёритиб бўлмайди. Тўғри, сиз ҳақиқатни ёзгансиз, лекин мумкин эмас». Бўлим муҳарриридан эшитганим шу бўлди. Индамай эшикни ёпиб чиқиб кетдим. Уйга келиб, «совет турмуш тарзини бузиб» кўрсатган шеърларим ва мақолаларим қаторига буни ҳам ташлаб қўйдим. Орадан бир неча ой ўтиб, ўша аёл ҳолидан хабар олгани уйга бордим. Вой бечора-а... Бандаликни бажо келтирибди. «Совет аёлини ҳам адо қилибди-я...» Худо раҳмат қилсин, охира ти обод бўлсин.

Мана, ўша мақолани чоп этишининг энди вақт-соати етгандай туюлди менга. Ушбуни Сизнинг ҳукмингизга тақдим этишдан аввал бояқши бахтиқаро аёлнинг руҳига тиловат қилиб юбордим. Ҳозир гўё ғамдан адо бўлган аёл руҳи машинкамнинг ёнида туриб менга мақолани сўзма-сўз айтиб тургандай ва мен уни сизларга ёзиб бераётгандайман...

— Ҳаммасига рўзгор халтамнинг банди узилгани сабаб бўлди. Йўқса, мен 13 йилдан буён қадам босмаган кўчага қайрилмас, келинлигим кечган ҳовли эшигидан чиқиб келаётган Собиржон акани кўрмаган бўлар эдим. У кишини кўриб, мана, ярам тагин янгиланди, ҳаммаси кўз ўнгимдан ўта бошлади...

1970 йилнинг ёзида тўйимиз бўлди. Тўйгача кечган орзуларимни айтсам, эҳ-ҳ... Йўқ, ҳамма-

си эртак экан, биринчи ҳафтадан оқ уйга кеч келишлар, ароқ ичиб олиб мени ҳақорат қилишлар бошланди. Ахир, нима қилиб қўйдим? Нега келиб-келиб шу одамга турмушга чиқдим. Тақдир экан-да. Қанча-қанча сара йигитлар остонамизга бош уриб келмади, дейсиз. Ҳаммасини бирдек рад этавериб... мана, энди!.. Уша совчи йигитларнинг орасида бир чапанироғи бор эди. Исми — Эркин. Ух, у менга нималар демаганди! Ҳаммаси тўғри чиқди. «Мен сизга сира ёмонлик тиламайман, лекин наилож, сиз мени ёқтирмаяпсиз. Бордию, бирга бўлганингизда ҳеч қачон афсусланмасдингиз, бахтнинг ҳақиқий маликаси бўлиб юрардингиз. Майли, қаерда бўлманг, бахтли бўлинг. Кўзингиз ҳеч қачон ёшланмасин, лекин бордию... кипрингизга ёш инса, оилада озгина сизни ранжитишса, мени эсларсиз, чунки бахтдан тахт тилаган ва бир умр тилаб юрадиган мен бўламан...» Мен бу гапларни йигитларнинг тўйдан олдинги қуруқ ваъдаларига йўйиб кетавергандим. Тўйдан кейин эса ҳақоратлар ўрнини ҳатто аста-секин тан жароҳатлари эгаллай бошлади. Бесабаб, беайб қанча муштлар едим, қанча тепкиларга чидадим. Дод деб қаерга борай? Уйга, ота-онамникига кетиб қолсам ҳам бўларди, лекин биз яшаётган кўчада қарийб 5-6 та қиз турмуши бузилиб қайтиб келгандилар. Мен уларга қараб: «Эҳ, енгилтақлар, сал гапга қайтиб келаверар эканми? Насиб этиб турмушга чиқсам, бошимдан тегирмон тошини юргизсалар-да, уйга қайтиб келмайман. Ҳаммасига чидаман», дея «катта кетиб» юборибман. Ҳар гапга фаришта омин деркан. Лекин мен бу гапни, азбаройи худо, шу кўрғуликларни кўриш учун, шу кўйга тушиш учун айтган эмасдим. Уз сўзим ўз оёғимга болта бўлиб қайтишини билсам, шундай держидим. Кейин... чиндан ҳам бошимдан тегирмон тошини юргиздилар, мен эса чидайвердим.

Ҳар гал калтак еганимда, зарбалар изидан моматалоқ бўлган юз-кўзларимни силаб Эркинни эслардим: «Бирга бўлганимизда бахтнинг ҳақиқий маликаси бўлиб юрардингиз!» Энди эса бахтсизликнинг ҳақиқий «соҳибаси»-га айланиб ўтирибман.

Тўғриси, мақтаниш эмас-ку, келинлик давримда Собиржон акадай қаттиққўл инсонга кўрсатган бекалик илтифотларим ҳар қандай келинчакнинг қўлидан келавермас керак. Мен шаҳарда, газ-водопроводи бор ҳовлида ўсган қиз эдим. Тушган жойим гарчанд шаҳар бўлса-да, хийла четроқ эди. Ҳовлисида суви, гази йўқ эди. Тонг саҳар туриб, оппоқ тонглар баётини бошлаб берардим. Тирноқ ўстирган қўлларим билан тараша ёриб, самовар ёқардим, ҳовли-кўчаларни супуриб чиқардим. Сувни қўшни кўчадан челақлаб келтириб гулларни суғорардим, қайнота-қайнонамнинг, овсин-ажинларимнинг, қайнсингил ва қайниларимнинг кийимларини ювардим. Тушки ва кечқурунги овқатга ўчоққа ўт қалардим. Ҳатто 6 йил мобайнида ёз ойларида ноқ қишга тайёргарлик кўриб, кўмир хазиналаридан машиналаб кўмир келтирардим, эртадан кечгача ёлғиз ўзим ташиб қўярдим. Ташиб бўлгач, оёқ-қўлларим шундай қақшаб оғрирдик... Бундан ташқари гулзордаги ўтларни ўтардим. Хуллас, ҳамма ишда бўлар, битта «бекорчи» мен эдим. Лекин сира-сира ўкинмасдим шунақа «удобствоси» йўқ жойга келин бўлганимга. Аксинча, бунақа ҳаётни ҳам ўрганиш керак, чиниқиш керак, дердим ўзимча. Қўлларим тарам-тарам ёрилиб кетарди, тирноқларим чатнаб, ёрилиб, ўз ҳуснини йўқотганди. Собиржон ака ишдан қайтгунларига қадар овқатни пишириб, обдасталарга сўв тўлғазиб қўярдим. Келган заҳотлари салом бериб, «Ҳорманг, яхши келдингизми?» дея илтифот қилардим. Олган жавобим эса,

«Овқатинг тайёрми?» Ёўларди. «Ҳа, тайёр, аввал қўлингизни ювиб олинг, келинг сув қўйиб юбораман». «Нима, мен эртадан-кечгача гўнг титиб юрибманми, қўлимни ювман. Башарангга туширмасимдан овқатни опке». Овқатланиб бўлгач, меҳнатлари оғир, ишда чарчайдилар; деб оёқ-қўлларини уқалаб қўярдим. Кўпинча уйга кеч қайтардилар. Саҳар еган нонуштам билан йўлларига кўз тикиб ўтирардим. Тунда қайнонам қайнонам билан, овсинларим қайнилари билан, қайнсингилларим ҳам ухлагани кириб кетишарди. Мен эса кўчага илҳақ термулиб ўтирардим. Кўпинча кечаси соат 2-3 ларда келардилар. Мен кечки соат 6 ларда тайёрлаган овқатни иситиш учун ошхонага бурилсам, кетимдан келиб, мен ит эмасман, иситилган овқатни ейдиган, деб мени сўраб уриб кетардилар. Қозондаги овқатни исирсимас олиб отардилар. Мен жим бўлардим. Йиғлаб-йиғлаб янги овқат тайёрлашга тушардим. Лекин улар маст эмасдилар, тез ухлаб қолардилар. Мен-чи? Мен ухлармидим? Йўқ, ишонмайсиз, ухلامасдим, Биргина Яратганининг ўзи гувоҳ ва яна яқин сирдошим — ёстиқ гувоҳ, ухلامасдим. Тун билан йиғлардим, қайси гуноҳларим эвазига менинг пешонам намакобга ботирилганига йиғлардим; қиз бола пайтим биллиб-билмай айтиб юборган «тегирмон тошини юргизсалар ҳам чидайман» деганимга йиғлардим; ота-онамни кўйдирмай, қайтиб бормай деб йиғлардим; Тангридан хўжайинимга инсоф сўраб йиғлардим. Шу зайл йиллар ўтди. Фарзанд йўқ. Уйимизда фарзанднинг шўх қий-қириқлари йўқ, тўпалонлари йўқ, фақат эр-хотиннинг совуқ муносабати, уруш-жанжал бор, холос. Ота-онам неча марта ҳолимдан хабар олгани келишганда олиб кетишларини айтишарди. Раҳмлари келарди-да. Мен баъзан кўниб, баъзан кўнмасдим. Йўқ, фарзандлик бўлсак, қуюлиб қолар, деб унамасдим. Яна кечаси билан Худоба нола қилиб, юм-юм йиғлаб, ёстиқимни жиққа ҳўл қилиб юборардим. Қанча-қанча егим-хоналар болалар билан тўла, кимлардир туғиб ташлаб кетяпти, уларга фарзанд керакмас, менга керак, эшитяпсанми, эй Худо, менга керак, икки йилдан буён ҳар он, ҳар дақиқа сенга нола қиламан, кимларгадир харом қилиб берган болани менга ҳалол қилиб бер, ахир шунча ситамавларга, азобларга дош бериб келяман, нима учун, ким учун — биргина фарзанд кўраман деб! Узинг бизларни оналикдан «бохабар» қилиб яратгансан. Нега энди она

бўламан деганда тирноққа зор қиласан?!

Бу кўргуликларим етмагандай... Тўғрироғи, тан олиш керак, 70-йиллар тўқчилик, тўқинчилик, арзончилик пайти эди. 20 тийинга қорин тўядиган давр эди. Ишонасизми, ўшандай тўқ замонда... оч қолганман. Қўшинининг ҳовлисига кириб, челақда мол учун ивигиб қўйилган нонни, ҳа-ҳа, молнинг ризқини ҳеч кимга билдирмай ютоқиб еган одам мен бўламан. Ишонмасиз, Яратганининг ўзи шоҳид!

Бир куни эрталаб чой ичиб ўтиргандик. Менинг қўлимда бир бурда нон, хонтахта устида пиёлада чой. Хўжайиним қўлимдан ўша бурда нонни тортиб олдилар-да: «Бу нон учун мен эртадан кечгача меҳнат қилганман, тер тўкканман, — деб пешоналарини қўлларин билан сидуриб кўрсатдилар. — Сен эса ҳеч қаерда ишламайсан, лекин пақиллатиб нонни тушираверасан, тешиб чиқишидан кўрқмайсанми?»

Дод дедим, буёғига чидамайман. Наҳотки мен текинтомоқ бўлсам. Наҳотки мен меҳнат қилмаётган бўлсам. Ахир қадимдан, ҳатто подшоҳар ҳам ўз хизматкорларининг эртанги меҳнатларига ҳолдан тойиб қолмасликлари учун, очдан ўлиб қолмасликлари учун, ювинди бўлса ҳам берганлар-ку! Наҳотки мен эртадан кечгача шу хонадоннинг хизматини қилиб, бир бурда нонга арзимасам?! Эй Худо, бундан кўра мени ўзинг олиб қўя қолмайсанми, жоним ҳам қўтиларди. Е шунга ҳам шукр дейинми? Тангрим, шукрнинг ҳам чегараси борми? Мен сендан кўп нараса сўраётганим йўқ-ку! малика бўлиб юрай, министр бўлай, демайман-ку, ёлғиз сўраганим — хўжайинимга инсоф ва менга фарзанд! Тангрим, ўзни хор қилиш шунчалар бўлар. Жонимдан ўтди. Энди ортиқ чидамайман. Кетаман, энди кетаман. Бир бурда нонга олмаган эр билан қандай яшаш мумкин? Демак, бу уйнинг дастурхонига қўл узатишга ҳаққим йўқ. Ушанда хўжайиним ишга кетгач, қўшинининг молига ивигилган нонга «шерик» бўлгандим. Борабора эгим устихонимга ёпишиб кетди. Ота маҳалламиздагилар кўриб қолишса, бечора сил-пил бўлиб қолган бўлса керак, деб ўйларкан мени.

Хуллас, ҳалиги қўшинининг «берган тузи»га улардан ҳам хизматимни аямасдим.

Орадан кўп ўтмай Худо суюн-тирди — мен ҳомиладор эдим. Қизлик бўлдим. Собиржон акам ҳам жуда севиндилар. Энди эски одатларини ташлайдилар, яхши муносабатда бўладилар, деб ўй-

лагандим туғруқхонада ётиб. Лекин туғруқхонага келиб, кўпчиликнинг олдига қилаётган муомалалари уйга қайтиб келганидан кейин ўзгарди-қолди: яна ур калтак, сур келтак бошланиб кетди. Қизчам бир ёшга тўлгач, мен ишга кирдим, тўғрироғи, мажбур бўлдим. Емон кунларимга ҳам кўникиб кетдим. Лекин энг даҳшатлиси ҳали олданда экан...

Бир куни ишдан анча барвақт қайтдим. Келсам, хонамнинг эшиги очиқ, калити оғзида, осто-нада иккита калиш: бири катта, бири кичик, болаларники бўлса керак, деб ўйладим, кирсам... менинг тўшагимда ким ётибди денг, овсиним!.. Собиржон акам билан! Узингиз ўйланг, менда ўша пайтда ақл қоладими? Мен идрок эта оламанми? Қўлимга дуч келган нараса — пойгакдаги челақда кўмир, унинг устида болғача турган экан — болғачани олиб ҳамма уйимдан олиб келган сервант борми, кўзгу борми, телевизор борми, синдираверибман, синдираверибман, булар мени жиннидан олиб жиннига солиб ўтираверибди. Юз-кўзларимга шиша парчалари сачраб кетиб, қўлларим, юзларим ва оёқларим. Кўзларимнинг ёнидан қон оқиб ётарди. Мен эса телбаларча нарсаларни синдиришда давом этапман: «Мени билмадинглар, Худонинг ҳам сизларга атагани бордир, фақат мени қийнаб, сизларни суюн-тириб қўймас, Худоба солдими», деб синдираверибман. Охири силлам қуриб, мадорсиз чўзилиб қолдим. Кейин...

Ажрашиб кетдик. Мана, ўн уч йилдан буён, гарчанд бир маҳалла бўлсак-да, бу кўчадан юрмагандим. Кейинги кўчадан уйимизга узоқ бўлса ҳам айланиб ўтиб борардим. Лекин бахтга қарши рўзгор халтамнинг банди узилиб кетди-да. Йўқса, мен 13 йил юрмаган кўчага бурилмас, келинлигим кечган ҳовли эшигидан чиқиб келаётган Собиржон акани кўрмаган ва табиийки, ярам бу қадар янгиланмаган ва кўриб турганингиздек, касалхонага тушмаган ҳам бўлардим!..

Худо раҳмат қилгур ўша бебахт аёлнинг ҳолатларини оқ қозғога муҳрляпман-у, кўзларим ёшга тўлди. Эй Парвардигор, яратган бандаларингга ўзинг инсофу товфиқ ато эт, дейман. Сиз ҳам, азиз укажонлар, сингиллар, дуо қилинглр, раҳматлининг гамдан адо бўлган жоничин дунёда жаннати бўлсин. Муҳтарам сингилжонлар, укалар, бир оз кўнглингиз бузилган бўлса, узр. Ниятим — бир-бирингизга шафқатли бўлинг, деб огоҳ этишдан иборат, холос.

# Калмакча

Ўктам Муҳаммад Мурод

## ЧИМИЛДИК СИРЛАРИ

Халкимизда қадимдан қолган шундай урф-одат мавжуд: келин-куёв қутлуғ остонани ҳатлаб чимилдикка кирар экан, янгалар энага мисол уларга бош-қош бўлади. Ёш оиланинг илк қадам босишидаги масъулият ҳамиша уларнинг бўйнига юкланади. Бу урф-одат қачон, ким томонидан жорий этилган, буни-ку бирон кимса аниқ айтиб беролмайди, аммо удумнинг ўзи тўйларимизда никоҳ каби муқаддас бўлиб қолган.

Хўш, авлоддан авлодга тахти бузилмай ўтиб келаётган бу урф-одатнинг қандай сир-синоати бор? Никоҳ окшомида икки ёш юракнинг жўшқин туйғуларига янгалар нега эш бўлади? Нега у асрлар тўфониди эскирмай авлоддан-авлодга ўтиб келаётир?

Албатта, бу урф-одат шунчаки, эрмакка ўйлаб топилмаган, унинг биз ҳали англаб ётмаган ёки бифарқ қарайдиган сир-асрори кўп. Ота-боболаримиз ғоятда донишманд ўтишган. Улар ёш оиланинг кейинги ҳаёт йўли, бир-бирига, фарзандларига меҳр-муҳаббати кўп жиҳатдан мана шу биринчи никоҳ окшомига боғлиқ эканини жуда яхши билишган ва шунинг масъулиятини юракдан туйган ҳолда янгаларни энага мисол танлашган бўлса, ажаб эмас. Бошқа бир томондан, эҳтимол, асосий кўзла-

ган мақсад ҳам шудир, бу ўзига хос жинсий тарбия усули саналган. Янгалар бир қутлуғ окшом боис икки ёшнинг қиёматли сирдошига айланган, хатто айтиш мўмкинки, шу тун уларнинг дарди билан оғриган.

Инсон ақл-заковатига ҳам гоҳида панд берадиган бизнинг сершитоб даврда бу урф-одатга қай даражада амал қилинапти? У эскилик саркити дея бир четга суриб қўйилгани йўқми?

Маълумки, ўтган мустабид тугум даврида бир ғайриинсоний ғояни кишилар онгига синдиришга ҳаракат қилиб келинди. Бу йўлда тинимсиз ташвиқот ишлари олиб борилди. Бу — «совет оиласи» деган мантиксиз ғоя эди. Шунинг таъсирида кўпгина миллий анъана-ю, қадриятларимиз қатори оила, никоҳ ва жинсий тарбия каби масалалар унутилишгача бориб етди. Мактабларда ўқитилиш у ёқда турсин, бу ҳақида матбуотда ёзиш ҳам қаттиқ таъқиқланди, ақсарият ҳолларда, «эскилик саркити», деб қаралди. Бир неча авлод бундай тарбиядан бебаҳра ўсди. Яширишга ҳожат йўқ, биз юқорида тилга олган никоҳ тўйларимиздаги урф-одатга ҳам бугун шунчаки номига амал қилинаётир. Устига-устак, аянчли томони шундаки, баъзи ҳолларда янгаларнинг но-

тўғри хатти-ҳаракати туфайли ёш оилалар бахтсизлик гирдобига ҳам тушиб қолаётир. Таҳририятимизга келган айрим мактублар ҳам фикримизни исботлайди.

«Мустақиллик шарофати туфайли, — деб ёзади самарқандлик Б. исмли йигит, — бугун матбуотда оила, никоҳ ва бошқа миллий урф-одатларимиз тўғрисида очиқ-ойдин ёзилапти. Бунинг, албатта, одамларга, айниқса, ҳали оила қуришга улгурмаган ёшларга сабоқ бўладиган жиҳатлари кўп деб ўйлайман. Шу ўринда мен ҳам никоҳ арафасида бошимдан кечирган бир воқеани сўзлаб бермоқчиман. Қисқаси, мен ҳарбий хизматни тугатиб қайтгач, ота-онам тўй тарадудини бошлаб юборишди. Кўз остиларига олиб юрган қўшни кишлоқлик кизга унаштириб қўйишди. Ҳадемай орзиқиб қутилган тўй ҳам бўлиб ўтди. Ҳамма хурсанд, ҳамма мамнун. Ер-дўстлар ўлан айтиб бизни чимилдикка кузатишди. Янгалар ҳам шивир-шивир қилиб, тезгина қўшни хонага чиқиб кетишди. Чимилдикда қайлигим билан ёлғиз қолдик. Орзуимдаги илк висол окшоми... Бундай дамба одамни қандай хаяжон қуршаб олишини бошидан кечирган ҳар бир киши яхши билса керак. Биз ҳам шундай хаяжон қучоғида маст эдик. Бир-биримизга тикилиб ҳеч

тўямасдик. Бирок, биз энди тўшакка ётар ҳозирда қутилмаган воқеа содир бўлди: кўшни хонадан ҳар хил гап-сўзу бакирик-чакириқлар эшитилиб қолди. Янгалар овозини кўтариб, гоҳ пиқ-пик этиб кулишар, гоҳ уялмай-нетмай беодоб сўзларни айтишарди. Бир чоғ уларнинг бири қия очик турган эшикдан бошини сукиб: «Ҳа, бўлсангиз-чи, куёв!», деб қолса бўлади-ми. Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Қайлигим уятдан бош кўтаролмай қолди. Менинг аҳвол-руҳиям бирдан ўзгарди. Ўзим ҳам билмайман нега бундай бўлганини, қўлоёғимни худди жон тарк этгандек, бирдан бўшашиб кетдим. Бояги иштиёқу хаяжоним, юрагимда ёниб турган ўт туйқус сўниб, ҳеч нарсага ҳафсалам келмасди. Кўшни хонада эса янгаларнинг овози ҳамон тинай демас, улар ўзлари гапириб, ўзлари хиринг-хиринг кулишарди. Хуллас, биз никоҳнинг биринчи окшомини бир-биримизнинг юзимизга тик қараёлмай совуқ ўтказдик. Тонг отгач, мен беҳушдек гандираклаб уйдан чиқдим. Янгалар ҳовли юзасида туришган экан. Улар мени кўриб, пиқ-пик этиб кулиб юборишди. Ораларидан шаддотроғи эса тилини тиёлмай: «Ишқилиб, хизматда зах олдираганингиз йўқми, куёв?», деб қолди. Ишонасизми, мен худди айбдордек нима дейишимни билмай довдираб қолдим. Қип-қизарганча нари кетдим. Қун бўйи шу ноҳуш сўз миямда ғужғон ўйнаб юрди. Шунинг таъсирида бўлса керак, қайлигим билан иккинчи тун ҳам самарасиз ўтди. Энди соғлигимга ўзим ҳам шубҳа қила бошладим. Ҳаёлимдан бир-бирдан ваҳимали ўйлар ўтади, денг, ўзимни қўярга ҳеч жой тополмайман. Бунинг устига, отам-онам, қайлигимнинг олдида бош кўтариб юролмай қолдим. Охири, орадан бир ойлар ўтгач, Тошкентга — врач ҳузурига йўл олишга мажбур бўлдим. Буни қарангки, мени тиббий текширувдан ўтказган врач соғлом эканимни эътироф этди. Мен фақат рухий изтироб домига тушиб қолиб, ўзимни касал санаб юрган эканман. Албатта, мендаги бу рухий ҳолат янгаларнинг ўша кунги пичинг аралаш сўзларидан сўнг пайдо бўлган эди. Мен икки ҳафта давомида руҳиятга таъсир этувчи маҳсус усуллар билан даволаниб уйга қайтдим. Шундан сўнг ҳаммаси яхши кечди. Ҳозир икки нафар фарзандим бор, оилам билан бахтли яшаймиз. Аммо мен шунча изтиробларни бошимдан кечиришга сабабчи бўлган янгаларни кечира олармиканман?!»

Еш келин-куёвларнинг ҳаётида содир бўлган иккинчи бир воқеа ҳам кишини ўйга толдиради.

Сайфиддин ва Маҳбуба тўйга қадар бир-бирларини яхши таниш-

мас эди. Қариндош-уруғларининг елиб-югуриши уларнинг тақдири қўшилишига сабаб бўлди. Оксоқоллар икки ёшнинг бахтини тилаб, нон ушатишди. Тезда тўй куни ҳам белгиланди. Никоҳ окшоми Сайфиддинга яқинда турмуш қурган кичик ақасининг рафикаси янгалик қилишга розилик берди. Бирок, янга ўзидан бир неча ёш катта қайнисига никоҳнинг барча сир-асрорларини очик сўзлашга ботинолмади. Фақат ғул қоидалари ва калимани ўргатиб қўя қолди.

Маҳбубанинг никоҳ олди тайёргарлиги эса буткул бошқача кечди. У деярли ҳар кун янғасининг ваҳима тўла сабоқларидан «бахраманд» бўлиб борди. Янғасининг айтишига қараганда, никоҳнинг биринчи кечаси ҳар қандай келин ҳам оғриқнинг зўридан ҳушини йўқотар даражага етар экан. Эрақалар эса ўз ҳирсларини қондириш мақсадида келиннинг ох-зори га қулок ҳам солмай, хайвондек хатти-ҳаракат қилишар экан. Янга айтаётганларини Маҳбуба қулок қимирлатмай эшитаётганини кўриб, «фойдали» маслаҳатини аямаган, жўшиб сўзлайверган. Охири-оқибат аҳвол шу даражага етганки, шўрлик келиннинг фикр-дунёси бир тўла ваҳимали ўйлар билан тўлиб-тошган. У энди никоҳ окшомини орзиқиб эмас, қўрқув билан кута бошлаган.

Ниҳоят, тўй ҳам ўтиб, висол дамлари етиб келган. Аммо Маҳбубанинг қайфияти, аҳвол-руҳияси тўйдагидек эмасди, у дугоналари қуршовида нимадандир безовта тортиб турарди. У чимилдикда ҳам Сайфиддинни қўрқув билан сесканиб қарши олган. Сайфиддин қўл узатган заҳоти у худди жонини сўғуриб оладигандек, сапчиб тушиб, ўзини бурчакка тортган. Куёвни бир неча марта нафрат билан ўзидан нарига итариб ташлаган. У бу ҳаракатни қўрқувдан дағ-дағ қалтираганча, табиий бир йўсинда бажарган. Сайфиддин эса қайлиги нега бундай қилаётганига тушунолмай хайрон бўлган. У Маҳбубани саволга тутиб ҳам тузук-қурук жавоб ололмаган. Шундан сўнг унинг ҳаёлига ҳар хил ўйлар келган. Ўз-ўзидан қайфияти бузилган. Охири, у «яхши қўрган йигитингиз борми?» деган саволни беришдан ўзини тиёлмаган. Маҳбуба эса «йўқ» деган ишорада бош силкиб, юм-юм йиғлайверган. Қисқаси, шу окшом уларнинг юзи ёруғ бўлмаган. Бахтга қарши, Маҳбубани ҳалиги қўрқув кейинги окшомлар ҳам тарк этмаган ва ундаги бу ёввойилик Сайфиддинга ҳам ўтган. Сайфиддин ҳам ҳамма нарсага бефарқ қарайдиган, совуққон йигитга айланиб борган.

Қисқаси, уларнинг ҳаёти бир ойча шундай мотамсаро кечган.

Кейин Сайфиддин ноилж мутахассис врачга учрашиб, бошидан кечирган воқеаларни гапириб беришга мажбур бўлган. Врач унга қайлиғи билан бирга тиббий текширувдан ўтиши лозимлигини маслаҳат берган. Тиббий текширувдан сўнг шу нарса маълум бўлганки, Маҳбуба вагинизм дардига чалинган экан. Маҳбубадаги бу хасталик шубҳасиз «доно» янғанинг ўғитларидан сўнг пайдо бўлган. Буни кейинчалик Маҳбубанинг ўзи ҳам эътироф этди.

Врачлар Маҳбубага муттасил тушунтириш ишлари олиб боргандан сўнггина у бу дарддан халос бўлди.

Юкорида келтирилган мактублардан барвақт ҳулоса чиқаришга шошилманг, азиз жўрналхон. Чунки биз ёш келин-куёвнинг янги ҳаётга кадам қўйишида янгаларнинг хизматини инъкор этиш ёки тўйларимиздаги миллий урф-одатга қарши туриш фикридан йироқмиз. Ахир, жинсий тарбиядан мутлақо беҳабар кўпгина ёшларимизга ўзларининг зарурий маслаҳатларини аямайдиган, янги оила бунёд бўлишида ҳамнафас турадиган янгаларнинг беиннат хизматини эътироф этмай бўладими?! Қолаверса, тўйларимиз шундай анъана-ю, урф-одатлар билан гўзалдир. Тўйлар ичида эса никоҳ тўйи — бу муқаддас бир хилқатдир. Бу хилқатда инсоннинг энг пок, беғубор орзу-умиди жамланади. Яна айтишларича, никоҳ арафасида келин-куёвнинг руҳияти, шунчалик нозикликка мойил бўларканки, унга зиғирдек ноҳуш сўз ҳам улкан талофат етказиши мумкин экан. Бунинг исботи юкорида келтирилган мактубларда ҳам баён этилган. Биз шундан келиб чиқиб, янгаларни яна бир марта хушёрликка қақирамиз: келин-куёвни гулдек нозик лаҳзаларда ноҳуш сўздан эҳтиёт қилинг!



# ТИБЕТ МАРХУМЛАР КИТОБИ БАРДО ТЁДОЛ

## ЎЛИМ ЛАҲЗАСИДА БАРДО ЎЛИМ АЛОМАТЛАРИ ҲАҚИДА ВАЪЗ-НАСИХАТЛАР ЁХУД ЧИГАЙ БАРДО

Ўлим Лаҳзаси Оралиқ Ҳолатида Соф Ёғду билан учрашишга бағишланган ваъз-насихатлар қуйидагича:

Диний ваъз-насихатларни жуда кўп эшитган билан, бироқ уларни уқмаслик мумкин. Уққан тақдирда ҳам бари бир билимда сустанликка йўл қўйиш мумкин. Агар ушбу ваъз-насихатлар дастурлар билан амалий таълим олган кишига қарата айтилса, у Азалий Соф Ёғду қаршисида ҳозир бўлади. Оралиқ Ҳолатни четлаб ўтиб, Буюк Юксалиш Йўлига<sup>1</sup> қиради ва Дхарма-Кайя Туғилмасликка эришади.

<sup>1</sup> Тибетчаси «Юқорига Буюк Тўғри Йўл». Шимолий буддизм таълимотларидан бирида уқтирилишича, рухий озодликка ва ҳатто Будда ҳолатига лаҳзада, Бардо доирасига кирмай туриб ва ундан кейин келаётган сансарий мавжудликнинг турли оламлари билан кесишиб ўтаётган, одатдаги ривожланиш йўлига хос бўлган азоб-уқубатларсиз эришиш мумкин. Бу таълимот Бардо Тёдолнинг негизда ётади. Эътиқод — Сирли Йўл сари ташланган биринчи қадам. Иккинчи қадам — Комиллик, у Ишончга олиб боради. Мақсадга эришганидан кейин Озодлик бошланади. Бироқ бу борада муваффақиятга эришиш учун йог саньатидан фавқуллода бой тажрибага эга бўлмоқ лозим, шу билан бирга жуда кўп фазилатлари саховатлар, яъни яхши қарма соҳиби бўлмоқ ҳам керак. Агар толиб муаллими гуру унга аён қилган Ҳақиқатни пайқаса ва қабул қилса, бошқача айтганда, агар у ўз қазосини онгли равишда уддалай олса, зарур лаҳзада қаршисида ярқираган Соф Ёғдуни пайқайди ва у билан бириккиб-сингишиб кетади-шунда Сансара кишанлари ўша лаҳзадаёқ чил-парчи бўлади: Ухлаётган, англаган заҳоти. Воқелик ичида уйғонади.

Шундай ваъз-насихат қилмоқ керак:

Агар маросимда марҳумга таълим берган гуру иштирок этса — бу жуда маъқул; мабодо бунинг иложи бўлмаса, марҳумнинг эътиқоддош биродари, ҳамкасби келса ҳам бўлаверади; агар у ҳам кела олмаса, марҳум билан бир диндаги бирор бир саводли киши келсин; бунинг ҳам иложи топилмаса, у ҳолда тўғри ва тушунарли ўқий оладиган киши бу ваъз-насихатларни ўқисин. Шу тариқа, Воқелик билан учрашиш ҳақида марҳум эшитган ваъз-насихатлар унинг онгига етказилади ва у тезда Азалий Ёғдуни танийди ҳамда шубҳасиз, Озодликка эришади.

Ваъз-насихатларни ўқиш муддати ҳақида:

Қазо қилаётган кишининг сўнгги нафаси чиқishi билан танасидаги тириклик қуввати Донолик асаб марказига<sup>2</sup> интилади ва Англовчи<sup>3</sup> Соф Ёғдуни қандай бўлса айнан шундай идроклайди<sup>4</sup>. Шундан сўнг тириклик қуввати<sup>5</sup> қўйига ўнг ва сўл томирларга<sup>6</sup> ташланади, шунда жон таълим қилаётган киши Оралиқ Ҳолатга тушиб қолади.

<sup>2</sup> Матиннинг бу ва бошқа ўринларида «марказ» ибораси руҳин марказини билдиради. Донолик асаб маркази юрак атрофида сақланади.

<sup>3</sup> Тибетча «шена» — «ақл», «англовчи», яъни ақлнинг англовчилик вазифасини билдиради.

<sup>4</sup> Тибетчаси «шакл ясовчилик фаоллигидан маҳрумлик», яъни ақлнинг табиий, азалий ҳолати. Унинг гайритабиий, инсон танасида мужасамланган ҳолатида ақл беш сезги органининг кучли таъсири остида бўлади ва доимий равишда фикрлаш би-

Бу ваъз-насихатларни тириклик қуввати сўл томирларга шитоб билан ёприлиб, киндик атрофидаги асаб марказини кесиб ўтгандан сўнг амалга ошириш керак.

Тириклик қувватининг кўчиши қазо қилаётган кишининг сўнгги нафасларни олиши чоғида рўй беради ёки овқатланиб олиш учун сарф бўладиган вақтга тенг муддат ичида амалга ошади<sup>7</sup>.

Шундан сўнг қуйидаги ваъз-насихатлар келади.

Кўчиришни энг сўнгги нафаслар олинаётган бир пайтда амалга оширган маъқул; агар буни уд далашнинг иложи бўлмаса, у ҳолда марҳумга шундай мурожаат қил:

«Эй, олийҳиммат (фалончи), Йўл излаш фурсати етди. Сенинг нафас олишинг ҳозир тўхтади. Гуру сени Соф Ёғду билан учрашишга шай қилди; Бардо Оламида у қандай кўринса, шундай қабул қилсан уни, Бардо Оламида эса неки кўрингай — барчаси тип-тиниқ, булутсиз осмонга менгзагулик; покнокиза, лойқаланмаган ақл — шаффоф бўшлиқдай, унинг чеку чегараси ва ё маркази йўқ. Шу лаҳза ўзингни тушун, англаб ет ва шу

лан банд бўлади. Унинг табиий ёки танада мужасамланган ҳолати — тинч, ҳаракатсиз ҳолат; бундай ҳолатни, гарчи бу жараҳда ақл хали тана билан боғланиб турган бўлса-да, дхяна (чуккур ўйчанлик) билан қийсалани мумкин. Соф Ёғдуни онгли тарзда идроклаш экстаз (жазава) ҳолатини кўзга кўриб, буни Ғарб авлиё ва мистиклари ақлнинг Еришиши деб атайдилар.

<sup>5</sup> Тибетча «лук» — «ҳаёт нафаси», «тириклик қуввати», «руҳий қувват»ни англатади.

<sup>6</sup> Тибетчаси — «ўнг ва сўл томирлар».

Оламда қол. Мен сени қўлайман».

Бу сўзларни жон таслим қилаётган кишининг қулоғига, нафаси буткул узилмасдан аввал, қайта-қайта айтки, айтганларинг идрокига сингиб қолсин.

Агар ўлаётган кишининг нафаси узилай деб турган бўлса, дарҳол уни ўнг ёнбошига ағдариб, «ёнбошлаб ётган шер» ҳолатида ётқиз. Шундан сўнг томоғининг ўнг ва чап тарафидаги шоҳ қон томирларни босиб керак.

Агар ўлаётган киши уйқуга мойиллик билдирса ёки уйқуга кетса, шоҳ томирларини эҳтиёткорлик билан жуда қаттиқ босиб, бунга йўл қўймастик керак.<sup>7</sup> Шундай қилинганда тириклик қуввати ўрта асабдан<sup>9</sup> орқага қайта олмайди ва Брама тешиги<sup>10</sup> орқали танани тарк этади. Шундан сўнг марҳумга Воқелик билан учрашиш ҳақида ваъз-насихатларни бериш керак.

Шу лаҳзада барча тирик мавжудотлар Бардо Соф Ёғду воқелиги, Дхарма-Кайя Комил Ақли шуълаларини кўради.

Нафас чиқариш билан нафас олишнинг узилиши оралигидаги вақт — бу шундай дақиқаки, шу дақиқада тириклик қуввати ўрта асабга<sup>11</sup> ўтади.

<sup>7</sup> Бу матн тартиб берилган замонда вақтни ўлчашнинг механик воситалари маълум эмас эди. Бундай аҳвол Тибетнинг кўплаб туманларида ҳанузгача сақланиб қолинган. Муқаддас китобларда тез-тез қайд этиладиган — овқатланиб олиш учун сарф бўладиган вақт, яъни 20—30 минутлик муддат тушунчаси у ерларда ҳали ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

<sup>8</sup> Инсон бедор ҳолатда, ўлиш жараёнини аниқ-тиниқ идроклаб қазо қилмоғи лозим ва шунинг учун ҳам жон таслим қилаётганда шоҳ қон томирлари босилади.

<sup>9</sup> Санскритча дхути сўзи матида «ўрта асаб», сўзма-сўз эса «уч томирнинг бирикуви»ни билдиради. «В. С. Аптининг (1890) дугатида духатига ҳамоҳанг сўз бор, бу «титранш», «ҳаракат» маъносидоғи сўз; бизнинг матн билан солиштирганда бу сўзлар руҳий қувватнинг, ўрта асабдан ўтадиган, тебранма (қалтироқли) ҳаракатини англатади». — Лама Кази Дава-Сам-дун.

«Дхути — улоқтириш», «итқитиш» маъносини бериши мумкин, бу онгнинг ўлиш жараёнида танадан ажралиб чиқишини англатади» — Атал Бихари Гхош.

<sup>10</sup> Агар бу дақиқада жон таслим қилаётган киши диққатини бир нуқтага жамлаб олган ва ҳушёр бўлса, Тёдолни эшитиш шарофати туфайли, ҳали Брама тешигидан чиқиб кетмаган тириклик қувватини ўрта асабда ушлаб туришнинг аҳамиятини англаб этади.

<sup>11</sup> Сўнгги нафас узилгандан кейин тириклик қуввати (сўзма-сўз — «ички нафас») юрак тўхтагунча ўрта асабда сақланади.

Тибетликлар буни онг оқими<sup>12</sup> узиладиган ҳолат, деб атайдилар. Бу ҳолатнинг давомийлиги турлича ва у организмнинг, асаб системаси ҳамда тириклик қувватининг аҳволига боғлиқ. Теран дхъянидан озроқ амалий тажрибага эга бўлган ёки асаблари мустаҳкам киши бу ҳолатда узок туради<sup>13</sup>.

Воқелик билан учрашиш ҳақидаги ваъз-насихатларни ўқиш чоғида юқорида келтирилган марҳумга мурожаатни такрорлаш лозим. Ва бу мурожаат марҳумнинг танасидаги турли тешиклардан сарғимтил ажралиб чиққунга қадар давом эттиришмоғи керак.

Ахлоқсиз, эътиқодсиз ҳаёт кечирган ва асаблари бўш кишилар бу ҳолатда қанча муддат талаб этилса шунча вақт туриб қоладилар; бошқалар учун эса овқатланишга сарф бўладиган даражадаги вақт кифоя.

Айрим таналарда беҳушлик ҳолати уч ярим кунгача давом этиши айтилади. Бошқа кўплаб диний китобларда тўрт кун дейилган: мана шу вақт ичида Соф Ёғду билан учрашиш ҳақидаги ваъз-насихатларни тўхтовсиз давом эттириш лозим.

Бу кўрсатмаларни қуйидагича қўллаган маъқул:

Агар киши жон таслим этаётиб ўлим аломатларини идроклашга қодир бўлса, дарҳол ўз билимини

<sup>12</sup> Тибетча намше, санскритча ВИЖ-НЯНА ёки, аниқроғи ЧАЙТАНЯ — «онг принципи», «объектларни англамоқ принципи».

<sup>13</sup> Одатда, бу ҳолат 4—5, баъзан 7 кунгача давом этади. Бироқ онг оқими инсон танасида бу вақт мобайнида сақланиб турмайди; агар бу, масалан, йог кўзғатган алоҳида транс (гипноз, жазава) ҳолати бўлса бошқа гап. Одатда онг оқими жон чиқиш лаҳзасида, тана билан кўз илғамайдиган магнит орқали сақланган ҳолда танани тарк этади.

Ўлим туғилишига терс жараён: туғилиш — онгнинг мужжасамлашган ҳолда намоен бўлиши, ўлим — онгнинг номужжасамликка юз тутиши, бироқ ҳар иккала ҳодиса юз берганда ҳам онг бир ҳолатдан бошқасига кўчади. Эндигина туғилган чақалоқ бу дунёда қай тариқа кўз очса, ўз шахсий тажрибаларига таяниб унинг табиатини тушуниб етса, марҳум ҳам Бардо оламида худди шу тахлит уйғонади ва унинг ўзига хос томонлари билан танишади. Кўз илғамас, эфирга ўхшаш материалдан таркиб топган Бардо танаси — ўлимдан сўнг инсон танасидан ажралиб чиққан, айна шу тананинг нусхасидир. Бардо танаси ўзида онгли ва Руҳий асаб системасини (инсон танасининг асаб системаси билан табиати — нусхасини) сақлаб қолади.

ишга солмоғи керак<sup>14</sup>. Агар у бунинг улдасидан чиқа олмаса, унда гуру ё шиппа ва ё марҳумнинг эътиқоддош биродари, яқин ойнаси унинг ёнида туриши керак<sup>15</sup> ва ўлим аломатлари қай тариқа пайдо бўлаётганини лозим кўрилган тартиб асосида марҳумга хабар бериб туриши ҳамда қуйидаги насихатни бир неча бор айтиши керак:

«Ҳозир сувга ботиб кетаётган ер аломатлари кўринди».

<sup>14</sup> Буни «Ўлиш санъати» (XV аср)дан олинган ушбу ваъз-насихатлар билан қиёсланг: «Бирор-бир киши қазо қилаётганда энг яқин биродари унинг ёнида ҳозир бўлиши жуда зарур. зеро, биродари чин юракдан унга кўмаклашади, руҳи тинч бўлсин, деб дуолар ўқийди».

<sup>15</sup> Ўлимнинг уч асосий аломати (матида фақат биринчиси айтилган, бироқ маросимни адо этадиган киши қолганларини билади ва уларни ҳам, кўрина бошлаши билан, эътироф этади) ва уларнинг тимсолий образлари қуйидагича: 1. танада огирлик ҳис этиш — «ер сувга чўкмоқда»; 2. Совуқни ҳис этиш — гўё тана сув ичида — ҳароратнинг алангали иситмага айланиши — «сув олов ичида»; 3. Тана жуда майда зарраларга бўлиниб кетаётгани ҳис этиш — «олов ҳавода». Ўлимнинг ҳар бир аломати ташқи кўринишда рўй берадиган ўзгаришларга сабаб бўлади, жумладан, қазо қилаётган киши юз мускулларини идора эта олмайди, эшитиш ва кўринишдан марҳум бўлади, ҳушини йўқотишдан олдин узук-юлук нафас олади.

# ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ

## ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ — ЎЗБЕКИСТОНДА!

Ҳа, ҳа, кўзингиз сизни асло алдаётгани йўқ! Едингизда бўлса, бултур «Ешлик»да «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан танланган маълумотларни эълон қилишни бошлаётиб, бу тадбир маъмур маълум ва машҳур китобнинг ўзбекча нашри сари ташланаётган илк қадам эканлигини таъкидлаб ўтган эдик. Ниҳоят, бу орзунинг амалга ошиши йўлида яна бир муҳим қадам ташланди — «Ешлик» журнали «Меърож» кичик корхонаси билан ҳамкорликда рекордлар китобининг ўзбек тилидаги илк мухтасар нашрини чоп этди.

«Кўз — кўрмаган, қулоқ — эшитмаган...» дея номланувчи ушбу мажмуа рекордлар китобида қайд этилган 500 га яқин энг беқиёс, ақли шоширивчи маълумотларни ўзида жамлаган. Мазкур маълумотлар китобда ўзига хос, ниҳоятда ўқишли тарзда истифода этилган. Бу жиҳатдан у нафақат бизнинг мамлакатда, балки бутун дунёда беқиёсдир. Ушбу нодир китобни тарқатиш истагидаги шахслар ва ташкилотлар «Ешлик» журнали таҳририятига муурожаат қилишлари мумкин. Катта миқдорда харид қилувчиларга имтиёзлар берилади.

**«Кўз — Кўрмаган, Қулоқ — Эшитмаган...»**  
**СИЗ — Кўринг,**  
**СИЗ — Эшитинг!**  
Рекордлар китобидан танланган маълумотларнинг давоми сифатида берилётган қуйидаги парча шу мажмуадан олингандир.

## БИР ҚОРИНДА... ЎН БЕШ БОЛА?!

Биз болажон халқмиз. Бу тўғрида фалсафа сўқишга уринишнинг ўзи кулгили. Аммо не ажабки, ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИнинг «Оналик» бўлимида ҳам, «Кўп болали кўзи ёришлар» бўлимида ҳам бирорта дилга яқин номни учратмадик. Қолбуки, орамизда бувиси, бобоси ёки бошқа ёши улуғлардан йигирма, ўттиз, қирқ ва ҳаттоки элликдан ортиқ маротаба кўзи ёриган қариндошуруғ ёки таниш-билишлар ҳақида эшитмаган одам топилиши гумон.

Хўп, майли, бу китобни тузувчиларнинг виждонига ҳавола бўла қолсин. Биз эсақ то китобнинг мукамал ўзбекча нашри тайёрлангунга қадар бориға қаноат қилиб турайлик.

## Қаҳрамонмисан қаҳрамонлар

Маълумки, яқин-яқингача ҳам бизда ўн фарзандни вояга етказган волидаларни «Қаҳрамон она» юлдузи билан тақдирлаш таомили мавжуд эди. ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИда кўрамизки, инсоният тарихида қайд этиб қолдирилган энг кўп болали она 69 фарзандни ўстирган экан. Масковдан 241 қақирим нарида жойлашган Шуя қишлоғилик Фёдор Васильёв (1707—1782) исмли дехқонга тегишли бу ожизанинг жами 27 бор кўзи ёриган: 16 марта иккитадан, 7 марта учтадан ва 4 маротаба тўрттадан эгизак кўрган. Гўдақларнинг деярли барчаси яшаб кетган. Бу маълумот Русия ҳоқони Екатерина II (1762—1796)да ҳам қизиқиш

уйғотган. Болалар қирқ йил муддат ичида — 1725 йилдан 1765 йилга қадар дунёга келишган. Афсус, бу ҳодиса олис мезийга тегишли. Ким билсин, балки Фёдор Васильёв ҳамда унинг завжаси ушбу мислсиз серғайратлик намунасини 200 йил кейинроқ кўрсатишганида бир эмас, етти марта қаҳрамонлик «юлдузи» билан тақдирланишармиди, нишондорлик бобида «муҳтарам ва кўп азиз» Леонид Илийчни ҳам паққада қолдирган бўлишармиди...

Олис Чилидаги Сан Антонио шаҳрида яшамаганида Леонтина Албина (1921 йилда туғилган) ҳам шундай «юлдуз»ларнинг камида бештасига даъвогарлик қилиши мумкин эди. 1981 йили у ўзининг сўнгги, 55-чи фарзандини тугди. «Зарбдор» ота — Херардо Албина (1921 йилда туғилган)га ишонадиган бўлсак, Чилига кўчиб келгунларига қадар, Аргентинада улар беш маротаба 3 тадан (бари ўғил бола) эгизак кўришган. 55 фарзанддан 40 таси (24 ўғил ва 16 қиз) яшаб кетган. Қолган ўн бешта гўдак кўз ёриши пайти ҳамда зилзилалар оқибатида нобуд бўлган.

1989 йилнинг 31 январида аргентиналик фермернинг хотини Мария Оливер (1939 йилда туғилган) ҳам 32-чи фарзандини омон-эсон туғиб олди. Болаларнинг барчаси тирик.

## Туя гўшти ейиш таърифида

1884 йилнинг 27 декабрида «Ю. С. медал инвестигейтор» журнали 15 ою 20 кун давом этган ҳомилдорлик ҳақида хабар берди. Бироқ юз ўттиз йил аввалроқ — 1751 йилда «Истуар де л'академи» журнали ақл бовар қилмас муддат — 36 ойга чўзилган ҳомилдорлик ҳақида огоҳ этган экан.

1961 йили Ронгун шахрида ҳомилдорлик даври 25 йилга чўзилиб кетган бирмалик аёлнинг қорнидан жарроҳлик йўли билан 1,3 килоли куруқшоқ гўдак чиқариб олинди. Маълум бўлишича, 1936 йили ойкуни етиб аёлни тўлғоқ тутган, бироқ бола туғилмай қоринда қолиб кетган.

## Барвақт дунёга келиш айбми?

Жеймс Элжин Гилл 1987 йил 20 май куни Канаданинг Оттава шахрида, муддатига 128 кун етмай дунёга келди. Туғилганида унинг вазни атиги 624 грамм эди.

Жоанн ва Марк Холдинглар эса 1988 йил 28 февралда Буюк Британиянинг Портсмут шахрида муддатларидан 105 кун бурун дунёга келишди ва яшаб кетишди. Жоаннинг вазни 880 грамм, Маркники эса 825 грамм эди.

## Кўчқордек ўғил берганда

Испаниянинг Аверсе шахрилик Сиг Кармелина Феделе 1955 йилнинг сентябрида ўғил кўрди. Болакай (гўдак дейишга тили бормайди кишининг!) ақл бовар қилмас даражада бўлди — 10 килоу 200 грамм туғилди. Худди шундай вазинли бола 1982 йил 24 май куни Жанубий Амриқода ҳам дунёга келди. Шу куни жарроҳлар Кристина Самане исмли аёлнинг қорнини ёриб, мислсиз катталиқдаги болани чиқариб олишди. 6 ёшида Ситандаве дея номланмиш бу болакайнинг вазни 70 кило, бўйи эса 165 сантиметр эди.

Буюк Британиянинг Энфилд шахрилик Томас Хилл Эверитт (1779—1880) эса 9,5 ойлик чоғидеёқ роппа-роса 57 кило тош босар эди. Бўйи бу пайтда 99 сантиметр, кўкрак қафасининг ўлчами эса 94 сантиметрга тенг эди. Ҳозирда ҳаёт энг оғир одам — Т. Ж. Алберт Жексон 12 ойлик чоғи 47,6 кило вазига эга бўлган. Бўйи эса бу пайтда 124 сантиметр эди.

Туғилиш билан боғлиқ ғаройиб воқеа-ҳодисалар ичида яна шуниси эътиборга моликки, Виржиния штати (АҚШ)даги Клинтвуд шахрилик Ралф ва Каролин Камминларнинг барча беш фарзанди турли йилларда (Кэтрин — 1952, Кэррол — 1953, Чарлз — 1956, Клаудиа — 1961, Сесилия — 1966), аммо бир кунда — 20 февралда дунёга келган!

## Эгизаклар таърифиди

Энг кўп эгизак — 10 нафар (2 ўғил ва 8 қиз) — бир қориндан

1946 йилнинг 22 апрелида Бакакей шахри (Бразилия)да туғилганлиги ҳақида маълумот бор. Худди шундай маълумотлар 1924 йили Испаниядан, 1936 йилнинг 12 майида эса Хитойдан ҳам олинган.

1971 йил 13 июн куни Сидней (Австралия)даги Қироллик касалхонасида Жералдина Бродрик 9 нафар (5 ўғил ва 4 қиз) эгизак кўрди. Ўғилларининг иккитаси ўлик туғилди. Яна бир ўғил — Ричард 6 кун яшаб вафот этди.

9 тадан эгизак шувингдек 1972 йилнинг 29 майида Филадельфия (АҚШ)да, 1977 йилнинг 11 майида эса Бангладешда ҳам дунёга келган, аммо гўдакларнинг биронтаси ҳам яшаб кетмаган.

15 та, ҳа, ҳа, 15 нафар (10 қиз ва 5 ўғил) эгизаклардан иборат ҳомиллага дуч келди румлик доктор Женнаро Монтанино 1971 йилнинг 22 июлида 35 ёшли уй бекасининг бачадонини оператсия қилаётган. Шуниси қизиқки, мазкур ақл бовар этмас ҳодисага сабаб сифатида аёл ҳомилдорликдан бурун мунтазам равишда қабул қилган пуштсизликка қарши дори кўрсатилган.

## УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРЛАРИ

*Буюк аллома ибн Сино инсоннинг минг йил умр кўриш имкониятидан хабар берган экан. Аммо бугунда минг йил ва ҳаттоки юз йил у ёқда турсин, олтмиш-етмиш йил яшашни орзу қилган ва шунга яраша ҳаракатда бўлган кимсани топиш ҳам мушкул. Ҳаёт ва тирикчилик ташвишларига шу даражада берилиб кетганмизки, барчамизнинг бирдан-бир орзумиз амаллаб эртанги кунга етиб олиш, у ёғи нима бўлади — ё разоқ! Одамлар ёш кетишяпти, инсонни кундан-кунга касалликлар ишғол этишяпти, деймиз. Балки бунинг сабаби фақатгина чанг-тўзонда, атроф-муҳитнинг ифлослигида эмасдир, одамларда узоқ умр кўришга иштиёқнинг сўниб бораётганида ҳамдир? Ахир бежиз айтмаганларку, яхши ният — ярим мол, деб. Келинг, ташвишу югур-югурлардан вақти-вақти билан чалғиб туришни ўрганайлик, озгина бўлса ҳам фақат эртанги кунга эмас, келажакка, узоқ келажакка кўз тикишга ҳаракат қилайлик.*

*Ишонаверинг, узоқ умр кечиршининг сира-сира зиёни йўқ.*

## Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномангизни йўқотманг

Озарбойжоннинг Лорик туманидаги Барзов қишлоғилик Шерали Муслимов ҳақида эшитмаган

одам топилмаса керак. Яқин-яқингача ҳам у собиқ Иттифокдаги энг узоқ умр кўрган одам сифатида эътироф этиб келинарди. Манбаларда кўрсатилишича, 1973 йилнинг 2 сентябрида вафот этган Шерали Муслимов 1805 йил 26 март куни дунёга келган, демак, жами 168 йил умр кўрган. Мазкур натижа билан Муслимов ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ. «Узоқ умр кўрганлар» бўлимининг тўридан ўрин олиши лозим эди. Лекин афсуски, Шерали оғанинг ҳақиқатдан ҳам 1805 йил 26 мартда туғилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам, гувоҳ ҳам топилмади (сабабини сизга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак).

Омадсиз рекордчи ҳақида яна шу нарса маълумки, 1966 йилда у учинчи рафиқаси — Хатунанинг 100 яшарлик тўйини қилиб берган, 1973 йил августиди эса набираларидан бирининг 100 ёшга тўлишини нишонлаган. Биронта ҳам хорижлик мухбир ёки олим бу одам билан учрашмаган. Қабртошига 1805 йил туғилиб, 1973 йилда ўлганлиги қайд этилганига қарамай, киевлик тадқиқотчилар Шерали Муслимовнинг ёши тахминан 40—50 йил ошириб кўрсатилган, деган мулоҳазани ўртага ташлашган. Бундай фикрга улар 1977 йили, Шерали оғанинг сўнги рафиқаси Хатуна Нуриева (1880—1984) билан суҳбатлашгандан сўнг, эшитганларини Муслимовнинг таржимаи холига таққослаб келишди.

## «Печат — бу ҳужжат!»

Энг узоқ, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома билан тасдиқланган умрни жапан Сигейо Иззуми кечирди. Токиёдан 1320 чақирим жануби ғарбда жойлашган Токуносима оролидаги Асан қишлоғида у роппа-роса 120 йилу 237 кун умргузаронлик қилди. Иззуми Асанда 1865 йилнинг 29 июнида дунёга келди. 6 ёшида — 1871 йили, Жапонияда ўтказилган илк аҳолини рўйхатга олиш тадбири чоғида ҳужжатларда қайд этилди. У 1986 йил 21 феврал куни ўзининг хилват оролдаги ғарибгина кулбасида ўпка шамоллашидан вафот этди.

Бугунги кунда ҳаёт дунёдаги энг кекса одам эса амриколик Кэрри Уайт (қизлик шарифи Жойнер) ҳисобланади. У 1874 йил 18 нўябрда Флорида штатидаги Хадоден шахрида дунёга келган. Бугунги кунда Кэрри Уайт Флориданинг Палатка шаҳарчасидаги қариялар уйида кун кечирмоқда.

## Шоҳлар келиб кетаверади...

Лондонлик Томас Карн бутун умри давомида бир эмас, ўнта под-



шонинг бошқаруви остида яшашга муяссар бўлди. У 1471 йили, айна қирол Генрих VI тахтдан ағдарилган пайтда дунёга келди. Орадан рошпа-роса 87 йилу 7 ою 6 кун ўтиб Томас Карн ҳаётидаги сўнги, ўнинчи ҳоқон — Елизавета I нинг тахтга миншига гувоҳ бўлди. У 1578 йил 28 январда 107 ёшида вафот этди.

## ҲАЁТ — ҲИЙИН ДЕМАҚ

*«Ҳаёт — қиморхона!», дея қаҳқажа уради Ҳётнинг ёвуз ва маккор Мефистофели.*

*Яна ҳаётни улкан сазнага, одамларни — ундаги ғийинчиларга ҳам менгзашади. Санъат эса, ўз-ўзидан тайинки, фақат қурбонгина эмас, озроқ қобилият ҳам талаб қилади...*

## Машшоқмисан машшоқ

Жанубий Африқа Жумҳуриятининг Трансваал вилоятидаги Худреит шаҳрилик Питер ван Логгеренбергга етадиган аккордеончи дунёда топилмаса керак. 1987 йилнинг 7—10 июл кунлари ўтказилган Табиат байрами тантаналари чоғи у ўз аккордеонида 85 соат тинимсиз куй чалиб турди. Ё сиз ўз аккордеонингизда бундан узокроқ муддат куй чалишга қодирмисиз? Марҳамат, исботланг!

## Кўмирни кимга ташитган маъқул?

Нима десангиз денг-у, лекин барибир ҳеч ким кўмир ташитида Буюк Британиянинг Смоуллит шаҳрилик Нил Салливанга бас келолмайди. 37 яшар бу паҳлавон 1986 йил 24 майда кўмир тўлдирилган 50,8 килоли қопни 54,7 километр масофага 12 соату 45 дақиқа ичиде тўхтамасдан кўтариб борган!

## Дайлакнинг ҳам ҳаваси келиши тайин

Маълумки, қушлар ичиде лайлак, хусусан, унинг марабу дея номланувчи хили бир оёқда туришга ишқибозлиги билан машхур. 1982 йили ҳиндистонлик Шри Н. Ровий бу борада улар билан «чўқилашиш»га қарор қилди. Шу йилнинг 17—18 апрел кунлари у 34 соат мобайнида бир оёғида типшатиқ турди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу вақт давомида у бирор марта ҳам мувозанатини йўқотмади, ҳеч қандай жисмга таянмади, кўтариғли оёғини тик оёғига суягани ҳам йўқ.

## Ўз номи билан бошпана

Ўз уйи — ўлан тўшаги бўлишини истамаган одам, албатта, йўқ. Лекин ҳолва деган билан оғиз чу-

чимайди-да. Навбат кутган ёки имтиёзларни дастак қилиб идорама идора изғиган билан ҳам бирор натижа чиқиши гумон. Энг осон йўли — АҚШнинг Индиана штатилик Жон Сейндан ўрнак олиб, қартадан уй барпо этиш. Ҳа, ҳа, оддий қартадан. Бировдан қарз кўтариш, зир югуриб қурилиш анжомлари қидиришининг сира ҳожа-ти йўқ. 15 яшар Жон. Сейн 1984 йилнинг майида қарталарни бир-бирига тираб ва устма-уст қўйиб, баландлиги 3,9 метр, жами 68 жағжи қаватлардан иборат «уй» барпо этишга муваффақ бўлди. Лаббай? «Ўзингиз яшанг бунақа уйда!», дейсизми? Нима қипти, яшасак яшайверамиз-да! Номйга бўлса ҳам, ахир, бошпана. Муҳими — ўзимизники, шахсий! Дарвоқе, қуриб бўлайлик, албатта сизларни ҳам меҳмонга чақирамиз.

## Балли, калла!

Маълумотларга қараганда, ҳиндистонлик Милинд Дашмух исмли одам бошига сут тўлдирилган пиша идишни қўйиб, шу кўйи Пуна шаҳридан Лоннован шаҳригача бўлган 65 километр йўлни босиб ўтган. Манзилга етгунга қадар бирор марта ҳам қўлини идишга теккизмаган, сутнинг бир томчиси ҳам тўкилмаслигига эришган.

Ана каллаю мана калла!

Китобни Тўхтамурод РУСТАМ  
нашрга тайёрлаган.

# Мюллер Штирлицни доғда қолдирган

## ЕХУД ЁЗУВЧИ ЮЛИАН СЕМЕНОВНИНГ ХАТОСИ

Маълумки, Штирлиц ва рейхгестапоси гитлерчиларининг бошлиғи Генрих Мюллернинг йўллари урушдан сўнг айри тушган. Полковник Исаев (ёзувчи Ю. Семенов) марказнинг топшириғига биноан зўр бериб ғарб ҳаётини тадқиқ этар, бу пайтда эса унинг ҳаётда ва «Баҳорнинг ўн етти лаҳ-

заси» романидаги лаънати қаҳрамони ўзининг жонини омон саклаб қолиш учун дунёнинг чеккасига — Аргентинага қочишга улгурган эди. Тарихий манбалардан шу нарса маълумки, Мюллерни сўнги бор 1945 йил 27 апрелда Гитлер кўрган. Гитлер ўз соқчаларидан бири хоинлик қилгани ҳақда

куйиниб гапирган ва бу фактни текшириб кўришни Мюллернинг зиммасига юклаган. Мюллер ўз навбатида пошнаси билан ер тепиб фюрернинг буйруғини бажаришга киришган ва шу кўйи исиз ғойиб бўлган.

Нюрнберг жараёнида Мюллер оддий бир сабабга кўра асосий

айбланувчилар рўйхатидан туширилиб қолдирилган эди: иттифокчилар уни 1945 йил Берлиндан қочаётган пайтда ҳалок бўлган, деб ҳисоблашарди. Бу афсонани узок пайт ҳеч ким инкор этолмади, чунки шаҳар мурдаҳонасида Мюллернинг жасадини унинг икки арзанда ўғли таниган эди. 1945 йил 17 майда гестапо бошлиғининг жасади кариндошларининг кичкина гуруҳи иштирокида, полициядан яширинча, Крецберг қабристонига дафн этилди. Ҳақиқий Мюллер эса бу пайтда Буйэнос-Айрес йўлидан бамайлихотир кетиб борарди.

Қари тулки Г. Мюллер барча иттифокчиларни, Штирлицни ва ҳатто ёзувчи Юлиан Семеновни ҳам доғда қолдириб кетган эди. Унинг бу хийласи фақат 1963 йилга келиб ошқор бўлди: Крецберг қабристонига қабри очиб қўришганда у ердан учта бошқа-бошқа одамларнинг суяклари чиқди, аммо уларнинг биронтаси ҳам Мюллернинг хоки-тупроғи эмасди.

Кисқаси, яқинда Мюллернинг Аргентинадаги шахсий учувчиси Енрик Ларко 30 йиллик сукунатни бузиб, собик хўжайинининг сирини очишга жазм этмаганида, эҳтимол сиз билан биз учинчи рейхнинг энг ашаддий жаллоди бу дунёда тинчгина кексалик гаштани суриб юрганидан беҳабар қолардик.

Енрик Ларко 72 ёшда. Чамаси, оғир хасталик бир пайтлар бургут кўзли, девқомат бўлган бу қарияни Мюллернинг Аргентинада кечган ҳаёти ҳақида нимаики билса, барини ўзи билан гўрга олиб кетишга йўл қўймаган қўринади. Е. Ларкони Мюллер билан Буйэнос-Айрес полициясининг бошлиғи Филомено Веласкоснинг ўзи таништириб қўйганди. Бунинг устига, Мюллер ўша пайтдаги Аргентинанинг президенти, нацистларга хайрихоҳ эканини ҳеч қачон яширмайдиган генерал Пероннинг кадрдон дўсти эди. Шу боис, полиция бошлиғи Ф. Веласкос кидирувда юрган ашаддий нацистни яширишга бажонидил кўмаклашган.

— Мен ўшанда ҳали ёш бола эдим, — деб хикоя қилади Е. Ларко. — Кўп нарсаларнинг фаркига бормасдим. Сиёсат билан сира кизикмасдим. Менинг асосий вазифам жаноб Генрих Норман билан учийш эди. Янги хўжайинни менга шундай деб таништиришганди. Мен немис тилини умуман билмасдим. Шу боис, биз Генрих Норман билан имо-ишора орқали гаплашардик. Аммо ўша пайтдаёқ немислар ўзаро гаплашишганда хўжайинини Мюллер деб аташлари диққатимни тортган эди. Мюллернинг ортидан доимо тўрт нафар қуролланган сокчи юрарди. Хўжайин уларга нисбатан ҳаммиша

шафқатсиз муомалада бўларди. Мюллер яшайдиган дала-ҳовли Катамарка музофотининг энг чеккасида жойлашган эди. Бу ерга кўпинча самолётда меҳмонлар келиб туришарди. Меҳмонларнинг аксарият қисми Аргентинадан бошпана топган қочок немислар эди. Уларнинг орасида Вольф исмли кимса менинг ёдимда каттик муҳрланиб қолган. У кўпам ҳарбийларга ўхшамас, қувноқ табиатли, дам-бадам ҳазил-хузул қиладиган киши эди. Кейинчалик менга шу нарса маълум бўлдики, бу кимса Мартин Борман экан.

Аргентиналик журналистлар ўзини Мюллернинг шахсий учувчиси бўлганман деб овоза қилган бу қария нималар айтган бўлса, ҳаммасини қайта-қайта текшириб қўришган. У ҳақиқатдан ҳам, бир пайтлар қочок немислар бошпана топган Катамарка музофотида ишлаган экан.

Яқинда, архивни титкилаб қўришганда, яна шу ҳол ойдинлашдики, Аргентина полицияси Г. Мюллер учун Генрих Норман номли сохта ҳужжат тайёрлаган экан. Ҳақиқий Генрих Норманнинг ўзи эса аллақачон оламдан ўтиб кетган, марҳумнинг номи ҳатто қабристон дафтаридан ҳам ўчириб ташланган. Шундай қилиб, Генрих Мюллер қоғозда, албатта, қонуний Аргентина фуқаросига айланди.

— Дала-ҳовлида биз нима билан шуғулланардикми? — қария Енрик Ларко бошини силкитиб хикоясини давом эттирди. — Ҳар ким ҳар хил юмуш билан банд бўларди. Кўпчилик немислар эрта-лабдан виски ичишга муккасидан кетишарди. Гоҳида бизникига Адольф Менгеле меҳмонга келарди. Мюллер уни кўп ҳам хушламасди. Аммо у билан учрашишни сира қанда қилмас, чамаси, уларни қандайдир махфий иш боғлаб турарди. Мюллер деярли дала-ҳовлидан ташқарига чикмасди. У шу ерда бир хизматчи аёлга уйланди. Бу никоҳдан 1947 йил кизча дунёга келди. Уни Ана деб аташди. Кизча жуда ёқимтой эди. Айниқса, у мени худди энагасидек яхши кўрарди. Мюллер табиатан жуда ҳасис кимса бўлгани учун хотини ва кизчасидан доимо пулини кизганарди. Йўқса, унинг пули жуда кўп эди. Умуман айтганда, немисларнинг барчасида пул кўп эди.

Шунга қарамай, Мюллер ўзини ҳеч қачон хавфсиз ҳис этмаган. Ҳатто, бутун бошли Буйэнос-Айрес полицияси химоясида турса ҳам у доимо қўрқув ичида яшаган. Фақат 1952 йилга келиб сир ошқор бўлди. Аҳоли ўзлари яшайдиган музофотнинг чеккасида қочок немислар яшаётгани ҳақида очик-

ошқора гапира бошлади. Бу жуда хавфли эди. Шу боис, яшаш жойини зудлик билан ўзгартириш лозим эди. Шундай ҳам бўлди: Мюллер шошилиш тарзда Аргентинанинг Месьенос музофотида кўчиб ўтди. Бу ҳатто худо ҳам унутган, ташландик маскан эди. Бунинг устига, шундоққина Бразилия ва Парагвай чегараси яқинида эди. Қочок немислар орасида фақат қувноқ Борман мўлжални узок олди, у биратўла Боливияга ўтиб кетди. Месьенос музофотида Мюллер хотини, кизи ва тўрт нафар қўриқчиси билан 20-йилларда немис истилочилари томонидан қурилган қулбага жойлашди.

Шундай қилиб, ёзувчи Юлиан Семеновга Мюллер билан юзма-юз қўришиш ҳеч қачон насиб этмаган. Мюллернинг кейинги тақдири ҳақида бизга яна қуйидагилар маълум. 1983 йил Аргентина ҳукумати тепасига демократлар келди. Бу Мюллернинг осойишта кечаётган ҳаётига албатта таҳдид солмай қолмайди. Аммо айёрликда шайтонга ҳам сабоқ берадиган Мюллер ўзини хибсга олиш учун эшик қоқиб келишларини кутиб ўтирмайди. Ими-жимиди Парагвай давлатига ўтиб кетди. Бу юртда у ўзини бир қадар хавфсиз ҳис этарди. Чўйки Парагвай ерларида диктатор Алфред Стреснер ҳукуматининг темир қонунлари ҳукм сурарди. Ва шу баробарида Парагвайда Мюллернинг ҳаёти қандай кечганлиги ҳақида бизга ҳеч нарса маълум эмас. Агар уни ўтмишдаги қўрқув хали ўлдирмаган ва ҳамон муҳожирликда яшаётган бўлса, бу йил у 92 ёшга тўлади.

## БУРЖИЙ МУЧАЛ

### Апрел оий учун

#### ҚУЙ

21. III—20. IV

Ушбу бурж остида туғилганлар бутун ой давомида ўзларини лоҳас сезадилар. Атрофдаги барча воқеа-ҳодисаларга бефарқлар, ёлғизликка, гавжум давралардан ўзларини олиб қочишга уринадилар. Асло ўзингизни иш билан уринтира кўрманг, акс ҳолда соғлигингизга жиддий путур етиши мумкин. Асабийлашиш, ортиқча ҳаяжонга берилиш ҳам сиз учун зарарли. Машмашаю жанжалларни ҳам четлаб ўтишга ҳаракат қилинг. Еқимсиз хотираларни эсламасликка урининг, ўзингизни турли кўнгилочар ҳамда дилтортар машғулотлар билан чалгининг. Хайрли кечадиган кунлар: 5, 9, 16, 17, 21, 24. Ойнинг 4, 7, 13, 27-чи кунлари эса эҳтиёт бўлишни маслаҳат берамиз.

#### СИГИР

21. IV—21. V

Ниҳоятда омадли ой. Янги-янги танишлар, улфатлар орттирасиз ва бу ишларингизнинг ривожини таъминлайди. Қайфиятингиз бутун ой давомида кўтаринки бўлади. Дўст-душман орасида зўкколик, ҳозир-жавоблик, ҳазил-мутойибага мойиллик билан ажралиб турасиз.

Бироқ зинҳор бундан бурнингиз кўтарила кўрмасин, акс ҳолда жиддий кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин. Айниқса, оила аъзоларингиз билан муомалада эҳтиёт бўлинг, жигарларингизнинг ҳафсаласини пир қила кўрманг. Сарф-харажатлар ҳам меъёрда бўлишига эришинг, йўқса ой охирига бориб қийналиб қоласиз. Яхшиси, ҳавойи хаёл ва орзуларга кўп берилмай, туғилган имкониятлардан имкон қадар унумли фойдаланишга урининг. Хайрли кунлар: 2, 7, 11, 15, 24. Ушбу кунларда эса эҳтиёт бўлишни тавсия этардик: 4, 9, 17, 28.

#### ЭГИЗАК ҚИЗ

22. V—21. VI

Айниқса, шахсий ҳаётда роса омадингиз чопади. Ой сурункали равишда улфатчилигу меҳмондорчиликларда ўтиши кутилади. Тирикчиликда ҳам жиддий етишмовчилик сезилмайди. Қизиқарли учрашувлар, сафарлар кутиши ҳам мумкин сизни. Ишхонада ҳам ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади: кўнгилсизликлар, жанжаллар бу ой сизни четлаб ўтади. Фақат бир нарсадан эҳтиёт бўлишни тавсия этардик: ортиқча зўриқманг, акс ҳолда соғлигингизга зарар етиши мумкин, бу жиддий оқибатларга олиб келиши ҳам ҳеч гап эмас. Омадли кунлар: 1, 10, 19, 20, 27. Қуйидаги кунларда эса эҳтиёткорликни кўлдан бермасликни маслаҳат қилардик: 3, 5, 22.

#### ҚИСКИЧБАҚА

22. VI—23. VII

Сихат-саломатлик билан боғлиқ муаммолар сизни маълум муддат ташқи муҳитдан узиб қўйиши мумкин. Иложи борица ташвишу муаммолардан чалғишга ҳаракат қилинг. Бирор баҳаво жойга бориб дам олиб келсангиз айни муддао бўларди. Кўпроқ табиат қўйнида бўлинг, жисмоний тарбияга зўр беринг, тирикчилик, ташвишлар ҳақида камроқ бош қотиринг. Оила аъзоларингиз билан муомалада ҳам сипороқ бўлинг. Имкон қадар хайрли кунлардан унумли фойдаланинг. Улар қуйидагилар: 7, 12, 19, 29. Қуйидаги кунларда эса эҳтиёткорроқ бўлинг: 1, 6, 14, 22.

#### АРСЛОН

24. VII—23. VIII

Маъкур бурж остида туғилганлар учун ҳам хийла мушкул ой. Хусусан, ишда ва оила аъзоларингиз билан муомалада эҳтиёт бўлишни тавсия этардик. Ортиқча эҳтиросга берилманг. Турар жойингизни ўзгартиришингиз эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Айниқса, молия соҳасида ишловчиларга ҳисоб-китобни ниҳоятда раво олиб боришни маслаҳат бера-

миз. Шунингдек, ой давомида ор-  
тиқча ҳокимлик ҳисси ҳамда жиа-  
закиликдан ҳам тийилишга ҳара-  
кат қилинг. Уйлаб босилган қадам-  
лар Арслон буржи остида туғил-  
ганларга март ойида моддий ва маъ-  
навий қониқиш келтириши ҳам  
мумкин, шуни унутманг. Эътибо-  
рингизни Арслон учун хийла ха-  
тарли бўлган ушбу кунларга қара-  
тишни истардик: 6, 9, 21, 28, 30.  
Қуйидаги кунлар эса хурсандчилик  
келтириши кутилади: 4, 11, 23, 31.

## БОШОҚ

24. VIII—23. IX

Бошоқ буржи остида дунёга кел-  
ганлар учун бу ой ниҳоятда муҳим.  
Бутун йил давомида қўлга кири-  
тажак муваффақиятларингизнинг  
пойдевори шу ойда қўйилади. Агар  
уддасидан чиқсангиз, албатта. Том  
маънодаги, тадбиркорлик билан  
боғлиқ алоқалар сермахсул бўли-  
ши кутилади. Таҳсил ҳамда ижо-  
дий ишлар учун жуда ўнғай ой.  
Бўйдоқлар эса зийракроқ бўлиш-  
син, акс ҳолда бахт қўшларини  
қўлларидан чиқариб юборишлари  
ҳеч гап эмас. Эҳтиёткорлик та-  
лаб этиладиган кунлар: 10, 12, 24,  
27. Қуйидаги кунларда эса сизга  
шубҳасиз омад кулиб боқажақ:  
1, 7, 9, 13, 22.

## ТАРОЗИ

24. IX—23. X

Бутун ой давомида кўз олдин-  
гида ҳаётнинг ҳали сиз кашф  
элмаган қирралари бор бўйи намоён  
бўлажақ. Маълум сабабларга кўра  
ҳамкасбларингиз, шерингиз ёки  
бошлигингизнинг ишлари зимман-  
гизга юкланиши мумкин. Бу ҳолда  
ҳақ-ҳуқуқларингиз камситилиши  
эҳтимоли йўқ эмас. Лекин асло  
асабийлаша ёки олиша кўрманг,  
кейин пушаймон қилишингиз мум-  
кин. Ишхона ёки улфатлар дав-  
расидаги дилхираликларни асло  
оилага олиб кира кўрманг, акс  
ҳолда шахсий ҳаётда ҳам кўнгил-  
сизликлар келиб чиқади. Синашта  
бўлмаган кишиларнинг гапига кир-  
манг, сирларингизни ҳам уларга  
ишонманг. Ойнинг 2, 4, 7 19-чи  
кунлари айниқса эҳтиёт бўлинг.  
Омадли кунлар эса қуйидагилар:  
6, 9, 12, 27.

## ЧАЕН

24. X—22. XI

Ой мазкур бурж остида туғил-  
ганлар учун ниҳоятда серташвиш  
кечади. Аmmo бу ташвишлар сизни  
у қадар уринтирмайди, айримлари  
ҳатто завқ-шавқ бахш этиши ҳам  
мумкин. Кўпроқ спорт билан шу-  
гулланинг, сайр қилинг, табиат  
қўйнида бўлинг. Шахсий ҳаётда  
деярли жиддий ўзгариш кутилмай-  
ди. Оилада тинчлик-тотувлик ҳукм-  
рон бўлади. Ҳар бир туғилган им-  
кониятдан имкон қадар унумлироқ  
фойдаланишинг пайида бўлинг.  
Атрофдагилар билан муомалада эҳ-  
тиёткорроқ бўлишинг ҳам зарари  
тегмайди. Хайрли кунлар: 5, 14, 20,  
24, 30. Эҳтиёт бўлиш талаб эти-  
ладиган кунлар: 9, 13, 22, 28.

## ЕИ

23. XI—21. XII

Бахтли тасодиф ва учрашувларга  
бой ой. Аввал экилган уруғлар  
айнан шу ой ҳосил бериши кути-  
лади. Ишларингиз ҳамирдан қил  
суғургандек амалга ошади. Дўст-  
ларингиз, улфатларингиз ҳамда  
ҳамкасбларингиз билан муносабат-  
ларингизда жиддий ўзгаришлар  
рўй бериши кутилади. Иложи бори-  
ча улар билан орани совутмасликка  
ҳаракат қилинг, бунда асосан ўз  
зийраклигингизга таянинг, улар  
эҳтиросга аўр берган тақдирда ҳам  
сиз ўзингизни қўлга ола билинг.

Шахсий ҳаётда — тўла осойиш-  
талиқ!

Омад ушбу кунлар сизга кулиб  
боқади: 1, 9, 14, 21, 31. Қуйидаги  
кунлар эса қўнгилсизликлар рўй  
бериши эҳтимоли бор: 4, 11, 17,  
26.

## ТОҒ ЭЧКИ

22. XII—20. I

Мазкур бурж остида туғилган-  
ларда бу ой айниқса ўз-ўзини ан-  
лаш ҳисси юқори бўлади. Қоби-  
лиятлари, ижодлари ва меҳнат  
фаолиятларига муносиб баҳо бе-  
ришларини қаттиқ туриб талаб қи-  
лишади. Ҳамкасаларига нисбатан  
талабчанликлари ниҳоятда ортади,

ижодга, сермахсул меҳнатга майл  
пайдо бўлади. Бироқ ҳар қадамда  
уларга нисбатан ҳам талабчан бў-  
лишади. Бу эса уларнинг қитиқ  
патиға тегади. Юқорида тилга  
олинган майлларни сўндириши ҳам  
мумкин. Оила аъзолари, қариндош-  
уруғлар билан сан-манга бориш  
ҳоллари рўй бериши эҳтимоли ҳам  
йўқ эмас. Шу боис улар билан  
муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик  
талаб этилади. Ҳар нарсада меъёр-  
га риоя қилган маъқул, хусусан,  
ичкиликда. Кўпроқ хордиқ чиқа-  
ринг, жисмоний тарбия билан шу-  
гулланинг, табиат қўйнида бўлинг.  
Асабийлашмасликка ҳаракат қи-  
линг. Омадли кунлар: 3, 9, 17, 22.  
Эҳтиёткор бўлишни талаб этувчи  
кунлар: 1, 6, 15, 19, 28.

## ҚОВҒА

21. I—19. II

Пул масаласида эҳтиёт бўлишни  
маслаҳат берамиз. Иложи бори-  
ча ортиқча ва кераксиз сарф-ҳаражат-  
лардан қочинг. Шунингдек, ўзин-  
гизни ортиқча уринтирманг, асаб-  
ларингизни ҳам эҳтиёт қилинг.  
Ваъдаларга учманг, олтин тоғ ваъда  
қилишса ҳам воз кечинг. Бориға  
шукр қилиб туринг. Дўстларингиз,  
улфатларингизни аянг, ҳадеб улар-  
ни эмзалигингиз билан безор қил-  
манг. Турли можаро, жанжаллар-  
га бош қўшманг. Оилада сипо бў-  
линг. Келгусидаги ишлар учун за-  
мин ҳозирланг, куч-қувват тўпланг.  
Қуйидаги кунлар сизни шод этиши  
кутилади: 1, 4, 9, 12. Ойнинг ушбу  
кунлари эса дилингни хира қи-  
лиши мумкин: 7, 14, 18, 24, 29.

## БАЛИҚ

20. II—20. III

Апрел ойида Балиқ буржи ости-  
да туғилганларда нафақат ўз қоби-  
лиятларини кўрсатиш, балки бош-  
қаларга сўзларини ўтказиш майли  
ҳам юқори бўлади. Мақсадларига  
эришиш йўлида ҳеч нарсадан қай-  
тишмайди. Қатор ошиб ўтиш муш-  
кул тўсиқлар пайдо бўлади. Мут-  
тасил равишда баҳслашишга, ҳатто  
жанжаллашишга тўғри келади.  
Қатъиятли бўлинг, ортага чекини-  
ни ҳаёлингизга ҳам келтирманг.  
Йил охирида хурсанд бўласиз. Нис-  
батан осуда ва хайрли кечадиган  
кунлар: 7, 21, 24, 31. Қийинчилик-  
лар қуйидаги кунларда туғилиши  
мумкин: 2, 9, 16, 19, 27.

### «СЕНСИЗ, СЕНИНГ СЕВГИНГСИЗ

### ЖОНИМ ҲАЛОВАТ БИЛМАС...»

#### Биринчи мактуб

Мен ёзган мактубларга жавоб олмай туриб, сенга қайта мактуб ёзиш ниятим йўқ эди. Аммо ҳозир ярим тун, ҳаво ниҳоятда дим, кўзларимга ҳеч уйку инмаяпти...

Сенинг фариштасиймо суратинг тунги столим устида турибди. Мен унга мўъжизакор тамарин дарахтидан хошия ясадим. Энди сенинг кўзларинг, гарчи мен уларни қачонлардир яқинимда кўриш умидини йўқота бошлаган бўлсам-да, туну кун менга тикилиб туради.

Мен сен ҳақингда, сенинг ўй-хаёлларинг ҳақида ҳеч нима билмай туриб бундай сўзларни ёзишим ғалати туюлади. Бироқ, инсоф билан айтганда, ўтган узок йиллар мобайнида мен сени бир дақиқа бўлса-да, унутганим йўқ, сен ҳақингдаги хотира — бу мен учун мангу оғриқдир.

Шунга қарамай, менинг айни пайтдаги режаларим сенга маълум бўлган бир чоғда биз бир-биримизни ҳеч қурса, ҳаёлан ёд этиб турайлик. Бу бизни бир-биримизга боғлаб турадиган энг сўнгги йўл деб ўйлайман. Ёлғизлик азоби менинг суяк-суякларимга бориб етди, мабодо сен келмайдиган бўлсанг, мен бошқа истаган аёлга уйланишга тайёрман.

Сенингни, бу ёввойиликми? Йўқ, янглишасан, азизим, қачонки сен бу ерга келиш тўғрисида иккилансанг, мана шу ёввойиликка қиради. Агар билсанг, бу ерда менинг «жаноб консул» деган унвоним бор, жамоатчилик орасида ҳам обрўйим анча баланд. Бунинг устига, кўпгина оналар (баъзиларнинг кизлари жуда ёқимтой) мени ўзларига қуёв қилиш илинжида юрганини ҳам сезаман...

Тушун!

Мен ҳеч қачон ўзга бир қизни

сенчалик ёниб севмаганман, ...Ҳеч қайси қизни сенга тенглаштириб бўлмайди. Сен нақадар гўзалсан, ...

Сен энди мамнунмисан?

Энди сенинг бу ерга таширинг тўғрисида саволга қайтсак. Сен ўзингга маълум компаниянинг параходида бу ерга бемалол етиб келишинг мумкин, деб ўйлайман. Бу компаниянинг ..., ... ва бошқа жойларда бўлимлари мавжуд. Параходнинг каяталари аъло даражада безатилган, чипта баҳоси минг песо туради.

Сен менга очикрок ёз, сенда пул масаласи қандай? Ўйлайманки, сен нимани истасанг, шуни бажаришга қурбинг етади. Аммо мен сенга пул жўнатишим шартми ёки йўқми, шуни аниқ билишим керак.

Менинг ўй-хаёлим ҳар куни ҳар дақиқа бир савол билан банд: у келармикин?

Сен ... ҳатто тасаввур ҳам этолмайсан, мен ...дан қанчалик узокдаман. Менга газеталар ҳам, мактублар ҳам етиб келмайди.

Яқин кунлар ичида сендан мактуб оламан, деб умид қиламан ва шунда сен ҳақингдаги нохуш хаёллар мени ортиқ безовта қилмайди.

Буларнинг барчаси ваҳима, ...! Сенсиз, сенинг севгингсиз менинг жоним ҳеч қачон ҳаловат билмайди, ...!

Сенинг...

#### Иккинчи мактуб

...га етиб келгач, бошқа мактублар катори сенинг номангни ҳам олдим, ... Қизиқ, бир-бирига мутлақо тесқари ёзишмалар. Р.дан ҳам мактуб келди. Бугун бениҳоя хурсандман. ... Азизам, мана кирғокда туриб мактубингни ўқиб чиқдим ва шу заҳоти жавоб ёзаяпман.

Кутурган денгиз шовкинидан қулоқларим том битган. Бу ерда обҳаво қутилмаганда ўзгариб турар экан. Ҳозир изғиринли кунлар бошланган.

...Энди сен менга имкони қадар тез-тез мактуб ёзиб тур. Мен бу сарҳадсиз, бўм-бўш кирғокда юрак ваҳимага тушар даражада ёлғизман. Менинг сендан ва мана шу ёлғизликдан бошқа ҳеч кимим йўқ бу оламда.

Умуман айтганда, яқин кунлар ичида сенга ўз ҳаётим ҳақида батафсилроқ ёзаман ва сенга денгиз каби шовкин солиб турадиган сарик чиғаноқ юбораман. Бу тухфам сенга менинг исмиمنى денгиз тилида кўшиқ қилиб айтиб туришини истайман.

Сени ҳаёлан кўп марта қучиб қолувчи...

#### Ҳурматли жўрналхон!

Ўтган сонларда айтганимиздек, юқорида келтирилган муҳаббатномалар муаллифи ким эканини топишни тағин сизнинг эътиборингизга ҳавола қилаётимиз.

Албатта, бу номаларнинг муаллифи ким эканини топиш сизга бироз мушқуллик туғдирар, азиз муштарий. Биз шуни инobatга олиб, муаллиф тўғрисидаги баъзи маълумотларни ошкор қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Қисқаси, у оламга машҳур шоир, сиз, табиийки, унинг жозибадор шеърларини кўп марта мутолаа қилган ва завқшавк олгансиз.

Энди бу ёғини сизнинг зийрак ақлингиз ҳукмига қолдирамиз. Уйланг, бош қотиринг, ким у?

Ваъда этганимиздек, мукамал жавоб эгаларини мукофот қутади!

Тўхтамурод  
Рустам



## РЕМБО

## УРУШДАН

## ҚАЙТДИ

Амрико кино «юлдузи» Силвестр Сталлоненинг юртимиздаги «қалдирғоч» мухлислари собиқ марказий телевидениенинг сиёсий кўрсатувлар муҳарририятига ҳайкал қўйишса арзийди. Чунки айнан шу ижодий жамоанинг саъй-ҳаракатлари туфайли илк бор у билан юз кўришишга муваффақ бўлган. Буржуа маданияти ёхуд турмуш тарзига мағзава ағдариш ҳақида юқоридан кўрсатма келди дегунча улар Сталлоне иштирокидаги филмларга мурожаат қилишарди. Мана, у спорт саройи узра мағрур хилпираётган ишчи-деҳқон бирлигининг алвон байроғига нафрат билан қарамоқда; мана, у уммон ортидан атай галаба истаб келган Иван исмли рус «айиғи»ни уялмай-нётмай уриб, қора қонига беламоқда; мана, у бутун дунёда ягона адолатли жамият барпо этишдек олижаноб мақсадда ўзга қитъага қадам ранжида қилган шўро аскарларига қўлда қурол билан қирон келтирмоқда... Айтинг-чи, бундан ортиқ мурдорлик қайда бор? Нақадар ёвуз, ичиқора, золим-а улар!.. Тамоман тескари мазмундаги «ғоявий савияси юксак» ўзимизнинг филмлар эса ҳисоб эмас. Чунки, бизга мумкин. Чунки, биз — адолат пешволаримиз. Шундай экан, биздан бесўроқ, яна бизга қарши ишланган филмлардан олинган бу кичик-кичик парчалар юртининг адолат-пеша ва ҳалоскорлигига юз фоиз

ишонган аъвомда қанчалик нафрат уйғотганини тасаввур қилиш у қадар қийин бўлмаса керак.



Орадан пича вақт ўтди. Худди ўша «ёвуз, ичиқора, золим» одамлар яшайдиган эллардан «видео» деган бало оқиб келди. Биз узун-қисқа бўлиб ўша, «ойнаи жаҳон» орқали таниш филмларни тўлалигича томоша қилиш иложини қидира бошладик. Тўлароқ нафратланиш учун, албатта. Аммо... нафратланиш имкониятини ниҳоят қўлга киритгач, бу ҳақда тамомила унутдик. Фақат анчадан сўнг, навбатдаги «мағзава бўрони» чоғида бу ёдимизга тушиди ва илк бор росмана ҳайрат-ла ўзимизни саволга тутдик: «Ватанини шу қадар яхши кўрар экан, хўш, бу йигитчада нима айб? Биз ҳам ўз юртимизни шу йигитчачалик яхши кўришга қодирмизми?..»

Холбуки, «йигитча» бу пайтда салкам қирқ ёшни уриб қўйган эди аллақачон.

Майкл Силвестр Сталлоун (бизда у «Сталлоне» тарзида қабул қилинган) 1946 йилининг 6 июлида Нью Йоркда таваллуд топди. Унинг ота-

си — ситсилиялик муҳожир Фрэнк Сталлоне шаҳардаги сартарошхоналардан бирида хизмат қиларди. Онаси — Жаклин Сталлоне эса асли фарангистонлик бўлиб, «Даймон хоршоу» хориди куйлар ва оиладаги асосий тонармон ҳисобланарди. Оила бошлиғи — Фрэнк Сталлоне анчадан буён мустақил равишда бир иш бошлашни кўнглига тугган, бироқ сира бунинг учун дастмоя тонолмай гаранг эди. Ниҳоят, 1951 йили унга омад кулиб боқди ва Сталлоне «Фрэнк хэйр стайлисто» номи остида бир қанча гўзаллик салонлари очишга муваффақ бўлди.



Силвестр ўз болагини хотирларкан, унинг танҳоликда ва мазмунсиз ўтганига урғу беради. Вақтининг асосий қисмини уйдаан ташқарида ўтказишига қарамай. Слай (Силвестр исмининг қисқарган шакли шундай) биронта ҳам қўшни бола билан дўстлашмади, бирор-бир зумрашалар гуруҳига қўшилмади. Слай тенгқурларидан ўзини олиб қочарди, чунки кўзлари тушиди дегунча мазахлаб кулишарди унинг устидан. Сабаби — сўзларни бироз бузиб талаффуз этарди

у. Тугилаётган чогида олган жароҳатининг асорати эди бу. Сталлоне ҳозиргача болалигини алланечук хасрат билан эслайди, ўзини мудом Гюгонинг «Париж Мома ибодатхонаси» рўмони қахрамонларидан бири — бадбуруш Квазимодо каби хис этганини тан олади.

Ота-онаси бир-бирлари билан ажрашишга қарор қилишганида Силвестр эндигина ўн бир ёшга қадам қўйган эди. Шундан сўнг у онаси билан бирга Филадельфияга кўчиб кетди. Бироқ улар бу ерда ҳам кўним топишолмади ва орадан кўп ўтмай Майамига кўчиб ўтишди. Онаси бу ерда пластик жарроҳлик билан шуғулланувчи кичкинагина шифохона очди.



Ўн олти ёшга тўлгунига қадар Силвестр кўрмаган мактаб қолмади, ҳисоб. Уларнинг деярли барчасидан Слай дарсларни яхши ўзлаштирмай, муаллимларни хуноб қидавергани туфайли ҳайдаларди. «Ўқитувчилар нуқул мени қачон ақл битади-я мияннга, деб койишгани-койишган эди», дея ҳикоя қилади бугун Сталлоне кулиб. Кунлардан бир кун у дарслардан қочиб, спорт машғулотлари ўтадиган залга адашиб кириб қолди ва бекорчиликдан соққатош билан машқ қилиб, мускулларини пишита бошлади. Амиқо Қўшма Штатлари Ветнамга қарши уруш бошлаганида Сталлоне кунни кеча мактабни битирган гўр ўсмир эди. Бироқ қонун, маълумки, одам танламайди, у барча учун баробар. Тенгмўйсалари қатори Силвестр ҳам ҳарбий хизматга қақирилди. Аммо фарзандининг тақдирдан ташвишга тушган онаси қонунга қарши бориб, уни уруш чангалидан қутқариб қолиш йўлларини қидира бошлади. Ниҳоят, узоқ уринишлардан сўнг баландмақом таниш-билишлар ёрдамида Слайни Швезариядаги нуфузли коллежлардан бирига жисмоний тарбия муаллими қилиб ишга жойлаштиришга муваффақ бўлди. Сталлоне шу даргоҳда илк бор сахна маданияти билан ошно бўлди — коллеж талабалари томонидан қўйилган бир неча томошада кичик-кичик ролларни ижро этди. Бу унинг нимагадир нисбатан биринчи жиддий қизиқиши эди. Борабора у англадики, пора дил учун сахна энг аъло малҳам экан. Ва Слай ўзини буткул санъатга бахшида этишга қарор қилди.

Орадан анча вақт ўтди. Ветнам уруши олови сўнди. Вазият бирмунча барқарорлашгач, Сталлоне АҚШга қайтишга қарор қилди.

Онаси бағрида пича яшагач, Майами дорилфунунининг театру санъати бўлимига ўқишга кирди. Бироқ бу ерда ҳам нуқул ундан нолишгани-нолишган эди. Шу даражага бориб етдики, ҳатто айрим домлардангал унда истеъдод учкунини ҳам кўришмаётганини маълум қилишди. «Ҳаддан ташқари ҳовлиқма, ўнка, ҳаракатлари сира бирига қовушмайди, ўзини туттишида самимийлик, салобат йўқ», дейишарди кўни кўрган, тажрибали мутахассислар.

Аммо бу ўт-олов Сталлоненинг нарвосига ҳам келгани йўқ: бир неча ўзи сингари «тан олинмаган даҳон»ни тўплаб, дорилфунунга кўшни черков ертўласида мўъжазгина театру ташкил қилди у. Томошалар жўшқин, бироқ деярли кимсасиз «зал»да кечарди. Ҳар бир томошада, иккита-учтадан ортиқ кимсани учратиш душвор эди. Улар ҳам адашиб кириб қолган бекорчилар бўлиб чиқарди. Тайинки, бу улур мақсадлар сари интилмиш талабаларни асло қаноатлантирмас эди. Слай қанча тиришмасин, барибир дорилфунунда ўқиб, бир нарсага эришолмаслигини сездиди ва қўлига диплом тегишига озгина муддат қолганига ҳам қарамай, бу даргоҳни тарк этди.



Дорилфунундан ташқарида Слайни қайноқ ва бешафқат ҳаёт кутиб турарди. Очдан ўлмаслик учун у қайси тешикка бош суқиб кўрмади: мардикорлик қилди, ҳайвонот боғида фаррош, меҳмонхонада эшик оғаси бўлиб ишлади. Аммо нимаики иш қилмасин, сахна орзуси уни бир дақиқа ҳам тарк этмади. Ниҳоят, Слай 1969 йили Нью-Йоркда кичкинагина бир театру гуруҳини топди. Гуруҳга уни бажонидил қабул қилишди. Сталлоне бу ерда қарийб икки йил ишлади. Ҳа, и ш л а д и, асло ижод қилгани йўқ. Зеро, тўм маънодаги ижод учун бу ерда ҳеч қандай имконият йўқ эди. Асосан кўнгилочар томошалар намойиш этилар, мақсад — амаллаб кунни кеч қилиш, жаҳолат уммонида гарқ бўлиб кетмаслик эди.



Сталлоненинг кинодаги фаолияти анча кеч бошланди. Илк бор кинода суратга тушганида у салкам ўттиз ёшда эди. Тайинки, кичкина,

арзимас роллардан бошлашга тўғри келди. Унга нуқул жосус, ўғри ёки безори ролини топширишар, бор-йўқ иш ё бирортасининг турқиға ўхшатиб тушириш, ё чангитиб сўқинишдан иборат эди. Шунга қарамай, Сталлоне тинимсиз изланишда: бадий ижод ҳамда филмлар учун сенарий битиш билан банд. Деярли ҳар hafta янги бир филм гоёси туғилади, қисса кетидан қисса, рўмон кетидан рўмон дунёга келади, у ижарага олган хона қават-қават қоғоз тахламларига тўлиб кетган. Аммо барчаси бефойда, биров унинг «ашъор»лари билан ҳатто қизиқай ҳам демайди...

Бироқ, мана, ниҳоят, умид учкунни милтиллагандек бўлди. 1974 йили экранларда «Флэтбушлик киборлар» номли филм намойиш этилди. У қисқа вақт ичида танқидчилар диққат-этиборига тушди. Филм ҳақида матбуотда кўп-кўп тақризлар эълон қилина бошланди. Кўнлардан бир кун газет варақлаб ўтириб, Силвестр навбатдаги шундай тақризда ўз исмини ҳам ўқиб қолди. Филмда ижро этган роли учун унга бинойидек ҳақ тўлашди. Нима бўлганда ҳам, умри бино бўлиб у ҳали қўлида бу қадар кўп пул ушламаган эди. Бу пулга Слай эски, лекин ҳайдаса бўладиган автомобил сотиб олди ва Ҳолливуд сари жўнади. Мақсади — ашъорларини таниқли продюсерларга кўрсатиб, улардан «оқ йўл» олиш эди. Аммо бу ерда ҳам унинг ижоди билан қизиқадиган бирорта мардум топилмади ва Сталлоне яна бир нечта филмда майда ролларни ижро этиш билангина кифояланишга мажбур бўлди.

Ҳа, унинг ўрнида бошқа одам аллақачон қўлини ювиб, қўлтиғига урган бўларди. Лекин Сталлоне олдиға қўйган мақсадидан чекинишни ҳаёлига ҳам келтирмади ва оқибат — омад унга кулиб боқди.



Ҳаммаси сира қутилмаганда содир бўлди. «Ойнаи жаҳон» орқали машҳур боксчи Муҳаммад Али ҳамда Чак Уиннер ўртасидаги жангни кўрсатишаётган эди. Уиннер нисбатан ёш ва тажрибасиз бўлишига қарамай, жаҳон чемпионига бинойидек қаршилиқ кўрсатди ва фақат сўнгги, ўн бешинчи бўлимнинг ниҳонсидагина нокаутга учради. Ахир сенарий учун тап-тайёр мавзу эмасми бу?! Сталлоне дарҳол енг шимариб ишга киришди ва санокли кўнлар ичида сенарий тайёр бўлди. Ўша заҳотиёқ бир нечта кинокомпания ундан мазкур сенарийни сотиб олиш истагини билдирди.

Компаниялардан бири ҳатто мисли қўрилмаган пул — 265 минг доллар ваъда қилди. Бош ролга Берт Рейнолдс, Жеймс Каан, Уоррен Битти сингари кино «юлдуз»ларидан бирини таклиф қилиш мўлжалланди. Бироқ Сталлоне шартни бошқача қўйди: беш ролни фақат ўзим ижро этаман, деб айтди у, кўнсаларинг — шу, кўнмасадаринг — йўқ! Ҳолбуки, бу пайт унинг чўнтагида бор-йўғи 106 доллар пул бор эди. Устига устак, хотини ҳам хомиладор, яқин кунлар ичида кўзи ёриши кутилди. Охири шунга келишиди: майли, Сталлоне бош ролни ижро этади, аммо «Юнайтед Артисте» компанияси сенарий учун унга «атиғи» 75 000 долларгина тўлайди. Агар филм томошабинлар томонидан яхши қабул қилинса, жами фойданинг ўн фоизи ҳам уники....

Ким билибди дейсиз бу «ўн фоиз» атиғи бир йилдан сўнг неча милён долларни ташкил қилишини?!



«Рокки» номли маълум ва машҳур филм шу тахлит дунёга келди. Унинг қисқача мазмуни шундай: машҳур қора танли боксчи Апполло Крид кўрғазмали жанг учун ўзига рақиб қидиради. Шарт шуки, рақиб «халқ ичидан» бўлиши керак. Довга жуда катта миқдорда пул қўйилган. Ниҳоят, ҳаётда сира омади чопмаган хаваскор боксчи — италиялик ишчи йигит Рокки Балбао дўстларининг қистови билан жангга розилик беради. Олишув катта байрам — АҚШ ташкил топганига 200 йил тўлиши арафасида бўлиб ўтади. Крид голиб чиқишига юз фоиз ишонган, ғалабасини мазкур байрамга бағишлашини аллақачон эълон қилиб ҳам қўйган эди. Аммо иш чаппасига айланди. Тинимсиз машқлар, дўстларининг қўллаб-қувватлашлари натижасида Роккида яна ўз кучига нисбатан шонч пайдо бўлди. Крид билан олишувга руҳан чўккан, ҳаётдан кўнчи қолган Рокки эмас, сўнги нафасга жанг қилишга тайёр чинакам курашчи чиқди. Натижада осонгина ғалаба қозонишни ўйлаган Крид бир неча бор нокдаунга учради, мухлисларининг олқишлари ҳам уни ыўғлубийатдан қутқариб қололмади. Рокки эса голиб чиқди, шон-шухрат ва йирик миқдордаги пул мукофотини қўлга киритди, сўйган қизининг муҳаббатига сазовор бўлди...

Шон-шухрат, пул ва мухлислар муҳаббатидан Рокки Балбао ролининг ижрочиси — Силвестр Стал-

лоне ҳам қуруқ қолмади, албатта. Бироқ гойибдан келган бу «бахт куши» уни сал бўлмаса фожиага гирифтор қилаёзди. Ёдингиздадир, Сталлоне катта актёр бўлиб етишиш иштиёқида ёнарди. Рокки Балбао ролига ҳам у худди шу нуқтаи назардан ёндошганди. Энди, унча-мунча обрўга эга бўлгач, қайси филмда қайси бир ролни ижро этишни бемалол унинг ўзи хал қилиши мумкин эди. Бироқ ҳарчанд уринмасин, Рокки ҳақидаги филмни олқиш билан кутиб олган томошабин уни бўлак шамоийлда қабул қилишни истамди. «Рокки»дан сўнг экранларга Сталлоне иштирокидаги икки филм («Ф.И.С.Т» ҳамда «Сўлим хиёбон») чиқди, бироқ униси ҳам, буниси ҳам томошабинлар эътиборини қозонмади. Сталлоне уларнинг онгига метин ирода ва темир мускуллар рамзи сифатида ўрнашиб улгурган эди. Вазиятдан чиқишнинг ягона йўли «Рокки» филми билан бошланган мавзунинг давом эттириш эди. Шунинг натижаси ўларок, биринкетин «Рокки 2» (1979) ҳамда «Рокки 3» (1982) дунёга келди. Улар мазмунан биринчи филмдан деярли фарқ қилмасди. Рокки руҳан сиёнади, сўнг яна зўр бериб машғулотларга киришади ва кучли рақиб билан олишиб, голиб чиқади. Биринчи филмдан фарқли ўларок, кейинги икки филмнинг ассосини рингдаги олишувлар ташкил қилади. Айниқса, «Рокки 3» бадиий филмдан кўра кўпроқ спорт репортажини эслатади. Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, томошабинлар томонидан олқиш ва шовшув билан қарши олинганига қарамай, бу икки филм бадиият нуқтаи назаридан бирор-бир қимматга эга эмас эди.



Бу саксонинчи йилларнинг бошланишига, дунё бўйлаб «совуқ уруш» нафаси кеза бошлаган бир пайтга тўғри келди. Барча қатори Сталлоненинг қахрамонлари ҳам юртларини ташқи душмандан ҳимоя қилишга қизгин ҳозирлик кўра бошлаганди. Душман эса бу пайт битта — «буюк ва қудратли» Шўролар Иттифоқи эди. Қуролланиш пойгаси ақл бовар этмас суръатга етган, Афғонистонда қонли босқинчилик уруши авжга чиққан, АҚШга нисбатан душманона кайфиятдаги мамлакатлар сони (Никарагуа, Гренада...) ёмғирдан сўнги қўзиқоринлар мисол кундан-кунга ортаб борарди. Тайинки, икки қарама-қарши тузум ўртасида юзага келган таранг вазият жамоатчилик

кайфиятида, шунингдек, адабиёт ва санъатда ҳам акс садо бермай қолмади. Биринкетин «Қизил тонготар», «АҚШнинг босиб олиниши», «Оловранг тулки», «Буюк қирғин» каби шўроларга қарши руҳдаги филмлар пайдо бўлди. Аммо улоқ сўзсиз ватан ҳимоячиси — қўрқув билмас ва мард Рембо ҳақидаги филмда кетди. Рембонинг ўзи эса қисқа вақт ичида АҚШнинг 1-чи сонли қахрамонига айланди. Бу жасур ватан фарзанди ролини экранда Силвестр Сталлоне жонлантирди.



Рембо ҳақидаги «қалдирғоч» филм «Биринчи қон» деб аталади. Жон Рембо — Вьетнам уруши қатнашчиси — юртига қайтиб, ўзига нисбатан тамомила бефарқ муносабатга дуч келади. Биров унинг тақдири билан қизиқмайди, қаерга қадам қўймасин камситилади, ҳақорат эшитади... Ниҳоят, собиқ аскарнинг сабр косаси тўлади: маррур, ўзига тўқ политсиячилар ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ ёқасидан олиб, деворга сиқишгач, туйқус ҳаёлида Вьетнам даҳшатлари, душман асирлигида чеккан азоб-укубатлари жонланади ва... Тамом! Рембо мудроқ уйқудан уйғонади, даҳшатли қирғин қуролига айланиб, бефарқлик ва адолатсизликка қарши курашга киришади. Мана, бугунги Амриқонинг қахрамони қандай: айни билаги кучга тўлган бир пайтда у яратилган ва ҳаёт неъматларидан лаззатланиш ўрнига ўз мамлакатига қарши исён кўтариш, уни «мудроқ уйқу»дан халос этишга киришишга мажбур.



«Биринчи қон»дан сўнг «Рембо 2» (1985) ҳамда «Рембо 3» (1988) дунёга келди. Биринчи филмда воқеалар Вьетнамда (Сталлоне асирга тушган биродарларини қидиради) кечса, иккинчисида қонли Афғонистонга кўчади (Слай мушкул ахволда қолган командири сари ёрдамга ошиқади).

«Рембо 2» ҳамда «Рембо 3» оралигида Сталлоне Рокки ҳақидаги филмларнинг тўртинчисида (1985) ҳам суратга тушишга улгурди. Бу филм шуниси билан қизиқки, унда Рокки шўролар юртидан ташриф буюрган афсоналардаги баҳайбат девни эслатувчи, муштлари тўқмоқдек боксчи (аслида — давлат хавфсизлиги кўмитаси ходими)га қар-



ши олишади. Мазкур филм ҳам, худди Рембо ҳақидаги юқорида зикр этилган икки филм каби, фақат сиёсат ва тарғибот учунгина хизмат қиларди.



Хуллас, Сталлоне ўз мақсадига эришди: унинг ўзи ҳам, қаҳрамонлари ҳам жаҳон миқёсида юксак маъқега эга бўлди, ҳатто миллий қаҳрамон даражасига кўтарилишга қадар борди. Аммо ҳануз унга бир нарса тинчлик бермасди: ахир унинг нияти руҳий зиддиятларга тўла, катта ролларни ижро этиш эди-ку?! Слайни эса режиссёрлар асосан ҳаддан ташқари жўн, сийқа ролларга таклиф қилишарди. У бош ролларни ижро этган «Тунги қирғийлар» (1981), «Кобра» (1986) ҳамда «Тутқунликда» (1989) номли филмларни бемалол Рокки ва Рембо ҳақидаги етти филм қаторига қўшиш мумкин. Сталлоне сўнги ўн йил ичида суратга тушган қолган беш филмга келсак, уларнинг иккитаси — «Ҳаёт-мамот жанги» (1983) ҳамда «Рейн жавҳари» (1984) танқидчиларнинг калтагига учради. Навбатдаги «Ғалаба» (1981) деб аталмиш филм шу жиҳатдан эътиборга моликки, унда Сталлоне Майкл Кейн, Макс фон Сюдов сингари машҳур актёрлар ҳамда... афсонавий футбол қироли Пеле билан биргаликда суратга тушган. Пеленинг филмдаги иштироки шу билан изоҳланадики, у 1944 йили немис конслагери тутқунлари ҳамда фашистлар футбол жамоаси ўртасида кечган ўйин ҳақида ҳикоя қилади.



Сталлоненинг тан олишича, ўзи учун энг қадри деб у «Бор кучни аямай» (1987) ҳамда «Танго ва Кэш» (1989) номли филмларда ижро этган ролларини ҳисоблайди. Мазкур ролларнинг муваффақиятини шу нарса изоҳлайдики, улар истеъдодли, мохир режиссёрлар билан ҳамкорликда яратилган. Хусусан, «Танго ва Кэш» Амиқода яшовчи рус муҳожирини, машҳур кинорежиссёр Андрей Михалков-Кончаловский томонидан суратга олинган.

1990 йили эса сира қутилмаганда экранларда «Рокки 5» пайдо бўлди. Ўн йиллик тинимсиз олишув ва қонли жанглардан сўнг, ниҳоят, Рокки ринг билан видолашишга,

бокс қўлқопини деворга қозиқлашга қарор қилди. Филм анча аяичли хотима топди: Рокки бир тийинсиз қолди. Ҳаммаси худди рисоладагидек: бокс оламига тешик чўнтак билан келган эди, тешик чўнтак билан кетди. Қарийб ўн йил давомида не-не қудратли ва ёвуз рақибларни доғда қолдиргани, не-не метин мафқураларни зир титратгани ҳам фойда бермади. Начора, қисмат экан-да, Роккини бу оламга олиб кирган ва уни экранда жонлантирган шахс — Силвестр Сталлоненинг ўзи шунга қарор қилди. Дарвоқе, мазкур филмнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда томошабин Сталлоненинг ўғли — Сэж билан ҳам танишади.



Миш-мишларга қараганда, Сталлоне яқин орада яна бир анъанавий қаҳрамони — Рембо билан ҳам видолашиш ниятида. Қаерда, кимга қарши жангга киришаркан у бу сафар, дейсизми? Қанча бош қотирманг, барибир тополмайсиз! Ғарб матбуотининг ёзишича, ўтда куймас, сувда чўкмас қаҳрамон бу сафар... атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши курашга бел боғларкан! Бунинг қанчалик ҳақиқатга яқин ёки яқин эмаслигини, албатта, вақт кўрсатади. Аммо бир неча йил давомида мафқуравий қорчалонлар қўлида қўғирчоқ бўлиб хизмат қилиб келган «Рембо» — Силвестр Сталлоненинг «уруш»дан қайтганига ҳеч шубҳа йўқ. Ахир у ўсмирлик чоғидан катта актёр бўлиб етишиш, салмоқли роллар ижро этиш ишқи билан ёнарди-ку. Ноумид — шайтон. Ким билсин, яқин вақт ичида уни Ҳамлет, Отелло ёхуд шох Эдип ролида учратиш қолсак ажаб эмас.

«Кўз — кўрмаган, қулоқ — эшитмаган... «Гиннеснинг рекордлар китоби» — Ўзбекистонда!» мажмуасидан ташқари «Ёшлик» кутубхонаси сериясида «Юлдуз бўлиш осонми?» номли китоб ҳам нашрга тахтланди. У жаҳон кино ва мусиқа санъати юлдузлари ҳақида ҳикоя қилади. Митхун Чакроборти, Арнолд Шварценеггер, Майкл Жексон, Мадонна, Брус Ли... Бу номларни билмаган, улар ҳақида эшитмаган киши топишмас керак. «Юлдуз бўлиш осонми?» китоби билан танишган, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида янада муфассалроқ тасаввурга эга бўласиз. Чиройли рангин муқовали мазкур китоб 1993 йилнинг II чорагида нашрдан чиқади.

Шунингдек, «Ёшлик» журнали «Меърож» кичик қорхонаси билан ҳамкорликда сизга машҳур полвон Турсун Али Муҳаммаднинг «Полвонлик сирлари» китобини, «Раҳуллох дуолари» сериясида чоп этилган «Шифобахш дуолар», «Пайгамбаримиз ўргатган тасбиҳлар ва фазилатли таҳмидлар» ҳамда «Тонгдан оқшомгача...» мажмуаларини ҳам таклиф этади. Ушбу китобларни ва «Ёшлик» журналини тарқатишни истаган ўртоқлар ҳамда ташкилотлар тахририятга мурожаат қилишлари мумкин. «ЁШЛИК» НАШАҚАДА СИЗНИНГ МАЪНАВИЙ-ОЗИҚ, БАЛКИ ДАРОМАД МАНБАИНГИЗ ҲАМДИР!

Муқованинг биринчи бетида жаҳон кино санъатининг ёрқин юлдузи Силвестр Сталлоне.

Муқованинг 4-бетида rassom Сайфулла СУБХОНОВ асари